

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

Холмухаммедов С.И., Ҳакимов Р.Ж.

**Г.И. Глушков ва бошқалар “Аэродромларни қидириш ва лойиҳалаш”
Олий ўқув юртлари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган
иккинчи нашрдан таржима**

**Г.И. Глушков ва бошқалар “Аэродромларни қидириш ва лойиҳалаш”
Олий ўқув юртлари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган
иккинчи нашрдан таржима**

Россия Федерацияси Олий ва Ўрта таълим Вазирлиги томонидан таълим йўналиши 5580200-“Бино ва иншоотлар қурилиши”, 5A580206- “Автомобил йўллари ва аэродромлар” мутахассислиги бўйича таълим олувчи олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида чоп этилган.

Дарсликда аэродромларни қидириш ва лойиҳалаш асослари баён этилган: ҳаво трассалари ва фуқаро авиацияси аэропортлари, аэропортнинг режавий ечимларини асослаш, аэродромларни учш полосаларини лойиҳалаш, аэродромларнинг учиш-қўниш тасмалари ва аэропортларнинг ўтказувчанлик қобилияти, руллаш йўллари ва перронни ҳаво кемаларини тўхташ жойларини тамойиллари, аэропорт маъмурий-техник худудларининг бош режаси, аэропортларнинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, аэродромларни вертикал режалашга қўйиладиган талаблар, аэродромларнинг грунт юзаларини вертикал режалашни лойиҳалаш, аэродромларнинг сунъий қопламаларини вертикал режалашни лойиҳасини расмийлаштириш, учиш майдони грунтининг сув режими ва сув қочириш, дренаж тадбирлари, аэродромларда сув қочириш ва дренаж тизимлари, сунъий қопламаларнинг турлари, бикр қопламалар, бикр бўлмаган қопламалар, грунтли учиш тасмалари, ҳаво кемаларининг аэродром қопламаларига таъсири, аэродром асосларидаги грунтларнинг иши, аэродромларнинг бикр бўлмаган қопламалари мустаҳкамлигини ҳисоблаш, аэродромларнинг бикр қатламлари мустаҳкамлигини ҳисоблаш масалалари батафсил баён этилган.

АЭРОДРОМЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА ЛОЙИХАЛАШ

Кириш

Ҳаво йўлларида мунтазам ва хавфсиз ташишларнинг асосий ва ҳал қилувчи шартларидан бири аэропортлар ва ривожланган ҳаво трассалари тармоғининг мавжудлиги бўлиб, улар ҳаво кемалари хавфсиз учиши, харакатнинг зарурий жадаллигини таъминлаб беришга хизмат қиласди.

Авиация XX асрда ривожлана бошлади, лекин биринчи самолёт (буғ двигатели билан) 1885 йили денгиз зобити А.Ф.Мажайский тамонидан яратишга биринчи марта уриниб кўрилган эди. Аэродинамика фанини ривожлантириш ва учувчи аппаратлар ясаш ишига рус олимлари Д.И.Менделеев, И.Е.Жуковский, С.А.Чаплыгин, В.П.Ветчинкин, Б.Н.Юрьев, А.Н. Туполев ва бошқалар катта ҳисса қўшган. К.Э. Циолковский реактив учишлар назариясини ва ракеталарни хисоблаш ишларини ишлаб чиқди.

Учувчи аппаратлар пайдо бўлиши билан улар учун учиш-қўниш шароитларини яратиш, яъни зарурий ускуналар билан жиҳозланган майдончалар тайёрлаш муаммоси юзага келди. Бундай мақсадлар учун дастлаб шахар худуди чегарасида жойлашган текис ер участкалари (ипподромлар, ҳарбий-ўқув полигонлари)дан фойдаланилган. Кейинчалик маҳсус ер майдонлари – аэродромлар қуриш зарурати юзага келган.

Фуқаро авиацияси аэродромлари 3 классга бўлинади. Биринчи класс аэродромлари ҳаво алоқаларининг бош бўғини сифатида ийрик шаҳарлар атрофида жойлаштирилган. Улар ангарлар, ёнилги ва мойлаш материаллари омбори, таъмилаш устахоналари, алоқа воситалари, ёруғлик огоҳлантирувчи асбоблари ва бошқа маҳсус ускуналарга эга бўлган. Иккинчи классга оралиқ қўниш пункти вазифасини бажарувчи аэродромлар кирган. Уларда ангарлар, самолёт ва моторларни таъмилаш ва ёнилги-мойлаш материалларини сақлаш бинолари бўлмаган. Учинчи классли аэродромлар оддий майдончалар бўлиб, самолётларнинг учиши ва қўнишини таъминлаган ва мажбурий қўнишлар учун мўлжалланган.

Собиқ СССР да энг биринчи ҳаво йўли 1923 йили, Москва-Нижний Новгород шаҳарлари ўртасида очилган, узунилиги 420 км бўлган, шундан кейин Харьков-Одесса, Нижний Новгород – Казан, Тбилиси – Боку, Тошкент – Олмаота, Бухоро – Душанбе, Москва – Харьков каби йўналишлардаги ҳаво йўлларида учишлар бошланган. Биринчи ҳалкаро ҳаво йўлини 1922 йили “Москва – Каунас – Калининград” йўналишида очишган.

1 – БОБ. ҲАВО ТРАССАЛАРИ ВА ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АЭРОПОРТЛАРИ

1.1 Аэропортнинг қисмлари ва уларнинг вазифаси.

Ҳаво алоқалари – ҳаво кема (ҲК) ларининг ҳаво худудида учиши- ҳаво трассалари, маҳаллий ҳаво йўллари ва тайинланган йўналишларда бажарилади.

Ҳаво трассаси ер юзаси устидан, маҳсус йўлак кўринишида ўтади. Ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўллари ва йўналишларининг эни, йўналиши, ҳамда учишлар баландлиги, учиш хавфсизлиги талаблари ва тегишли ташкилотларнинг манфаатлари асосида белгиланади.

Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ҳаво кемаларининг хавфсиз учишларини таъминлайдиган радионавигация ва бошқа воситалар билан жиҳозланади. Уларда авиация иқлимий баёнлар бўлиб, учиш учун зарур бўлган физик-географик ва иқлимга оид маълумотлар берилади.

Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун пассажирларни юклар ва почталарни ташиш учун, ҳамда бошқа мақсадларда, аэропорт ва аэродромлар курилади. Аэропорт – иншоотлар мажмуаси бўлиб, аэрором, аэровокзал ва ер усти иншоотлари ва маҳсус ускуналардан ташкил топган бўлиб, ҳаво кемаларини жўнатади, қабул қиласди ва уларга хизмат кўрсатади. Аэропортда бошқаришнинг автоматик системаси, стационар ва кўчма механизация воситалари, муҳандислик ва алоқа коммуникациялари, пассажирлар ташишга хизмат қиласиган технологик усуналар бўлади.

Аэродром – аэропортларнинг асосий қисми бўлиб, ер (гидроаэродром учун сув участкасидан) участкасидан иборат бўлиб, у ҳаво кемаларининг учиши, қўниши, рулланиши ва уларга хизмат кўрсатилишига мўлжалланган маҳсус ускуналар билан жиҳозланади. Аэродром чегаралари атрофида, аэровокзалга ёндошадиган перронда, пассажирларни ҳаво кемасига ўтказиш, ундан тушириш ишлари, пассажирларни аэровокзалдан ҳаво кемасига ташиш ёки пиёда ўтказиш, юклар, багаж ва почтани ортиш-тушириш ишлари бажарилади. Аэродромга аэродром олди жойи ёндошган бўлиб, унинг тепасидаги ҳаво бўшлиғида ҳаво кемалари маневр харакатларини бажаради. Аэродром устидаги ҳаво худуди ва унга ёндошган жойнинг режа ва баландлик бўйича белгиланган чегараларига “аэродром райони” дейилади.

Хизмат кўрсатиши-техникавий худуди (ХТХ) – аэропортнинг аэродромга ёндошган қисми бўлиб, у ерда маъмурӣ-жамоавий, ишлаб чикаришга оид ва ёрдамчи бино ва иншоотлари жойлашади.

Аэропорт худудида вертолётлар учун қўтарилиш ва қўниш майдонлари қурилиб жиҳозланиши мумкин, бунда қўниш учун банд бўлмаган тасмалар ажратилади ва ён томондан тўсиклар қўйилади. Вертолётлар билан пассажирлар ва юклар ташиш учун вертолёт майдончаси ёнига маҳсус бино қурилади ёки аэропорт биносидан маҳсус жойлар ажратилади.

1.2. Ҳаво трассалари, аэропортлар ва аэродромларни таснифлаш.

Таснифлаш – бир-бирига боғлиқ тушунчалар (объектлар) ўртасидаги алоқаларни ўрнатувчи тизимли ёндошув ва уларни муайян белгиларига караб гурухларга, разрядларга, тоифаларга ажратишдир. Бунда қўрилаётган тушунчаларнинг белгилари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ўртасидаги қонуний боғланишларига ургу беради. Масалан, аэропортларни таснифлаш учун энг хос бўлган белги – пассажирларни ташиш ҳажми, аэродромлар учун эса - учиш полосаларининг ўлчамлари, уларнинг вазифаси ва бошқалар ҳисобланади. Барча таснифлар сингари, ҳаво трассалари, аэропорт ва аэродромларни таснифлаш ҳам, уларга бўлган умумлашган эксплуатация ва бошқа талабларни ишлаб чиқиши имконини беради, бунда уларнинг у ёки бу гурух ва классга тегишли эканлиги эътиборга олинади, ҳамда илмий-техникавий тизимлаш учун зарур ҳисобланади.

Ҳаво трассалари ҳалқаро, магистрал ва маҳаллий (маҳаллий ҳаво йўлларида) турларга бўлинади.

Шунингдек, ҳалқаро аэропортларга ҳалқаро ҳаво трассаларида учадиган ҳаво кемаларини қабул қиласидиган ва учирадиган, мамлакатимиз ва чет элларнинг йирик шаҳарларини бирлаштирадиган аэропортлар киради. Магистрал аэропортлар мамлакатимизнинг йирик маъмурӣ ва маданий марказларини туташтирадиган (республика ва вилоят аҳамиятидаги) ҳаво трассалари бўйлаб асосий ташишларни бажаради.

Маҳаллий аэропортларга ўлка, вилоят марказлари, туманлар марказларини ва алоҳида овулларни туташтирувчи йирик аҳоли пунктлари, ташувларининг аксар ҳажмини маҳаллий ҳаво йўлларида бажарадиган аэропортлар киради.

Авиаташиш ҳажмларини класслар бўйича бўлиш (гурухлаш) аэропортларни кўп йиллик эксплуатация қилиш тажрибаларига, ҳавода ташишларни ташкил этиш ва таъминлашга, ҳамда истиқболдаги ўзгаришларга асосланилади. Аэропортларнинг бундай таснифланиши 1.1. жадвалда берилган.

1.1. жадвал

Аэропорт тоифаси	Пассажирлар ташиш йиллик ҳажми, минг киши	Пассажир ҲКнинг ҳар бир гурухи бўйича йиллик харакат жадаллиги				Аэропортларда ҲК нинг йиллик учиш-қўниш жадаллиги, минг
		I	II	III	IV	
I	7000-10 000	11-17	36-47	10-15	-	57-79
II	4000-7000	3-10	23-31.5	16-24.5	-	42-66
III	2000-4000	-	14-29	12-21	4-10	36-54
IV	500-2000	-	2-11	7-16	6-13	15-40
V	100-500	-	2-0	2-7	3-6	5-15

Изоҳ: ҲҚ катнови жадаллигининг катта қийматлари ташувларининг энг юкори ҳажмига, кичик қийматлари кичик ҳажмига мос.

ҲҚ нинг гурухлари салоннинг пассажирлар сифими ва ҲҚ нинг массасига қараб таснифланади (1.2.жадвал)

1.2-жадвал

ҲҚ нинг гурухи	Пассажирлар сифими, киши	ҲҚ нинг массаси, т
I	160 ортиқ	100 ортиқ
II	70-20	45-100
III	30-70	10-45
IV	10-30	10 гача

Аэроромлар аэропортларга караганда кўпроқ белгилар асосида таснифланади. Асосий белгилар – учиш-кўниш тасмаси (УҚТ) нинг ўлчамлари ва юк кўтариш қобилияти (меъёрий юклама). Шуларга қараб аэроромлар А,Б,В,Г,Д,Е классларига бўлиниади.

Учиш тасмалари (УТ) нинг (стандарт шароитларда), чекка ва ён хавфсизлик тасмалари, аэрором олди худудларнинг ўлчамлари фуқаро аэроромининг эксплуатацияга яроқлилик меъёрлари асосида белгиланади. Одатда, аэропорт класси нуфузига кўра аэрором класси билан бир-бира га тўғри келиши керак. Масалан, I класс аэропорти А класс аэроромига, II класс аэропорти Б класс аэроромга эга бўлиши лозим. Айрим ҳолларда, ижтимоий-иктисодий ёки давлат аҳамиятидаги заруриятга кўра, бундай мослих бўлмаслиги мумкин.

Эксплуатация вазифасига кўра аэроромлар қўйидаги турларга бўлиниади:

трасса аэроромлари (аэропортларнинг аэроромлари) - хаво трассалари ёқасида жойлашган аэроромлар бўлиб пассажирлар, юклар ва почтани ташийдиган транспорт ҲҚ ни эксплуатация қилишга мўлжалланган;

халқ хўжалигига ишлатиладиган аэроромлар – халқ хўжалигининг турли соҳаларида авиация ишларини бажаришда ишлатилади: қишлоқ хўжалиги (далаларга кимёвий ишлов бериш, авиация билан уруғлик сепиш), ўрмон хўжалиги (ёнгинни аниқлаш мақсадида қўриқлаш, ўт ўчириш), аэрофотосъёмка, экспедицияларга хизмат (геология-қидибув) балиқчилик ва ҳайвон овлаш), курилиш (баланд иншоатлардаги конструкцияларни монтаж қилиш) аҳолига тиббий ва санитария хизматларини кўрсатиш ва х.к.:

завод аэроромлари - авиазаводлар ва авиаатъмирлаш корхоналаридан чиқариладиган ҲҚ ларини синов учирошларига хизмат қиласи;

ўкув аэроромлари – ҲҚ нинг ўкув учирошлари учун хизмат қиласи.

Аэроромларни сутка давомида эксплуатация қилиш вақтига қараб, туну-кун ва кундузи хизмат қиласидиган турлари бўлади.

Жойлашувига ва фойдаланишига қараб аэроромларни қўйидаги турлари бор:

базавий – ҲҚ ларини базалаш ва бунинг учун зарурий иншоатларга эга; учиш ва тайинлаш, оралиқ ва захира аэророми бўлиши мумкин; ҲҚ лари учиш ва тайинлаш аэроромларидан берилган йўналиш бўйича учишни бошлайдилар ёки тугатадилар, ортиш ёки тушириш ишларини бажарадилар, учишдан олдинги ёки кейинги техник хизматдан ўтадилар;

оралиқ берилган йўналиш бўйича учётган ҲҚ си қисқа муддатли тўхташи (жадвалга мувофиқ) учун;

захира учишлар режасида кўрсатилган ва агар манзил аэроромда кўниш мумкин бўлмаса, учиш олдидан ёки учиш давомида танлаш учун.

Денгиз сатҳидан баландлигига ва рельеф тавсифига қараб “тоғлик”, яъни паст-баланд рельефли, назорат нуқтасидан 25 км радиусда 500 м ва ундан ортиқ нисбий баландликка эга жойдаги аэрором бўлади; денгиз сатҳидан 1000 м ва ундан баланд жойлашган ва нисбатан текис ерларда жойлашган “текис” аэроромлар ҳам бўлади.

1.3. Аэропортдаги транспорт амаллари ва технологик жараёнининг умумий тавсифи.


Аэропорт ишининг технологик жараёни бир-бири билан боғлиқ уч йўналишни қамраб олади: пассажирлар ва багажларни ташиш; юклар ва почтани ташиш; ҲҚ ларига техник хизмат кўрсатиш. Бунда моддий-техника таъминоти мухим ўрин тутади.

Аэропортдаги технологик жараёнларни ўрганаётганда ҲҚ нинг ҳаракати қандай ташкил қилинганига эътибор бериш зарур: хаво кемалари учиш-кўнишни УҚТ нинг иккала учидан бошлаши мумкин. Бу, ҲҚ ларининг ҳалқа схема бўйича ҳаракат йўналишини белгилаб беради, ўз навбатида,

аэропорт элементларининг умумий режасига, технологик бинолар ва иншоотларни жойлаштиришга таъсир этади.

Аэропортларда ҲК лари ҳаракатининг технологик схемаси (1.1 – расм), турли транспорт ва механизация воситаларининг ҳаракати, пассажирлар ва юклар оқими кўйидаги талабларни кафолатлаши лозим: пассажирлар ва аэропорт ходимларининг худуд бўйлаб ҳаракат хавфсизлигини: пассажирлар, юклар, почта ва ҲК ларининг аэропортда энг қиска вақт бўлиши; ҲК лари махсус автотранспорт ва механизация воситаларининг бир-бiri билан энг кам микдорда тўқнаш келиши ва йўл кесиб ўтиши; пассажирларнинг пиёда юриш ёки уларни бортга озиқ-овқат, багаж, почта ва юклар ташиб бериш йўлининг энг қиска бўлиши.

Замонавий аэропортлардаги барча технологик жараёнлар механизация ва автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган холда бажарилади. Уларнинг самарадорлиги аэропорт транспорт ишининг муҳим кўрсатичларидан ҳисобланади.



1.1.расм. Аэропортларда ҳаво кемалари ҳаракатининг технологик схемаси (кўниш курси III – F):
1 – кўниш; 2-2'-3 перронга руллаш йўли; 3-4 – перрондан юк омборига руллаш йўли; 4-5-5' юк омбордан ТЖ га руллаш йўли; 6 - аэровокзал; 7 – юк омбори,
8 - ҳаво кемалар йўли; 9 - транзит ҲК йўли.

Пассажирларга хизмат кўрсатиш учиш вактида ҲК нинг бортида, учишдан олдин ва кейин кўрсатиладиган хизматлардан иборат; аэропорт (аэровокзал) да учиб кетадиган, келиб кўнадиган, транзитли, трансферли пассажирлар, кузатувчи ва кутиб оловччи одамлар бўлади. Трансфер пассажир кўрилаётган аэропортга бир рейс билан келиб, бошқа рейс билан учишни давом эттиради; транзит пассажир эса бир рейс билан келиб, ўша рейсда учишни давом эттиради.

ҲК сининг бортида пассажирга хизматлар учиш давомийлигига қараб рационга мувофиқ овқат беришни, маданий-оқартирув тадбирларни (газета, журнал, радио, телевидение ва б.) қамраб олади. Бундай хизматлар технологияси учиш жойидан бошланади. Буларга билет сотиш ва турли маълумотлар билан таъминлаш, пассажирларни ҲК ларга ўтказиш учун аэровокзалга етказиб келиш каби ишлар ҳам киради. Пассажирларнинг бир қисми шаҳар жамоа транспорти (автобус, троллейбус, электропоезд, такси автомобиллар)дан ҳам фойдаланади.

Юкларни қабул қилиш ва жўнатищ. Юклар икки усулда ташилади: махсус юк ҲК ларида ва пассажир ҲК ларида. Бундай ташишлар учун юк перрони, юк ховлиси, омборлари, почта юкламалари бўлими ва ёрдамчи иншоотлар бўлиши керак.

Юкларни перрондан ҲК ларига ортиш ёки тушириш тижорат асосида бажарилиши мумкин. Юк ховлиси юкларни жўнатувчидан қабул қилиб ва оловчига юбориш учун мўлжалланган.

Пассажир ҲК сига ўтиришдан олдин топширадиган багажга хизмат кўрсатиш, асосан, унинг эгаси кетаётган аэропортга йўналтиришдан иборат. Бунда ҲК сига юклайдиган саралаш ва марказлаш тизимини ҳисоблаш учун бир пассажирга тўғри келадиган багажнинг ўртacha оғирлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, учишга тайёрлаш ёки учишдан кейин қабул қилиш амалларининг кетма-кетлиги ва бажарилиш усуллари рейс тури (учиш пунктидан чиқиш ёки қўниш пунктига келиш) га қараб, регламентли ишларнинг технологик кўрсатмаларидан келиб чиқади.

Техник хизмат – пассажирлар ва юклар ташишда транспорт ишининг зарурӣ самарадорлигини таъминлаш учун ҲК ларини эксплуатация қилиш жараённида амалга ошириладиган

техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмуасидир. Техник хизмат муайян қоидалар асосида бажарилади; у қоидалар ҳар кайси тур ҲҚ сига тегишли регламентларда кўрсатиладиган хизматлар тизимини ҳосил қиласди.

Техник хизмат кўрсатиш тизимида иккита муҳим бўлакни ажратиш мумкин: профилактика ва таъмиглаш; булар ҲҚ сини эксплуатация қилиш шартларини ҳисобга олади ва профилактика ишлари рўйхатидан иборат бўлиб, уларни бажариш даврийлигини кўрсатади. Регламентлар ҲҚ ларига профилактик, тезкор ва даврий техник хизматлар кўрсатишни кўзда тутади. Профилактик техник хизмат режали тартибда бажарилади ва ҲҚ сининг ҳолати қандайлигидан қатъий назар унинг конструктив элементлари ва қисмларининг ишлаш қобилиятини текширади. Тезкор техник хизматлар ҲҚ си перронда қиска муддатли турганида, учиш олдидан ва учишдан кейин кўрсатилади. Даврий техник хизмат ҲҚ сининг ҳолатига қараб ёки маълум вақт учганидан кейин кўрсатилади.

2 – БОБ. АЭРОПОРТЛАРНИНГ РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИНИ АСОСЛАШ

2.1. Аэропортнинг бош планига ва техник хизмат ҳудудларига талаблар.

Бош режа – аэропорт лойиҳасининг энг муҳим қисми ҳисобланади ва жўғрофий ўрнини кўрсатади, шунингдек, режа ва ҳудудни ободонлаштириш комплекс ечимларини, бинолар, иншоотлар, транспорт коммуникациялари, муҳандислик тармоқлари, ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш, радионавигация ва қўниш тизимлари ускуналарининг жойлашувини, ижтимоий-маиший хизматнинг ташкил қилинишини акс эттиради.

Бош режада бир-бири билан боғлиқ бўлган технологик, шаҳарсозлик, архитектура-курилиши, санитария ва гигиена, экологик, иқтисодий ва ижтимоий масалалар қандай ҳал қилингандиги кўриниб туради.

Аэропорт бош режасининг таркиби қуйидаги омиллар билан аниқланади: аэродром учиш тасмаларининг жойлашуви, шаҳар томонидан кириб келиниши, бино ва иншоотларнинг қурилиш ҳарактери, аэропорт ичидағи йўллар, транспорт йўллари, майдонлар схемаси, ёндошиб келадиган темир йўл ва автомобил йўлларининг трассаланган иш шартлари, асосий муҳандислик коммуникациялари, қурилиш участкаларининг табиий шароитлари. Бош режа лойиҳалашга берилган топшириққа асослаб ишлаб чиқилади. Топшириқда бўлажак аэропортнинг класси, демак йиллик ташиш ҳажми, ҳаракат жадаллиги, рўйхатдаги ҲҚ парки, аэропорт эксплуатациясининг технологик хусусиятлари кўрсатилади. Бош режа лойиҳаси қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

аэропортнинг бино ва иншоотлари ҲҚ ларининг мунтазам училари ва хавфсизлик шартларни бажариш шарти билан берилган ўтказувчанликни таъминлаш;

пассажирларга хизмат кўрсатишда, ҲҚ ларига техник хизмат кўрсатишда, училарни ташкил этиш, аэропорт зонасида ҳаводаги ҳаракатларни бошқаришда ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш ва учиш жараёнларига таалукли замонавий технологияларни жорий этиш;

аэропортнинг келажак 25-30 йилда бўладиган тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, авиация техника ва ускуналари ривожини эътиборга олиш;

технологик жараёнлар ва аэропорт элементларининг ўзаро боғлиқлигини ягона тизимли услугият асосида лойиҳалаб, аэропортнинг ҳамма бинолари ва иншоотларини технологик комплекс режалаштириш;

бинолар ва иншоотлар жойлашишининг иқтисодий самарадорлигини, уларни зичроқ ўрнатиш, блокировкалаш, транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини қисартириш эвазига таъминлаш;

аэропорт бош режаси ва шаҳарсозлик масалаларининг ягона архитектура-курилиш ечимларини, “шахар-аэропорт” тизими режали ечимининг органик боғлиқлик асосида, биноларни лойиҳалашда эстетик меъёrlарга риоя қилган ҳолда таъминлаш;

аэропортни қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида атроф муҳитни тиклаш ва бойитиш йўли билан ҳимоялаш;

иншоотлар оралиғида меъёрий масофалар (санитария ва ёнғинга қарши) қолдириш, ҳудуддан тежамли фойдаланиш;

аэропорт ҳудудини ободонлаштириш, у ерда транспорт ва пассажирлар ҳаракатини ташкил этиш, ходимларга ижтимоий-маиший хизматни таъминлаш;

Аэропортнинг бош режаси топография қоидалари билан 1:5000 микёсда (техник-иктисодий таҳлил босқичида) ва 1:2000 микёсида (ишчи хужжатларни тайёрлаш босқичида) ишлаб чиқилади. Унда қуйидагилар кўрсатилади: мавжуд, қайта кўриладиган, бузуб ташланадиган, лойиҳаланадиган бинолар ва иншоотлар; ҳаводаги ҳаракатни бошқарадиган, радионавигация ва қўндириш обьектлари; ҳамма турдаги йўллар; ажратилган ёндош ерлар, ҳудуд; бинолар ва иншоотларнинг

тўсиқлари; кўкаlamзорлаштириш ва ободонлаштириш элементлари, худуднинг захира участкалари. Бош режада шамоллар йўналишини кўрсатувчи диаграмма ҳам берилади.

Бош режага тушунтириш матни илова қилинади. Унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: аэропорт жойлашадиган ер участкасига қисқача тавсиф; бош режани компоновка қилиш, транспорт, муҳандислик тармоқлари, фуқаро мудофааси бўйича қабул қилинган муҳандислик ечимларини асослаш; асосий кўрсаткичлар (аэропорт учун ажратилган ер майдони, қурилишлар зичлиги). Булардан ташқари аэропортнинг вазиятлар режаси, вертикал планировка лойиҳаси, муҳандислик тармоқларининг жамланма режаси ҳам кўшилади.

Аэропорт XTX ини режасига қуйидаги талаблар кўшилади:

технologик жараёнларни аниқ ташкил этиш ва қурилишларни худуд бўйлаб оқилона тақсимлаш;

аэропортда ишловчилар учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш акустик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда атроф мухитни муҳофаза қилиш;

пассажирлар йўлини, багаж, юклар олган ҳолда атроф мухитни муҳофаза қилиш;

пассажирлар йўлини, юклар ва почта юкларини ташиш йўлини иложи борича камайтириш; пассажирлар, аэропорт ходимлари ва маҳсус транспорт воситалари хавфсиз ҳаракат қилишини таъминлаш;

айрим бинолар ва иншоотларни ривожлантириш имконини таъминлаш (захира ер участкалари томон кенгайтириш ёки қайта қуриш);

ер участкаларидан тежамли фойдаланиш ва капитал маблағларнинг энг катта самарасини таъминлаш.

Бу талабларни амалда бажариш учун XTXнинг бош режасида қуйидагилар кўзда тутилади:

бино ва иншоотлар бўйича қабул қилинган лойиҳа ечимларининг аэропорт иши технологиясига, қуввати ва ўтказиш қобилиятига мослигини далиллаш ва асосий ҳаражатларни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш;

бинолар ва иншоотларнинг ихтисослашганлиги, уларнинг технологик ва транспорт алоқаси, санитария-гигиена ва ёнгин хафвсизлиги талаблари, қурилиш навбати асосларида аэродром худудини зоналарга ажратиш;

ХТХ ичида ишлаб чиқариш билан боғлик, транспорт ва муҳандислик алоқалари оқилона бўлишини таъминлаш; бунда ёндош аҳоли пункти ва XTX нинг алоқа йўллари, аэропорт ва аҳоли пунктининг келажакдаги ривожи эътиборга олинади;

иншоотлар оралиғида бўш масофа меъёрларига риоя қилиш, худуд майдонидан оқилона фойдаланиш;

қурилиш участкасини ободонлаштириш ва шовқин даражаси меъёрдан ошмаслигини таъминлаш;

ҳаводаги ҳаракатни бошқарув (ХХБ), радионавигация ва кўндириш воситаларини жойлаштириш; бунда хизмат қилувчи ходимлар ва маҳаллий аҳолини юқори частотали нурланишдан муҳофаза қилишини таъминлаш;

муҳандислик коммуникациялари тармоқларини трассалаш, оптимал ётқизишни комплекс ҳал қилиш;

бино ва иншоотлар қурилишини ва эксплуатацияга ишга туширилишини комплекслар ва навбатлар билан амалга ошириш имконияти;

атроф-муҳит муҳофазаси бўйича комплекс талабларга риоя қилиш.

Бош режани лойиҳалашда XTX ни аэродром чегарасига, асосий коммуникациялар тарафига жойлаштириш лозим; бунда муҳандислик коммуникациялар қисқа бўлишини, ер участкасидан оқилона фойдаланишни таъминлаш керак.

Биринчи класс аэропортларнинг бош режасини лойиҳалашда XTX нинг архитектура-қурилиш ечими битта ёки иккита учиш-кўниш тасмаси (УКТ) қуришни кўзда тутиши керак.

Икки ёки ундан ортиқ учиш тасмаси, индивидуал лойиҳаланадиган бинолари ва иншоотлари бор бўлган, ҳалқаро ва класси йўқ аэропортларни лойиҳалашда ер участкасининг ўлчамлари лойиҳа асосида аниқланади.


2.2. Аэропортнинг вазиятлар режаси.

Аэропортнинг бош режасини лойиҳалашда иншоотларни жойлаштириш бўйича лойиҳавий ечимларни жойнинг вазиятлари элементлари: аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари, рельеф ва бошқа омиллар билан мослаштириш лозим.

Шунингдек, аэродром ташқарисига олиб чиқилган радионавигация ва кўндириш иншоотларининг аэропортда туташувчи транспорт йўллари ва муҳандислик тармоқларининг аэропортга боғланиш

масалаларини ҳам ҳал қилиш керак. Бу мақсадларда бош режа комплексида вазиятлар режаси ишлаб чиқилади. У картография қоидалари билан 1:25000 – 1:100000 миқёсларда тузилади. Вазиятлар режасида (2.1а-расм) ахоли пункти, унинг келажакда кенгайиш чегаралари, аэропортнинг жойлашуви, ҳаводан кириб келиш тасмалари кўрсатилади.

Ўрмон ва қишлоқ хўжалик экинлари чегаралари, дарёлар, темир йўл ва автомобил йўллари ҳам кўрсатилади. Аэропортга элтадиган лойиҳавий йўллар, муҳандислик коммуникациялари линиялари ва трассалари (алоқа, электр таъминоти, сув таъминоти ва б.), аэропортнинг алоҳида турган иншоотлари (сув таъминоти, сув олиш ва тозалаш каби) ҳам вазиятлар режасига киритилади. Булардан ташқари, атрофдаги ҳудудда шовқин даражаси, ҲК ларининг ҳаракат трассаси ҳам кўрсатилади. Йирик аэропортларни лойиҳалаётганда шовқиннинг таъсир даражаси алоҳида чизма билан берилади. Шамоллар йўналиши диаграммаси, курилаётган ва мавжуд иншоотлар рўйхати, УҚТ нинг ўқига нисбатан мумкин бўлган тўсик



2.1. – расм. Аэропортнинг вазиятлар режаси (а) ва ҳаводан кириб келиш профили (б).


1 – аэродром; 2 – БПРМ, 3 – ДПРМ; 4 – ҳаводан кириб келиш тасмаси; 5 – лойиҳаланаётган ЮЭТ; 6 – автомобиллар кириб келадиган йўл; 7 – темир йўл билан кириб келиш; 8 – ХТХ.

2.3. Аэродромолди ҳудуд ва ҳаводан кириб келиш тасмалари.

Аэродромолди ҳудуд – аэродромга ёндошган ерлар бўлиб, уларнинг тепасидаги ҳавода ҲК лари маневр ҳаракатларини бажарадилар. У ерларда табиий ва сунъий тўсикларнинг (тепаликлар, тоғлар, ўрмон массивлари ва бинолар, иншоотлар) баланддаги горизонтал ва қиялама шартли текисликлар билан чекланади. Бундай текисликлар чекловчи текисликлар дея аталади ва уларнинг кўрсаткичлари меъёрларда кўрсатилади; ўлчамлари ва қияламлари ҲК ларининг техник тавсифларига қараб белгиланади ва аэродромнинг классига қараб меъёрланади.

Аэродромнинг минорали тўсиги деганда ҲК лари ҳаракат қиласидаги зонада жойлашган ва чекловчи текисликлардан тепага чиқиб турадиган барча қўзғалмас ва муваққат ёки доимий ва қўзғалувчи объектлар туширилади.

Аэродромолди ҳудуд планда, одатда уч қисмдан иборат тўртбурчак шаклда бўлади: ўртадаги ва икки чеккадаги қисмлар (2.2а–расм)



2.2. – расм. Аэродромолди худудлари бир томонда (б) ва икки томонида (а) бўлган аэродром схемаси.

1 – ҳаводан кириб келиш полосалари; Г – энг чекка қисмлар; Д – ўрта қисм; аэродромолди худуднинг эни – В, узунлиги – С; Е – ўрта қисмнинг узунлиги; F – энг чекка қисмининг узунлиги.

Аэродромолди худуд элементларининг ўлчамлари аэродром классига боғлиқ. $B=25\dots40$ км, $G=25\dots30$ км, $D=20\dots60$ км. Бундан: $C=100$ км ва ундан ортиқ, эни эса умумий узунликнинг $1/3$ улушкига тенг.

Энг чекка қисмлардаги тўсиқларнинг баландлиги руҳсат этилгандан ортиқ бўлса, у қисмларнинг биттасидан ё иккаласидан воз кечиш мумкин, лекин ҲК лари қўниш учун кириб келиши хавфсиз бўлиши керак.

Қўшни аэродромларнинг жойлашиш шароитлари ва тўсиқлар мавжудлигига аэродромолди худуд учиш полосаси ўқига нисбатан бир томонда бўлиши мумкин. (2.2 б – расм). Бундай ҳолда ҲК ларининг хавфсиз учиш-қўниш схемалари ишлаб чиқилади.

3 – БОБ. АЭРОДРОМНИНГ УЧИШ ПОЛОСАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

3.1. Учиш полосаларининг элементлари ва уларнинг вазифалари.

Учиш полосаси (УТ) – аэродромнинг бир қисми бўлиб, ҳаво кемаларининг учиши ва қўниши учун мўлжалланган; учиш-қўниш тасмаси (УҚТ), хавфсизликнинг чекка тасмаси (ХЧТ) ва ёнлама тасмаси (ХЁТ) дан ташкил топади. Аэродромда бир ёки бир неча УТ бўлиши мумкин.


Қўтарилиш деганда ҲК сининг ҳаракати тезлашгандан бошлаб, ҳавода хавфсиз тезликка эришгунича бўлган масофа тушунилади; у икки босқичдан иборат (3.1. а – расм): ҲК сининг УҚТ сида тезлашуви ва қўтарила туриб тезланиш олиши. Югуриб бориш (тезланиш) ҲК сини ердан узиб оладиган кўтарувчи куч ҳосил қиласи. Тезлик маълум даражага отгач, учувчи хужум бурчаги (угол атаки) ни кўпайтириб олдинги филдирагини ердан узиб олади ва кейинги тезланиш асосий таянч гилдираклар устида кечади. Ердан узилишда қанотларда ҳосил бўлган кўтарувчи куч оғирлик кучидан бирмунча ортиқ бўлади ва самолёт ҳавода уча бошлайди. Кейинги тезланиш ва қўтарилиш, 10м баландликка, траектория горизонтига қиялама тўғри чизик бўйлаб текис тезланма ҳаракатдан иборат.

Югуриб бориш узунлиги (длина разбега) деганда ҲК си старт жойидан бошлаб ердан узилгунича ўтган масофа тушунилади. Кўтарилиш дистанцияси – горизонтал текисликдаги йўл бўлиб, ҲК кўзгалган нуктадан бошлаб, 10 м баландликка қўтарилиган нуктагача оралиқда ётади; бунда ҲК кейинги кўтарилиш учун етарли ва хавфсиз тезликка эришган бўлиши керак.

Қўниш ҳаводаги самолёт глиссадага кириб секинлашганидан бошлаб, тўлиқ тўхтамагунча ўтган масофадан иборат (3.1.б – расм). ҲК си қўнишга кирганидаги ҳаракат траекторияси қуйидаги участкалардан иборат: қўнишдан аввалги пасайиш (глиссада бўйлаб пасайиш), парашютланиш, қўниш ва югуриш.

Глиссада бўйлаб 15 метргача пасайиш ва кейинги 6-10 метргача (тўғриланиб олиш баландлигигача) пасайиш қиялама траектория бўйлаб тўғри чизиқли ҳаракатдан иборат. Тўғриланиб олиш участкасида ҲКси эгри чизиқли траектория бўйлаб ҳаракат қиласи ва аста-секин горизонтал режимга ўтади. УҚТ сига 1 метр қолганда тўғриланиб олиш тугайди. Кейин тутиб туриш (выдерживание) участкаси бошланади; у УҚТ сидан 0.5 – 0.25 метр баландликка давом этади. Шундан сўнг самолёт тезлиги шу даражагача пасайтириладики, натижада қатновлардаги қўтарилиш кучи оғирлик кучидан камайиб, парашютланиш (ерга тушиб кетиш) рўй бериб, гилдираклар УҚТ сининг юзасига тегади. Худди шу ондаги самолёт тезлигининг горизонтал ташкил этувчисини “қўниш тезлиги” деб аталади. Шу ондан бошлаб қўнишнинг сўнгги босқичи “югуриш”

бошланади. Югуриб бориш узунлигини камайтириш мақсадида аэродинамик қаршилик кўрсатилади (канотнинг интерцепторлари чиқарилади, двигателнинг реверс кучи уланади, фидираклардаги автомат тормоз ишга туширилади), натижада самолётнинг кинетик энергияси сўндирилади.



3.1.-расм. ХК учиш ва қўниш схемаси


l_p - тезланиш узунлиги, $l_{p,n}$ - кўтарилиш тезлиги узунлиги, l_{vzl} - учиш дистанцияси, l_{ch} -глиссиада бўйича пастланиш, l_{vyp} -мувозанатланиш узунлиги, l_{vid} - ушланиш узунлиги, l_{pr} - югуриш узунлиги, l_{pos} -кўниш дистанцияси

Югуриб бориш узунлиги деганда самолёт ерга теккандан бошлаб тўлиқ тўхтагунича ўтилган йўл тушунилади.

Қўниш дистанцияси - самолёт қўнаётганда УКТ си остонасидан 15м тепаликда ўтаётган ондан бошлаб, югуриш охири (тўлиқ тўхташ) гача ўтилган йўлнинг горизонтал проекцияси узунлигидир.

Учиш тасмаси (УТ) қоидага мувофиқ, учиш-қўниш амалларини икки томонлама бажариш имконига эга бўлиши лозим. Айрим холларда бир йўналиши бўлиши мумкин.

Учиш тасмаси куйидаги элементлардан иборат (3.2. – расм).



3.2.-расм. Учиш тасмаси элементлари

1 – сунъий қопламали учиш-қўниш тасмаси (ИВПП- СУҚМ); 2 – грунтли учиш – қўниш тасмаси (ГВПП-ГУҚМ); 3 – хавфсизликнинг ёnlами тасмаси (БПБ-ХЁТ); 4 – хавфсизликнинг чекка тасмаси (КПБ- ХЧТ).

Учиш – қўниш тасмаси (УКТ) – УТ сининг бир қисми бўлиб, ХК кўтарилиши ва қўниши учун маҳсус қурилади; сунъий қопламали (СУҚМ) ва грунтли (ГУҚМ) бўлади. Трассали аэродромларда иккаласи бўлади. УКТ чегараларидаги учиш ва қўниш дистанциясининг ҳаводаги бўшлиғи, ХК ларини бошқаришда меъёрдан оғишлар бўлганда тасманинг заҳираси ўрнига ўтади. Бир УТ да бир ёки бир нечта УКТ си бўлиши мумкин.

Чекка хавфсизлик тасмаси (ХЧТ) – учиш тасмасининг УКТ си учларидағи маҳсус участка бўлиб, самолёт бехосдан тасмасидан чиқиб кетганда хавфсизликни таъминлайди.

Ён хавфсизлик тасмаси (ЁХТ) – УКТ нинг ёнига туташган участка бўлиб, самолёт тасмасидан ён томонга чиқиб кетганда керак бўлади.

Эркин зона (ЭЗ) – УТ нинг бир қисми бўлиб, ЧХТ га туташади ва кўтарилиш дистанциясининг ҳаво участкасида ҲК сининг хавфсизлигини таъминлайди. Самолётнинг битта двигатели ишдан чиққанда давом эттирилган баландлаш дистанцияси узилиб қолган кўтарилиш дистанциясидан катта бўлганда ҳосил бўлади.

ЧХТ+ЭЗ йигинди, хусусий ЧХТ (ЭЗ йўқ бўлса) узунилигидан УКТ узунилигининг ярмисигача бўлган оралиқла ўзгаради.

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш (ҲҲБ) ҲК лари учишларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, бевосита бошқариш ва белгиланган режимга риоя қилинаётганини назорат қилиш каби тадбирлар мажмуасидан иборат. Бунда асосий қўлланма вазифасини ўтайдиган хужжат фуқаро авиациясида учишларни бажариш бўйича кўрсатмалар (ФАУБК) хисобланади.

Аэрордом атрофида ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш воситаларини баён этарканмиз, аэрордомда ҲҲБ объектларининг умумий жойланиш схемасини кўриб чиқамиз.

Аэрордом атрофида ҳаводаги ҳаракатларни кириб келиш диспетчерлик пункти (КДП), кўтарилиши ва кўниш зонасида қўндириш тизимининг диспетчерлик пункти (ҚТДП), шунингдек, старт диспетчерлик ва метеокузатув пункти (СДП) бажарадилар. ҲҲБ объектлари (3.1. – жадвал) радионавигация ва қўндириш объектларининг А,Б,В тоифа аэрордомларда умумий жойлашув схемаси 3.3. – расмда берилган.

Радионавигация ва алоқа хизматлари учиш метереологик ва марказий диспетчерлик пунктлари, диспетчерлик буйруклари пункти (ДБП) да жойлашади.

3.1 - жадвал

Ускуналар	Ифодаланиши		Сони
	Ўзбек	Рус	
Диспетчерлик буйруклар хизмати	ДБП	КДП	1
Старт диспетчери ва метеокузатув пункти	СДП	СДП	2
Трассани кузатиш локатори	ТКЛ	ОРЛТ	1
Аэрордомни кузатиш локатори	АКЛ	ОРЛА	1
Қўндириш локатори	ҚРЛ	ПРЛ	1
Учиш майдонни кузатиш локатори	УМЛ	ОЛП	1
Метеорологик радиолокаторлар	МРЛ	МРЛ	1
Яқин навигациянинг радиотехник тизими	ЯНРТ	РСБН	1
Узоқдаги радиомаркерли радиостанция	УРМР	ДПРМ	2
Яқиндаги радиомаркерли радиостанция	ЯРМР	БПРМ	2
Курс радиомаёғи	КРМ	КРМ	2
Глиссада радиомаёғи	ГРМ	ГРМ	2

СДП да туриб ҳаво кемалари УКТ сидаги ҳаракатлари кузатилади, шунингдек учиш-қўниш районидаги метеовазият ҳакида ахборот тўплаб, қайта ишланади ва ДБП га узатилади.


Ҳавода (трасса) даги ва аэрордом районидаги самолётларни кузатиш ва назорат қилиш учун ТКЛ ва АКЛ қўлланади. Қўниш чизигига риоя қилиш ва глиссададаги ҳолатни тутиб туринши назорат қилиш учун ҚРЛ ишлатилади.

ҲҲБ ва 30км радиусдаги аэрордом районида назорат қилиш, шунингдек, ердан бериладиган буйрукка асосан самолётлар кўнишга киришини бошқариш учун кузатув-қўндирув радиолокатори (КҚРЛ) хизмат қиласи.

МРЛ радиолокаторларнинг таъсир доирасидаги метеовазиятни баҳолайди, момақалдироқ, жала, ёмғир, кор ва булутларнинг ҳаракети ва ўлчамларини аниқлайди.

УМЛ 50 метрдан пастдаги самолётларни уларнинг УКТ си ва РЙ даги ҳаракатларини кузатиш, шунингдек, ерда, ИКАО бўйича III тоифа кўриниш шароитларидағи ҳаракатларини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Курс ва глиссада радиомаёқлари (КРМ, ГРМ) нинг антенналари бўшлиқда, бир вақтнинг ўзида иккита нурланиш диаграммасини ҳосил қиласи. Иккала диаграмма кесишган жойда самолётнинг лапанглаш курси ва глиссада режаси кўринади. Учувчи шунга қараб ҲК сининг борт системаларини кўниш жараёнига мослаб бошқаради.



3.3. - расм. А,Б,В класс аэродромларда ХХБ, радионавигация ва кўндириш объектларининг жойлашиш схемаси.

3.2. Учиш-кўниш тасмаларининг узунлигини аниқлаш.

Самолётнинг кўтарилиши. Югуриб бориш узунлиги ва кўтарилиш дистанциясининг узунлиги ХК сининг кўтарилишини тавсифловчи асосий қўрсаткичлар ҳисобланади. ХК сининг кўтарилиш сифатларига унинг конструктив ва эксплуатацион омиллари, учувчининг маҳорати таъсир этади. Югуриш узунлиги ХК сининг тўғри чизиқли, ўртacha тезланиш (j_{cp}) билан тезланувчан ҳаракати орқали аниқланади.

$$l_{\text{разб}} = \frac{v_{\text{отр}}^2}{2j_{\tilde{n}\delta}} \quad (3.1)$$


бу ерда $v_{\text{отр}}$ - самолёт ердан узилгандаги тезлик.

Ердан узилгандаги тезлик:

$$v_{\text{отр}} = \sqrt{\frac{2mq}{2S\tilde{n}_{\sigma\tilde{i}\delta\delta}}}$$

ёки $\rho = P/RT$ ни ҳисобга олганда:

$$v_{\text{отр}} = \sqrt{\frac{2mqRT}{PSc_{\sigma\tilde{i}\delta\delta}}} \quad (3.2)$$



3.4. - расм. Ҳаво кемаси югуриб борганда (а), мувозантлашда (б) ва тезликни сўндиришда (в) унга таъсир этувчи кучлар. m - ҲК сининг кўтарилиш массаси; q - эркин тушиш тезланиши; ρ - ҳавонинг зичлиги; S - қанот юзаси; су отр -ердан узилишда самолёт қанотини кўтариш кучи коэффициенти ρ - атмосфера босими; R - газ доимийси; T - ҳавонинг абсолют ҳарорати.

(3.1) формулага (3.2) ни жойлаб қуидагини ҳосил қиласиз:

$$I_{\text{разб}} = \frac{mqRT}{PS\bar{n}_{\text{ди}} j_{\text{ди}}},$$

Тезланиш қиймати ҲК си югургаётганда унга таъсир этаётган кучларга боғлик (3.4 а - расм): оғирлик кучи G , фидиракларнинг ишқаланиш кучи T , рўпарадан қаршилик қилаётган аэродинамик куч Q , аэродинамик кўтарувчи куч Y , двигателнинг ўртача тортиш кучи $P_{\text{ср}}$. Самолёт югуриб борганда бу кучларнинг қиймати ўзгаради, натижада тезланиш қиймати ҳам ўзгаради.

Самолётнинг қўниши. Кўниш дистанциясининг узунлиги, самолётнинг мувозанатлаш ва тезликни сўндириш узунликлари орқали аниқланади.

Н баландликдан бошлаб мувозанатлаш участкасининг узунлиги

$$I_{\text{план}} = H / \operatorname{tg} \theta_{\text{план}},$$

бу ерда $\theta_{\text{план}}$ - ҲК сининг лапанглаш бурчаги.

Мувозанатлаш кучлар схемаси (3.4. б расм) орқали қуидаги ифодаларни топиш мумкин:

$$Q = G \sin \theta_{\text{план}} = C_x \frac{pv^2}{2} S$$

$$Y = G \cos \theta_{\text{план}} = C_y \frac{pv^2}{2} S$$

булардан:

$$\operatorname{tg} \theta_{\text{план}} = \frac{C_x}{C_y} = \frac{1}{K}$$

бу ерда K - ҲК сининг аэродинамик сифати.

Шунда мувозанатлаш участкасининг узунлиги:

$$l_{\text{план}} = H_K$$

Югурб бориш каби тезликни сўндириш узунлиги ҳам қўниш тезлиги $v_{\text{пос}}$ ва ўртача тормозланиш тезланиши - $j_{t,\text{ср}}$ орқали аниқланади:

$$l_{\text{проб}} = \frac{V^2 \bar{m}}{2 j_{t,\bar{N}D}} \quad (3.8.)$$

Қўниш тезлиги қўниш олдидаги кўтарувчи куч билан оғирлик кучининг тенглик шартидан келиб чиқади:

$$v_{\text{пос}} = \sqrt{\frac{2m \bar{g}}{\rho c_{\delta \bar{m}} S}} \quad (3.9.)$$

Тормозлаш тезланиши $\dot{X}K$ си юрганда унга таъсир этадиган кучлар (3.4в - расм), рўпарадан қаршилик кучи Q ва ғилдиракларнинг ишқаланиш кучи $T = T_1 + T_1$ га боғлиқ. Булар юриш жараёнида ўзгаради. Самолёт тезлиги камайганда Q нинг камайиши ҳаракат тезлигининг квадратига пропорционал бўлади. Ишқаланиш кучи T , ғилдиракларнинг УКТ юзасида ишқаланиш коэффициентига ва $\dot{X}K$ сининг УКТсига тик тушган оғирлик кучига боғлиқ.

Т куйидагича хисоблаб топилади:

$$T = (m_{\text{пос}} g - Y) f_{\text{прив}} \quad (3.10)$$


бу ерда $m_{\text{пос}}$ - $\dot{X}K$ сининг қўниш массаси; $f_{\text{прив}}$ - келтирилган ишқаланиш коэффициенти; у самолёт ғилдиракларининг юришнинг биринчи участкасида тебраниб ишқаланиш ва охирги участкасида тормозланиш коэффициентларини тавсифлайди. ($f_{\text{прив}}$ илашиш коэффициентига яқин).

Тезлик пасайган сари T узлуксиз ошиб боради, чунки кўтариш кучи аввал камайиб, олдинги таянч туширилгач, сакраб-сакраб кўпаяди.

3.3. Стандарт хисобий шароитларда ҳаво кемасининг кўтарилиш учун зарур бўлган учиш полосаси узунлигини аниқлаш.

Хозирги пайтда, аэропортларни лойиҳалаш амалиётида УКТ ва УТ нинг зарурий узунликларини хисоблаш учун $\dot{X}K$ си кўтарилиш жараёнида бир двигатели ишламай қоладиган ҳолат қабул қилинган. Фуқаро авиациясининг икки ва ундан ортиқ двигатели, ҳамма реактив ҳаво кемаларидаги битта двигател ишламай қолса ҳам кема кўтарилишда давом эта олади.

Двигателлардан бири ишламай қолганда учувчи қабул қиласиган карорга боғлиқ икки ҳолат бўлиши мумкин (3.5. - расм) кўтарилишни давом эттириш ва тўхтатиш. Биринчисида учувчи ишлаб турган двигателларнинг бутун имкониятини ишга солиб, йўналишда учишни давом этди ва кўтарилиш босқичини охирига етказади («давом эттирилган кўтарилиш»). Иккинчи ҳолатда учувчи ўз қўлида бўлган ҳамма воситаларни (аэродинамик тормозлаш, тортиш реверси ва б.) тезликни сўндиришга қаратади («тўхтатилган кўтарилиш»). Учувчининг вазиятга реакцияси давомийлиги двигател ишламай қолган ондан бошлаб бир қарорга келгунча ўтган вақт бўлиб, шартли равища 3 секунд қабул қилинган.



3.5. - расм. Давом эттирилган (а) ва тұхтатилган (б) күтарилиш схемалари.

УҚТ ва УТ узунликларини белгилашда юқорида күрілған ҳолатларни таҳлил қилиш учун «қарор қабул қилиш тезлиги» деган түшунча киритилади. Яъни, югуриш тезлиги v_1 ; бунда двигателлардан бири ишламай қолса, күтарилишни бехатар давом эттириш ҳам, тұхтатиши ҳам мүмкін. Учувчи бу тезликни билса, муайян күтарилиш шароитларида узил-кесіл қарорға келиши осонлашади. Двигател v_1 дан кичик тезликда ишламай қолса, күтарилишни тұхтатиши ҳақидаги қарорға келинади. Чунки бундай вазиятта двигательнинг тортиш күчи ва тезлик кам бўлади, күтарилишни охирига етказиш учун югуриш узунлиги ва күтарилиш дистанциясини анча кўпайтиришга тўғри келади. Шунинг учун күтарилишни тұхтатиши қарори ҲК сини УТ нинг мавжуд ўлчамларида хавфсиз тұхтатишига кифоя қиласи.

Двигател v_1 дан катта тезликда ишламай қолса, ишлаб турған двигателларнинг қуввати күтарилишни дистанциянинг қолган қисмида давом эттириб, ниҳоясига етказишига кифоя қиласи.

Грунтли УҚТ сини хисоблаш хусусиятлари. Ҳаво кемаси грунтли юзада ҳаракатланганда ғилдиракларга тушадиган қаршилик СҮҚМ сига қараганда сезиларли ўзгаради. Бунга грунтнинг мустаҳкамлиги хар хил даражада, айниқса, намгарчиллик пайтида бўлиши сабаб бўлади. Грунтда ғилдирак излари ҳосил бўлиб, грунтнинг қаршилик коэффициенти ортади, натижада күтарилиш дистанциясини узайтиришга тўғри келади.

Грунтли УҚТ сининг узунлигини аниқлашда грунтнинг кўпайған қаршилигини хисобга олиш учун тузатиши коэффициенти киритилади:

$$L_{ГУҚМ} = L_{СҮҚМ} k_f$$

бу ерда $L_{СҮҚМ}$ – СҮҚМ сининг §3.4 ва §3.7 да берилған усул билан ҳисобланған узунлиги; k_f – тузатиши коэффициенти; ҲК сининг грунттада югуриш дистанцияси сунъий қопламадагига қараганда неча марта кўплигини кўрсатади, у куйидагича ҳисобланади:

$$k_f = \frac{\frac{D_{\text{н.д}}}{G} - 0,07}{\frac{T}{G} - 0,77 \frac{g_{\text{а.е}}}{\sigma_m \xi} - 0,44} \quad (3.34)$$

бу ерда $g_{\text{а.е}}$ – Р_к/ДВ – ҲК си асосий таянч ғилдиракларининг солиширима юкландырылған; Р_к – асосий таянч ғилдиракка тушган юклама; ДВ – авиағилдирак пневматик шинасининг ташқи диаметри ва профили эни; σ – грунтнинг мустаҳкамлиқ параметри – ғилдирак юкламасидан пластик деформация чегараси; m – ғилдираклар грунт юзасида төбранғанда пневматикадаги деформацияни хисобга оладиган коэффициент; « σ » га қабул қилинади; ξ – пневматикадаги ҳақиқий ва нормал босимлар фаркини хисобга оладиган коэффициент; « σ » га қараб аниқланади.

(3.34) формула тахминий бўлиб, дастлабки ҳисобларда ишлатилади.

Ҳисоблар кўрсатишича, аксарият ҲК лари учун $K_f = 1.15$ дан ошмайди, яъни грунтдаги югуриш узунлиги сунъий қопламалардагига қараганда ўрта ҳисобда 10 % кўп бўлар экан.

Шундай қилиб,

$$L_{ГУҚМ} = 1,1 L_{СҮҚМ}$$

3.4. Учиш-қўниш тасмаси энини тайинлаш.

УҚТ сининг зарурий энини, аэродромни лойиҳалашда хисоблаб топиш учун икки усул кўлланади: аналитик ва хисобий-статистик. Биринчисида, ҲК сининг УҚТсида харакатланиш математик моделидан фойдаланилади ва турли тасодифий ва қонуний омиллар таъсири хисобга олинади. Иккинчисида, амалдаги учиш-қўниш жараёнларида ҲК сининг УҚТ си ўқидан қанча оғиб кетгани ҳакида маълумотлар тўпланиб ишлов берилади.

УҚТ сининг энг кичик энини назарий асослаб берган олим Ф.Я.Спасский бўлган (1946й). Унинг усули ҲК сининг кўтарилишини УҚТ си чегараларида тугатиш талаби асосида курилган. Бунда ҲК си югураётганда УҚТ си ўқига нисбатан 10^0 силжишига рухсат берилиши, шунингдек ҲК си ердан узилиш онидан бошлаб кўтарилиши тугашигача ўтган вақтда шамол таъсирида сурилиб кетиши хисобга олинади. Кейинчалик (1946 й.) ўша олим УҚТ си энига таъсир этадиган омилларни куйидагича аниқлаб берди: ҲК си кўтарилиш жараёнида югурса ҳам, кўнгандан кейинги тезлик сўнишда ҳам УҚТ си ўки бўйлаб йўналишини ёндан бўладиган таъсирларга қарамай сақлаб қолиш хусусияти; қўнаётганда УҚТ си ўқига нисбатан қўниш аниқлиги.

Кейинги тадқиқотларда аэродромларни лойиҳалашда УҚТ си энини турли русумдаги ҲК лари учун хисоблашнинг янги-янги талаблари ишлаб чиқилди.

Ҳаво кемаси юришни бошлаган дастлабки кезларда УҚТ сининг ўқига параллел харакатланади. Кейин тасодифий таъсирлар туфайли самолётнинг бўйлама ўки тўсатдан, йўналишга нисбатан 4 бурчакка оғиб кетади. Натижада, самолёт қоплама четига ёнламасига сурилиб кетади (ΔB_2). Бу сурилиш шассининг олдинги таянч ғилдираклари ерга теккунича, яъни учувчи берилган йўналишни тутиб туриш учун янги бошқариш воситасига эга бўлмагунча ортиб боради.

УҚТ си энини хисоблаш учун қуйидаги ифода ҳосил қилинди.

$$B_{УҚТ} = 2(\Delta B_1 + \Delta B_2 + c) + B_{ш}$$

бу ерда c - СУҚМ си қопламасининг четидан асосий таянч ғилдиракларгача бўлган рухсат этиладиган энг кам масофа, м; $B_{ш}$ - ташки пневматик ғилдираклар габарити бўйича шасси ўлчамли (излар оралиғи), м.

3.5. Грунтли учиш-қўниш тасмаси энини аниқлаш хусусиятлари.


Грунтли учиш-қўниш тасмаларининг эни сунъий УҚТ лариникига қараганда кенг бўлади, чунки стартлар тасманинг эни бўйича сурилиб туради. Бир вақтнинг ўзида чим қоплама таъмирланиб, тикланиб турилади; бундан ташқари қуи тоифа аэродромларда ГУҚМ си асосий тасма хисобланса, юқори тоифаларда - захира хисобланади.

Шу сабабдан УҚТ сининг рухсат этилган энг кам энини аниқлашда хисоблашнинг икки ҳолатига эътибор бериш керак. Биринчиси - захира ГУҚМ сининг энини аниқлаш (СУҚМ сида таъмир кетаётган ёки кор тозаланаётган вақтларда, авариявий қўндиришларда). Иккинчиси - мунтазам училлар бўладиган ГУҚМ сининг энини топиш. СУҚМ си ёнидаги захира ГУҚМ сининг энини аниқлаётганда қишки ва ёзги ҳолатлардан қай бириники катта бўлса, ўша қабул қилинади. ГУҚМ си энининг асосини кўп олимлар ўрганиб чиқишган, тадқиқ этишган. Шулардан бири ГУҚМ си энини аниқлаш учун қуйидаги усул таклиф қилган.

Ёзги эксплуатация учун (3.6 а - расм):

$$B_{ГУҚМ} = B_{min}^1 + d_{огн} + d_{зап},$$

бу ерда B_{min}^1 - ГУҚМ сининг рухсат этилган энг кичик эни; бунда танланган русумдаги ҲК сини хавфсиз қўндириш, шунингдек ёз пайтлари самолётни авариявий қўндириш таъминланиши керак; $d_{огн}$ - СУҚМ сининг ён қиррасидан ёруғлик сигнали ускуналаригача бўлган масофа; $d_{зап}$ - чироклардан B_{min}^1 энли грунт тасма чегарасигача бўлган масофа (≈ 1 м қабул қилинади).



3.6-расм. Захира ГУКМ си энини (а) ва кишида самолётлар қўндириладиган грунтли тасманинг энини (б) хисобий топиш схемалари.

3.6. Учиш-қўниш тасмалари йўналишининг шамоллар режимига боғлиқлиги.

СУКМ сининг сони, ўлчамлари ва йўналиши аэропорт худудининг ўлчамлари ва шаклига боғлик бўлади. Учиш тасмалари қўйидаги омиллар орқали аниқланади: ҲК лари ҳаракати жадаллиги; аэродромдаги хукмрон шамоллар; шамол тўсикларнинг юзаси; қўшни аэродромлардаги УТ нинг йўналиши ва жойлашуви; яқин атрофдаги аҳоли пунктларида бўладиган қурилиш ва ривожланиш истиқболлари; жой рельфи; аэродромларнинг қишики эксплуатация хусусиятлари.


СУКМ сининг сони ташишларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади ва ҲК лари ҳаракатининг берилган жадаллиги асосида техник-иқтисодий хисобларга биноан аниқланади.

УҚТ ларининг дунёнинг томонларига нисбатан жойлашуви масаласини ҳал қилаётганда ҲК ларининг хавфсиз учиш-қўнишини, аэродром худудидаги тўсикларни, атроф муҳит муҳофазасини, аҳоли пунктларида бўладиган шовқинни, аэропорт қурилишида тежамкорликни ва шу каби омиллар хисобга олинади.

УҚТ ларининг йўналиши шундай танланиши керакки, ҲК лари эсаётган шамолга қарши йўналишда кўтарилисин ва қўнсин, ҳамда бўш хаво йўллари ҳам қолсин. Бироқ бундай жойланиш учишлар сонини чеклаб қўяди. Шунинг учун шамол ён томондан қарши эсганда ҳам бўлаверади. Ён томондан қарши эсадиган ва ёnlама эсадиган шамолларнинг тезлиги рухсат этилган критик қийматдан катта бўлмаслиги керак. Критик қиймат эса ҲК сининг русуми ва конструктив хусусиятлари орқали аниқланади. Шамолнинг рухсат этилган чегаравий тезлиги шундай тезликки, ундан юкорида ҲК сининг турғунлиги ва бошқарилиши кескин ёмонлашади. Бундай тезлик турли ҲК лари кўтарилиш ва қўниш учун турлича қийматга эга бўлади. Бу қийматлар аэродинамик хисоблар ва учиш синовлари орқали топилади.

Йўл-йўлакай ва йўл-йўлакай ёnlама эсадиган шамоллар учун ҳам чекловлар бор. Масалан, йўл-йўлакай шамол деярли ҳамма русумдаги ҲК лари учун 5 м/сек. Қарши эсадиган шамол тезлиги катта бўлади, лекин ҲК ларининг турғунлигини тутиб туриш мақсадида самолётларга 25...40 м/сек, вертолётларга 15...25 м/сек қилиб чекланган.

Йўлма-йўл ёnlама ва рўпара-ёnlама шамолларнинг тезлигини аниқлаш учун ҲК си кўтарилаётган ва қўнаётган ондаги унинг шамол билан ўзаро таъсири схемаси 3.7-расмда берилган.



3.7. - расм. Рўпара-ёnlама ($\omega_{\alpha\dot{a}}$) ва йўлма-йўл ёnlама ($\omega_{\alpha\ddot{a}}$) шамоллар ва ҲК си қўнаётган ва кўтарилаётган пайтдаги ўзаро таъсири схемаси.

Рўпара-ёнлама ва йўлма-йўл ёnlама шамолларнинг рухсат этилган тезлиги қуидаги формулалардан топилади.

бу ерда $\omega_{\alpha i}$ –рўпара-ёнлама шамол тезлиги, α бурчак остида таъсир этади; W_α – йўлма-йўл ёnlама шамол тезлиги, α бурчак остида таъсир этади; $\alpha_{\text{гр.в}}$, $\alpha_{\text{гр.п}}$ -бурчаклар; бунда рўпара-ёнлама ёки йўлма-йўл ёnlама шамолларни аниқлашнинг чегаравий шарти α бурчак остида таъсир этаётган шундай шамолларнинг рухсат этилган ёnlама шамол тезлиги; $W_{\text{п.д.}}$ - ўша, йўлма-йўл шамол учун; α - кесиб ўтиш бурчаги (ҲК сининг ўки билан рўпара-ёнлама ёки йўлма-йўл ёnlама шамол йўналиши орасидаги бурчак).

Учиш бўйича қўлланмалар (УБҚ) да берилишича, $W_{\text{б.д.}} = 6 \dots 14$ м/сек.

$$W_{\alpha i} = W_{\alpha i} = \frac{W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}}{\sin \alpha} \quad \alpha > \alpha_{\text{гр.в}} (\alpha_{\text{гр.п}}) \quad (3.39)$$

$$W_{\alpha i} = W_{\alpha i} = \frac{W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}}{\cos \alpha} \quad \alpha > \alpha_{\text{гр.в}} (\alpha_{\text{гр.п}}) \quad (3.40)$$

$$\alpha_{\text{гр.в.}} = \arcsin \sqrt{\frac{W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}^2}{W_{\dot{A} \ddot{A}}^2 + W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}^2}};$$

$$\alpha_{\text{гр.п.}} = \arcsin \sqrt{\frac{W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}^2}{W_{\dot{A} \ddot{A}}^2 + W_{\dot{\alpha} \ddot{A}}^2}};$$

(3.39) ва (3.40) формулалардан ёnlама шамолнинг рухсат этилган чегаравий қиймати (ҲК сининг ҳаракат ўқига тик йўналган ташкил этувчи), турли кесиб ўтиш бурчаклари учун аниқланади ва ҳисобий даражалари аниқланади. Бунда кесиб ўтиш бурчаклари тўғри бурчакнинг $\frac{1}{2}$, $\frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{8}$ улушкига тенг олинади, яъни 45° , $22,5^\circ$ ва $11,25^\circ$.

УҚТ ларининг режада оптимал жойлашуви шундайки, ҲК ларининг учиш-қўниши кўпроқ шамол бўладиган кунларга тўғри келсин. Маълум йўналиши УПҚ да эҳтимолий учиш-қўнишларнинг, шамолларнинг ҳамма йўналишларига нисбатан фоизда олинган сони тасманинг «шамол юкламаси» дейилади.

4 - БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИНГ УЧИШ-ҚЎНИШ ТАСМАЛАРИ ВА АЭРОПОРТЛАРНИНГ ЎТКАЗУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИ

4.1. Аэропортларнинг ўтказувчанлик қобилиятини баҳолашда тизимли ёndoшиш.

Ҳаво йўлларида ташишлар муттасил ортиб бораётган, кўп ўринли янги ҲК лари эксплуатация килинаётган ва ташиш муддатлари қисқариши зарур бўлган шароитларда аэропортларнинг самарали фаолияти учун етарлича ўтказувчанлик қобилияти бўлиши керак. «Ўтказиш қобилияти» деганда маълум ҳажмдаги ишни бажариш учун мавжуд техник имкониятлар тушунилади. Бу имкониятлар ҲК ларининг сони, вақт бирлиги (соат, сутка, йил) ичida ташиладиган юклар ва пассажирлар сони билан ўлчаниши мумкин. Бунда хизмат кўрсатиш ва хавфсизлик даражалари талаб этиганидек бўлиши керак.

Аэропортнинг ўтказувчанлик қобилияти келаётган ва кетаётган пассажирлар, юклар, ҲК лари оқимини ўзидан ўтказиб турган элементлари ва қисмларига боғлиқ. Аэропортнинг ўтказувчанлик қобилиятини белгилайдиган иншоотлардан бири УҚТ сидир. Қолган элементларнинг ўтказувчанлиги шунга мосланади.

Аэродромларга нисбатан олганда УҚТ ларининг назарий, амалий ва ҳисобий ўтказувчанлик қобилиятлари кўрилади.

Назарий ўтказувчанлик қобилияти, деганда УҚТ сида, вақт бирлигига бажариш мумкин бўлган кўтарилиш-қўниш амалларининг энг кўп сони тушунилади, албатта, хавфсизлик тўла

таъминланиш шарти билан. Бу холда учиш ва қўнишлар кетма-кет узлуксиз хамда рухсат этилган энг кам вақт ораликларида бажарилади, деб фараз қилинади.

Амалдаги ўтказувчанлик қобилияти аэродромнинг ҳақиқий ўтказувчанлигини билдиради ва амалдаги вақт ораликлари асосида ҳисоблаб топилади. Бу вақт ораликлари эса турли-туман тасодифий омиллар таъсирида УҚТ ларидаги ҳаракатнинг узлуксизлиги ва бир текисда кечишини бузади, натижада назарий ўтказувчанликка нисбатан пастроқ натижка беради.

ҲК лари учиш ва қўниш учун оптимал миқдорда навбат кутиши ҳисобга олинган ўтказувчанлик «хисобот» дейилади.

4.2. УҚТ ларининг ҳисобий ўтказувчанлигини баҳолаш бўйича умумий қоидалар.

Аэродром-аэропортнинг ўтказувчанлигини таъминлайдиган асосий қисмдир. Ўтказувчанлик қуйидаги омилларга боғлиқ: эксплуатациядаги ҲК ларининг тури; уларнинг учиш режими; аэродром планировкаси ва ўлчамлари, унинг узунлиги, УҚТ ларининг сони ва жойлашуви; магистрал ва туташтирувчи руллаш йўлларининг (РЙ) даражаси; ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ва қўндириш воситалари; аэропорт районида рухсат этилган шовқин даражасининг чекланиши; ҲК ларининг кўтарилиш-қўниш тавсифлари; навигация тизимининг борт ускуналари имконлари, метереологик шароитлар; аэродромнинг жойлашув баландлиги ва бошқалар. Бу омилларнинг ҳаммаси биргаликда ҲК лари бажарадиган кўтарилиш-қўниш амаллари оралиғидаги рухсат этилган энг кам вақтни ва у орқали УҚТ сининг ўтказувчанлигини белгилайди. Бу ораликлар ҲК ларининг учиш тартибига қам боғлиқ; тартиб визуал кузатув остида учиш қоидаларидан (ВКУ) ёки асбоблар кузатувида учиш қоидалари (АҚУ) дан иборат. Кўтарилиш-қўнишнинг олдинма кейин амаллари орасидаги энг кам вақтни аниқлашда қуйидаги шартлар ҳисобга олиниши лозим.

ҲК си руллаш қўлида кутиш жойидан стартга ўтишни аввалги ҲК си югуришни бошлаган ёки УҚТ сига қўнган онда бошлаши мумкин.

ҲК си шиддат билан юришни УҚТ си олдинги самолётлардан бўшагандан кейингина бошлаши мумкин.

Учишни асбобларга қараб бажариш олдин кўтарилигдан самолёт тайинланган баландликка чиққандан кейингина амалга оширилади.

Асбобларга қараб учиш ва узлуксиз радиолокация назоратида глиссада бўйича пасайиб келаётган самолётлар орасидаги энг кам масофа 5км.дан кам бўлмаслиги керак; бундай назорат бўлмаган холда глиссада ичидаги фақат битта самолёт бўлиши мумкин. Визуал кузатув тартиби билан учишда ҲК лари орасидаги энг кам масофа 2км бўлиши керак.

Кўтарилигдан ёки қўнган ҲК си УҚТ сини, қўнишга кириб келаётган самолёт иккинчи давранинг хавфсиз баландлигига етгунича бўшатиб қўйиши керак.

Кетма-кет учишлар ёки қўнишлар орасидаги, шунингдек яккаю ягона УҚТ да бажариладиган учиш ва қўниш орасидаги энг кам вақт оралиғи 45 секунддан кам бўлмаслиги керак.

Учиш ёки қўниш амалларини бажаришда УҚТ сининг бандлик давомийлиги учишнинг қуйидаги қоидаларини ҳисобга олган холда топилади:

кўтарилишда УҚТ сининг бандлик вақти ҲК си кутиш жойидан стартга чиқишидан бошлаб, УҚТ сининг қўндаланг юзасидан (торец) ўтгунича (ВКУ қоидасида) ёки маълум баландликка ($H_{учиши}$) га чиққунича (АҚУ қоидасида) аниқланади. Кўрсатилган баландлик, доира бўйлаб айланиш тезлиги 300 км/соат бўлганда 200м қабул қилинади, тезлик 300 км/соат гача бўлса - 100м олинади;

қўнишда УҚТ сининг бандлик вақти қарор қабул қилиш баландлигидан ўтган ондан бошлаб, руллаш йўлидан бориб, УҚТ ининг ён чегарасига етиб, кейин юриб кетгунича аниқланади.

Замонавий эксплуатация амалиёти кўрсатишича, ҲК сини бажариладиган стартга олиб чиқиш ва унинг стартда туриши, ундан олдин учган ёки қўнган самолётнинг якуний ҳаракатлари билан тўла ёки қисман бир вақтга тўғри келиши мумкин. Кейинги йиллар амалиётида бажариладиган стартда тўхтамасдан учиш усули қўлланаяпти, бу УҚТ сини кам банд қиласи.

5 - БОБ. РУЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА ПЕРРОННИ, ҲАВО КЕМАЛАРИ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

5.1. Руллаш йўллари, перронлар ва ТЖ ларини режалашга бўлган умумий талаблар.

Муҳандислик коммуникациялари тизими (руллаш йўллари, перрон, туриш жойлари) ҲК ларининг аэродромдаги функционал-технологик жараёнларни бажариш самарасини ва энг катта ўтказувчанликни таъминлашида муҳим аҳамиятга эга. ҲК лари руллаш йўлларидан юради: қўнгандан сўнг СУҚМ сидан перронга, туриш жойларига ва махсус майдончаларга ўтади; учиш учун - тескари

йўналишда жараён рўй беради. Одатда РЙ ининг эни битта ҲК сига мўлжаллаб қурилади, демак ҲК лари рўпарама-рўпара юриши ёки бири иккинчисини айланиб ўтиши мумкин эмас, шунинг учун бундай имкониятларга эга бўлган руллаш йўллари тизими қурилади.

Руллаш йўллари вазифасига кўра магистрал, туташтирувчи ва ёрдамчи турларга бўлинади. Магистрал руллаш йўллари (МРЙ), қоидага кўра, СУҚМ си бўйлаб жойлашади ва унинг бир бошидан иккинчисига қисқа масофа билан бориш имконини беради. Туташтирувчи РЙ лари СУҚМ сини МРЙ билан боғлайди. Туташув ҲК си юришини тўхтатиши мўлжалланган жойларда бўлади, у ердаги СУҚМ нинг қолган қисмига кўтарилиш учун ўтади.

Ёрдамчи РЙ лари туриш жойлари ва маҳсус майдончаларни МРЙ лари ва перрон билан туташтиришга хизмат қилади.

СУҚМ сига уланадиган туташтирувчи РЙ нинг сони ва жойлашувини, қоидага кўра, вариантларни техник-иккисодий таққослаш йўли билан топилади. Бунда, қатнов чўққисига чиқсан пайтда СУҚМ ҳаракатнинг берилган жадаллигини ва ўтказувчанликни таъминлаши керак.

РЙ лари тизимини лойиҳалашда қуйидаги талаблар эътиборга олиниши зарур:

ҲК ларини, транспорт ва механизация воситалари тез ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши;

ҲК ларининг ҳаракат йўналиши тўғри чизиқли бўлиши лозим; йўл ўзгарганда бурилиш радиуси берилган тезликни пасайтиrmайдиган ва хавфсиз бўлиши керак; РЙ ларнинг бурилишлари иложи борича кам бўлсин;


аэродром элементлари орасида энг қисқа масофаларни таъминлаши ва ҳар бир зонадан энг кўп фойдаланишини таъминлаши зарур;

РЙ нинг сунъий қопламалари мустаҳкамлик жиҳатдан СУҚМ нинг учларидаги қоплама сингари бўлиши керак (А участкалар гуруҳи);

Тамғалар ва ускуналарни руллаш белгилари билан таъминлаш;

Қуий тоифа аэродромларда, масалан Ҷ тоифа ёки ҳалқ хўжалиги учун ишлайдиган аэродромларда магистрал ва СУҚМ нинг учларида туташтирувчи РЙ ни қурмаслик мумкин. Бундай ҳолда СУҚМ нинг чекка қисмларида хавфсиз бурилиш учун қоплама эни кенгайтирилиб ҲК си СУҚМ нинг ўқига тез мосланиб олиниши лозим.

Магистрал РЙ ларнинг туташ жойларида, СУҚМ нинг бошланишида, унинг ён қиррасидан камида 30-60 м нарида стартолди майдончалари қурилади; ҲК ларини унда тўхтатиб, двигател ишлаши текшириб олинади; шунингдек, бажариладиган стартга чиқиш учун кутиб туриласи, ҲК си шатақда бўлса, шатақидан чиқариб олинади ёки унга олинади (5.1 - расм).



5.1 - расм. Аэропортда стартолди майдончаларининг жойлашиш схемаси
а - Домодедово, Охар-Чикаго, Дейтон (АҚШ), б-Гатвик-Лондон (Англия); в-Даллас (АҚШ), Истамбул (Туркия); г - Орли ва Руасси (Франция); д - Схипхол (Голландия); е - Рузинэ (Руминия).

Перрон - аэродромнинг муҳим элементи, учиш майдонининг бир қисми; ҲК лари, пассажирларни ўтказиш ва тушириш, багаж, почта ва юкларни ортиш - тушириш мақсадида жойлаштириш ва бошқа тур хизматларни бажариш учун мўлжалланган. Перронлар пассажирлар учун ва юклар бўлади. Аэровокзал ва перрон орасида кўпинча авиаперрон бўлади; у ерда пассажирлар тўпланади.

Аэродром комплексида муҳим ўрин тутадиган элемент туриш жойлари (ТЖ) дир; улар перрон ёки маҳсус майдончаларнинг бир қисми ҳисобланади. У ерда ҲК лари туради ва уларга турли хизматлар кўрсатилади. ҲК лари якка-якка ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб туриши мумкин.

5.2. Руллаш йўллари тармоғини режалаш.

Тўғри лойиҳаланган ва оқилона жойлаштирилган РЙ лари ҲК ларининг аэроромдаги ҳаракатларини энг яхши тарзда ташкил қилиш, хавфсизликни таъминлаган ҳолда кам вакт сарфлаш имконини беради.

Ҳаво кемалари руллашдаги энг катта эксплуатация тезлиги магистрал ва туташтирувчи РЙ ларда 8,3 ...13,8 м/сек (30...50 км/соат), ёрдамчи РЙ ларда - 2,8 ...13,8 м/сек (10...50 км/соат). РЙ ларида бурилишлар бўлса, ҳаво кемаларининг тезлиги сезиларли пасаяди. Масалан, 90° бурчак остида 3-4 та бурилиш бўлса, тезлик 25-30% камаяди.

ҲК ларининг ҳаракат жадаллиги ошган сари, уларнинг РЙ ларидаги тезлигини кўпайтириш зарур бўлади. Бироқ хавфсизлик, пассажирлар қулайлиги деган талаблар бу тезликни чеклаб туради. ҲК лари СУҚМ сидан тезкор РЙ ига ўтишида 22..28 м/сек (80...100 км/соат) бўлиши мумкин.

ҲК ларининг ҳаракат жадаллиги соатига 15 та кўтарилиш-қўниш амалларига тенг бўлганда СУҚМ сининг учларига туташадиган магистрал РЙ ва туташтирувчи РЙ қурилади. Жадаллик соатига 25 амал бўлганда туташтирувчи РЙ, СУҚМ га 90° остида бўлиши керак. Жадаллик 25 амалдан ортиб кетса, шундай туташтирувчи РЙ ни қуриш керакки, СУҚМ дан тушиб келаётган ҲК лари 22...28 м/сек (80...100 км/соат) дан ҳам ортиқ тезлиқда ҳаракат қила олсин.

Магистрал РЙ лари одатда СУҚМ га параллел ётқизилади, шунда унинг узунлиги минимал бўлади.

СУҚМ да РЙ да ҳаво кемалари мустақил ҳаракат қиласа, хавфсизлик шартидан келиб чиқиб, бу йўл билан полоса оралиғи узокроқ бўлиши керак. Бу шарт қуидаги шарт бажарилишини талаб қилади:

$$l_{m,p} = H/\tan \beta = 10H,$$

бу ерда H - магистрал РЙ да ҳаракатланаётган ҲК сининг баландлиги; $\tan \beta$ - хавфсизликнинг ёнлами полосасида хавфсизлик чизигининг киялиги, меъёр бўйича 1:10(0,1).

Тезкор туташтирувчи РЙ мавжуд бўлганда уни УҚТ дан узоклаштириш, МРЙ га чиқаётганда тезликни одатдаги 5,5...8,3 м/сек (20...30 км/соат) гача пасайтириш имконини бериши керак. Бунда ўртача секинлашув 1 м/сек² атрофида бўлиши керак.


5.3. Руллаш йўлларининг эни ва улар орасидаги масофа.

Руллаш йўллари эни руллаш хавфсизлиги шароитидан келиб чиқиб белгиланадики, бунда ҲК си йўлдан ташқарига чиқиб кетмаслиги ва йўл қопламасининг четларини бузмаслиги лозим. Бу йўлларда тезлик шундай бўлиши керакки, кўтариш кучининг енгиллатувчи таъсири кам бўлсин. Руллашда ҳаракат йўналиши РЙ нинг тамғали ўқ чизигига мўлжалланади. Бироқ бундай ҳаракатга кучли шамол, қопламанинг нотекисликлари, олдинги таянчни бошқариш ишларининг хусусиятлари, учувчининг ҳаракатлари таъсир этади ва синусонда эгри чизигига яқин траекторияда кечади.

Лойиҳалашда РЙ эни 11.05.08-85 ҚМК нинг талаблари ва аэрором класси асосида қабул қилинади. Муайян турдаги ҲК си учун РЙ нинг зарурий энини белгилашда шундан келиб чиқиладики ҲК си ҳаракатланганда фидираклар олдинги излардан оғиб кетади. Бундан ташқари, қоплама четини бузмаслик шарти ҳисобидан бир оз захира қолдирилади. Бу шартдан келиб чиқиб (5.2. - расм) РЙ нинг эни қуидаги формуладан топилади:

$$B_{pd} = B_k + B_t + B_{nh} + 2(C_1 + C_2)$$

бу ерда B_k - шасси излари ораси (колеяси); B_t - ўша, шасси аравачасида; B_{nh} - пневматик шина эни; C_1 - асосий таянчдаги ташқи фидиракдан РЙ четигача бўлган рухсат этилган энг кам масофа (қоплама четларининг мустаҳкамлик шартидан топилади); C_2 - руллаш жараёнида асосий таянч марказининг РЙ нинг ўқ чизигидан оғишининг статистика билан асосланган ҳисобот қиймати.



5.2. - расм. РЙ нинг энини аниқлаш учун ҳисобий схема.

Турли юкламалар қоплама четининг мустаҳкамлигини ҳисоблаб топилган C_1 ва C_2 параметрларнинг қийматлари ва ҲК сини руллашда ўқ чизигидан оғишларнинг (тажриба ўлчамлар) статистик қайта ишланган қийматлари 5.1 - жадвалда келтирилган.

5.1. жадвал

ҲК гурӯхлари	ҲК тури	C_{1M}	C_{2M}
I	Ил-62, Ил-86, Ил-76	1,7	2,5
II	Ту-154, Ту-134, ЯК-42	1,2	2,0
III	ЯК-24, ЯК-40	0,5	1,5
IV	Л-410, Ан-28	0,5	1,0

ҲК сини ўз двигатели кучи билан юргизиб руллагандага иссиқ газ оқимлари таъсирида РЙ нинг ёнидаги грунт участкалар бузилиши олдини олиш ва двигател соплосига грунт зарралари кириб қолиш эҳтимолини йўқотиш мақсадида РЙ нинг икки четидаги грунт мустаҳкамланади ва унинг эни қўйидагича аниқланади (5.4 - расм).

$$B_{ob} = 0,5B_{str} + 0,33C_2 - 0,5B_{pd},$$

Бу ерда B_{str} - руллаш режимида иссиқ оқим майдонининг ҳисобий эни; уни назарий (ҳисоблаб) жиҳатдан белгилаб, тажрибада текширилади; қиймати турли ҲК лари учун; Ту -154, Ту - 134 - 18м, Ил - 86-50м.

5. 4. Аэроромда ҳаво кемалари туриш жойлари сонини аниқлаш.

Аэроромнинг режавий ечимлари кўп жиҳатдан ҲК ларининг туриш жойлари (ТЖ) сонига боғлик. ТЖ нинг зарурий сони қўйидаги омилларга боғлик: қатнов кўп бўлган пайтда ҲК ларининг ҳаракат жадаллиги; ҳисобдаги ҲК лари сони; келаётган ва кетаётган ҲК лари оқимининг тавсифи; муайян турдаги ҲКга ТЖ да хизмат кўрсатиш давомийлиги; қатнов кўп пайтларда ҲК лари маневрда бўлгани сабабли ҳамма ТЖ лари 100% банд бўлмаслиги.

Перроннинг габарит ўлчамларини далиллаш учун ҳисобий вақт ичида ҳаракатдаги ҲК лари таркибини аниқ билиш керак. Пассажир перрондаги ТЖ лари сони ҲК ларининг кутилаётган сонига хизмат кўрсатиш учун етарли бўлиши лозим. Айниқса, ҳамма кенг ва энг узун фюзеляжли ҲК лари биринчи навбатда ТЖ билан таъминланиши керак.


Кейинги йилларда ТЖ сонини ҳисоблаб топишда ялпи хизмат назарияси (навбатлар назарияси) деган математик усул қўлланаяпти. Бу - қўйидаги ҳолатлардан келиб чиқади. Аэропортда ҲК ларининг ҳаракати доимо мунтазам эмас. Шу сабабдан перрон ҳам мунтазам банд бўлмайди. ҲК ларининг келиб қўниши вақтлари ҳам тасодифий омиллар таъсирида ўзгариб туради, илгари тузиб қўйилган жадвал 100 % аниқ бажарилмайди. ҲК ларининг қўниш оралиqlари, уларга хизмат кўрсатиш давомийлиги ҳам тасодифий омиллар таъсирида ўзгарида.

5.5. Ҳаво кемаларини туриш жойларига қўйиш.

Туриш жойлари (ТЖ) нинг геометрик ўлчамлари қўйидаги омилларга боғлиқ: ҲК сининг габарит ўлчамлари; уларни ТЖ га қўйиш схемаси; ТЖ га кириш ва ундан чиқиши усуслари; ҲК лари бинолар, иншоотлар ва ТЖ га қўйилган ускуналар оралиғидаги масофа.

Ҳаво кемалари пассажир перронидаги жойларга одатда ўз двигателининг кучи билан кириб, чиқиша ё ўз кучи билан, ё шатакчи ёрдамида чиқади. Ўз кучи остида руллаш, одатда, маневр учун майдон чекланиши кам бўлгандагина мумкин. Оғир реактив ҲК ларини перрондан олиб чиқиш учун шатакчи ишлатилади. Аэровокзал биносига ёки ўтказиши галереясига ёндашган ТЖ дан рулни орқага, олдинга буриб, чиқиши, одатда, 180° гача бурилишни талаб қиласди. Шунинг учун хисобдаги ҲК сини буриш радиуси ва ўлчамлари ТЖ ларининг ўлчамларига таъсир этадиган асосий омил бўлади. ТЖ дан рулланиб чиқишининг икки усули бор. Биттаси иккита ТЖ ўртасидан тўғри чизик бўйлаб чиқиши (5.3. а - расм), иккинчиси ҲК бурилиб ўз ТЖ ига перепендикуляр турлиб олади, кейин рулланиб чиқади (5.3. б - расм). Иккинчисида зарурий майдон хиёл кичикроқ бўлса ҳам кифоя.

Кўп ҳолларда ТЖ дан чиқиша шатакчи ёрдамида маълум масофага олиб чиқилади, кейин ўз кучи билан юради. Бу усулининг яхши томони шуки, ҲК ларини жойлаштириш қулай ва кам майдон талаб қилинади.




5.3. - расм. ҲК ларини ТЖ дан руллаб чиқариш: тўғри чизик бўйлаб (а), дастлаб буриб олиб (б).

Ҳозирги вактда дунё амалиётида ҲК ларини перронлар ва ТЖ ларига қўйишнинг қўйидаги усуслари кўлланади.

«Тумшуғи олдинда, руллаш ўқига кия» (5.4. а - расм). Бундай усулда ҲК лари ТЖ га ўз кучи билан киради ва чиқади. Двигателнинг қуввати нисбатан кичик бўлганида рулни орқага буриш мумкин, чунки тезлик кам ва ҲК нинг массаси ёнилғи сарфи сабабли пасаяди, шовқин ва газ-ҳаво оқимларининг таъсири камаяди. ҲК ни олдинга юргизганда газ-ҳаво оқими бинолар томонга йўналади, махсус химоя тўсиқлари ўрнатиш керак бўлади.

«Тумшуғи ичкарида, руллаш ўқига кия» (5.4. б - расм). Жойлашнинг бу усулида ҲК сини ўз кучи билан ТЖ га олиб кирилади, чиқиша шатакчидан фойдаланилади. Агар ён томондаги ТЖ бўш бўлса, ҲК ўз кучи билан ҳам чиқиши мумкин.



5.8. - расм. Самолётларни жойлаш усуслари

Шундай қилиб, қатнов чўққисига чиққанда ҲҚ ларини шатакчи тортиб юради, бошқа пайт ўз двигатели кучи билан юради. Бундай жойлаш усулида шовқин кам бўлади, чунки ҲҚ ўз кучи билан ТЖ дан чиқаётганда бурилмайди ва унга кираётганда иссиқ газ-ҳаво оқимлари бинолардан четга йўналади. ҲҚ нинг олдинги эшиги аэровокзал биносига яқин туради. ҲҚ ни ТЖ дан шатакчи ёрдамида орқага итариб чиқарилганда, сунъий қоплама майдони, олдинги усулга қараганда камроқ талаб қилинади.

«Руллаш ўқига параллел». Бу усуlda каттароқ - пассажир перрони керак бўлади; жойдан чиқаришда эса юқори частотали шовқин ва реактив газ-ҳаво оқими қўшни ТЖ га қаратилади. Бу усуlda шатакчи кучидан ҳам фойдаланилади. ҲҚ ни бино фасадига параллел жойлаштирганда олдинги ва орқа эшикларни кўчмас трап ёрдамида галерея билан улаш мумкин. (5.4. в - расм).

«Иккита РЙ ўртасига жойлаш». ҲҚ ларини иккита параллел РЙ ўртасига, бортлари билан ёнма-ён жойлаштириш очик кўп қаторли перрон пайдо бўлади. ТЖ га кириш, чиқиш оддий, бироқ пассажирлар ва хизмат қўрсатувчи ходимлар учун хавфсизлик талабларига тўла жавоб бермайди, чунки уларнинг йўл ҳақлари, маҳсус автотранспорт ва механизация воситалари йўли билан кесишиади (5.4. г - расм).

«Тумшуғи билан ичкирига». Бу усуlda ҲҚ ТЖ га ўз кучи билан киради, чиқишида эса шатакчи тортиб, двигателни ишга туширадиган жойгача олиб боради. (5.4. д - расм). Бу усул дунё амалиётида кўп қўлланади. Усул «Тумшуғи билан ичкири, бурчак остида» усули каби афзаликка эга, лекин бунда сунъий қопламали майдон камроқ талаб этилади.

«Тумшуғи билан ичкирига» (аэровокзалга) ва «Тумшуғи билан ташкарига» (аэровокзалдан) схемаларнинг фарқи шундаки, биринчиси анча қулай, чунки пассажирлар эшиги аэровокзалга яқин туради. Иккинчиси шовқин ва реактив оқим таъсирини камайтиради, чунки ҲҚ бу ерда бурилаётганда кам массага эга бўлади ва камроқ майдон талаб қилинади (5.4.е - расм).

5.6. Пассажир перронларини танлаш

Бош йўналишнинг УҚТ сига нисбатан перрон шундай жойлаштириллади:

УҚТ га нисбатан марказий зонада ёки стартлар тез-тез бўлиб турадиган силжиган ҳолда (битта ёки бир-бирига яқин, параллел иккита УҚТ си бўлган аэродромларда);

УҚТ лари орасида (тасмалари битта ёки бир нечта, лекин бир-биридан камида 1 км олис бўлган аэродромларда).

Битта УҚТ ли аэродромларда ҲҚ ни руллаш йўлини камайтириш мақсадида перрон ва ТЖ ни УҚТ бўйлаб, узунасига жойлаштириллади.

Эксплуатация амалиётида кўринишича, перронлар ва сақлаш ТЖ ларини бир-бирига яқин қуриш мақсадга мувофиқ. Перрон ва ТЖ ларни бир-биридан айрича жойлашнинг қатор камчилиги бор. Булардан асосийси - қоплама юзасидан унумли фойдаланилмайди. Кундузги харакат жадаллиги катта, перрондаги ТЖ лар банд, сақлаш ТЖ лари эса бекор ётади. Тунги соатларда перрон бўшаб қолади ва ҲҚ лари ТЖ ларда тўпланади. Шу тарзда сутка давомида перрон ёки ТЖ ларнинг қандайдир қисми доим бекор ётади.

Перронларни лойиҳалаганда ёки аэровокзалга яқин (биносига туташ), ёки ундан узокроқ жойлаштириллади. Кейинги ҳолатда пассажирлар ТЖ га маҳсус автотранспорт билан ташилади.

Пассажирларни ҲҚ га ўтказишни ташкил этишга қараб, перронлар бир поғонали ва икки поғонали бўлади. Биринчисида пассажирлар перрон сатҳида юриб чиқадилар. Иккинчисида пассажирларнинг юриб чиқиши ва ҲҚ га ўтириши аэровокзалнинг иккинчи қавати сатҳида ёки телескопик трапнинг маҳсус иншоотида кечади.

5.7. Маҳсус майдончалар.

Аэропорт ёки аэродромда турли вазифаларни бажарадиган маҳсус майдончалар бўлади: авиадвигателлар ишга тушириладиган; ангаролди; ишлар ниҳоясига етказиладиган; оғишлар бартараф этиладиган; газлар йўқотилиб, мойланадиган (авиация кимёвий аппаратларини ҳам); перрон механизацияси ва маҳсус автотранспорт учун.

Авиадвигателлар ишга тушириладиган майдончалар ҲҚ нинг перрондан стартга ўтиш йўлида жойлашади; ёнилғини тежаш мақсадида СУҚМ нинг учига яқин жойлаштириллади; бунда тўсиқларга бўлган чеклаш, радиотехника воситаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шовқин ва радионавигация тизимининг ўта юқори частотали нурланишига бўлган талаблар бажарилиши керак. Бундай майдончалар перрон яқинида ҳам жойланиши мумкин.

Авиадвигателлар ишга тушириладиган майдончаларда бир вақтнинг ўзида турадиган ҲҚ лар сони бир соатда учиб кетадиган ҲҚ лари сони орқали аниқланади.

ҲҚ си ангаролди майдончада, унга киришдан олдин тўхтайди. Бу майдончалар ангар дарвозаси тарафида бўлади, ТЖ ва ишлар ниҳоясига етказиладиган майдончалар билан руллаш йўллари воситасида туташади.

Ишлар ниҳоясига етказиладиган майдончаларда двигателинг иши текширилади, ҲҚ га даврий техник хизмат кўрсатилиши олдинги дастлабки ва кейинги якуний ишлар, назорат текширув ишлари бажарилади. Бу майдончадаги ТЖ лар сони ангардаги жойлар сонига тенг бўлади; ангар яқинига (50м ва ундан нари) қурилади ва ангар майдончасига туташади ёки у билан РЙ воситасида туташади.

6 - БОБ. АЭРОПОРТЛАРНИ РЕЖАЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

6.1. Аэропорт режасини лойиҳалаш тамойиллари.

Замонавий аэропортнинг бинолари, иншоотлари, транспорт йўллари, муҳандислик коммуникациялари ва ускуналари, учириш ва қўндириш воситаларини жойлаштириш учун катта ер участкаси (400...500 гектар ва ундан ортиқ) керак. Шунинг учун аэропортни режалаш, яъни ҳамма элементлар ва иншоотлар жойлаштирилган бош режасини ишлаб чиқиш ўта муҳим иш ҳисобланади, транспорт ишининг технологик жараёнларини самарали бажарш шунга боғлик бўлади.

Аэропортни режалаш ҲҚ ларининг ҳаводаги ҳаракатлари тўғрисида қабул қилинган схемалар ва ташкилий тадбирларга асосланади, яъни аэроторияни зоналар бўйича режалаш ҳисобга олинади. Масалан, УТ ларини шахар (ахоли пункти) ёки баланд тўсикларга нисбатан мўлжаллаш ва жойлаштириш ҲҚ ларининг қабул қилинган қўниш ва чиқиш схемаларидан келиб чиқади. Ўз навбатида, бу схемалар, шунингдек УТ нинг йўналиши шамоллар режимидан келиб чиқади. УТ ни мураккаб метереологик шароитларда эсадиган шамолга қарши (ёки озгина оғдириб) мўлжаллаб қуриш учишлар хавфсизлиги ва мунтазамлигини оширади, бунда, албатта УТ «остона»лари бўш бўлиши лозим.

Аэропортни режалаш учиш эксплуатация ишлари юксак даражада қулай технологияларга замонавий архитектура-режавий ечимларига мос бўлиши керак.

Аэропортларнинг бош режасини ишлаб чиқиша вертикал режалашнинг тежамлилигига ҳам эътибор қаратиш керак, яъни жой рельфини грунтни кирқиб ёки тўлдириб тузатиш, УТ, РЙ, ТЖ ва перронларнинг нишабларини, бинолар ва иншоотлар қуриладиган майдонларни меъёрга келтириш. Бир вақтнинг ўзида сув қочириш, дренаж ва сув босишдан ҳимоялаш масалалари ҳам ҳал қилинади.

Бош режани ишлаб чиқиша оптимал вариантга эришиш учун маълум тамойилларга амал қилинади. Бу тамойиллар умумий бўлиб, УТнинг жойлашуви ва аэропортнинг барча худудини режалашга доир асосий ва ҳал қилувчи масалаларни қамраб олади.

6.2. Аэропортларни режалашнинг принципиал схемалари.

Аэропорт жойлашадиган ердаги муайян вазият билан табиий иқлим шароитлар амалда бир хил бўлмайди. Шу сабабдан лойиҳалашнинг ҳамма ҳолатларига мос келадиган намунавий бош режа ишлаб чиқиш мумкин эмас. Лекин турли тоифадаги аэропортлар учун бош режанинг тахминий схемалари бор. Уларни ҳар бир муайян ҳолат учун мослаштириб, аэропортнинг асосий вазифасини оптимал вазиятда бажаришни таъминлайдиган хусусий бош режа тайёрланади.

Бош режасини ишлаб чиқиша кўпинча бир тасмали аэрордом шакли танланади. У шамоллар юклamasи катта бўлганда қатновлар жадаллиги юкори бўлишини таъминлайди. Жадаллик жуда юкори бўлса, бир-бирига параллел, ёки шамол кучи етарли бўлмаса, бир-бирига бурчак остида қурилган икки тасмали ёинки кўп тасмали (бир-бирига параллел ёки б.) аэрордом қурилади.

Бош режани ишлаб чиқишининг асосий тамойили лойиҳаланаётган аэропорт худудини бажарадиган вазифаларига кўра зоналарга ажратиш ҳисобланади. Бунда учиш тасма (УТ) лари асосий элемент, режалашнинг композицион маркази-аэровокзал, пассажирлар перрони ва вокзалолди майдон бўлади. Демак, аэропортнинг режавий ечими УТ лари ва аэровокзалнинг жойлашуви билан боғлик.


Умумий ҳолда бош режада қуйидагилар аниқ кўрсатилади: ҲҚ ларининг учиши, қўниши, руллаш, сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш вазифаларини бажарадиган аэрордом; пассажирлар, юклар ва почтага хизмат қиладиган ҲҚ ларига техник хизмат қиладиган ва ёрдамчи бинолар ва иншоотлар жойлашган маъмурий-техник худуд (МТХ); алоҳида иншоотлар ўрнатилган участкалар.

Аэропортнинг архитектура режаси таркиби УТ нинг жойлашуви билан ҳам, МТҲнинг қурилиш тавсифлари билан ҳам аниқланади. Кейингисига қуидагилар киради: алоҳида бинолар ва иншоотлар, майдонлар ва транспорт йўлларининг шакли; шаҳар томондан транспорт воситаларининг келиши; аэропорт ёнидаги ерларнинг табиий шароитлари.

Хар бир классдаги аэропорт қабул қилинган технология бўйича нормал ишлашини бажара олиши учун бинолар ва иншоотлар рўйхати ўз хусусиятига эга бўлади: номенклатураси, ўлчамлари, блокировка даражаси ва х.к. Бундай рўйхат аэропортни технологик лойиҳалаш меъёrlарида берилади.

Бинолар ва иншоотлар, аэродром элементлари ва алоҳида иншоотлар орасидаги масофалар КМК талаблари ва технологик лойиҳалаш меъёrlари (ТЛМ) асосида қабул қилинади.

МТҲ нинг УТ га нисбатан жойлашувига қараб, аэропортни асосий режалаш схемаси 4 хил бўлиши мумкин: фронтал, оролчага ўхшаш, ичкари жойлашган ва уринма тангенциал; УТ нинг сони бўйича - бир тасмали ва кўп тасмали бўлади. 6.1 - расмда бир ва кўп тасмали аэропортларда МТҲнинг намунавий жойлашиш схемалари кўрсатилган.



6.1. -расм. МТҲ ва УТ нинг ўзаро жойлашуви ва алоқадорлиги.

1 - ГУҚМ; 2 - СУҚМ; 3 - руллаш йўллари; 4 - МТҲ; 5 - транспорт йўли; 6-7 - кўтарилиш ва қўниш йўналишлари; 8 - ТЖ.

6.1. – расмда МТҲ фронтал жойлашган, бир тасмали аэропорт схемаси кўрсатилган. Бу схемада ҳар йўналиш бир хил учиш ва қўниш сонига, руллаш йўли узунлигига эга деб фараз қилинади.

Учиш ва қўниш жадаллиги визуал учишларда соатига 41 ҲК дан, асбобларга қараб кузатишда – 37 дан ортиқ бўлса, битта тасма етарли эмас. Бунда икки тасмали аэропорт қабул қилинди, МТҲ ичкарига жойлаштирилади (6.1 б,в - расмлар) ва уринма шаклда бўлади (6.1г - расм). 6.1б – расмдаги схема, шамол режими иккала йўналишда бўлса ҳам учишлар амалга оширилаверади деб фараз қиласди. Бунда руллаш йўли 6.1а – схемадаги каби бўлади.

Агар битта УТ фақат қўнишга, иккинчиси – фақат кўтарилишга хизмат қилиши зарур бўлса, 6.1в,г схемалари бўйича бош режа тузилади. Бундай режалашнинг, айниқса. 6.1г нинг асосий афзаллиги шундаки, кўтарилишда ҳам, қўнишда ҳам руллаш йўли кам бўлади. Камчилиги ҳам бор: зарурат туғилганда кўтарилиш ва қўнишни қарама-қарши йўналишларда бажаришга тўғри келади. Яъни учиш СУҚМ нинг перрондан олисдаги учидан, қўниш – энг яқин учидан бўлади. Бу ҳолатларда РЙ сезиларли ортади.

Аэропортларда бирваракайига 4 та параллел тасмалар қуриш зарурати туғилаб қолиши мумкин. Бунда МТҲ ичкарига жойлаштирилади. Шунда иккита тасма учишга хизмат қиласа, қолган иккитаси қўнишга хизмат қиласди (6.1. д – расм). Бу, ҲК ни руллашга ҳалақитларни йўқотади. Бирор шуни ҳам хисобга олиш керакки, МТҲ га яқин учиш тасмаси четдагига қараганда кўп ишлатилади, чунки шунда руллаш йўли қисқаради, бошқа тасмани кесиб ўтиш бўлмайди.

Баъзи аэропортларда шамолнинг йўналиши барқарор бўлса ҳам, баъзан ўзгартириб туради. Шунинг учун йилнинг ҳамма даврида учишлар жадаллигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асосий тасмаларга перпендикуляр ўтган қўшимча тасма ҳам қуриш зарур бўлади. (6.1. е – расм). Бунда МТҲ ичкарига ёки яриморол шаклида жойлаштирилади.

Турли йўналишда жойлашган иккита УТ бўлишини талаб қиласиган шамол режимида (6.1. ж – расм) МТХ ичкари қурилади. Шунда кучсиз шамол бўлгандага иккала тасмадан учиш ва кўниш учун фойдаланиш мумкин.

МТХ ни орол кўринишида жойлагандага, у учиш майдонининг ўртасида бўлади ва режалашнинг ядроси бўлиб туради (6.1. з – расм). Унинг атрофида УТ ва РЙ ўтади.

Кўп тасмали аэропортларни уринма шаклда режалаш анча прогрессив. Шамол йўли турли йўналишларда УТ лари қуришни тақазо этади (6.1. и – расм). Бу схемада ХК ларнинг кўтарилиши ҳамма вақт МТХ томонидан бошланади, кўниши – МТХ томонга бажарилади. Шунда ХК ни руллашга ва магистрал РЙ қуришга зарурат бўлмайди.

7 – БОБ. АЭРОПОРТ МАЪМУРИЙ – ТЕХНИК ҲУДУДИННИНГ БОШ РЕЖАСИ

7.1. Аэропортнинг МТХ ни зоналаш ва бино иншоотларини гурухлаш тамойиллари.

МТХ нинг бош режасини лойихалаш алоҳида бинолар ва иншоотларни, маълум белгиларина кўра, гурухларга бирлаштиришдан бошланади. Кейин ер участкаси гурухлар ўртасида тақсимланади, яъни зоналаштирилади.

Зоналаш (тириш) – аэропорт бош режасини тузишнинг асосий тамойилларидан бири қуидагича зоналаш мавжуд: ишлаб чиқаришга муносабати (функционал ёки технологик), зарарлилик (санитария) даражаси, ёнгин ва портлаш хавфлилиги, транспорт вазифалари. Буларнинг бари текислик бўйича горизонтал зоналашга киради. Вертикал зоналаш (асосан, қаватлар сони, блокировка қилиш) ва ҳаммасидан қурама зоналаш ҳам бўлади.

Ишлаб чиқаришга муносабати ёки функционал зоналаш бинолар ва иншоотларни ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларнинг ягоналиги тамойили асосида гурухлаштиришни кўзда тутади. Бунда санитария ва ёнгинга қарши талаблар ҳам ҳисобга олинади. Катор ҳолларда, лойихаланадиган обьектлар сони кўпайса, зоналаш ҳам мураккаблашади. Бундай ҳолда йирик зона ичida қўшимча гурухлар ажратилади.

Зарарлилик (санитария) даражаси бўйича гурухлашда худуддан аэропорт атрофидаги аҳоли пунктларига етказиладиган зарарларнинг сифати ва тавсифлари, шунингдек МТХ даги бир обьектнинг бошқа обьектга таъсирлари ҳисобга олинади.

Аэропортнинг атрофга кўп зарарликлар етказадиган бино ва иншоотлари тураг жойлардан, пассажирлар биносидан олисроқда, шамол йўналишлари, жой рельфи ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. Зарур бўлгандага химояловчи санитария зонаси қурилади.


Ёнгин ва портлаш хавфи бўйича зоналаш ўтга чидамсиз материаллар, ЁММ ва заҳарли моддалар омборларини шундай жойлаш керакки, шамол улардан чиқадиган зарарли моддаларни пассажир бинолари ва МТХ нинг баъзи биноларидан бошқа томонларга учиреб кетсин ва иложи борича рельфнинг (ЁММ омбори) куйи сатҳидан ўтсин. Шунингдек, бино ва иншоотлар оралиғидаги масофалар меъёrlарига тўғри келсин.

Транспорт бўйича зоналаш хизмат қўрсатаётган транспортнинг бир хиллиги тамойили асосида, юқ оборотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Функционал зоналаш МТХ нинг бош режасини оқилона ҳал қилишда анъанавий лойихалаш усулларини қўллагандага ҳам, замонавий математик усуллар ва компьютерларни қўллагандага ҳам зарур. Бунақа зоналаш МТХ нинг ўзи, структураси, алоқалари ва хусусиятлари ҳақида яхлит тасаввур олиш имконини беради, лойиха ечимларининг тежамкорлигини ошириш, ташиш технологияларини такомиллаштириш имконини беради.

МТХ нинг бино ва иншоотларини функционал зоналашда қуидаги зоналарни ажратиб кўрсатиш мумкин: маъмурий – жамоа, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи. Булар 7.1 – расмда батафсил кўрсатилган.

Маъмурий жамоа зонага аэропорт бошқарув биноси, ахборот ҳисоблаш маркази, профилакторий, ўкув – техник блок, тибсанқисм, ходимлар ошхонаси, спорт иншоотлари, аэропорт ходимларининг шахсий автомобиллари учун туриш жойи ва бошқа обьектлар киради. Бу зонанинг бинолари ва иншоотлари аэропортга кириб келадиган автомобил йўли яқинида МТХ га кириш жойидан тўпланади; улар аэропортнинг бошқа обьектлари билан транспорт ва пиёда орқали яхши боғланган бўлиши керак. Санитария нуқтаи назаридан ва одамлар билан юклар оқими иложи борича камрок кесишиб ўтиши шартидан келиб чиқиб, МТХ га кириш жойи ЁММ омбори, юқ омборлари ва авиатехник бромлар омборларига олиб борадиган йўллар билан кесишмаслиги лозим.



7.1. – расм. Маъмурий-техник ҳудудни зоналаш.
1 – ишлаб чиқариш зonasи; 2 – ёрдамчи зона; 3 – маъмурий-жамоа зона.

Ишлаб чиқариш зonasига пассажирлар, багаж, юклар, почта ва ҲК лари оқимига хизмат кўрсатиш, авиация ёнилғисини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ бинолар ва иншоотлар киради. Уларнинг бошқалардан ажralиб турадиган хусусияти шуки, аэрором билан функционал алоқадор. Шунинг учун пассажир ва юк комплекслари пассажирлар ва юк перронларига, авиация-техника базасининг бино ва иншоотлари–ҲК ларини сақлаш ТЖ ларига яқин жойлаштирилади.

Айтилган оқимларга хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари турли туман бўлишини ҳисобга олиб, бино ва иншоотларни янада майдароқ гурухларга ажратиш максадга мувофиқ.

Ишлаб чиқариш зonasининг бино ва иншоотларига қуйидагилар киради: ҲХБ, радионавигация қўндириш обьектлари (ДБП) старт диспетчерлик ва метеокузатув пункти (СДП), узоқдаги ва яқиндаги радиомаркерли радиостанция (УРМР ва ЯРМР), курс радиомаёги (КРМ), глиссада радиомаёги (ГРМ), антенналар майдони ва б.

пассажирларга хизмат қиладиган бинолар ва иншоотлар (аэровокзал, меҳмонхона, пассажирлар ва багаж павильони, бортда озиқлантириш цехи, вокзалолди майдон ва б);

юклар ва почта ташиши бинолари ва иншоотлари (омбор, ховли, юк аэровокзали, радиоактив ва маҳсус юклар, портловчи моддалар омборлари, маҳсус почта ташувлари ва б.);

техник хизмат кўрсатадиган бинолар ва иншоотлар (англарлар корпуси, бош механик цехининг корпуси, иссиқ ва заарли ишлаб чиқариш цехи, техник бригадалар биноси, маҳсус автотранспорт майдончаси ва б.);

авиаенилғи билан таъминловчи обьектлар (ЁММ ни сарфлаш омборлари, марказий қуйиш станцияси, автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари).

Бино ва иншоотларни бундай гурухларга ажратиш МТҲ нинг бош режасини оқилона ишлаб чиқариш имконини беради, айни пайтда санитария, технологик ва ёнғинга қарши талаблар ҳисобга олинади.

8 – БОБ. АЭРОПОРТЛАРНИНГ АТРОФ МУХИТИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

8.1. Атроф мухитни муҳофазалаш бўйича умумий талаблар.

Атроф мухитни муҳофазалаш одамлар ва келажак авлод манфаатлари йўлида табиий мухитни асрashга йўналтирилган тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Лойиҳаланаётган аэропорт атрофидаги мухитни асрash маҳаллий табиий шароитларни сақлаш ёки назорат остида ўзгартиришга қаратилган қатор тадбирларни бажаришдан иборат. Фуқаро авиациясининг фаолияти атмосферани, тупроқ ва сув ҳавзаларини ифлослантириш билан атроф мухитга салбий таъсир қилади. ҲК ларини, ерусти иншоотларини ва аэропортнинг техник системаларини эксплуатация қилганда атроф мухитга энг кўп салбий таъсир этадиган омиллар қуйидагилар: авиация шовкини, товуш тўлқинлари (товушдан тез ҲК лари учганда), двигателлардан чиқадиган заарли моддалар, радиотехник воситаларнинг электромагнит нурланиши, аэропорт ҳудудидан чиқадиган ифлосланган оқавалар.

Аэропорт қурилиши ҳамма вақт атроф мухитни мувозанатдан чиқаради. Ҳудудни қурилишга тайёрлаш: дарахтлар, буталар кесилади, ботқоқ қуритилади, натижада сув ўтказмайдиган сунъий қопламалар ер ости сувлар сатхини ва ер юзасидаги сувларнинг оқиб кетиш режимини бузади. Шу сабабларга кўра, табиатни асрash тадбирлари шовқинлардан, юқори частотали нурланишлар таъсиридан ҳимоялашга, атмосфера ва атроф ерлар ифлосланиши олдини олишга тупроқ эрозиясига,

айрим участкаларни сув босишига йўл қўймасликка аэропорт атрофидаги флора ва фаунани сақлашга қаратилади.

Грунт абадий музлаган ҳудудларда жойлашадиган аэродромларни лойиҳалаётганда термокарст, термоэрозия, кўпчиш, муздан ёрилиш, муз қоплаш ва аэродромни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича криоген жараёнларга йўл қўймайдиган тадбирлар кўзда тутилади.

Аэропортларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда атроф муҳитни асраш муаммоларини ҳал қилиш учун бир вақтнинг ўзида турли омиллар таъсирини ҳисобга олиш, сарфлар ва йўқотишларни, камчилик ва афзалликларни аниқлаш керак.

8.2. Авиация шовқинлари даражасини баҳолаш ва меъёрлаш.

Ҳаво йўлларида ташишлар жадаллиги ҲК ларининг массаси ўсиб бораётганлиги, реактив пассажир самолётларнинг двигатели ҳосил қиласидаган шовқинларни пасайтириш муаммосини юза чикаради. Бундай шовқинлар аэропорт яқинидаги аҳоли ва аэродром ходимлари соғлиғига ёмон таъсир қиласиди. Шунинг учун аэропортларни лойиҳалашда бино ва иншоотларнинг тежамкорлиги қанчалик муҳим бўлса, шовқинни пасайтириш ҳам шунчалик ахамиятга эга.

Шовқин даражаси. Шовқин кучи, товуш тўлқинлари 1 сек ичидаги тўлқин йўналишига перпендикуляр бўлган 1 см^2 юзадан олиб ўтадиган қувват билан ўлчанади. Шовқин кучи I товуш тўлқинлари ҳосил қиласидаган атмосфера босимидан қуидагича ўзаро боғланган:

$$I = P_{3B}/\rho a,$$

бу ерда ρ – муҳит зичлиги; a – шу муҳитда товуш тезлиги. Битта частота товушнинг куч даражаси – L децибел (dB) билан ўлчанади ва қуидагича ифодаланади:

$$L = 10 \lg (1/I_0)$$

бу ерда I_0 – эшитилиш чегарасида ($L=0$ да) товуш кучи.

Реактив двигателлардан чиқадиган шовқинлар – ҳавонинг пала-партиш тебранишлари бўлиб, турли жадаллик ва частота (тезлик) билан тебранадиган товушлардан иборат. Одам шовқинни қабул қилиши индивидуал бўлади ва ҳар доим ҳам аниқ акустик кўрсаткичлар билан тавсифлаб бўлавермайди. Шунинг учун қабул қилинадиган шовқинни аниқ баҳолаш мақсадида PN (инглизча “қабул қилинадиган шовқин”) сўзларидан олинган бирлиги киритилган; dB билан ўлчанади.

Турбореактив двигател шовқиннинг умумий даражасини маҳсус жадваллар асосида PN бирлигига ўтказилади. Бироқ бунда, шовқин бир хил қабул қилиниш шарти бўлганлигига қарамай, шовқиннинг давомийлиги одамнинг асабини бузиши ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари шовқин спектридаги дискрет тонлар ҳам ҳисобга олинмайди; улар ҳам одамнинг асабини бузади. Бу омилларни ҳисобга олиш учун “EPN” (“самарали PN” дегани) бирлиги қабул қилинган.

Шовқиннинг рухсат этилган меъёрлари. Одам қулоғи қабул қиласидаган шовқинлар диапазони жуда катта: $L = (0 \dots 140) \text{ EPN dB}$. Бу шовқин жадаллиги 10^{14} марта ўзгаришига тўғри келади. Қабул қиласидаган частоталар $f = 40 \div 11000 \text{ Гц}$ билан чекланади. Ҳамма шовқин ҳам одамни чарчатавермайди, 80 EPN dB дан юқори даражаси чарчатади. Айниқса, частотаси $f = 2000 \div 5000 \text{ Гц}$ бўлган $L > 110 \text{ EPN dB}$ диапазонли шовқинлар одамга қаттиқ таъсир қиласиди. Замонавий реактив двигателлардан чиқадиган шовқинларнинг частота диапазони $f = 50 \div 10000 \text{ Гц}$ бўлади.

Авиация шовқиннинг рухсат этилган даражаси ГОСТ 17228-87да кўрсатилган. Шунга ўхшаш меъёрлар АҚШ, Англия ва қатор бошқа мамлакатларда қабул қилинган. Қабул қилинган меъёрлардаги рухсат этилган шовқин даражаси ҲК сининг кўтарилиши массаси орқали ифодаланади (чунки пассажир самолётларнинг юк кўтаришга тайёrligi тахминан бундай).

кўтарилиганда ва қўнишга кирганда:


$$L = 6,6 \lg m_0 + 91,6 \text{ EPN dB}$$

баландликка эришганда:

$$L = 16,6 \lg m_0 Q_65,8 \text{ EPN dB}$$

бу ерда m_0 – ҲК нинг кўтарилиш массаси, т.

ҲҚ нинг кўтарилиш массаси ҳам бўлса, шовқин бўйича талаблар қатъийлашади. Бу кичик самолётлар тез-тез учиши билан изоҳланади. Кўтарилиш массаси 37.5 шунингдек 350 т дан ортиқ бўлганда шовқиннинг рухсат этилган даражаси доимий қабул қилинади (8.1. – расм).



8.1. – расм. Шовқиннинг рухсат этилган даражаси меъёrlанади ва айрим самолётлар шовқинининг амалдаги даражаси.

I – учганда ва қўнишга кирганда; II – тепага кўтарилаётганда; III аэродинамик шовқин; а – қанотлар механизацияси ва шасси чиқарилган; б – учайтганда; 1 – DC-9-30; 2 – “Боинг 707” – 100; 3-A-300B; 4-“Боинг-707”; 5-“Конкорд”; 6-DC-2-10;7-“Боинг-747”

Шуни таъкидлаш лозимки, осмондаги реактив самолётнинг шовқини 10EPN дБ га пасайса, ердаги кузатувчига 50% камайгандек тус олади. Амалдаги меъёrlарга мувофиқ Россия ва ИКАО аъзолари бўлган мамлакатларда ҲҚ ни сертификатлаш учун шовқинни EPN дБ билан ўлчаш шарт. PN дБ дан EPN дБ га ўтказиш махсус ҳисоблар билан бажарилади.

8.3. Аэропорт атрофидаги авиация шовқинини баҳолаш усуллари

Аэропорт яқинидаги вазиятни баҳолашда бир нечта усулда фойдаланилади; улар бир-биридан дастлабки маълумотлари ва уларни умумлаштириш даражаси билан фарқ қиласи. Усулларни кўйидаги 4 гурӯхга ажаратиш мумкин:

- 1) маълум траекториялардан ва ҳар бир траекторияси устидаги ҳар бир русум ҲҚ дан (бу ҲҚ лари кўрилаётган аэропортда эксплуатация қилинаётганлар) чиқадиган шовқин даражасига қараб;
- 2) шовқинлар бўйича гурӯхига қараб умумлаштирилган намунавий траекториялар ва баҳоланишларга қараб;
- 3) турли гурӯх ҲҚ лари учун шовқиннинг намунавий умумлаштирилган контурларига қараб; бунда траекториялар бўйича маълумот талаб этилмайди, бир гурӯх ҲҚ дан бошқасига ўтишда шовқин контурининг рақами ўзгаради;
- 4) юзаларга қараб; борилган ҲҚ нинг шовқин контури юзаси бўйича қурилишларни чеклаш зonasининг чизиқли ўлчамларини аниқлаш мумкин (умумлашмалар шунга имкон беради).

Аэропорт атрофидаги акустик вазиятни баҳолаш учун қўйидагилар зарур:

жойнинг берилган нуктасида шовқиннинг эквивалент ва энг катта даражасини аниқлаб, танланган участканинг қурилиш учун яроқлилигини билиш, шовқиннинг зарарли таъсирини пасайтириш даражасини белгилаш;

янги аэропортни, унинг атрофидаги турар жой биноларини жойлаштириш масаласини ҳал қилишда, шунингдек авиация таъсирини аниқлашда, аэропорт атрофидаги чегаралар зonasини аниқлаш.

Бу масалаларни ҳал қилишда қўйидаги дастлабки маълумотлардан фойдаланилади:

аэропорт бош режасини ва атрофининг схемаси, унда ҲҚ нинг кўтарилиш ва қўнишга кириш трассалари кўрсатилган бўлиши лозим;

суткалик қатнов жадаллиги энг кўп бўлганда ҳар бир тур ҲҚ си бўйича кўтарилишлар ва қўнишлар сони; бу маълумот ҳар қайси трасса бўйича, кундузги ва тунги учишларга оид бўлиши ва аэропортнинг келажакда ривожланишини ҳам ҳисобга олган бўлиши керак.

8.4. Шовқиндан ҳимоя қилиш бўйича муҳандислик – қурилиш ва эксплуатация тадбирлари.

Шовқиндан ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар ва ободонлаштиришлар қилинмаса, маъмурий-техник биноларнинг катта қисми меъёrdан ортиқ авиация шовқинига дучор бўлади.

Масалан, ҲҚ сутка ичиде 175 марта қўтарилигданда, двигателларни ишлатиб кўришда чиқсан товушларнинг эквивалент даражаси ҲҚси СУҚМ дан қўтарилигданда 93 дБА ва 102 дБА га етади. ТЖ анъанавий жойлашган бўлса, двигателни ишга туширганда МТҲ 85 дБА шовқинли зона ичидаги қолади.

Авиация шовқинлари билан кураш усулларини З гурухга ажратиш мумкин:

1) ташкилий-техник тадбирлар; бунга ҲҚ ларини шатакка олиш, двигателни ишга тушириб текширадиган майдончаларни аэропортнинг МТҲ дан, аҳоли пунктидан иложи борича узокроқдан танлаш, табиий тўсиқлардан (жой рельефи, ўсимликлар ва б.) фойдаланишлар киради.

2) муҳандислик-техник тадбирлар: бунга ҲҚ двигателига шовқинни сўндирадиган сопло кийгазиши, маҳсус кўчма ёки стационар шовқин сўндиригичлардан фойдаланиш, тўсуви иншоотлар ва шовқин сўндирадиган ангарлар қуриш кабилар киради;

3) учиш ва қўнишдаги шовқинларни пасайтиришнинг эксплуатацион йўллари, бунга учишнинг маҳсус усуллари, шовқин жиҳатдан беозорроқ УҚТ ни танлаш, учиш йўналишини танлаш кабилар киради.

Муҳандислик техник тадбирлар товушли тўсиш ва сўндириш самарасидан фойдаланишга қаратилади. Товушни тўсиш асосан ёпик майдонлар (ангар)да ва очик майдонларда қўлланади (қайтарувчи ва ютувчи тўсиқлар қўйилади). Товушни сўндириувчи системалар двигателнинг газ-ҳаво оқимларига таъсир қиласи (оқимни бўлиб юбориш, тезлигини камайтириш) ёки товуш қувватини турли қопламалар ёрдамида ютади. Булар асосан бино ичидаги қўлланади.

Аэропорт атрофига шовқин туфайли қурилишларни чеклаш. L_A экв ва L_A кўрсаткичларининг қийматларига қараб аэропорт атрофидаги худудларнинг шовқин туфайли қурилишга яроқлилигини кўрсатадиган 4 та зона белгиланган. (8.1 - жадвал).

8.1. – жадвал

Сутка вақтлари	Шовқиннинг рухсат этилган даражалари, дБА, зоналарида			
	A	B	V	Г
Кун	$L_{A\text{экв}} \leq 60$, учишларда $L_{A\text{экв}} \leq 55$ двигателни текширганда $L_A \leq 80$	$61 \leq L_{A\text{экв}} \leq 65$ $81 \leq L_A \leq 85$	$61 \leq L_{A\text{экв}} \leq 65$ $81 \leq L_A \leq 85$	$L_{A\text{экв}} > 65$ $L_A > 85$
Тун	$L_{A\text{экв}} \leq 50$, учишларда $L_{A\text{экв}} \leq 45$ двигателни текширганда $L_A \leq 70$	$51 \leq L_{A\text{экв}} \leq 55$ $71 \leq L_A \leq 75$	$51 \leq L_{A\text{экв}} \leq 55$ $76 \leq L_A \leq 80$	$L_{A\text{экв}} > 60$ $L_A > 80$

А зonasida aviация шовқини санитария меъёrlарiga ва тураржойлар қуриладиган ҳудудлар учун ҚМҚ II – 12.77 нинг талабларига мос келади. Бу зонада шовқин шароитлари бўйича ҳар қандай турар жой ва жамоа бинолари қурилиши мумкин (касалхона ва поликлиникадан ташқари).

Б зonasida aviация шовқинлari даражаси ГОСТ 22283-88 nинг талабларига мос келади. Бунда бинolарнинг ташқи тўсиқларини кучайтирилган ҳолда тўсиб қуриш рухсат этилади.

В зonasida aviация шовқинlari кундуз куни ГОСТ 22283-88 nинг талабларига мос, тунда – шу ГОСТда белгиланганидан 5 дБА ортиқ бўлиши мумкин. Иморат ичини товушдан тўсиш талаблари сакланиб қолади.

Г зonada шовқин туфайли тураржой ва жамоа бинolарini қurish taъqiqlanadi.

Товушни сўндирадиган ва ундан ҳимоя қиладиган тўсиқлар. Бундай ускуналар мураккаб ва қимmatbaҳo қурилиш ва техник конструкциялардан иборат. Уларга шовқин тўсуви тизимлар (шовқин сўндирадиган ангар-бокс, кўчма ва стационар тўсиқлар) ёки товушни ютадиган газ оқимлari (кўчма ва стационар сўндиригичлар) киради. Ангар ва стационар ёки кўчма сўндиригичдан иборат комплекс 40-45 дБА товушни сўндиради.

Кўчма сўндиригич ва экрандан иборат комплекс кичкина, қулай, двигатель соплосига нисбатан осон ўрнатиш мумкин, шовқинни 20 дБА гача пасайтиради. Реактив двигателларнинг шовқинини сўндириш ва пасайтириш қуйидаги тамойилларга асосланади: газ-ҳаво оқими тезлигини камайтириш; двигателдан чиқаётган газ-ҳаво оқимини бир нечта бўлакларга ажратиб ташлаш; реактив оқимга двигатель соплоси яқинидан туриб ёнламасига оқим юбориш (бошлангич участкани кисқартиради, акустик қувватни қирқади); оқимнинг аралashiш зonasини товуш ютадиган экран билан тўсиш; аралashiш zonasiga теззаткичлар: тўр, илма-тешик цилиндр, конуслар, лабиринт конструкциялар ўрнатиш.

8.5. Электромагнит нурланиш билан кураш.

Аэрором худудига радиолокация станцияси ва бошқа радиотехник воситалар ўрнатганда ходимлар. Пассажирлар, маҳаллий аҳолини ўта юкори частотали электромагнит нурланишдан ҳимоялашни кўзда тутиш керак. Бундай максадда радиотехник воситалар билан худуд чегарасида санитария ҳимоя зонаси ҳосил қилинади. Бу зонанинг ўлчамларини радиотехника обьектининг вазифаси, ишчи частотаси, передатчикларнинг сони ва қуввати, антенналар тури ва ердан баландлиги, жой релефига қараб, ҳисоблаб топилади.

Худуддан оқилона фойдаланиш ва унда турли обьектларини жойлаштириш учун санитария ҳимоя зонаси иккита “кичик зона” га ажратилади: “кучайтирилган режимли” ва “чекловчи”.

Биринчисига радиообъектнинг техник худуди киради. Агар бу “кичик зона” техник худуддан катта бўлса, унинг таркибига қўшимча тарзда ён-атроф худудлар ҳам киради ва унинг чегаралари ҳисоблаб топилади. Бу кичик зонанинг ташки чегарасида электромагнит энергия даражаси ишлаб чиқариш учун рухсат этилган чегаравий даражадан ошмаслиги керак. “Чекловчи” “кичик зона “кучайтирилган режимли” кичик зонага туташган худуддан иборат. Унинг ички чегарасидаги электромагнит энергия даражаси ишлаб чиқариш учун рухсат этилган чегаравий даражадан, ташки чегарасидаги эса – ахоли пунктлари учун рухсат этилган чегарадан ошмаслиги керак.

Айрим ҳолларда чегаравий кичик зона ичида илгаридан мавжуд тураржой биноларни қолдириш мумкин, лекин бунда иморат ичида нурланиш даражасини рухсат этилгандан ҳам камайтирадиган чораларни кўриш керак.

8.6. Атроф ерларни ер юзида оқадиган сувлар билан ифлосланишдан сақлаш.

Аэропорт худуди юзаларидаги оқаваларни чиқариш шартларини ва тозалаш даражаси сувдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш органлари томонидан аниқланади. Бунда қуйидаги маҳаллий омиллар эътиборга олинади: сув ҳавзаларининг жойлашуви ва тавсифи: аэрором яқинида ифлослантирадиган бошқа ишлаб чиқаришлар ва манбаларнинг мавжудлиги. Ҳар бир муайян шароитда ер усти оқаваларни тозалаш усули ва даражаси тегишили қоида асосида белгиланади (ерустি сувларни оқава сувлардан муҳофаза қилиш қоидалари).

Ерусти оқаваларнинг асосий манбаи ҲҚ га техник хизмат кўрсатиш участкаси, аэрором техникаси ва транспорт воситалари серқатнов участкалар ҳисобланади. Серқатнов участкаларга авиация техника базаси (АТБ), ангаролди ва ишни нихоясига етказиши майдончалари, ҲҚ ни ювиш ва музлашга қарши ишлов берадиган майдончалар, маҳсус автобаза, ЁММ омборлари, перрон, вокзалолди майдон киради.

Аэроромнинг оқава сув дренаж тизимида бир нечта “ташлама” бўлади. Қайси “ташлама”да оқава сувлар манбаи кўп бўлса, ана шуларни биринчи навбатда тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотлари билан жиҳозлаш керак. А,Б ва В тоифа аэроромларда маҳаллий шароитга қараб оқава сув – дренаж тармоғи қурилади; ерусти оқавалари сув ҳавзаларига тушишидан олдин зарарсизлантирилиши керак.

Аэрором худудидан чиқадиган ифлослантирувчилар асосан ёмғир суви билан чиқади. Ёмғир оқавалари даврий бўлгани, уларнинг тозалаш иншоотларидаги миқдори ва таркиби кескин ўзагриб туриши сабабли уларни йигадиган катта ҳажм (идиши ёки ҳовуз) ўрнатиш керак. Шунда улардаги нефть маҳсулотлар аралашмасини ажратиб олиш мумкин.


9 – БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИ ВЕРТИКАЛ РЕЖАЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

9.1. Вертикал режалашни лойиҳалаш хақида умумий тушунчалар.

Ер юзасида чўққилар (тизмалар-сувбўлгичлар), тепаликлар, жарликлар (таловеглар), ўркачлар, чукурликлар бўлса ҲҚ лари учиши ва қўнишига ярамайди, шунинг учун рельефни тузатиш талаб этилади. ҲҚ лари учун қулай ва ҳавфсиз учиш-қўниш имконини берадиган горизонтал юза ҳосил қилиш учун жуда кўп ер қазиш ишларини бажариш керак, бу эса кўп куч ва маблағ талаб қиласида. Бундай текис юза сув қочириш ишларига нокулай. Шунинг учун учиш майдони қандайдир даражада нишаблик ҳам бўлиши лозим, шунда ҲҚ лари ҳавфсиз учади, қўнади, рулланади, оқава сувлар ҳам яхши чиқиб кетади. Бундай лойиҳалаш учун вертикал режалаш масалаларини сув қочириш тизими билан бирга ҳал қилиш керак.

Аэрором рельефининг асосий тавсифлари қўйидагилар: юзанинг ўртача нишаблиги i_{cp} ; юзанинг хусусий нишаблиги i -юзанинг синиқлиги Δi -а лойихалаш қадами; юзанинг эгрилик радиуси R ; кўриниш масафоси $L_{вид}$.

Участканинг профил бўйлаб ўртача нишаблиги деб участканинг боши ва охирининг рақам белгилари фарқи ΔH ни унинг узунлигига нисбатига айтилади.



9.1 – расм. Аэрором юзаси участкасининг профили

Масалан, F нуқтанинг сатҳи H_F , A нуқтаники – H_A бўлса (9.1 – расм), биринчисининг иккинчисидан баландлиги $\Delta H = H_F - H_A$ бўлади. Икковининг оралиқ масафаси L бўлса, участканинг ўртача нишаблиги:

$$i_{cp} = \frac{H_F - H_A}{L} = \frac{\Delta H}{L}$$


Ўртача нишаблик СҮҚМ га нисбатан топилади ва полосанинг иккала учини туташтирувчи шартли чизиқнинг қиялигини кўрсатади.

Хусусий нишаблик деб профилнинг икки ёнма-ён синиқлари орасидаги қияликка айтилади, у ҳам юқоридаги тартибда аниқланади;

УТ нинг ўқи йўналишидаги хусусий нишабликни бўйлама нишаблик, ўқка перпендикуляр йўналишдагисини кўндаланг нишаблик дейилади. УТ нинг икки учидаги эса кўтаришувчи ва пасайувчи бўйлама нишабликлар бор.

Пасайувчи нишаблик учидаги қирраси (кўндаланг юзаси) га томон йўналади, унга тескари йўналган эса – кўтаришувчи нишаблик дейилади.


Юзанинг синиги қўшни участкаларнинг синиқлари i_1 , i_2 нинг йифиндиси ёки айрмаси билан ўлчанади; agar i_1 ва i_2 лар бир-бирига тескари йўналган бўлса – йифинди билан, бир йўналишда бўлса айрмаси билан аниқланади. (9.2 а,б – расмлар).



9.2. – расм. Учиш тасмаси юзасидаги синиқларнинг турлари.

Профилнинг қабариқ участкаларидаги синик трамплин, ботиқ участкаларидагиси – рўпарама-рўпара нишаблик дейилади.

Лойиҳалаш қадами профилнинг ёнма-ён икки синифи орасидаги энг қисқа масофани билдиради (9.3-расм). Лойиҳалашнинг энг кичик қадами меъёrlастирилган бўлиб, нивелирлайдиган тўрнинг квадрати томонига тенг ва 40 м деб қабул қилинган.



9.3.- расм. Бўйлама профил юзасидаги синик схемаси.

Юзанинг эгрилик радиуси учиш майдони элементлари юзасининг эгрилигини кўрсатади. Учиш тасмаси, одатда эгри чизиқли юзага эга бўлади; нишабларининг ката-кичиллиги ва йўналиши турлича. Нишаблик йўналишининг ўзгариши XК нинг учиш ва қўнишини мураккаблаштиради. Масалан, XК бўйламасига қабариқ профилли тасмадан кўтарилаётганда, керакли тезликка эришмаёқ профил синган жойда ўз-ўзидан кўтарилиб кетиши мумкин; кейин ғилдираклари билан пастлаб кетган юзага зарб билан урилади. XК бўйламасига ботиқ профилли УТ да харакатланаётганда, нишабликнинг йўналиши ўзарган жойда қаттиқ қаршиликка учрайди, шассига тушаётган юклама ҳам ортиб кетади. Демак, УТ даги нишабликлар бир-бири билан кескин тушмаган бўлиши керак. Кўшни нишабликларнинг равон туташганлиги юзанинг вертикал текисликдаги рухсат этилган эгрилиги чегараларида таъминланади.

Юзанинг эгрилигини ён радиуси билан тавсифлаш қабул қилинган; бу ёй профилнинг синик нуқталаридан ўтган бўлади (9.3 - расм). Эгрилик радиуси R, лойиҳалаш қадами «а» ва юза синифи Δi кўрсаткичлари орасидаги бошланишни топамиз. Бунинг учун аэродром участкасининг бўйлама профилини кўриб чиқамиз (9.3. -расм). Ундаги A, B ва C нуқталар нивелирловчи тўр квадратларининг чўққиларини билдиради. Бу нуқталардан R радиус билан айлана чизигини ўтказамиз маркази О нуқтада. Лойиҳалаш қадами ўзгармас бўлганда: $a=AB=BC$, AOB ва BOC учбурчаклари тенг ёнли ва бир-бирига тенг. О нуқтадан ОД ва ОЕ перпендикулярлар тушириб, B- Δi нуқтадаги синикини I ифодалаб топамиз:

$$\angle DOE = \Delta i \approx \angle DOB = \angle BOE = \frac{\Delta i}{2}$$

BOE учбурчакдан қуйидагини аниқлаш мумкин:

$$\sin \frac{\Delta i}{2} \approx \tan \frac{\Delta i}{2} = a / (2R)$$

Аэродромларга ажратиладиган участкалар профилининг синифи катта бўлмайди, шунинг учун $\sin \Delta i/2 \approx \Delta i/2$

Бундан $\Delta i/2 = a/(2R)$ ва эгрилик радиуси

$$R = a / \Delta i$$

бу ифода ботиқ юзага ҳам таалукли. Унга эгриликнинг энг кичик вертикал радиуси ифодасини қўйиб, профилнинг лойиҳалашнинг берилган қадамига тўғри келадиган, рухсат этилган энг катта қийматини ҳосил қиласиз.

$$\Delta i_{\max} = a / R_{\min}$$

Кўтарилиш-кўниш амалларининг бажарилиш хавфсизлиги УҚТ даги кўриниш орқали аниқланади.

Кўриш масофаси ҲК ни учириш ва қўндиришда ва УТ да қўққисдан тўсиқ пайдо бўлганда учувчи томонидан хавфсизлик чегарасини кўриш имконини беради. Амалиётдан маълумки, УҚТ нинг бўйлама профили қуидаги ўзаро кўринувчанликларни таъминлаши лозим: А,Б,В,Г,Д тоифа аэродромларда СУҚМ юзасидан 3 м тепадаги ва ораларидағи масофа СУҚМ узунлигининг ярмидан кам бўлмаган икки нуктани Е тоифа аэродромда СУҚМ юзасидан 2м тепадаги ва ораларидағи масофа ярмидан кам бўлмаган икки нуктасини;

СУҚМ нинг бўйлама профили, шунингдек КРМ антеннаси радиомаёқ системаси (PMC) нинг таянч нуктасидан кўриниб туриш талабини қондириши лозим; бунда лойиҳага мувофиқ PMC нинг тоифаси ҳам эътиборга олинади.

РЙ нинг бўйлама профили унинг юзасини 3м тепадаги ва 300метр масофадаги исталган нуктадан бемалол кўриш имконини бериши керак (А,Б,В,Г,Д класс аэродромлар учун). Е класс аэродромларда - 2 м тепадаги ва 250 м масофадаги исталган нуктадан.

9.2. Аэродром юзаси рельефига талаблар.

Рельефнинг асосий тавсифлари шундай танланадики, ҲК лари югуриш, ўтиш, руллаш амалларини хавфсиз бажарсин ва сув туриб қолмаслиги учун керакли нишаблик бўлсин. Аэродром рельефига маълум талаблар кўйилади. Уларга кўра аэродром юзаси энг кўп ва энг кам нишаблик белгиланади.

Атмосфера ёғинлари секин оқиб кетса, грунт ортиқча намланиб қолади, натижада ҲК фидиракларига етарлича қаршилик қилолмайди. Шунинг учун Россия европа қисмидаги шимолий ва марказий минтақаларининг ўртacha грунтли шароитларида аэродром грунтли элементларининг нишаблиги 0,005 дан кам бўлмаслиги лозим. Оғир қум тупроқли ва тупроқли грунтларда нишабликни 0,007 га кўтариш мумкин. Енгил сувни яхши ўтказадиган қумоқ, қумли ва майда тишли грунтларда 0,002 ...0,003 гача камайтириш мумкин.

Ёғингарчилик асосан қишида бўладиган ва кўп намланмайдиган чўлли ва яримчўл районларда (Ўрта ва кўйи Поволжье, Украина нинг жанубий районлари) аэродром нишабликларини кичкина танлаш мумкин.

Аэродромда энг катта нишабликни меъёrlаш асосида (9.1 – жадвал) ҲК ларини хавфсиз учириш, қўндириш, руллаш ва грунт юзаси ювилиб кетмаслик шарти ётади.

Аэродром грунтли юзаларининг рухсат этилган энг кичик эгрилик радиуси R_{\min} 9.2 – жадвалда берилган.

УҚТ, РЙ, ТЖ ва перронлари сунъий қопламали бўладиган юзалар рельефига талаблар чим қопламали УТ нинг рельефига қараганда, анча юқори. Чунки уларда оғир ва кўтарилиш-кўнишда тезлиги катта ҲК лари ҳаракат қилади.

Қопламаларнинг четларига очиқ тарновлар ётқизилса, сув яхши оқиб кетиши учун бўйлама нишаблик камида 0,0025-0,0030 бўлиши керак. Очиқ тарновлар бўлмаса, қоплама четини бўйлама нишаблик қилмасдан лойиҳалаш мумкин. Бунда, қоплама юзасидаги сув грунтга ёки грунт ариқчаларга бемалол оқиб тушиши керак (кўндаланг нишаблик хисобига). Грунт ариқчанинг туби камида 0,005 нишабликка эга бўлиши керак.

Аэродромнинг турли элементларида сунъий қопламалар юзасининг энг катта нишаблиги 9.3 - жадвалда кўрсатилганидан катта бўлмаслиги, бўйлама йўналишдаги эгрилик радиуси эса 9.4. – жадвалда берилганидан кам бўлмаслиги керак.

9.1. – жадвал.

Нишаблик	Аэродром тоифалари бўйича грунтли элементлар нишаблигининг рухсат этилган энг катта қўймати		
	А,Б, В	Г,Д	Е
Бўйлама -ГУҚМ участкасида:			
ўртача	0,020	0,025	0,030
учидаги пасаядиган	0,020	0,025	0,025
учидаги кўтариладиган	0,008	0,015	0,015
Кўндаланг - ГУҚМ (кўндаланг профили бир ва икки нишабли)	0,020	0,025	0,025
Бўйлама - ХЧП участкаларида:			
пасаядиган	0,020	0,025	0,030
кўтариладиган	0,008	0,015	0,020
Кўндаланг - ХУП, профили:			
бир нишабли	0,020	0,025	0,025
икки нишабли	0,030	0,030	0,030
Бўйлама – ХЁП:			
ўртада	0,020	0,025	0,030
пасаядиган учида	0,020	0,025	0,030
кўтариладиган учида	0,008	0,015	0,015
Кўндаланг - ХЁП	0,025	0,030	0,030
Бўйлама ва кўндаланг – РЙ	0,020	0,025	0,030
Бўйлама - ТЖ гурӯҳи	0,020	0,020	0,025
Кўндаланг - ТЖ гурӯҳи	0,015	0,015	0,025
Кўндаланг - грунтли чеккалар:			
СУҚМ, перронлар ва ТЖ гурӯҳи	0,025	0,025	0,025
РЙ ва маҳсус майдончалар	0,030	0,030	0,030

Изоҳлар: 1. Бўйлама нишабликларни белгилаётганда ГУҚМ ва ХЁП учларидаги участкалар узунлигини ГУҚМ нинг 1/6 ҳиссасига тенг олинади.

2. УТ си чегараларида жойлашган РЙ нинг юзаси.

УТ нинг юзаси билан равон туташиб кетиши ва бўйлама ҳам кўндаланг нишаблигга эга бўлиши керак; шунингдек, УТ нинг тегишли грунтли элементига рухсат этилганидан кўп бўлмаган вертикал эгрилик радиусга эга бўлиши керак.

3. ГУҚМ нинг учларидаги участкалар бўйлама нишаблиги бўлиши керак (кўтариувчи ёки пасайувчи)

9.2-жадвал

Аэродром элементи	Аэродром класслари бўйича элементларнинг бўйлама йўналишида вертикал эгриликнинг энг кичик радиуси (м):			
	A	Б,В	Г,Д	Е
ГУҚМ	10 000	10000	6000	6000
ХЁП ва ХЧП	6000	6000	4000	4000
РЙ:				
Магистрал	6000	6000	4000	3000
ва туташтирувчи ёрдамчи	3000	3000	3000	2500

Лойиҳалаш қадами 40м бўлганда қўши нишабликларнинг рухсат этиладиган фарқи қўйидагича:

R_{min} , м	10 000	8000	6000	4000	3000
Δi	0.004	0.005	0.006	0.010	0.013

9.3 – жадвал.

Нишаблик	Аэродром класслари бўйича сунъий қопламали элементлар нишаблигининг рухсат этилаган энг катта қиймати			
	А,Б,В	Г	Д	Е
Бўйлама – СУҚМ участкаларида ўртача учларида	0,0125 0,008 0,015	0,015 0,015 0,015	0,015 0,015 0,020	0,020 0,015 0,020
Кўндаланг – СУҚМ				
Бўйлама - РЙ:				
Магистрал ва туташтирувчи Ёрдамчи	0,015 0,020	0,025 0,030	0,025 0,030	0,020 0,030
Кўндаланг - РЙ	0,015	0,020	0,020	0,020
Бўйлама ва кўндаланг - перронлар, ТЖ ва маҳсус майдончалар	0,010	0,010	0,010	0,020
Бўйлама - СУҚМ учига туташувчи бошқариладиган участкалар	0,008	0,015	0,015	-
Кўндаланг - ўшалар	0,015	0,015	0,020	-
Кўндаланг - СУҚМ нинг мустаҳкамланадиган перрон, ТЖ ва маҳсус майдончалар четлари, РЙ четлари (УТ дан четдаги)	0,025 0,010	0,030 0,010	0,030 0,010	0,030 0,017
СУҚМ нинг ўртача бўйлама нишаблиги				

Изоҳлар. 1. Бўйлама нишабликларни белгилаётганда СУҚМ нинг учидаги участкалар узунлигини СУҚМ нинг 1/6 хиссасига teng олинади.

2. СУҚМ нинг учидаги участкаларнинг нишаблиги бир йўналишда бўлиши керак (кўтариладиган ё пасаядиган)

3. РЙ ва унинг четлари нишаблиги (УТ чегарасидаги қисми) УТ дагига мос бўлиши керак.

4. СУҚМ нинг ўртача бўйлама нишаблиги, унинг икки учи сатхлари айримасини узунлигига нисбати билан хисобланади.

5. Мавжуд аэродромларни қайта куришда жадвалда келтирилган рақамларни кўпи билан 20 % орттириш мумкин.

Қўши нишабликларнинг бўйлама йўналишдаги фарқи (40 метрлик қадамда) қўйидагича:

R_{min} , м	30000	20000	10000	6000	3000
Δi	0.0013	0.0020	0.0040	0.0060	0.0130

9.4.-жадвал

Аэродром класси	СУҚМ бўйлама йўналишидаги эгрилик радиуси, м	Аэродром класси	СУҚМ бўйлама йўналишдаги эгрилик, радиуси, м
A	30.000	B	20.000
B	20.000	Г,Д	10.000
Аэродром класси	Радиус кривых поверхности ИВПП, м	E	6.000

Сув тез оқиб кетиши учун қопламанинг энг кичик кўндаланг нишаблиги энг кам бўйлама нишабликдан анча катта, яъни 0,008 дан 0,015 гача олинади. Бироқ грунтли УТ ёки хавфсизлик тасмасини қоплама билан кесиб ўтиладиган участкаларда энг кичик кўндаланг нишабликларни кичикроқ олиш керак. Бу ўша участкалардаги учиш ишларини қийинлаштираслик учун керак.

9.3. Рельефни тасвирлаш ва аэродромнинг вертикал режасини лойиҳалаш усуllibari.

Вертикал режалаш лозим бўлган ер участкаси рельефини тасвирлаш учун горизонталлар ва рақамли белгилар (сатхлар) усуllibari қўлланади. Горизонталлар усулида табиий юза, унинг режасига чизилган кўплаб горизонтал кесимларнинг чизиклари билан тасвирланади. Горизонталлар ингичка ва равон эгри чизиклардан иборат. Сонли белгилар усулида юза белгилар тизими билан тасвирланади. Бунинг учун аэродром худуди ўлчамлари 40x40 метр бўлган квадратлар (тўрлар) га ажратилади. Улар УТ нинг ўқига параллел бўлиши керак.

Рельефни тасвирлаш усуllibari ва таркиби аэропортни лойиҳалаш боскичларига боғлиқ. Кўйидаги боскичлар қабул қилинган: лойиҳани техник-иктисодий далиллаш (ТИД), лойиҳа ишчи ҳужжатлар ТИД боскичида вертикал режаларни лойиҳалашда горизонталлар усули, ишчи лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни тайёрлашда - горизонталлар ва рақамли белгилар усуllibaridan фойдаланилади.

Ер юзасини тасвирлашнинг асосий усуllibari ва лойиҳалаш боскичларига мувофик ҳолда аэродромларни вертикал режалашнинг горизонталлар ва рақамли белгилар асосида лойиҳалаш усуllibari ишлаб чиқилган.


Горизонталлар усулида режага, техник талабларга жавоб берадиган юзалар лойиҳа горизонталлари кўринишида чизилади. Бу усулининг афзаллиги шундаки, аэродром худудининг рельефи ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қиласди. Лекин лойиҳанинг рақам белгиларини кўрсата олмайди, шунинг учун факат ТИД боскичида қўлланади.

Рақамли белгилар лойиҳани амалга жорий қилиш учун керак. Бу усулининг ғояси шуки, талаб этиладиган юзага мос лойиҳа белгилари анализатор йўл билан нивелирловчи тўр квадратларининг учидаги аниқланади, кейин улар бўлиш ишларида натуррага чиқарилади. Усулининг асосий камчиллиги - рельеф тасвирида кўринмаслиги ва қийинлиги. Шунинг учун аэродромларни вертикал режалашда факат рақамли белгилар билан тасвирлаш кам қўлланади. Одатда, аэродром юзаси ҳам горизонталлар, ҳам белгилар билан тасвирланади.

Кўйида бир неча таъриф келтирамиз:


Мавжуд (табиий юза). У натурадаги горизонталлар ва лойиҳа рақам белгилари билан тасвифланади. Лойиҳавий горизонталлар равон қалин чизиклар билан кўрсатилади, белгилар эса ер белгиси устидаги квадратларнинг учига ёзилади. Берилган нуктадаги юзанинг лойиҳа белгисидан натурадаги белгининг айрмаси ишчи белги дейилади; у айрим нукталарда қазиш чуқурлигини ёки тўкиш баландлигини билдиради. Биринчиси «минус», иккинчиси - «плюс» ишораси билан ифодаланади. Ишчи белгилар режада квадратларнинг учларига нисбатан съёмкани нивелирлаш йўли билан аниқланади, мавжуд ва лойиҳа юзаларининг белгилари ёзib қўйилади (9.5 - расм).

Аэродром юзасининг бир хил ер белгилари ва лойиҳа белгилари бўлган нукталари «нул ишлар» нуктаси дейилади. Вертикал режалашда бу ишлар штрих пунктир чизиклар билан кўрсатилади. Уларнинг изочизиклари қазиладиган ва тупрок тўкиладиган участкалар билан чекланади.



9.5. – расм. Юзани квадрат учларида белгилаш намунаси.

Бир хил белгиларга эга бўлган натурадаги горизонталлар ва лойиҳа, горизонталли, «бираисмли» деб аталади. Лойиҳа юзасидан, вертикал бўйича бир хил масофаларда турадиган нуқталарнинг геометрик ўринлари «изоюзалар» деб аталади. Мавжуд юзанинг изоюзалар билан кесишган чизиклари «изочизиклар» дейилади. Натурадаги горизонталларнинг горизонталлар кесимига қолдиқсиз бўлинадиган белгилар қўйилган билан кесишган нуқталарни туташтирувчи изочизиклар тегишли чуқурликларнинг изочизиклари дейилади. (9.6. - расм). Юзалири аэродромлар юзаси рельефи талабларига жавоб бермайдиган участкалар «нуқсонли жойлар» дейилади. Баландлиги ва узунлиги катта бўлмаган айрим нотекисликлар «микрорельеф» лар дейилади. Бундай нотекисликларнинг баландлиги ҳамма вакт горизонталлар кесимининг баландлигидан кичик бўлади.



9.6 – расм. «Нул ишлар» чизиги ва бир хил чуқурликлар изочизиклари.

1 - ер горизонталлари; 2 - лойиҳа горизонталлари; 3 - ишчи чуқурликларнинг изочизиклари
(h_1 q 0,25m; h_2 q 0,5m; h_3 q 0,75m; h_4 q 1 m)

Аэродромни вертикал режалаш лойиҳаси кўплаб дастлабки маълумотлар асосида олиб борилади:

1)аэродромнинг лойиҳавий юзасига меъёрий талаблар (нишабликларга, СУҚМ, ГУҚМ, РЙ, ТЖ ва б.)

2)аэродромнинг 1:5000 ва 1:2000 миқёсларда чизилган бош режасини схемаси; унда аэродром ҳудудининг ташқи чизиклари, учиш майдони, хавфсизлик тасмалари, СУҚМ, РЙ, ТЖ, перронларнинг жойлашуви кўрсатилади;

3)участканинг 1:5000 миқёсидаги типографик съёмкаси; рельефи ҳар 0,5 метрдаги горизонтал кесим тасвирланган бўлиши керак (ТПД учун); участканинг 1:2000 миқёсдаги топографик съёмкаси, рельефи нивелирлаш тўри квадратларининг учида белги билан ва ҳар 0,25 м даги горизонтал кесими билан (ишчи лойиҳа учун) тасвирланган бўлиши керак. Аэродром юзасининг ён-атроф жойлар билан туташшуви, сувларни чиқариб юбориш каби масалаларни ҳал қилиш учун топографик съёмка режасига ўша ён-атроф жойлар ҳам киритилиши керак. Бунинг учун 1:25000-1:100000 миқёсдаги топографик карталардан фойдаланиш мумкин. Топографик съёмки режасига аэродром контурлари туширилади;

4)муҳандис-геологик ва гидрогеологик қидирувлар маълумоти, грунтлар тавсифи, ўсимликлар зичлиги; еrostи сувлари яқин участкалар бўйича батафсил маълумот берилиши керак;

5)иклимга оид маълумотлар; бунда атмосфера ёғинлари миқдори, уларнинг йил бўйи тақсимланиши, грунт музлайдиган чуқурлик кўрсатилади;

6)карьеrlар ва ковальерларни жойлаштириш мумкин бўлган жойлар ҳақида маълумот;

7)аэродром қопламаларининг қалинлиги ва конструкцияси.

10 -БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИНГ ГРУНТ ЮЗАЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ РЕЖАЛАШНИ ЛОЙИХАЛАШ

10.1. Аэродромларнинг грунтли юзаларининг горизонталлар билан тасвирланган режалашда нуқсонли участкаларни аниқлаш.

Рельефни горизонталлар туширилган режада тасвирлаш ишида аэродром юзасининг асосий тавсифлари сифатида нишабликлар ва эгриликлар биринчи ўринга чиқади. 10.1 - расмда учиш майдонидаги қияликнинг I-I йўналиш бўйича профили келтирилган. Кесувчи горизонтал текисликлар орасидаги h_{rop} масофа «горизонталлар кесими» дейилади; у ҳар бир топографик режа учун ўзгармас катталик. Режадаги қўшни горизонталларнинг оралиқ масофалари - d_1, d_2, d_3, d_4 «жойлашмалар» дейилади.

Горизонталлар орасидаги юзанинг нишаблиги горизонтал кесимининг жойлашмага нисбати билан ҳисобланади.

$$i_1 = h_{rop} / d_1, \quad i_2 = h_{rop} / d_2, \quad i_3 = h_{rop} / d_3, \quad i_4 = h_{rop} / d_4 \quad (10.1.)$$

Горизонталлар кесими ўзгармас бўлганда қўшни икки горизонтал орасидаги жойлашмага улар орасидаги маълум бир нишаблик тўғри келади. Формуладан кўринадики, нишаблик қанча катта бўлса, горизонталлар орасидаги жойлашма шунча кичик бўлади ва аксинча: нишаблик кичик бўлса, жойлашма катта бўлади. Рухсат этилган энг кичик жойлашма, рухсат этилган энг катта нишабли - i_{max} га тўғри келади.

Мавжуд юзалар одатда, эгри чизиқли бўлади. Масалани соддалаштириш учун уни иккита қўшни горизонталлар билан чекланган ва улар орқали аниқланадиган ясси элементлардан ташкил топган деб қаралади. Шундан келиб, чикиб горизонталлар жойлашган жойларда синиқлар ҳосил бўлади, деб фараз қилинади. Юзанинг эгри бўйлама профилнинг синиқлиги даражаси билан тавсифланади. Расмдаги I - I йўналиши бўйлаб синиқлик куйидаги ифодадан аниқланиши мумкин (расм 10.2.).

$$\begin{aligned} \Delta i_B &= i_2 - i_1 = h_{rop} / d_2 - h_{rop} / d_1; \\ \Delta i_C &= i_3 - i_2 = h_{rop} / d_3 - h_{rop} / d_2 \end{aligned} \quad (10.2.)$$


Бу формуладан кўринадики, қўшни жойлашмалар орасидаги фарқ қанча катта бўлса, юзанинг синиқлиги ҳам катта бўлади.

Юзанинг эгрилиги ҳакида нафакат турли горизонталларнинг қўшни жойлашмаларининг бирлашмаларига қараб, балки режадаги горизонталларнинг ўзидағи эгриликларига қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Горизонтал қанча эгри бўлса, бўйлама профил ҳам шунақа бўлади.

Аэродромнинг грунтли юзаси рельефига қўйиладиган талабларни қондирмайдиган участкалар «нуқсонли» деб юритилади, уларни қидириб топиш эса «сараплаш» дейилади.

Грунтли УТ нинг рельефига бўладиган ҳамма талаблар, бир томондан, рухсат этилганидан ортиқ нишабликка йўл қўймасликдан иборат бўлса, иккинчидан - лойиха юзанинг эгрилигини чеклашга қаратилган. Шунинг учун топографик режадан нуқсонли участкалар топилади. Улар куйидагилар билан тавсифланади:

- 1) нишабликлари рухсат этилмайдиган даражада, яъни ($i_{zem} > i_{max}$ ёки $i_{zem} < i_{max}$) юзанинг эгрилиги меъёрдан ташқарида (қияликларда, сув бўлгичларда, водий йўлларда, чўққилар оралиғида, $R < R_{min}$)



10.1 - расм. Учиш майдонидаги қиялик профили.


Топографик режада мавжуд юзанинг горизонталлари жойлашувига қараб, нуқсонли участкалар аниқланади. Юзанинг нишаблари ва эгрилигини энг керакли йўналишларда: асосий кўтарилишлар ва қўнишлар чизиги ва ёнбагир чизиклар бўйлаб аниқланади. Рухсат этилмайдиган қияликка эга нуқсонли жойларни аниқлаш учун энг катта ва энг кичик нишабликка тўғри келадиган ва топографик режа миқёсида бўлган жойлашмалар аниқланади.

$$d_{\max} = \frac{h_{\text{гор}} 1000}{i_{\min} m}$$

$$d_{\min} = \frac{h_{\text{гор}} 1000}{i_{\max} m} \quad (10.3.)$$

бу ерда d_{\max} ва d_{\min} - горизонталларнинг жойлашмалари, 10^{-3}м ; $h_{\text{гор}}$ - горизонталларнинг кесимининг баландлиги, м; m -миқёс асоси; i_{\max} ва i_{\min} - талабларга мос келадиган энг катта ва энг кичик нишабликлар.

Нишабликларни текшириш ва нуқсонли жойларни аниқлаш учун доира шаклдаги шаффоф андозалардан фойдаланиш тавсия этилади. Доиранинг диаметри (10.3) формуладан топилади. Нуқсонли жойларнинг чегараларини аниқлаш учун андозани қўшни горизонталлар орасида суреб ҳаракатга келтирилади. Доиралар ва горизонталлар кесишигана нуқталар нуқсонли жойларнинг чегараси бўлади (10.2 - расм).




10.2. - расм. Нуқсонли участкалар

1 - рухсат этилмайдиган энг катта нишабликлар; 2 - рухсат этилмайдиган энг кичик нишабликлар;
3 - участкалар чегараси.

Эгрилиги рухсат этилмайдиган даражада бўлган нуқсонли жойларни топиб, тузатиш учун К.К.Скиданенко таклиф этган палеткадан фойдаланилади. У рельефни лойиҳалаш масалаларни график йўл билан ҳал қилиш имконини беради. Палетка ёрдамида рельефни саралаш ва юзани лойиҳалаш принципи қўйидагича. Мавжуд юза горизонталлари жойлашмаларининг ихтиёрий тўплами мақбулми, йўқми билиш учун режадаги жойлашмаларни эгрилик радиуси рухсат этилган даражада бўлган ва олдиндан курилган жойлашмалар тўплами билан таққослаб чиқиши керак. Шунда эгрилиги номакбул участкалар кўзга ташланиб қолади ва уларни тузатиш мумкин, ёки мумкин эмаслигини ҳам ҳал қилиш мумкин. Мавжуд рельефнинг жойланмалар ўрнига палеткадаги жойланмалар қабул қилинади. Шундай қилиб, рухсат этилмайдиган эгриликни тузатиш шундан иборатки, режадаги горизонталлар сурелади, натижада янги жойланмалар эгрилик радиуси R_{\min} рухсат этилган даражадаги лойиҳавий юзага мос келади.

Эгрилиги ҳаддан зиёд бўлган участкаларни палетка ёрдамида саралаш, ва тузатиш усули содда, ҳаммабоп шунинг учун аэродромларнинг вертикал режасини лойиҳалашда кенг қўлланади. Бу усул жойлашмаларнинг танланган худуддаги шартли синиш нуқтасидан бошлаб, рухсат этилган энг катта нишабликкача (маълум эгрилик радиуси ва горизонталлар кесмаларининг ўлчамларида)

ўзгаришлари қонуниятини таҳлил қилишга асосланади. Жойлашмалар палеткасини тузиш учун сувбўлгичдан биринчи, иккинчи ва кейинги горизонталларгача масофани аниқлайдиган аналитик ифодадан фойдаланилади. Палеткани тузиш учун юзанинг рухсат этилган энг кам эгрилик радиуси R_{min} , горизонталлар кесими h_{rop} , жой режаси миқёси 1:m дан фойдаланиб $x_0, x_1, x_2, \dots x_n$ сонлар қатори ҳисоблаб топилади. Бу сонлар лойиҳа профилнинг вертикал ўқидан тегишли горизонталнинг нуқтасигача бўлган масофаларни билдиради.



10.3. - расм. Жойлашмаларнинг эгрилик радиуси ва горизонталлар кесимига қараб ўзгариши.

$$\begin{aligned} x_0 &= \frac{10^3}{\delta} \sqrt{\hat{I}\hat{A}_0^2 - \hat{I}\hat{A}_1^2} = \frac{10^3}{\delta} \sqrt{R^2 \min - (R \min - \Delta)^2} = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R \min \Delta - \Delta^2}; \\ x_1 &= \frac{10^3}{\delta} \sqrt{\hat{I}\hat{N}_1^2 - \hat{I}\hat{A}_2^2} = \frac{10^3}{\delta} \sqrt{R^2 \min - [R \min - (\Delta + h_{ai\delta})]^2} = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R \min (h_{ai\delta} + \Delta) - (h_{ai\delta} + \Delta)^2} \\ x_2 = x_3 &= \frac{10^3}{\delta} \sqrt{\hat{I}\hat{D}^2 - \hat{I}\hat{A}_3^2} = \frac{10^3}{\delta} \sqrt{R^2 \min - [R \min - (2h_{ai\delta} + \Delta)]^2} = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R \min (2h_{ai\delta} + \Delta) - (2h_{ai\delta} + \Delta)^2} \quad (10.4) \end{aligned}$$


Умумий ҳолда n - тартибли горизонталгача бўлган масофа қуйидаги формуладан топилади:

$$x_n = \frac{10^3}{\delta} \sqrt{R_{min}^2 - [R_{min} - (nh_{ai\delta} + \Delta)]^2} = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R_{min} (nh_{ai\delta} + \Delta) - (nh_{ai\delta} + \Delta)^2} \quad (10.5)$$

Илдиз остидаги ифоданинг иккинчи ҳади биринчисига нисбатан жуда кичикилиги учун ташлаб юбориб, қуйидагини хосил қиласиз:

$$x_n = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R_{min} (nh_{cop} + \Delta)} \quad (10.6)$$

бу ерда R_{min} - рухсат этилган энг кичик эгрилик радиуси, м - сувбўлгич синиши нуқтасининг биринчи горизонталдан баландлиги, м; h_{rop} - горизонталлар кесимининг баландлиги, м; n - сувбўлгичдан энг чеккадаги горизонталгача горизонталлар сони.



10.4. - расм. Уринма ва доира чизиқнинг рухсат этилган энг катта нишаблигига түгри келадиган нүктани аниқлаш схемаси.

10.4 - расмдан кўринадики, «х» ошгани сари ёнбагирнинг қиялиги катталашади. Бироқ $x_{\text{п}}$ ҳар қанча катта бўлиши мумкин эмас. Нишаблик энг катта қиймати i_{max} га етган жой М нуқта билан белгиланган. Бу нүктанинг ортида горизонталлар орасидаги жойлашмалар учиш майдонидаги энг кичик микдордан кичик бўлолмайди.

$$d_{\min} = \frac{10^3 h_{\text{rop}}}{i_{\max} m} \quad (10.7)$$

Палетка абсцисса ўқини чекловчи «х» нинг чегаравий қиймати ОАМ учбурчакдан аниқланиши мумкин (10.4 - расм)

$$\frac{AM}{OM} = \frac{x_{\max}}{R_{\min}} = \sin \alpha \approx \operatorname{tg} \alpha \approx i_{\max} \quad (10.8)$$

$$x_{\max} = \frac{10^3}{m} R_{\min} i_{\max}$$

Шундай қилиб, $x_{\text{т}}$ ларни, улар қиймати x_{\max} га teng ёки ундан ортиқ бўлмагунча ҳисоблаб берилаверади. Кейинги нүкталарнинг палеткадаги ҳолати d_{\min} ни кўйиб топилади.

Жойлашмалар палеткасини тузишни қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз: режа миёси 1:2000, горизонталлар кесими $h_{\text{rop}} = 0,25$ м, эгриликнинг энг кичик радиуси $R_{\min} = 6000$ м, рухсат этилган энг катта нишаблик $i_{\max} = 0,02$; x_{\max} ни топамиз:

$$x_{\max} = \frac{10^3}{m} R_{\min} i_{\max} = \frac{6000 \cdot 0.02 \cdot 1000}{2000} = 60 \text{мм}$$

d_{\min} ни топамиз:

$$d_{\min} = \frac{10^3 h_{\text{aið}}}{m i_{\max}} = \frac{0,25 \cdot 1000}{2000 \cdot 0,02} = 6,2 \text{мм}$$

нинг турли қийматлари учун x нинг қийматларини қўйидаги формуладан топиб, жадвал тузамиз (10.1 - жадвал):


$$x = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R_{\min} (nh_{\text{gap}} + \Delta)} = \frac{10^3}{2000} x \sqrt{2 \cdot 6000 (0,25r + \Delta)} \quad (10.9)$$

Палеткани тузиш учун ордината ўқи бўйлаб Δ нинг қийматларини қўйиб, горизонтал чизиклар тортилади. Бу чизикларга x_1 нинг жадвалдаги қийматлари, икки томонлама қўйиб чиқилади. Бир номли н кесимларнинг хосил бўлган нуқталари h_{gap} бир-бири билан эгри чизиклар воситасида туташтирилади. Палеткани мумга туш билан чизилади (10.5 - расм).

10.1-жадвал

$\Delta, \text{м}$	x_0	x_1	x_2	x_3	x_4	x_5	x_6
0,00	0,00	27,4	38,7	47,4	54,8	61,3	67,5
0,05	12,2	30,0	40,6	49,0	56,2	62,5	68,7
0,10	17,3	32,4	42,4	51,0	57,5	63,7	69,9
0,15	21,2	34,6	44,1	52,0	58,7	64,9	71,1
0,20	24,5	36,7	45,8	53,4	60,0	66,2	72,4
0,25	27,4	38,7	47,4	54,8	61,3	67,5	73,7

Илова: x_0, x_1 -ўлчамлари миллиметрда




10.5. - расм. Жойлашмалар палеткасининг умумий кўриниши.

Палеткани тузишда баъзан ордината ўқи бўйлаб $y = \sqrt{\Delta}$ қўйилади. Палетканинг биринчи шохлари абсциссаларини топилади:

$$X_0 = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R\Delta} = \frac{10^3}{m} \sqrt{\Delta \sqrt{2R}}, \quad (10.10)$$

Бундай тузишда палетканинг биринчи шохлари тўғри чизиклардан, бошқа шохлари - бошқача кўриниш касб этади (10.6. - расм)




10.6. - расм. Жойлашмалар палеткаси (оралиqlар $\sqrt{\Delta}$ масофада)

Палеткалардан кўринадики, икки қўшни горизонталлар орасидаги жойлашмага рухсат этилган энг кичик ва энг катта жойлашма тўғри келар экан; улар биргаликда юзанинг рухсат этилган

эгрилигини таъминлайди. Масалан, СД жойлашмага рухсат этилган энг кичик (ДЕ) ва энг катта (ВС) жойлашмалар тўғри келади. (10.5 - расм)

Нишабликлари энг кичик ва жойлашмалари бу палеткага тушмаган рельефда бу график усулдан фойдаланиш учун палеткага иккита қўшимча эгри чизик туширилади; улар ёрдамида қўшни горизонталлар орасидаги жойлашма, палеткадаги жойлашмаларнинг энг каттасидан ҳам юқори бўлганда, юза эгрилигини лойиҳалаш мумкин. Қўшимча эгри чизиклар палетканинг горизонтал чизикларида қўшни горизонталларга мос келадиган мақбул жойлашмаларни кўрсатади (қўшни жойлашмаларни боғлиқ ҳолда).

Палетка қўшимча эгри чизиклар тушириш учун $KK_2 \neq \hat{A}\hat{A}_2 = \hat{E}_2\hat{A} / \hat{A}_2\hat{A}$ ёки $h_{\tilde{a}\tilde{o}} / \Delta = \hat{E}_1\hat{A}_1 / \tilde{o}_0$ (10.11)



10.7. - расм. Жойлашмалар палеткасининг қўшимча шохлари абсциссасини аниқлаш схемаси
бундан топамиз


$$K_1B_1 = \frac{h_{\text{eop}}}{\Delta} x_0 \quad (10.12)$$

10.3 - расмга мувофиқ ёзамиз:

$$x_0 = \frac{10^3}{m} \sqrt{2R_{\min} \Delta} \quad (10.13)$$

(10.13) ни (10.11) га қўйиб жойлашмани топамиз:

$$K_1B_1 = \frac{10^3 h_{\tilde{a}\tilde{o}}}{m} \sqrt{\frac{2R_{\min}}{\Delta}} \quad (10.14)$$




10.8 -расм. Күшимча эгри чизиклар киритилган жойлашмалар палеткаси.

Бу формула ёрдамида Δ нинг тегишли қимматлари учун мос келадиган энг катта жойлашмаларни ҳисоблаб топиш мумкин. Шуни ҳисобга олиш керакки, чандаги күшимча эгри чизик ўнг палеткага, ўнгдагиси - чап палеткага тегишли (10.8 - расм.)

Палеткадан ҳар қандай рельефни тузатиш учун фойдаланиш мумкин: ёнбағирлар, сув бўлгичлар, тальвеглар, паст-баландликлар, эгарсимон жойлар.

Палетка ёрдамида эгрилиги номақбул нуқсонли участкаларни, режадаги горизонталларнинг жойлашувини палетка билан таққослаб аниқланади. Саралаш учун палеткани текширилаётган участкага қўйиб, иккита қўшни жойлашма таққосланади. Пландаги нуқсонли участкаларни топиш намунаси 10.9 - расмда кўрсатилган.



10.9 – расм. Жойлашмалар палеткаси ёрдамида эгрилиги номақбул нуқсонли участкаларни аниқлаш схемаси. а - горизонталларнинг жойлашмалари кескин ўзгарадиган ёнбағир; б – паст-баландлик ёки ёпик пасайиш; в - сув бўлгичли ёки тальвегли участка; г – эгарсимон участка (палетка пунктир чизиклар билан кўрсатилган).


Горизонталларнинг жойлашмалари кескин ўзгарадиган нуқсонли участкаларни аниқлаш учун палеткадан қандай бир жуфт жойлашма топиш керакки, уларнинг йифиндиси (AB) режадаги текширилаётган икки жойлашманинг йифиндисига teng бўлсин (10.9 а - расм). Шунда, агар режадаги жойлашмалар (AE ва BC масофалар) дан кескинроқ ўзгарса, текширилаётган жойлашмалар нуқсонли бўлади.

10.2. Аэроромларнинг грунт юзаларини горизонталлар усули билан вертикал режалашни лойихалаш.

Горизонталларни лойихалаш усули горизонталларни шундай силжитиш ва тузатишга асосланганки, ҳосил бўладиган юза рельефи 9.2 да баён этилган талабларга жавоб берсин. Тузатишда шунга эришиш керакки, лойиха горизонталларининг жойлашмалари илгари, нишабликларни саралашда ҳисоблаб топилган d_{\max} ва d_{\min} қийматлар чегарасидан чиқмасин ва палетка шкаласидагига қараганда кескин ўзгармасин. Горизонталларни ўз жойидан бир ёки икки томонга суриш мумкин. Бир томонга сурганда рельефни кўтарма ёки қазиш билан тузатиш керак; икки томонга сурганда - бир тарафда кўтарма қилиш, иккинчи тарафда - қазиш лозим. Рельефни тузатишда шуниси маъқул, чунки ишлар ҳажми анча камаяди. Ишни шундай горизонталдан бошлиш керакки, уни сурганда қазиш ва кўтарма қилиш ишларининг ҳажмлари тахминан teng бўлсин. Бундай горизонтални участкадаги энг характерли кесимнинг вертикал профилини аниқлаётганда топилади.

Нуқсонли участкаларнинг эгрилигини тузатишда палеткадан фойдаланилади, лекин вертикал ва лойихавий юза тузилмайди.

Ёнбағирлардаги рельефларни тузатиш алоҳида йўналишлар бўйича амалга оширилади. Мисол тариқасида 10.10 – расмда учиш полосаси ёнбағрининг бир қисми берилган; ундаги горизонталлар кесими ҳар 0,25 метрда. I -I ёрдамчи чизикка қараб, 8,25; 8,00 ва 7,75 горизонталлар бир-бирига яқинлигини кўриш мумкин. Улар орасидаги жойлашмалар рухсат этилгандан кам деб фараз қилайлик. 8,25 - 8,00 ва 8,00 - 7,75 горизонталлари орасидаги жойлашмаларнинг фарқи кўриниб турибди. Шунингдек, нишабликларнинг алгебраик айрмаси рухсат этилганидан кўп бўлгани учун саралаш пайтида, юза рухсат этилганидан ортиқ эгри эканлиги аниқланди деб фараз қиласиз. Шундай қилиб, ёнбағир номақбул нишаблик ва эгрилик билан тавсифланади.



10.10 -расм. УТ юзасидаги нуқсонли участка режаси ва профили (кўтарма қилиб тузатилади)

П₃ - ер юзаси; П_п - лойихавий юза; I - I ва II-II - ёрдамчи чизиклар. Режада лойиха горизонталлар пунктир чизиклар билан ер юзаси горизонталлари - сидирға чизиклар билан кўрсатилган.

Рельеф юзасини тузатиш учун қуйидаги дастлабки маълумотлар қабул қилинади:

$$i_{\max} = 0,020; i_{\min} = 0,005;$$

$R_{\min} = 6000$ м ва калька қоғозга палетка чиқилади. Палеткани нуқсонли участкага кўйиб, дастлабки жуфт горизонталларни (8,75 ва 8,50) танлаймиз; шундай танлаш керакки, улар орасидаги масофа палеткадаги жойлашмалар билан мос келсин. Кейин палеткадан макбул жойлашмаларни топографик режага кўчирамиц. Кўринадики, юзанинг эгрилигини тузатиш учун бу горизонталларни рақам белгиси кичик горизонталлар томонга суриш керак, натижада кўтарма қилиш зарурати келиб чиқади. Худди шу тарзда II - II ёрдамчи чизик бўйлаб макбул жойлашмалар курамиз (10.10 - расм). Топографик режада лойиха жойланмаларни кўрсатадиган нукталардан лойиха горизонталлар ўтказамиц. Улар билан тавсифланадиган лойиха юза рухсат этилган нишаблик ва эгриликка эга бўлади.


Тўлқинсимон горизонталли участкада рельефни тузатиш. (тольвегли ва сувбўлгичли участкалар)да горизонталларнинг тўлқинланиши шу даражагача камайтириладики, режадаги бирисмли горизонталларнинг шохлари орасидаги масофа палеткадаги DF ватарга аниқ мос келсин

(10.6 - расм), ёнбагир рельефини тасвирловчى қүшни горизонталларнинг жойлашмалари палеткадагига қараганда кескин ўзгармасин ($h=h^1$ бўлган холатда)

Горизонталларнинг тўлқинланишини пасайтириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:
1) горизонталларнинг тармоқлари орасини очиш; 2) горизонталларнинг синик нуқталарини суриш; 3) тармоқлар орасини очишни синик нуқталарни суришни бирлаштириш.


Учинчи усул афзалроқ, чунки бунда ер қазиш ишлари турли ишораларга эга бўлади. Тўлқинланишларни тузатиш шундай бажарилиши керакки, тупроқ қазиш ва кўтарма қилиш ҳажмлари бир хил бўлсин.

Горизонтал профил деганда мавжуд ва лойиҳавий горизонталлар орасидаги юза туширилади (10.11 - расм).



10.11. - расм. Тўлқинсимон горизонталли участкада рельефни тўғрилаш.

Эгарсимон участкада рельефни тўғрилашдан олдин ернинг табиий юзаси кўндаланг кесимини қуриб, унга лойиҳа юзанинг чизиқларини тушириш мақсадга мувофиқ (10.12 – расм).




10.12-расм. Эгарсимон участкада рельефни тўғрилаш.

Бунда қазиладиган профил юзаси кўтарма профил юзасига тенг келиш шарти бажарилиши лозим. Лойиҳа юзанинг I/R_{min} эгриликдаги эгри чизиқларини масштабли эгри чизиқ лекалоси ёрдамида кўндаланг кесимга туширилади. Бу - R_{min} радиусли эгри чизиқнинг график тасвири бўлиб, кўндаланг кесим қурилаётганда горизонтал ва вертикаль масштаблар ҳисобга олинади. Масштабли эгри чизиқ жойлашмалар палеткаси ёрдамида қурилади (10.2 – расм).

Расмдаги h_3 табиий юзасининг вертикаль профилини тузишда қабул қилинган вертикаль масштабдаги горизонталлар кесими. Лекалони масштабли эгри чизиқ шакли бўйича шаффофт


материалдан (органик шиша) қирқиб олинади. Тузилган күндаланг кесим ва ундаги лойиха юзанинг чизиклари ёрдамида куйидагилар аниқланади: қирқилган горизонталлар сони ва уларнинг рақамли белгилари; лойиха рельефнинг сувбўлгичи чизикларини сурилиши ; лойиха профилидаги сониш нуктасининг кўшни горизонталдаги баландлиги h . Режанинг кўрилаётган кесимида лойиха горизонталларнинг ҳолати палетка ёрдамида аниқланади. Бунда план устига қўйилган палетканинг ордината ўки қийматига сурилади. Лойиха горизонталларнинг рақам белгилари кўндаланг кесим орқали аниқланади. Кўшни кесимлардаги лойиха горизонталларнинг ҳолати шундай йўл билан аниқланади.



10.13-расм. Масштабли эгри чизик қуриш

Баланд-паст участкаларда рельефни тузатиш ҳам юқорида айтилган усуллар билан амалга оширилади. Тепаликнинг чўққиси қуйидагича тузатилиши мумкин: палетка ёрдамида ва мавжуд рельефнинг кўндаланг профили қўрмасдан; кўндаланг профилни қуриб. Биринчисини бир нечта нуқсонли горизонталлар бўлганда қўллаш керак. Бунда сув айиргич участкалардан бошлаб чўқкининг лойиха горизонталини тузиш билан тутатилади. Бунинг учун режадан бир неча нукта топилади (10.14- расм, А,В,С,Д,Е,Ғ нуқталар); горизонтал шу нуқталардан ўтган бўлиши керак. Расмда нуқталар ўрни палетка ёрдамида, тепаликни қазиб йўқотиш мисолида топилган. Иккинчиси тепалик участкасида нуқсонли горизонталлар кўп бўлганда қўлланади.

Рельефни тузатиш тежамли бўлиши учун тепаликни қирқиши ҳажми тупроқни қаергадир тўкиш ҳажми билан тенг бўлиши керак.



10.14 – расм. Тепаликни жойлашма палеткаси ёрдамида тўғрилаш

10.3. Аэродромларнинг грунт юзалари вертикал режасини рақамли белгилар усули билан лойихалаш.

Рақамли белгилаш усули билан вертикал режаларни, лойихалаш квадратлар тўри учларидаги белгиларни шундай тузатишдан иборатки, хусусий нишабликлар, уларнинг қўшган квадратларнинг томонлари ёки диагоналлари бўйича ўлчанган алгебраик фарқлари (юза эгрилигининг тавсифи) рухсат этилган меъёрлардан чиқиб кетмасин. Ер юзаси нишаблигини белгилар усули билан

лойихаланганда квадратларнинг қўшни учларидағи белгилар фарқи топилади, энг катта ва энг кичик нишабликка тегишли рухсат этилган фарқ билан таққосланади ва агар ернинг рақамли белгилари нишабликлар бўйича меъёрларни қониқтирумаса тўғриланади. Учларидаги нивелирловчи сетка узелларининг рақамли белгилар H_1 ва H_2 маълум бўлганда юзанинг нишаблиги қўйидаги формуладан аниқланади:

$$I = \Delta H / a \quad (10.15)$$

бу ерда $H = H_2 - H_1$ – ер белгиларининг квадрат диагонали ёки томони бўйича фарқи, яъни квадрат учидаги нуктанинг қўшнисидан баландлиги; a – нивелирловчи тўр квадратининг томони узунлиги.


Формуладан кўринадики, $\Delta H = ai$. Бундан келиб чиқадики, “ a ” нинг қиймати доимий бўлса, H нишабликка тўғри пропорционал тарзда ўзгаради. Белгилар фарқи тўрдаги қўшни учлар орасидаги нишабликни ҳам кўрсатади. Рухсат этилган нишабликлар i_{\min} билан i_{\max} оралиғида бўлади. Юза нишаблигини рақам белгилар усули билан тўғрилашда аввал нивелирловчи тўр планида квадратлар томонидаги қўшни нукталар белгиларининг фарқи ΔH топилади. Энг кам ва энг кўп нишабликларга мос рухсат этилган фарқлар аниқланади:

квадрат томонлари учун

$$\Delta H_{\min(\max)} = i_{\min(\max)} a \quad (10.16)$$

диагоналлар учун

$$\Delta H_{\min(\max)} = i_{\min(\max)} a \sqrt{2} \quad (10.17)$$



10.15 – расм. Юзанинг рақам белгилари фарқини аниқлаш учун режа ва профил.

Кейин квадратнинг ҳар бир томонидаги қўшни нукталарнинг белгиларининг фарқлари ΔH_{\min} ва ΔH_{\max} билан таққосланади. Агар

$$\Delta H_i < \Delta I_{\max} \text{ ва } \Delta H_i > \Delta H_{\min} \quad (10.18)$$

бўлса, квадратнинг текширилаётган томонига мос юзанинг нишаблигини ўзгартирмасдан шундай қолдириш мумкин. Квадратнинг томонлари бўйича мавжуд нишабликни қўйидаги формуладан топиш мумкин.

$$i = \Delta H / a \quad (10.19)$$

Агар юқоридаги шартлар бажарилмаса квадрат учларининг белгиларини тегишли миқдорга ўзгартериш лозим. Бу ишни уч усулда бажариш мумкин.

$\Delta H > \Delta H_{\max}$ ҳолатни кўриб чиқамиз.

1 – усул. Уймани қилиш. Ўзгартериш таққослананаётган икки белгидан H_2 каттасини $h_2 = \Delta y$ миқдорича камайтиришдан иборат. Шунда В учдаги лойихавий белги қўйидагича бўлади:

$$H_{np} = H_2 - \Delta y \quad (10.20)$$

“A” учнинг белгиси ўзгаришсиз қолдирилади. Рельеф тузатилгандан кейин A ва B учлар белгиларининг фарқи H_{\max} га, лойиха юзанинг нишаблиги

i_{max} га тенг бўлади.


10.16 а – расмдаги схемага риоя қилиб, у ни топамиз:

$$(H_2 - \Delta y) - H_1 = \Delta H_{max} \quad (10.21)$$

$$\Delta y = (H_2 - H_1) - \Delta H_{max} = \Delta H - \Delta H_{max} \quad (10.22)$$

ΔH нинг қиймати нивелирловчи съёмкадан олинади ва қуидаги хисоб бажарилади:

$$\Delta H_{max} = i_{max} a \quad (10.23)$$



10.16 – расм. Нишаблиги $i > i_{max}$ бўлган участкани белгилар усули билан тузатиш.
1 – мавжуд юза; 2 – лойиҳавий юза.

2 – усул. Кўтарма қилиш. Ўзгартириш таққослангаётган икки белгидан бирини H_1 ни $h_1 =$ у қийматган кўпайтиришдан иборат. Бу ҳолда В учнинг белгиси ўзгармайди, А ники у га ортади. Тузатиш киритилгандан кейин А ва В учларнинг белгилари, 1 – усулдаги сингари, H_{max} ва лойиҳавий юзанинг нишаблиги i_{max} бўлади.

Қуидаги формуладан у ни топамиз (10.16 б – расм).

$$H_2 - (H_1 + \Delta y) = \Delta H_{max} \quad (10.24)$$

Бундан

$$\Delta y = (H_2 - H_1) - \Delta H_{max} = \Delta H - \Delta H_{max} \quad (10.25)$$

3 – усул. Уйма ва кўтарма қилиш. Ўзгартириш таққослангаётган икки белгидан кичиги H_1 ни h_1 га кўпайтириш ва каттаси H_2 ни h_2 га камайтиришдан иборат. Схемага (10.16. в – расм) риоя қилиб ёзамиш:

$$(H_2 - h_2) - (H_1 + h_1) = \Delta H_{max} \quad (10.26)$$

бу ерда h – киритилаётган кузатишлар йифиндиси $\Delta h = h_1 + h_2$ тузатишлар йифиндиси қуидагича

$$h_1 + h_2 = \Delta H - \Delta H_{max} \quad (10.27)$$

$h_1 = h_2$ дея қабул қилган, қазиш ва тўкиш ишлари тенг бўлади. h_1 нинг турли қийматларига турли ҳажмдаги қазиш ишлари тўғри келади.

Нишаблари рухсат этилган энг кам меъёрдан кичик участкаларни лойихалаш $\Delta H < \Delta H_{min}$ ҳолатдагига ўхшаш. Агар $\Delta H > \Delta H_{min}$ бўлса, қўшни учлардаги натура белгилар шундай тузатилиши керакки, уларнинг айирмаси Δy га ўзгариб, ΔH_{min} га тенг бўлсин

$$\Delta H_{np} = \Delta H + \Delta y = \Delta H_{min} \quad (10.28)$$

Тузатиш қўйидаги ифодадан топилади:

$$\Delta y = \Delta H_{min} - \Delta H \quad (10.29)$$

Ер юзаси белгиларига керакли тузатиш – Δy ни киритиш юқоридаги каби 3 усул: қазиш, қўтариш ва қазиш – қўтариш билан амалга оширилади (10.17 а – расм).

Уйма ҳал қилинса (10.17 а – расм)


$$\Delta H_{min} = H_2 - (H_1 - \Delta y) = \Delta H + \Delta y \quad (10.30)$$

Кўтарма қилинса (10.17 б – расм):

$$(H_2 + \Delta y) - H_1 = \Delta H_{min} = \Delta H + \Delta y \quad (10.31)$$

Қисман уйма, қисман кўтарма тузатилганда:

$$h_1 + h_2 = \Delta H_{min} - (H_2 - H_1) = \Delta H_{min} - \Delta H \quad (10.32)$$



10.17 – расм. Нишаблари $i < i_{min}$ бўлган участкаларни тузатиш 1 – мавжуд юза; 2 – лойиха юза.

Рельефни нивелирловчи тўр чизиқлари бўйича текширишдан ташқари, диагонал йўналишда ҳам туширилади. Бу ҳолда (10.18) формуладан фойдаланилади.

Ер юзаси эгрилигини ракамли белгилар усули билан лойихалаганда қўшни квадратларнинг томонлари бўйича ортиқликнинг алгебраик фарқи аниқланади ва у эгриликнинг энг кичик радиусига тегишли рухсат этилган фарқ билан таққсоланади. Агар улар меъёрга тўғри келмаса ракамли белгилар тузатилади. Ортиқликнинг рухсат этилган алгебраик фарқи қўйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади: 10.18 – расмдаги схема учун

$$\Delta i = i_1 - i_2 = \frac{\Delta H_1}{a} - \frac{\Delta H_2}{a} = \frac{\Delta H_1 - \Delta H_2}{a} \quad (10.33)$$

Демак, умумий ҳолда

$$\Delta H_n - \Delta I_{n+1} = a(i_n - i_{n+1}) \quad (10.34)$$

Маълумки, қўшни участкалардаги нишабликнинг алгебраик фарқи (карама-карши нишабликлар йиғиндиси ва бир томон нишабликлар айирмаси) эгрилик радиуси ва қўшни участка узунлиги билан боғлик:

$$i_n - i_{n+1} = a/R_{\min} \quad (10.35)$$

Бу формулани олдингисига қўйиб топамиз:

$$\Delta H_n - \Delta H_{n+1} = a \frac{a}{R_{\min}} = \frac{a^2}{R_{\min}} \quad (10.36)$$


Шундай қилиб квадратларнинг томони бўйича ортиқликнинг рухсат этилган фарқи қўйидаги формуладан аниқланди:

$$\Delta^2 H_n = \Delta H_n - \Delta H_{n+1} \leq \frac{a^2}{R_{\min}} \quad (10.37)$$

ёки

$$\Delta^2 H_n = \Delta H_n - \Delta H_{n+1} \leq a(i_n - i_{n+1}) \quad (10.38)$$

бу ерда a – нивелирловчи тўр квадрати томонининг ўлчами; R_{\min} – юза эгрилигининг рухсат этилган энг кичик радиуси; i_n – i_{n+1} – квадратларнинг икки қўшни томонлари нишаблигининг рухсат этилган алгебраик фарқи ΔH_n – квадрат учларидағи белгилар фарқи (ортиқлиги) $\Delta H_n = \Delta H_n - \Delta H_{n+1}$ – икки қўшни квадратнинг томонлари бўйича ортиқликнинг алгебраик фарқи (бу ерда ва кейин ҳам Δ га тегишли “2” рақами квадратга кўтаришни эмас, белгиларнинг “иккинчи фарқи” ни ёки “ортиқликнинг фарқи” ни англатади)




10.18–расм. Турли нишабликдаги туташ участкаларнинг профили ва плани
($\Delta H_1 = H_1 - H_0$; $\Delta H_2 = H_2 - H_1$; $\Delta H_3 = H_3 - H_2$).

Ортиқликларнинг рухсат этилган энг катта алгебраик фарқи эгриликнинг энг кичик радиусига боғлиқ ҳолда (режанинг нивелир тўри квадратининг томони $a=40$ м бўлганда), қўйидаги қийматларга эга:

$R_{\min}, \text{м}$	10000	8000	6000	4000	3000	2000
$\Delta^2 H_n, \text{м}$	0.16	0.20	0.27	0.40	0.53	0.80

10.4 Аэродромларнинг грунт юзаларининг вертикал режани рақам белгилар билан лойиҳалаш кетма-кетлиги.

Рельефни режада рақам белгилар билан лойиҳалаш қуйидаги тартибда бажарилиши мақсадга мувофиқ (10.19–расм):



10.19 – расм. Рельефни белгилар усули билан лойиҳалаш схемаси
(стрелкалар билан нишаблик йўналиши кўрсатилган).

- Рухсат этилган энг кичик ва энг катта нишабликларнинг i_{\min}, i_{\max} берилган меърий қийматлари, эгриликнинг рухсат этилган радиуси бўйича қуйидагилар аниқланади:
квадратнинг қўшни учларининг рухсат этилган энг кичик ортиқлиги

$$\Delta H_{\min} = ai_{\min} \quad (10.48)$$

квадратнинг қўшни учларининг рухсат этилган энг катта ортиқлиги

$$\Delta H_{\max} = ai_{\max}$$

квадратнинг иккита қўшни томони бўйича ортиқликнинг рухсат этилган энг катта фарқи

$$\Delta^2 H_{\text{don}} = a^2 / R_{\min}$$

- Рақам белгилар қўйилган режада мавжуд рельефни тузатиш йўналишлари (10.20 – расмда I-I йўналиши) аниқланади ва шу йўналишлар бўйича нивелирлаш тўри квадратларининг учлари учун ер белгиларининг қўшни нуқталар орасидаги ортиқлиги хиоблаб топилади (ΔH_{cush}). Ҳосил бўлган ΔH_{cush} қийматларни квадрат томони ўртасига ёзиб қўйилади.

3. Кўрилаётган йўналишлар бўйича ҳар қайси икки қўшни кесма учун ортиқликларнинг абсолют фарқи $\Delta^2 H_{\text{cush}}$ топилади. Бу қийматлар $\Delta^2 H_{\text{cush}}$ тегишли нуқталар тепасига ёзиб қўйилади.

4. Нуқталар орасидаги ортиқликлар - ΔH_n рухсат этилган ΔH_{\min} ва ΔH_{\max} қийматлар билан таққосланиб, рельефнинг нишабликлар бўйича нуқсонлари топилади.

5. Ортиқликларнинг аниқланган фарқлари қийматлари - $\Delta^2 H_{\text{cush}}$ ни рухсат этилан фарқлар – $\Delta^2 H_{\text{дан}}$ билан таққослаб, рельефнинг эгрилик бўйича нуқсонли участкалари аниқланади.

6. Юкорида айтилган усуллар билан номақбул нишаблик ва эгриликка эга бўлган участкаларнинг нуқсонлари тузатилади. Тузатиш иккала нуқсонлар бўйича бир вактда бажарилади. Тегишли нуқталар учун ҳисоблаб топилган лойиҳавий белгилар натура белгилари остига ёзиб қўйилади.

7. Рельефни I-I, III-III, V-V йўналишда тузатгандан сўнг уларга перпендикуляр II-II, IV-IV, VI-VI йўналишларда рельефнинг нишаблиги ва эгрилиги тузатилади. Шуни назарда тутиш керакки, i_{\max} ва R_{\min} ларнинг меърий қийматлари турли йўналишларда турлича бўлиши мумкин, шунинг учун лойиҳалаш жараёнида текширишни ва илгари кўрилган йўналишдаги белгилар тузатилганини бот-

бот такрорлаб туриш керак; бир-бирига перпендикуляр йўналишдаги белгилар ўзаро мос тушмагунча давом этаверади

8. Рельефни лойиҳалашнинг сўнгги босқичида ишчи хужжатлар тузилиб, нивелирловчи тўрнинг квадратлари утида ишчи белгилар, лойиха горизонталлар кўрсатилади.

11 – БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИНГ СУНЬЙИ ҚОПЛАМАЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ РЕЖАЛАШНИ ЛОЙИҲАЛАШ

11.1. Сунъий қопламаларни вертикал режалашни лойиҳалаш хусусиятлари.

Сунъий қоплама – аэропортнинг асосий иншоотларидан бири, аэропортнинг эксплуатация ва техник имкониятлари кўп жиҳатдан унга боғлик.

СУҚМ нинг юзасига бўладиган талаблар ГУҚМ юзасига қўйиладиганларга қараганда анча қатъий. Масалан, ҲК нинг кўтарилиш ва қўниш шароитларини яхшилаш ва қоплама майдонини қисқартириш учун СУҚМ да рухсат этилган энг катта бўйлама нишабликни ГУҚМ га қараганда анча кам олинади. СУҚМ юзаси эгрилигининг энг кичик радиуси эса ГУҚМдагига қараганда анча катта бўлиши мумкин.

Қопламаларнинг ишлаш шароитини яхшилаш ва юзанинг керакли даражадаги текислигини таъминлаш учун қопламаларни ёмғир ва эриган сувлардан химоялаш чегараларини кўриш зарур. Сунъий қопламаларнинг вертикал режасини лойиҳалаш вазифаси рельеф лойиҳасини ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, бу рельеф ҲК нинг хавфсиз кўтарилиши ва қўнишини, қопламаларнинг турғунлиги ва узок хизмат муддатини ва ечимларнинг тежамкорлигини таъминлаши лозим. Буларнинг барига нишабликлар, эгриликлар ва УТ да кўринувчанликка бўлган талабларга риоя қилиш билан эришилади (10.2).

Сунъий қопламалар конструкциясининг барқарорлиги ва узок хизмат қилиши учун уларнинг четлари ён-атрофдаги ер юзаларидан баландроқ қилиб ишланади, шунда сув босишдан, хўл бўлиб қолса, тез қурийди. Сунъий қопламалардан атмосфера ёғинлари тез тушиб кетиши учун рельефга бўйлама ва кўндаланг йўналишларда маълум шакл берилади.


Сунъий қопламаларни вертикал режалашнинг тежамкорлиги ер қазиш ишлари ҳисобига бўлади; бунда лойиҳавий юзани мавжуд юзага иложи борича яқинлаштиришга харакат қилинади.

Қопламаларнинг ҳисобий мустаҳкамлигини таъминлаш ва қимматбаҳо қурилиш материалларидан фойдаланиш қоплама конструкциялари қалинлигига аниқ риоя қилишни тақозо этади. Бунга ракамли белгиларни натурага чиқариш бўйича таксимлаш ишларини аниқ бажариш билан эришиш мумкин. Бу талабни тўлиқ қондириш шарти шуки, қоплама юзаси текислик бўлиши керак. Бироқ, замонавий аэродромларда УТ нинг узунлиги 2500-3000м ва ундан ортиқ бўлади, сунъий қоплама юзасини яхлит бир текислик қилиб бажариб бўлмайди, унда тўлқинланиш албатта бўлади. Бундай шароитда сунъий қопламанинг юзасини алоҳида-алоҳида текисликка шундай таксимлаш керакки, ҳар биридаги бўйлама ва кўндаланг нишабликлар ўзгармас бўлсин, шунда сунъий қоплама юзаси мавжуд юзага энг кўп яқинлашган бўлади.

Шундай қилиб, аэродром қопламалари юзасини лойиҳалаганда, учиш майдонининг эгри чизиклардан иборат грунтли участкалари рельефини лойиҳалашдан фарқли равишида фазода турлича қияликлар билан жойлашган алоҳида-алоҳида текисликларнинг бирикишидан иборат деб қабул қилинади. Қопламаларни қуриш ишларини нормаллаштириш шартларидан келиб чиқиб алоҳида текисликлар узунлигини иложи борича катта, энини эса бетон ётқизувчи агрегат энига каррали олиш керак. ҲК ларини эксплуатация қилиш ва биринчи навбатда, СУҚМ юзаси жуда текисликка кесишган чизиклар орасини иложи борича каттароқ олиш керак.


Сунъий қопламалар юзасини лойиҳалашда учрайдиган ҳар қандай ҳолатни алоҳида текисликлар тизимининг бирикмаси деб тасаввур қилиш мумкин. Бу текисликлар сунъий қопламанинг ҳамма юзаси бўйича синик, лекин узлуксиз юзалар бирикмасини ҳосил қиласди. Қоплама юзасини ҳосил қилишда текисликларни жойлаш усулларини кўриб чиқамиз.

Энг одий ҳолат – бўйлама ва кўндаланг нишабликлари доимий икки текисликнинг туташуви. Бу текисликлар қоплама ўқи билан устма-уст тушадиган чизик бўйича туташиб, икки нишабли симметрик қоплама ҳосил қиласди (11.1 а – расм). Шундай қилиб қоплама юзаси иккита текислик билан ҳосил бўлади. Қопламанинг бўйлама нишаблигини ўзгартириш учун унинг ўқига перпендикуляр бўлган тўғри чизик атрофида айлантириш керак. Бу чизикнинг қоплама текислиги ичидаги қисми “кўндаланг” деб аталади. Бундай ҳолда икки нишабли кўндаланг профилли қопламанинг участкаси тўртта текисликнинг туташувидан ҳосил бўлади. (11.1 б – расм).




11.1 – расм. Икки нишабли кўндаланг профил юзаси участкаларининг туташуви.
а – ўзгармас бўйлама ва кўндаланг нишабликлар билан; б – ўзгармас кўндаланг нишаблик ва турли бўйлама нишабликлар билан; 1 – қирра; 2 – “кўндаланг”

Кўндаланг нишабликлари ҳар хил бўлган икки нишабли кўндаланг профилларнинг юзалари участкалари бир-бiri билан туташганда, асосий текисликлар орасидаги юзалар сидирга бўлиб кетиши учун камида яна битта текислик – тўлдирувчи текислик ҳосил қилиш керак. Бунда “кўндаланг”лардан ташқари АВ ва ВС тўғри чизиқлари пайдо бўлади, уларни “диагонал” дейилади. Улар режада қоплама ўқига бир мунча бурчак билан жойлашади.



11.2 – расм. Кўндаланг нишабликлари ҳар хил бўлган икки нишабли кўндаланг профил юзасини ҳосил қилувчи текисликларнинг жойлашуви.
1 –кўндаланг; 2 – диагонал.

11.3 – расмда тасвирланган участка ўзаро туташган бир қанча текисликлардан иборат. Қоплама юзаси сидирга бўлишини таъминлаш мақсадида иккита асосий текислик – I ва II орасида иккита тўлдирувчи текислик III ва IV ни ҳосил қилиш керак.



11.3 – расм. Сунъий қоплама юзаси текисликларининг туташуви (тўлдирувчи текислик иккита)

Келтирилган мисоллардан кўринадики, сунъий қопламаларнинг лойихавий юзасини тузишнинг ҳамма йўллари, бир-бiri билан бирикib синиқ чизик ва узлуксиз юза ҳосил қиласидан текисликлар тизими сифатида тақдим қилиниши мумкин. Сунъий қопламаларнинг лойихавий юзасини аэродром участкасининг мавжуд юзаси характеристига қараб лойихалаш керак. Бунда бутун учиш майдони рельефи ҳисобга олинади ва СУҚМ нинг шундай лойиха профили билан баландлик ҳолати танланадики, улар сунъий қопламадан ҳам, учиш майдонидан ҳам сувларни узоклаштиришни таъминласин.

Рельеф аслида текис бўлса, лойихалашни сунъий қопламадан бошлаш керак, чунки учиш майдонини вертикал режалаш асосан шунга боғлиқ. Мавжуд рельеф мураккаб ва паству баланд бўлса, аввал нишабликлар ва эгриликларнинг меъёрларига биноан рельефни тузатиш (юкорида келтирилган усууллар билан) керак, шундан кейингина сунъий қопламалар лойихаланади.

Сунъий қопламаларни вертикал режалашда иккита масала ҳал қилинади: лойиха юзанинг баландлик ҳолати белгиланади ва лойиха юзанинг режаси тузилади.


11.2 Қоплама юзасининг баландлик ҳолати ва кўндаланг профили.

Қопламалар юзасидан сувни қочириш учун кўндаланг профилга аҳамият берилади. Бу – бир томонга ёки икки томонга нишаб қилиш демакдир, яъни кўндаланг профил бир нишабли ёки икки нишабли қилиб қурилади. Кўндаланг нишаблик сунъий қоплама конструкцияси ва профилнинг турига қараб танланади. Юзада нотекисликлар қанча кўп бўлса, сувнинг оқиб кетиши шунчалик ёмонлашади. Шунинг учун ғадир-будир юзаларда (масалан, чақиқ тишли, грунт ва чақиқ тошли, грунт ва майдо тошли) кўндаланг нишаблик катта олинади. Кўндаланг нишаблик, шунингдек, қоплама юзасидан сувни қочириш усулига ҳам боғлиқ. Бир нишабли қопламада қиялик анча узун бўлади (қоплама киррасидан арикқача), шунинг учун кўндаланг нишаблик катта бўлиши керак. Икки нишабли қопламада, қиялик калтароқ, сув ўтадиган масофа кичик, тез оқиб кетади, демак кўндаланг нишаблик ҳам камроқ бўлса кифоя қиласди.

Кўндаланг нишабликни танлаётганда ҲҚ кўтарилиши ва қўниши учун қулайликни ҳам унутмаслик керак.

СУҚМ да кўндаланг нишаблик РЙ, ТЖ ва перронлардагига қараганда кичикроқ бўлади.

Кўндаланг профил турини танлаётганда қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур. СУҚМ нинг кўндаланг профили икки нишабли ва қирраси симметрик жойлашган бўлгани маъқул. (11.4. а – расм).




11.4 – расм. Сунъий қопламалар кўндаланг профилнинг турлари а, б – икки нишабли; в, г – бир нишабли

Агар мавжуд юза нишаблиги 0,01 дан ортиқ бўлса, бир нишабли СУҚМ қуриш рухсат этилади.

Нишаблиги катта қиялик ерда икки нишабли қоплама қурилса, пастки четини анча кўтариш лозим. Тепа томонида эса грунтли тарнов қурилади, шунда қоплама юзасини сув босмайди. УТ чегараларида грунтли тарнов қилиш учун уни техник-иктисодий далиллаш ва гидрогеологик, гидрологик ва муҳандис-геологик шароитлар хисобга олиниши керак (11.4 б – расм). Жойнинг кўндаланг нишаблиги катта бўлса, бир нишабли профил танлаш мақсадга мувофиқ (11.4 в – расм). Кўндаланг нишаблик катталашса, кўтарма қилиш иши кўпаяди. Бу ишни енгиллатиш учун қопламанинг юқори томонида грунт тарнов қазилади (11.4 б – расм).

Демак кўндаланг профилининг тури лойиҳаланаётган аэропорт тоифасига ва жойнинг муайян шароитларига боғлиқ.




11.5 – расм. СУҚМ ва РЙ нинг кўндаланг профили

а, б – икки ва бир нишабли; в – РЙ нинг бир нишабли профили; 1 – грунт тарнов ўки; 2 – отмостка; 3 – қоплама; 4 – асос; 5 – табиий асос; 6 – қирра чети дренаси; 7 – қоплама чети

СУҚМ да асосан икки нишабли симметрик профил танланади (11.5 – расм). Битта СУҚМ да бир ва икки нишабли күндаланг профил бўлиши ҳам рухсат этилади.

Икки нишабликдан бир нишабликка ёки аксинча бир нишабликдан икки нишабликка ўтиш зарурияти техник-иктисодий ҳисоблар билан далилланган бўлиши керак. Иккитадан биттага ўтишда қоплама қирраси ўртадан четга сурилади (11.6 – расм). Бу ҳолда симметрик бўлмаган икки нишабли күндаланг профил кўрилган. Баъзан қуи тоифали аэродром курища ёки бетон ётқизувчи машиналарнинг қамроғи плиталарни күндаланг ётқизиш учун етарли бўлмаса, шундай профил турини бутун СУҚМ учун танланиши мумкин. Жойнинг күндаланг нишаблиги қанча катта бўлса, қирра шунча кўп сурилиади.



11.6. – расм СУҚМ нинг икки нишабли профилидан бир нишабли профилга ўтишда қирранинг режада сурилиши.

Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, носимметрик икки нишабли күндаланг профил қурилиш технологиясини, ҲК лари кўтарилиши ва қўниши шароитларини мураккаблаштиради, шу сабабдан уни алоҳида вазиятларда, тегишли техник-иктисодий ҳисоблар билан қуриш керак.


Руллаш йўллари (РЙ) нинг эни СУҚМ га қараганда кичик бўлади, ер усти сувлари ундан оқиб кетиши осон. ҲК лари РЙ да кичик тезлиқда юради. Шу сабабларга кўра РЙ ва ТЖ нинг юзаси шаклига бўладиган талаблар СУҚМ га қараганда қаттиқ эмас. Уларни икки ва бир нишабли қилиб қуриш мумкин (11.5 – расм).

11.3. Қопламаларнинг бўйлама профилини лойиҳалаш

Сунъий қопламалар рельефини лойиҳалашда энг муҳим элемент бўйлама профил ҳисобланади. Уни лойиҳалашда лойиҳа юзанинг танланган баландлигига қараб, нишаблик ва эгрилик радиуслари меъёрларидан келиб чиқилади. Яхши кўриниб туриши учун бўйлама профилни масштаб қоидаларидан чиқиб акс эттирилади: ТИД босқичида 1:5000 горизонтал масштаб, 1:100 вертикаль масштаб, ишчи лойиҳада 1:12000 горизонтал масштаб, 1:50 вертикаль масштаб.

Қопламанинг бўйлама профилини СУҚМ ўқига нисбатан лойиҳалаганда қуидаги қоидалардан келиб чиқилади:

1. СУҚМ нинг бўйлама профили кўриниши мавжуд юзанинг рельефига кўп жиҳатдан боғлик. Бўйлама профилни лойиҳалашда мавжуд табиий юзага яқинлашиш принципини қўллаганда ва ўраб оловчи синиқ чизиқлар билан тасвирланади. (11.8 – расм).



11.8 – расм. Бўйлама профилни ўраб оловчи чизиқ бўйича лойиҳалаш схемаси.

1 – мавжуд юза профили; 2 – лойиҳа юза профили.

2. Лойиҳавий профилдаги синикларни мавжуд юзадаги синиклар ва пикет нұқталар билан устма-уст тушириш керак. Шундан ишлар осон күчади. Синиклар сони кам бўлиши керак. Айниқса, лойиҳа профилнинг нишабликни тескарига ўзгартирадиган синиклари мақсадга мувофиқ эмас (бундай ҳол сув айиргичларда, тальвегларда, СУҚМ трассаси билан кесишганда учрайди).

Бўйлама профил тўлқинсимон бўлганда (тальвеглар ва сув айиргичлардан ўтиш жойида) СУҚМ бўйлама кўшни синикларининг орасидаги масофа L – қуидаги шартга жавоб бериши керак:

$$L \geq R_{\min} (\Delta I_1 + \Delta I_2)$$

бу ерда R_{\min} - вертикал эгриликнинг энг кичик радиуси;

I_1 ; I_2 ; - СУҚМ элементларидағи кўшни синикларидаги бўйлама нишабликларнинг алгебраик айрмаси.

3. Бўйлама профилнинг ҳамма участкаларида СУҚМ дан ва курс радиомаёғи олдидан кўриниш талаблари қондирилиши лозим.


4. ҲК лари кўтарилиши ва қўниши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида бўйлама профил тўлқинсимон бўлишига йўл қўймалик керак. Бунинг учун юзадаги бир неча ботиқ ва қабариқ синикларни бирлаштириб йириклиш керак; бунда лойиҳа профилида аррасимон шаклга йўл қўймаслик лозим. Агар мавжуд юзадаги айрим участкаларнинг нишаблиги бир-биридан кўп фарқ қилмаса, уларни умумлаштириб, ўртacha қийматини чиқарган мақсадга мувофиқ. Шунда лойиҳа профилни унга мослаш осон кечади ва синиклар сони камаяди.

5. Мавжуд юзанинг нишабликлари ва эгрилигига номақбул бўлган ва яхши кўринишни таъминламайдиган участкалари рухсат этилган мёълерлар асосида тўғриланиши керак. Лойиҳа юзанинг турли вариантларини танлаб лойиҳалашда бутун СУҚМ бўйича нұқсонли участкалар бўйича энг оқилона ечимлар танланади.

6. Нишаблиги бўйича нұқсонли участкаларни тузатиш йўллари: а) кўтарма схемаси бўйича; б) ўйма схемаси бўйича; в) кўтарма қилиш ва ўйма схемаси бўйича.

Нишаблиги камайтирилиши лозим бўлган участкани кўрамиз, яъни $i_{\text{суш}} > i_{\max}$. Нұқсонни бартараф этиш учун кўшни участкаларнинг рельефини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Кўтарма қилиш (11.9 а – расм). Бу ҳолда лойиҳаланувчи юзани унинг паст тарафидаги кўшни участка ҳисобига тўлдирилади.



11.9. Қия участкаларни тўғрилаш:

а-кўтармада, б-ўймада, в-кўтарма-ўймада; I-участкани аралаш юқори қисми; II-нұқсонли участка; III-участкани аралаш қуий қисми. Штрихли чизик-табии юза, тўхтовсиз чизик-лойиҳавий юза.


Ўйма (11.9 б – расм). Бу ҳолда нишабликни камайтириш тепа томондаги кўшни участка ҳисобига бўлади. Бу усул, агар тепадаги участканинг нишаби лойиҳаланаётгандагидан камроқ бўлса кўлланади. Акс ҳолда кўтарма усулидан фойдаланиш керак. Лойиҳавий бўйлама профилни қуриш бўйича кўрилган шартларни ҳисобга олганда ер қазиши ишлари камаяди.

Күттарма килиш – ўйма. (11.9 в – расм). Бу ҳолда лойиҳавий бўйлама профил чизиги баландлик бўйича оралиқ ҳолатда бўлади. Агар пастдаги қўшни участканинг нишаблиги юқоридаги қўшни участка нишаблигидан катта бўлса, профилдаги дастлабки (“нулевой”) нуқтани нуқсонли жойнинг юқори чегарага яқиндан олиш керак. Акс қолда, пастки чегарага яқин олинади. Бу қоидалардан фойдаланиш мувозанатлаш ҳисобига ер қазиш ишларини камайтиради.

Сунъий қопламаларнинг энг кичик бўйлама нишаблигини камида 0,0025 олиш керак; шунда қоплам юзасидаги сувларни тарновларга оқиб тушиши қулай бўлади. Нишаблик камрок бўлса, арасимон профиллик очик тарновлар куриш керак. Шунинг учун мавжуд юзада $i_{\text{суш}} < i_{\text{max}}$ бўлса, юзани тузатиш керак. Нишаблигини катталаштириш талаб этиладиган участкаларнинг бўйлама профилини лойиҳалаш усуллари, $i_{\text{суш}} > i_{\text{max}}$ бўлган участкалар учун юқорида кўрилган учта усулга ўхшаш.

7. Бўйлама профилдаги лойиҳа чизикларнинг синиқлари меъёрий қийматлардан ошмаслиги керак. Уларни бир-бири билан таққослаб (i ва i_{max}) қайси бирини тузатиш кераклиги аниқланади.

Синиқликни меъёрий қийматгача келтириш учун икки қўшни лойиҳа чизиклари орасидаги бурчак кўпбурчакли чизик билан тўлдирилади. (11.10 – расм); бунда кўпбурчакнинг томонлари лойиҳалашнинг энг кичик қадами билан чегараланади. Масалан, агар тузатилиши лозим бўлган синиқлик $i_{\text{деф}}$ бўлса, $i_{\text{дон}} \leq i_{\text{деф}}$ муносабатига мувофиқ кичик қийматли n та синиқлар билан алмаштирилиши мумкин.



10.10. Юзадаги рухсат этилмаган синиқ чизик қийматлари тўғрилаш мумкин бўлган ҳолатлари
а- ўйиқ синиқ чизиқда, б-ботиқ синиқ чизиқда

Агар $i_{\text{дон}} \leq i_{\text{max}}$ деб қабул қилсак, нуқсонли синиқларни тузатиш учун киритиладиган кўпбурчак томонлари сони қўйидагича аниқланади:

$$n = \Delta i_{\text{деф}} / \Delta i_{\text{max}}$$

бу масалани ечишда кўпбурчак томонларининг сони – m ва синиқлар сони n бутун сонлар бўлиши керак. m нинг сони n лардан биттага кам эканлигини схемадан кўриш мумкин:

$$m = n - 1$$

8. Лойиҳаланувчи юзанинг баландлик ҳолатига қўйиладиган талабни бажариш тавсия этилади; бунда аэрором қопламаси юзасининг ерости сувлари сатҳидан баландлиги жойнинг грунт ва гидрогеологик шароитлари ҳисобга олиниши керак.

Юқоридаги мулоҳазалардан бўйлама профилнинг лойиҳа ўқ чизигининг ҳолати аниқланади: бундан СУҚМ ўқи бўйлаб лойиҳа белгилари келиб чиқади. Лойиҳа белгилар режада кўрсатилади.

11.4. Сунъий қопламалар юзасини лойиҳалаш.

Сунъий қопламалар рельефини ва грунтли учиш полосаларини лойиҳалаш усуллари бир хил. ТИД босқичида сунъий қопламалар юзасини вертикал режалаш, бўйлама профил усули ва горизонтал бўйича лойиҳалаш усули билан бажарилади. Ишчи чизмалар тайёрлаш босқичида рақамли белгилар ва вертикал профиллаш усулларидан фойдаланиб, сунъий қоплама юзасини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ эмас.

Бўйлама профиллар лойиҳалаш усулини горизонтал бўйича лойиҳалаш усули билан қўшиб бажариш. Қопламаларни вертикал режасини лойиҳалаш жараёнини З босқичга ажратиш мумкин. Биринчисида, сунъий қоплама рельефига қўйиладиган талаблар аниқланади; бунда аэрором ва унинг

иншоотлари – СУҚМ, РЙ, ТЖ, перронларнинг тоифаси ҳисобга олинади. Рельефи тузатилиши лозим бўлган участкалар аниқланади, учиш майдони тупроқ - грунт сифати, еrosti сувлар сатҳи бўйича сараланади. Иккинчи босқич – сунъий қопламани вертикал режалаш бўйича принцип ила ечимга келиш. Бунда қуидаги масалалар ҳал қилинади: сув қочириш схемаси, баландлик ҳолати, бўйлама профил характери, кўндаланг профил тури. Булар 11.2-§ ва 11.3-§ да келтирилган усуллар билан бажарилади.

СУҚМ, РЙ, ТЖ трассалари бўйича жой рельефи ўзгариши мумкин. Натижада қопламанинг қийматини ҳисоблаб топиш керак; бу баландлик – мавжуд юзанинг тегишли участкаларидағи кўндаланг нишабликларнинг ўртача қийматларига мос қопламадир.

Қопламаларнинг аниқланган баландлиги ва кўндаланг профилига лойиха чизиқли лойихалашда аниқлик киритилади.

СУҚМ нинг бўйлама профилини лойихалаб бўлгандан кейин қоплама ўки бўйича лойиха белгилар (профилдан олинган) горизонталлар билан ифодаланган режага кўчирилади. Бу белгилар сунъий қопламаларнинг режасида лойиха горизонталларини куриш учун зарур бўлади. Сунъий қопламалар РЙ, ТЖ ва перронларнинг рельефи, одатда, бўйлама профилни тузмасдан лойихаланади. Бунда лойиха горизонталлар бевосита режанинг ўқига туширилади. РЙ ўки бўйлаб бўйлама профил фақат мураккаб ўнқир-чўнқирли участкалар учун тузилади.

Учинчи босқичда СУҚМ юзасининг лойихавий горизонталлари ва унинг ён-веридаги грунт юза билан туташви тузилади. Қоплама юзасининг рельефи лойихавий горизонталлар билан тасвирланади, улар параллел тўғри чизиқлар бўлиб, бир текислик чегараларида бир-биридан тенг масофалардан ўтади. Горизонталлар орасидаги энг қисқа масофа, СУҚМ (РЙ, ТЖ, перрон) ўки йўналишида ёки унга перпендикуляр йўналишда, жойлашма деб аталади. У нишабликлар, горизонталлар кесими ва режа миқёсига боғлиқ.

11.5. Сунъий қопламалар қисмлари юзаси рельефини тузиши.

Сунъий қопламаларнинг РЙ нинг бурилиш ва кесишган ва бир элементдан бошқасига ўтиш жойларидағи участкалари “қисмлар” деб юритилади. РЙ ва СУҚМ перронлар, туриш жойлари, РЙ нинг бурилишлари ва РЙ лар кесишган жойларга туташ бўлганда қисмлар лойихаланади. Қисмларни лойихалашга нисбатан мураккаб юзалар ҳосил қилиш керак бўлади. Бу юзалар бир-бири билан туташган, бўйлама ва кўндаланг нишаблари ҳар хил бўлган текисликлардан ташкил топади. Қисмларни лойихалашнинг асосий вазифаси – ҲК лари ҳаракатига қулайлик яратиш ва сувни ишончли қочириш. Бундан ташқари жой рельефи, қоплама юзасининг баландлик ҳолати, қулай иш шароитлари ҳисобга олинади. Қисмлар юзасини куришда маҳсус лойихалаш усуллари қўлланади. Шуларга риоя қила туриб, қисмлар юзасини куришнинг умумий қоидаларини кўриб чиқамиз.

1. Қоплама қисмлари юзасида синиқларни қоплама кам зўриқиши билан ишлайдиган ва ҲК лари кам тезлик билан ҳаракат қиласидиган жойларга тушириш керак. Масалан, РЙ ва СУҚМ туташган участкада синиқни РЙ устига, магистрал РЙ ёрдамчи РЙ билан туташганда – ёрдамчи РЙ устига тушириш керак. Қисм юзасидаги синиқларни бир хил тақсимлаш фақат бир хил аҳамиятли элементлар кесишганда бўлади.

2. ҲК нинг қисм бўйлаб ҳаракат шароитини яхшилаш учун бўйлама профилни равон қуриш керак, яъни текисликларнинг ўтиш жойлари кам бўлсин.

3. Магистрал РЙ ва СУҚМ туташган ёрларда, магистрал РЙ нинг бурилишларида виражлар қуриш керак, яъни бурилиш марказига йўналган кўндаланг нишаблиги катталаштирилган бир нишабли профил яратиш керак.

4. Қисмларда қоплама четлари грунт юзадан тепароқ чиқиб туришига қатъий риоя қилиш зарур, яна сув қочириш ишончли бўлиши керак. Бу шунинг учун керакки, ҲК лари қисм атрофида ҳаракат қиласига горизонтал тормозлаш кучлари ва синиқ устидан юриб ўтганда катта динамик юкламалар юзага келиши мумкин, яъни сунъий қоплама қисмли жойда бошқа участкаларга қараганда анча оғир ишлайди.


5. Турли шаклдаги ва ҳолатдаги бир нечта юзадан қисм юзасини тузиш ҳар бир вазият учун алоҳида бажарилади. Лойихалашда текисликларнинг туташувига хос усуллардан фойдаланилади. Туташувнинг хамма ҳолатларини уч хилга ажратиш мумкин.

1 – ҳолат. I ва III текисликларнинг умумий чизиги бўлса, бир-бири билан туташа олади (11.18 а – расм). II текисликнинг фазодаги ҳолатини ўзгартириш учун уни умумий чизик атрофида айлантириш керак.

2 – ҳолат. Текисликлар битта умумий нуктага эга (11.11 б – расм). II текисликнинг ҳолатини ўзгартириш учун умумий нуктадан ўтувчи ва бир-бири билан кесишувчи икки чизик атрофида

айлантириш керак. Бу ҳолда қоплама сидирға бўлиши учун учинчи текислик – тўлдирувчи текисликни яратиш керак.

3 – ҳолат. I ва II текисликларнинг фазода жойлашуви ҳеч нима билан чекланмаган, яъни улар ўртасида умумий нуқта йўқ. Қоплама сидирға бўлиши учун қатор қўшимча текисликлар киритиш керак; кўрилаётган ҳолда эса I' ва II' тўлдирувчи текисликлар киритилади (11.11. в – расм).




11.11 – расм. Қисм юзасидаги текисликларнинг туташувида а – умумий чизик бўйлаб;
б – умумий нуқта бўлганда; в – тўлдирувчи текисликлар ёрдамида.

6. Аэродромнинг қисм ҳосил қиласидаги элементларини лойиҳалаш кетма-кетлигини икки ҳолат билан тасаввур қилиш мумкин.

Биринчи ҳолатда аэродромнинг икки элементидан бирини, қисмни вертикал режалаб бўлгандан кейин лойиҳаланади, яъни қўйидаги схема “биринчи элемент – қисм – иккинчи элемент”. Масалан, СУҚМ → қисм → РЙ; Магистрал РЙ → қисм → ёрдамчи РЙ; РЙ → қисм → ТЖ ва ш.к. Бундай кетма-кетлика туташувчи текисликларнинг умумий чизиги ёки умумий нуқтаси (11.12 б – расм) мавжуд бўлгандаги усуллардан фойдаланилади.

Иккинчи ҳолатда аэродромнинг туташувчи икки элементини вертикал режалаш бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилади ва шундан кейин, охирги навбатда қисм лойиҳаланади. Яъни бу схема: биринчи элемент – иккинчи элемент – қисм. Масалан: СУҚМ – РЙ – қисм; магистрал РЙ – ёрдамчи РЙ – қисм; ва ш.к. Бундай кетма-кетлика туташувчи текисликларнинг умумий нуқтаси бўлмаган ҳолатдаги усуллардан фойдаланилади (11.11 в – расм)




11.12 – расм. СУҚМ ва РЙ нинг туташ қисмларини лойиҳалаш схемаси.
а – сув қочириш (ерусти сувларнинг оқиши стрелка бўйича); б - узелни тўлдирувчи текисликларга ажратиш.

12 – БОБ. ТУПРОҚ ИШЛАРИ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ. АЭРОДРОМНИ ВЕРТИКАЛ РЕЖАЛАШ ЛОЙИҲАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

12.1. Тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш усуллари.

Рельефни лойиҳалашда тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш учун 3 усул қўлланади: горизонтал профиллар, изочизиқлар ва квадратлар усуллари. ТИД босқичида биринчи иккитаси, ишчи чизмалар босқичида – учинчиси ишлатилади.

Горизонтал профиллар усулидан тупроқ ишларининг кичик ишчи белгиларида (0.75м.гача) фойдаланилади. Горизонтал профиллар деганда юзанинг мавжуд горизонталлари билан бирисмли лойиҳавий горизонталлари орасидаги майдон туширилади; бу горизонталлар нўл иш чизиги бўйлаб бир-бири билан туташади. Ҳар бир горизонтал профил рельефни горизонталлар усули билан тузатгандан кейин ҳосил қилинади. Бунда ҳеч қанақа қўшимча тузилма талаф этилмайди, чунки рельефни лойиҳалашда ер ишларининг ёпиқ контури ҳосил бўлади; ер ишлари эса юқорида айтилган иккита горизонтал орасидаги юза билан аниқланади (12.1-расм).



12.1 – расм. Горизонтал профиллар усули билан тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш схемаси.
1 – лойиҳавий горизонтал; 2 – ер юзаси горизонтали; 3- нулли чизик; 4 – горизонтал профиллар;
 $S_1 \dots S_5$ – горизонтал профиллар юзалари

Ёпиқ контурлар юзаси – ер участкаси кесимларининг юзасидан иборат, яъни баландлик бўйича бир-биридан h_{top} - горизонталлар кесимига масофада турадиган горизонтал профиллар билан аниқланади. Тупроқ ишларининг умумий ҳажмини қўшни горизонтал профиллар орасидаги ҳажмларни қўшиб топилади. Ўйма ёки кўтарма қилиш контури ичидаги тупроқ ишлари ҳажмини хисоблаш учун планиметр ёрдамида бирисмли мавжуд ва лойиҳавий горизонталлар орасидаги юза аниқланиб, горизонталлар кесимининг баландлигига кўпайтирилади.

Ўйманинг умумий ҳажм:

$$V_{B(H)} = h_{top} \sum_{i=1}^{i=n} S_i$$


бу ерда h_{top} - горизонталлар кесимининг баландлиги;

$\sum_{i=1}^{i=n} S_i$ – горизонтал профиллар юзаларининг йиғиндиси.

Горизонтал профиллар усули, агар ер ишлари контурида 3 ва ундан ортиқ профил бўлса. Аниқ натижа беради.

Изочизиклар усулидан, ишчи белгилар 0,75м дан ортиқ бўлганда тупроқ ишлари ҳажмини аниқлашда фойдаланилади. Ҳажмни хисоблашдан олдин изочизиклар курилади. Биринчи ёки “нулли” изочизик “нул ишлар” чизигига тўғри келади. Бу чизик тупроқ ишлари бажариладиган зонани қўшни участкалардан ажратиб туради. Кейинги ҳар бир изочизикни ер юзаси горизонталлари билан лойиҳавий горизонталлар кесишган нұқталарни туташтириб топилади; бу горизонталларда ишчи белгилар горизонталлар кесимига қолдиқсиз бўлинади (12.2 – расм).

Ҳамма изочизиклар ўтказилгач, тупроқ массиви бир нечта қатламларга бўлинади: уларнинг қалинлиги горизонталлар кесимининг баландлигига teng. Ҳар бир қатламнинг ҳажми изочизиклар орасидаги юзалар йиғиндисининг ярмисини горизонталлар кесимининг баландлигига кўпайтмаси билан ўлчанади. Тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш учун, аввал, планиметр билан изочизичлар орасидаги юзалар хисобланади.



12.2 – расм. Тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш учун изочизиклар.
 1 – ер юзасининг горизонтали; 2 – лойиҳавий горизонтал; 3 – нул ишлар изочизиги; 4 – ишчи чуқурлик изочизиги.

Кейин қуйидаги формула орқали қазиш (тўкиш) ҳажми топилади

$$V_{B(H)} = h_{\text{гор}} \left(\frac{S_0}{2} + \sum_{i=1}^{i=n-1} S_i + \frac{S_n}{2} \right) + h_n \frac{S_u}{2}$$


бу ерда $h_{\text{гор}}$ – горизонталлар кесимининг баландлиги; h_n – энг юқоридаги (пастдаги) изочизик кесиб ўтадиган қатлам баландлиги; S_0 – нул ишлар чизиги билан чекланган юза; S_u – энг юқоридаги (пастдаги) изочизик билан чекланган юза.

Изочизиклар усули содда, кўринишили ва аниқ бўлгани сабабли учиш майдони грунт қисмининг рельефини лойиҳалашда кенг қўлланади.

Квадратлар усули нивелирлаш тури квадратларидан фойдаланишга асосланади ва тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш учун қўлланади. Шунинг учун ундан, учиш майдони элементларининг вертикал плани раками белгилар усули билан лойиҳаланганда, фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳажмларни аниқлаш учун нивелирлаш съёмкаси, квадратлар тўри ва уларнинг учларидаги ҳисобланган ишчи белгилар билан бирга керак. Режада пул ишлар чизиги туширилган бўлиши керак, у ўйма ва кўтарма жойларнинг чегарасини билдириб туради.

Хар бир квадрат чегарасида грунт ҳажми тепадан ва пастдан лойиҳавий ва мавжуд юзалар билан, ён томондан – вертикал текисликлар билан чекланади.

Квадратлар режасидаги нул ишлар чизикларининг ҳолатига қараб, ҳамма квадратлар (12.3 – расм) тўлиқ, чала ва ўтувчи квадратларга ажратилиди.




12.3 – расм. Тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш схемаси (В – ўйма чегараси; Н – кўтарма чегараси). 1,2,4,5,6,10,11,12,14,15 – чала квадратлар; 7,9 – тўлиқ квадратлар; 8 – ўтувчи тўлиқ квадрат; 3,13 – ўтувчи чала квадратлар.

Тұлық квадратларда ҳамма ишчи белгилар битта ишорага эга (ёки қазиши, ёки түкиш), چалаларда – биттаси ёки бир нечтаси нулға тенг. Үтүвчи тұлық квадратларда ҳам мусбат, ҳам манфий ишчи белгилар бор (юзанинг бир қисми қазилса, бошқа қисми құтарилади); چала тұлық квадратларда – мусыат, манфий ва нул белгилар бўлади. Квадратнинг тури хажмларни хисоблаш хусусиятига таъсир қиласиди.

Тұлық квадратда ўйма (кўтарма) ҳажми – $V_{B(H)}$ қўйидагича хисобланади:

$$V_{B/H} = a^2 \Sigma h / 4$$

бу ерда a – квадратнинг томони; Σh – битта квадратнинг ишчи белгилари йигиндиси.



12.4 – расм Чала квадратларнинг турлари

Қолган ҳамма турдаги квадратлар (чала, үтүвчи, чала үтүвчи) учун ўйма (кўтарма) ҳажми:

$$V_{B(H)} = F_{B(H)} h_{cp}$$

бу ерда $F_{B(H)}$ – квадрат чегараларида ўйма ёки кўтарма юзаси; h_{cp} – ўйма (кўтарма) нинг ўртача ишчи белгиси; ишчи белгилар – $h_2 \dots h_5$ нинг йигиндисини улар сонига нисбати билан ўлчанади. Чала квадратларда (12.4 – расм) I тур учун белгилар сони – 5, II тур учун – 4, III тур учун – 3 та.

12.2. Гумус қатламни, юзага чим қоплаш муҳити сифатида саклаш.

Учиш майдони юзасини чим бостириш – грунтнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш, учиш майдонининг эксплуатация муддатини кўпайтириш учун қилинади. Бундан ташқари, чим қоплама чанг – тўзонни камайтиради, демак аэродромдаги шароитни яхшилайди.

Аэродромнинг вертикал режасини лойиҳасини тайёрлашдаги асосий масалалардан бири – чим қоплама ҳосил бўлиши учун шароит яратишидир. Бунинг учун гумусли юқори қатлам керак. Гумусли қатлам – тупроқ юзасидаги, озуқа моддаларга бой қатлам. Тупроқ ишлари олдидан гумусли қатламни қирқиб, бир жойга тўплаб қўйилади, кейин яна жойига ёйиб ташланади. Грунтдаги гумусли қатламни қирқиб, тиклаш бўйича ишлар ҳажми ва характеристери массив майдони, ўсимлик қатламининг мавжуд (h_p) ва зарурий (h_n) қатламлари нисбати билан аниқланади.

Табиий ўсимлик қатлами қалинлиги $-h_p$ – аэродромни қидириш ишлари жараёнида аниқланади. Зарурий қатлам h_n эса аэродром жойлашган минтақанинг иқлими, тупроқ юзаси тавсифига боғлиқ бўлиб, ГОСТ 17.5.3.06-85 бўйича агротехник тадбирлар лойиҳасида белгиланади. Гумус қатламнинг энг кичик қалинлиги 0.1 м деб олиш мумкин. Аэродромнинг вертикал режасини лойиҳалашда h_p ва h_n қалинликларнинг 4 хил нисбати учратилади.

1 – холат. Мавжуд қатлам қалинлиги зарурий қалинликдан анча кам ($h_p \leq h_n$) ёки умуман йўқ ($h_p=0$). Кумли грунтларда шундай бўлади. Керакли қалинликда ўсимлик қатламини ҳосил қилиш икки йўл билан кечади. Биринчиси – кумли грунт юзасига органик моддалар сочиш (кўл балчиғи, чириган торф, нефть заводлари чиқиндилари). Иккинчиси – аэродромнинг бошқа участкаларидан ўсимликлар қатламни қирқиб келтириш. Ўсимликли грунт ҳажми:


$$V_p = F_p (h_n - h_p)$$

бу ерда F_p – грунтли учиш майдонининг бир қисми юзаси (чим бостирилиши керак бўлган қисм).

$h_p=0$ ёки $h_p < h_n$ ўсимлилик грунтининг талаб этиладиган ҳажми:

$$V_p = F_p h_n$$

2 – холат. $h_p=h_n$. Бу ҳолда зарурий ўсимлик қатлами учиш майдонидаги заҳира ҳисобига таъминланади. Ўйма ва кўттарма участкаларида ўсимлик қатлами ҳосил қилиш схемаси 12.5 – расмда келтирилган. Ўймали участкаларда биринчи қилинадиган иш – мавжуд ўсимлик қатламини қирқиб, ўраб қўйишдан иборат.



12.5 – расм. Ўсимлик қатламини қирқиши ва тиклаш амалларининг (I-III) кетма-кетлиги ($h_p=h_n$ бўлганда):

а – ўймали участкаларда; б – тўкиладиган (кўттарма) участкаларда; 1 – ернинг мавжуд сатхи (юзаси);
2 – ернинг лойихавий юзаси.

Иккинчи иш ўймада минерал грунтни чукурдан ташқарига олиш. Учинчи амал (иш)да илгари қирқиб, ўраб қўйилган ўсимлик қатлами маҳсус тайёрланган чукурга келтирилиб, юзаси текисланади. Буларнинг бари тўкиш (кўттарма қилиш)га ҳам тегишли. Фарқи шундаки, иккинчи амалда ўймали жойдан олинган минерал грунт кўттармага ташланади. Ўсимлик грунт текисланган, юза белгиси лойиха даражасига етади. Ўсимлик грунт билан ишлаш ҳажми:

$$V_p = F_p h_n$$

бу ерда F_p – ўсимликли грунт ишлари майдони; нул изочизиқ билан чекланган юзага тенг қабул қилинади.

Ўсимликли грунтни сақлаш бўйича қўшимча ишларни бирмунча қисқартириш мумкин, чунки ишчи белгилар $h=10 \div 12$ см бўлгандан режалаш ишлари бажарилади. Ўсимликли грунт ишларининг юзасини ± 10 см изочизиқлар билан чекланган юзага тенг олиш мумкин. Бу, ўсимликли грунт билан ишлаш ҳажми формуладан аниқлаш имконини беради.

$$V_p = F \pm h_n$$

3 – холат. $h_p > h_n$. Бу ҳолда ўйма жойларидан қирқиб олинадиган ўсимликли грунтнинг ортиқчаси яқин жойлардаги кўттармаларда ишлатилади. Ўймали участкалардаги ўсимликли грунтнинг зарурий ҳажмига қараб аниқланади ва $h_p - h_n$ ишчи белгиларнинг изочизиқлар билан чекланган майдонда амалга ошириладиган (12.6 – расм) $h_p > h_n$ да ўсимлик қатламини қирқиши ва тиклаш амаллари (I-V) кетма-кетлиги қўшимча ишлар ҳажми:

$$V_p = F_{hp-hn} h_n$$

бу ерда F_{hp-hn} – ишчи белгилар $h_p - h_n$ нинг изочизиқлари билан чекланган юза.

Кўттармалар массивида ўсимлики грунт бўладиган қўшимча ишлар тегишлича қисқаради ва уларнинг ҳажми кўйидаги аниқланади:

$$V_p = F + 10 h_n$$

4 – ҳолат. $h_p \geq h_n$. Агар ўсимликли қатlam жуда қалин бўлса, кўп чукур қазилмаганда ҳам бундай бўлиши мумкин:

$$h_{\max B} \leq h_p - h_n$$

бу ерда $h_{\max B}$ – қазиладиган энг катта чукурлик.

Натижада чукурлардан олинган ўсимликли грунтни саклашга эҳтиёж қолмайди. Бу хусусиятлар кўтармага ҳам тегишли.

Сунъий қоплама юзасидаги ўсимликли грунтнинг ҳаммаси (қатламнинг бир қалинлиги) ёки қисман олинади. Қисман деганда юкоридаги 15 – 20 см.ли, гумусга ва илдиз қолдиқларига бой қатлам олинади. Қоплама учун йўқотиладиган ўсимликли грунт ҳажми:

$$V_p = F h_p$$

бу ерда F – сунъий қопламалар юзаси; h_p – йўқотилаётган ўсимликли грунтнинг ўртача қалинлиги.

12.3. Тупроқ суриш лойиҳаси. Вертикал режалаш лойиҳасини расмийлаштириш.

Аэрором рельефини натурада лойиҳалаш, грунтни қазиш ва лойиҳаланган ўймали жойларидан кўтарма жойларига суриш, шунингдек, текислаш, зичлаш, гумус қатламни саклаш ва бошқа турли ишларни ўзида акс эттиради. Тупроқни суриш – аэрором қурилишидаги энг қийин ишлардан бири, унинг ҳажми юз минглаб куб метрга этиши мумкин. Шунинг учун тупроқни ташиш ишларини яхши ташкил этиш мақсадида, энг қисқа масофага ташиш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Транспорт воситаларининг ўналишини танлаганда ташиш ўналишлари бир-бири билан кесишибаслигига, қарама-қарши ўналишда ташишларга йўл қўймасликка, лойиҳаланаётган сунъий қопламадан юрмасликка ҳаракат қилинади. Ташиш ўналишлари шундай танланниши керакки, юк ортилган транспорт воситаси фақат қиялик бўйлаб пастга юрсин.

Тупроқ суриш лойиҳаси – тупроқ ишлари режаси асосида ишлаб чиқилади. Бу режада қазиладиган ва кўтарма қилинадиган жойлар кўрсатилган бўлади. Тупроқ суришни тўғри ташкил қилиш учун кўтарма (ўйма) контурларини алоҳида участкаларга бўлиб ташлаш мумкин. Бу участкалар тупроқ ҳажми T масаласида қўшни кўтарма (ўйма) участкалар билан шундай мослашган бўлиши керакки. Ташиш масофаси ортиқча бўлмасин. Алоҳида участкалар юзаси тупроқ суриш режасида штрих чизиклар билан кўрсатилади. Тупроқ суришнинг энг тежамли вариантини танлашда мезон сифатида умумий ҳажм олинади:

$$T = \sum V_i l_i$$


бу ерда V_i – тупроқнинг i массиви ҳажми; l_i – шу массивни суриш (ташиш) масофаси.

Ўйма ва кўтарма бўйича алоҳида контурлар ичидаги тупроқ ишларининг ҳажмини квадратлар усули билан ҳисоблаш мумкин; изочизиклар усулини ҳам қўллаш мумкин.

Бир-бирига мослаштирилган ўйма ва кўтарма жойлари орасидаги масофалар, шу жойларнинг оғирлик марказидан ўлчанади. Қазиладиган (тўқиладиган) тупроқ ҳажмлари оғирлик марказининг режадаги ўрнини аниқлашда аналитик учул қўлланади. Бунинг учун координата ўқларини нивелирлаш тўри билан устма-уст туширилади. Кейин ох ва оу ўқларига нисбатан ўйма (кўтарма) ҳажмларининг статив моментлари M_x, M_y аниқланади:

$$M_x = V_{\text{общ}} y_{\text{ц.т}}; \quad M_y = V_{\text{общ}} x_{\text{ц.т}}$$

бу ерда $V_{\text{общ}}$ – ўйма (тўкиш) массиви ҳажми; $y_{\text{ц.т}}, x_{\text{ц.т}}$ – танланган координата ўқларига нисбатан, тупроқ ҳажми оғирлик марказининг координаталари.



12.7 – расм. Тупроқ ҳажмлари оғирлик марказини координаталарини аниқлаш схемаси

Бу статик моментларни нивелирловчи чизиқлар орасидаги ҳажмларнинг статик моментлари йиғиндиси орқали ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_x = \sum_{i=1}^m v_{xi} y_i ; \quad M_y = \sum_{i=1}^n v_{yi} x_i$$

бу ерда V_{xi} , V_{yi} – квадратларнинг i – вертикаль ва i – горизонтал тасмаларидаги тупроқ ишлари ҳажми; x_i , y_i – ўқлардан квадратларнинг i – вертикаль ва i – горизонтал тасмасигача бўлган масофа

M_x ва M_y нинг ифодаларини бир-бирига тенгглаштириб топамиз:

$$X_{pt} = \frac{\sum v_{yi} x_i}{V_{i\bar{a}\bar{u}}} \quad Y_{pt} = \frac{\sum v_{xi} y_i}{V_{i\bar{a}\bar{u}}},$$


Қуйидаги формаладан ўртача ташиш масофаси аниқланади

$$L = \left[(\tilde{o}_{\ddot{o}, \dot{o}}(i) - \tilde{o}_{\ddot{o}, \dot{o}}(\hat{A}))^2 - (\dot{o}_{\ddot{o}, \dot{o}}(i) - \dot{o}_{\ddot{o}, \dot{o}}(\hat{A}))^2 \right]^{1/2}$$

бу ерда $\chi X_{pt(h)}$, $\chi_{pt(b)}$, $Y_{pt(h)}$, $Y_{pt(b)}$ – кўтарма ва қазилманинг оҳирлик марказлари координаталари.

Тупроқ массаларини суриш лойиҳаси режа кўринишда расмийлаштирилиб, унда кўтарма ва ўйма контурлари, уларни участкаларга бўлиниш чизиқлари кўрсатилади. Ташиш (суриш) йўналиши стрелкалар билан кўрсатилади, стрелка бўйлаб масофа (махражда) ва тупроқ ҳажми (суръатда) ёзилади. (12.8 – расм).


Аэрором рельефини лойиҳалаганда сунъий қопламалар ва грунтли УТ нинг вертикаль режаси комплекс бажарилади ва умумий чизмада кўрсатилади. Бу режа ТИД босқичида қуйидаги чизмаларни ичига олади: вертикаль режа (миқёси 1:5000, горизонталлар кесими 0.50 м); СУКМ ўқи бўйлаб бўйлама профил (горизонтал миқёс 1:5000, вертикаль миқёс 1:100 ёки 1:200); тупроқ суриш схемаси (миқёс 1:5000).



12.8 – расм. Тупроқни суреш схемаси.

Ишчи чизмалар боскичида лойиха күйидагилардан иборат бўлади: вертикал режа (M:горизонтал – 12000); белгиларда қоплама ётқизиш (M 1:1000, 1:2000).


Аэродром рельефи лойиҳасининг асосий ҳужжати – вертикал режа бўлиб, у участкани муҳандис – топографик съёмкани ва лойиҳалаш натижалари асосида тузилади. Режада қуидагилар кўрсатилади: сунъий қопламалар контури, мавжуд юзанинг горизонталлари ва лойиҳа горизонталлар, нул ишлар чизиқлари (12.9 – расм)



12.9 – расм. ТИД босқичида вертикал режалаш


1 – мавжуд горизонтал; 2 – лойихавий горизонтал; 3 – нул чизик; 4 – қолпама контури.

Вертикал режалашнинг ишчи чизмаларида нивелирлаш тўри; аэродромнинг грунтли қисмидаги квадратларнинг хар бир учидаги ернинг натура белгиси, лойиҳавий ва ишчи белгилар; сунъий қопламаларда СУҚМ ўқи бўйича натура ва лойиха белгилар, қоплама четидаги натура, лойиха ва ишчи белгилар, СУҚМ ўқи бўйича никетаж (12.10. – расм).



12.10 – расм. Ишчи чизмалар босқичида вертикал режалаш.

Бўйлама профилда СУКМ ўқи бўйлаб қуидагилар кўрсатилади: ернинг натура белгилари, сунъий қопламалар сирти ва чукурлик туби, чукурлик туби бўйича ишчи белгилар, лойихавий нишабликлар ва масофалар, пикетаж гидрогеологик қирким (12.11 – расм).



13 – БОБ. УЧИШ МАЙДОНИ ГРУНТИНИГ СУВ РЕЖИМИ ВА СУВ ҚОЧИРИШ

ВА ДРЕНАЖ ТАДБИРЛАРИ

13.1 Грунтларнинг сув режими хақида асосий маълумотлар

Аэрором лойиҳасини ишлаб чиқишида ёмғир, қор, ер ости сувларнинг кўтарилиши яқин сув ҳавзаларда сув сатхининг кўтарилиши ва сув оқишнинг бошқа манбалари ёки учиш майдонининг ўта намиқиши сабабли ҲК ларини эксплуатация қилиш шароитлар ёмонлашувини кўзда тутадиган тадбирлар кўрилиши керак. Бундай ҳодисаларга етарли эътибор бермаслик ҲК учиш ва қўниш хавфсизлигини оширади, аэрором қуриш ва эксплуатация қилишни қимматлаштиради, учиш майдонининг хизмат муддатини қимматлаштиради, учиш майдонининг хизмат муддатини пасайтиради. СУҚМ да ҲК си юрганида қоплама юзасида – 3мм дан ортиқ сув қатлами бўлмаслиги керак. Бу ҲК сининг филдираги сув қопланган юзада тебранганда бўладиган ҳодисалардан келиб чиқкан, чунончи: шинанинг хўл юза билан илашуви қуруқ юза билан илашгандагига қараганда доим кам; филдираклар катта тезлик билан сув қатламида юрганда рўпарадан динамик кучлар қаршилик қиласи ва филдираклар тебраниш ўрнига сирпанади, натижада илашиш деярли йўқолиб, ҲК турғулигини йўқотади, уни бошқариб бўлмайди.

Булардан ташқари, сув қатлам узра юрганда филдирак атрофида сув ва чанг аралашмасининг томчилар тумани ҳосил бўлади. Бу ғуборлар ҲК двигателининг ҳаво сўрғичига, учувчилар кабинаси фонарига, шасси йиғишириб қўйиладиган жойларга ўтириб қолиши ҳавфли. Шунинг учун СУҚМ ларидан атмосфера сувлари тез оқиб ва учиш майдони чегараларидан чиқиб кетишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари сунъий қоплама замини ортиқча намланиб қетиши ҲК сидан тушаётган юкламага жавоб реакциясини пасайтиради, натижада учиш, қўниш қийинлашади.

Табиий шароитларда грунт таркибида бир мунча сув турли: суюқ, қаттиқ(муз) ёки буғ ҳолатида бўлади. Уларнинг хусусиятига қараб, 3 хил сув бўлади:

- 1) кимёвий бириккан;
- 2) жисмонан бириккан;
- 3) эркин

Кимёвий бириккан сув, бу грунт моддасига – гидратлар ва кристалларга кирган сув. Ўсимликлар бундай сувдан ичолмайдилар, уни фақат иситиб ажратиб олиш мумкин. Бу сув грунтнинг намлигини билдирамайди, шунинг сув қочириш бўйича муҳандислик тадбирларига таъсир этмайди. Жисмонан бириккан сув (гигроскопик), бу грунт зарралари ҳаводан шимиб олган сув. Гигроскопик сув кўзғалмас, ўсимликлар ундан ичолмайди, грунтнинг қаттиқ ва қаттиқ ҳолатини кўрсатади.

Эркин сув парда кўринишида, капилляр ва гравитацион бўлади. Сув буғлари грунтларнинг барча бўш кавакларида бор, ўсимликлар уни томчига айлангандагина ўзлаштиради. Бу сув грунтлардаги сув захирасини тўлдиради ва чим ўтларга сингади, грунтнинг юқори қисмларида муз кристаллари ҳосил қиласи, муз, линза грунтнинг кўпчишига сабаб бўлади.

Парда кўринишли сув грунт билан молекулалар даражасида боғланади ва кўп намланган грунтдан камроқ намланган жойга кўчиб ўтади, грунтнинг юқори қатламида кўп нам тўпланишига олиб келади; музлаб қолса грунт кўпчиб чиқишига сабаб бўлади.

Капилляр сув, бу грунтда капилляр кучлар билан тутиб турилади; грунтда кўтарилиш баландлиги капилляр диаметрига тескари пропорционал; сувнинг капилляр ҳаракат тезлиги капилляр диаметрига тўғри порпорционал. Сувнинг капилляр бўйича кўтарилиш баландлиги тахминан қуйидагича: оғир қумлок тупроқда 3 -4 м, енгил қумлок тупроқда – 1.5 – 2.0 м; қумли тупроқда – 0.5 - 1.0 м. Капилляр сувлар қопламалар асосидаги грунтларнинг ва еости сувлари яқин бўлган участкаларнинг сув режимларини ўрганиш учун жуда ахамиятли.

Гравитацияли сув, бу грунт ичida ўз оғирлиги туфайли ҳаракат қиласига сув. У грунтдаги дарзлар ва бўшлиқларни тўлдиради. Бу сувлар билан тўла намланган грунтларнинг юқ кўтариш қобилияти жуда кам. Улар аэроромда дренаж ва сув қочириш тадбирларида ҳисобга олинади.

Сувнинг грунтда намоён бўлиши ҳолатларидан яна бири қаттиқ фазаси – муз ҳисобланади.

Грунт намлигининг йил бўйи ўзгариб туриши учунг сув режимини тавсифлайди. Сув режими эса грунтнинг юқ кўтариш ва деформацияланиш хусусиятларини белгилайди. Грунтнинг намлиги грунтли учиш майдонида филдираклар изи чукурлигини, демак ҲК нинг юриш сифатини белгилайди. Шунингдек, қопламанинг грунт асосининг деформациялашини, аэрором сунъий қопламасининг мустаҳкамлигини белгилайди.

13.1 – расмда грунт юзалари юқ кўтариш қобилиятининг намлика боғлиқ ҳолда ўзгариш характеристи кўрсатилган.



13.1 – расм. Грунт юк күтариш қобилиятынинг намликка боғлиқлиги.

1 – тупрокли чим; 2 – қумли чим.

Бу хусусият турли грунтларда турлича. Тупрок грунтларда коллоид қобиқлар күм ва чанг зарралари ўртасида яхши илашиш ҳосил қиласи, шу сабабдан бундай грунтнинг намлиги ҳам бўлса, мустахкамлиги юкори бўлади. Тупрокли грунт сувга тўйингандан намликнинг кўп кисми сўрилиш кучлари таъсирида майда зарралар юзасида ушланиб туради, натижада грунтнинг ҳажми ортади; парда қалинлиги ортган сари йирик зарралар бир-бирига кўпроқ илашади. Кўшимча намланганда тупроқли грунтлар окувчи холатга келади ва юк кўтарувчанлиги жуда пасаяди.

Қумли грунтда йирик тетраэдр шакли ўткир қирралар кўп, коллоид зарралар эса йўқ. Шунинг учун намлик кам бўлганда күм ва чангсимон зарралар орасида илашиш бўлмайди, грунт сочиувчан холатда бўлади. Юкламага қаршилик фақат зарралар орасидаги ишқаланиш ҳисобига бўлади. Намлик ортгандан сув пардаси ва капилляр сувлар ҳисобига күм зарралари ўртасида илашиш кучли бўлади ва юкламага қаршилиги ортади. Янада намланганда күм зарралари орасидаги бўшлиқ сувга тўлади, капилляр намликнинг бирлаштирувчи кучи тўхтайди, ички ишқаланиш камаяди ва қумнинг мустахкамлиги яна пасаяди. Бироқ, ҳамма ички бўшликлар сув билан тўлганда ҳам, қум ичидан сақланиб қолган ишқаланиш туфайли унинг юк кўтариш қобилияти сақланиб қолади.

Учиш майдони грунтли элементларининг рухсат этилган намлигини грунтнинг юк кўтариш қобилияти ва рухсат этилган деформациясига, чим ўтлар нормал ўсишини таъминлашига қараб белгиланади. Шу шартлар билан энг юкори рухсат этилган намлик тўлиқ намликнинг 60-80 % ини ташкил этади. Чим ўтлар нормал ўсиши нуктаи назаридан энг кўп намлик 60-80%, энг ками – 15 – 30 % рухсат этилади. Грунт намлиги ортиқча бўлса ҳам, жуда кам бўлса ҳам ўсимликлар учун ёмон.

Грунтли УКТ ва қоплама асосида сув режими ўзгариб туради, уни қуйидаги сув баланси орқали ифодалаш мумкин

$$W = \underbrace{(A + \tilde{A} + \hat{A})}_{\text{нормал}} - \underbrace{(\tilde{A} + \ddot{A} + \ddot{\hat{A}})}_{\text{воздуш}}$$

Бу ерда W – грунтдаги сув микдори; A – ёғинлардан тушган сув микдори; B – атроф ерлардан оқиб келган сув; C – еости сувларнинг сатҳига қараб капиллярлар орқали, парда ва буғ холатда кўчиб юрадиган сув микдори; D – грунтнинг чукур қатламларига шимиладиган сув; E – грунт юзасидан сувнинг буғланиб чиқиши.

Сув балансидаги элементлар орасидаги нисбатларга аэрородром куриладиган худуднинг табиий шароитлари. Муҳандислик тадбирлари таъсир этади.

13.2 Иқлимий районлаштириш

Аэрородромнинг бутун худудини ягона қоидалар билан лойихалашнинг иложи йўқ. Аэрородромларни геофизик зоналар бўйича лойихалашни бирхиллаштириш мақсадида худудни иқлимий районлаштириш таклиф этилган. Бунинг асосида жойнинг сув – иссиқлик режими ётади.

Сув режими ҳақидаги умумий тасаввур “сув баланси коэффициенти” (акад. А.Н. Костяков таклифи)дан олинади

$$\eta = H \lambda / E$$

бу ерда Н – йиллик ёғинлар миқдори; λ- грунтта шимиладиган ёғинлар коэффициенти; Е – сувнинг йил бўйи буғланиши.

Сув баланси коэффициенти бирга тенг, ундан кичкина, ё катта бўлиши мумкин. Бирдан катта бўлганда грунт ортиқча намланиб кетади. Бирга тенг ёки ундан кичик бўлса, демак грунтнинг намланиши етарли эмас ва бекарор.

МДХ мамлакатларининг худудини шартли равища 5 та йўл – иқлим зоналарига ажратиш мумкин. I – зона – грунти абадий музлаган районлар. Бу зонада грунтнинг юқори қатлами ўта нам. Чунки, пастки қатлам музлагани сабабли, сув шимилмайди. Қисқа муддат иссиқ об-ҳаво бўлганда грунт юзасидаги намлик тўла буғланиб улгурмайди. Бу зонада сув баланси коэффициенти 1.5 дан кўп. Зона қуйидаги пунктларни бирлаштирувчи чизикдан шимол тарафда жойлашган. Мончегорск-Несь-Усинск-Ивдел-Игрим-Подкаменная Гунгусь нинг қуилиш жойи – Канс – Туран – Горно – Алтайск – давлат чегараси – Благовещенк- Биробиджан-Николаевск на Амуре, тундра, ўрмон тундраси, ўрмон зonasининг шимолий-шарқ қисмини ўз ичига олиб, мангу музлаган грунтларга тарқалади.

II – зона – кўп ёғингарчилик бўладиган, ер юзасидан сув кам буғланадиган, еrosti сувлари яқин, яъни ортиқча намланадиган районлар. Грунтта тушадиган сув миқдори буғланадиганига қараганда 1,5 – 2,0 хисса кўп. Зона тайга ва аралаш ўрмонлардан, кулранг тупроқдан иборат. Сув баланси коэффициенти 1,5 ...2,0 .

Зона I зонанинг чегараларидан бошлаб, қуйидаги пунктларни туташтирувчи чизиккача боради: Лъвов-Житомир –Туку-Нижний Новгород – Ижевск-Томск-Канс, Узок Шарқда I зона чегарасидан давлат чегарасигача;

III – зона – намланиши ўзгариб турадиган районлар; баҳор ва кузда ортиқча намланади; грунтта тушадиган сувнинг йиллик ўртacha миқдори буғланадиган миқдори деярли тенг. Сув баланси коэффициенти 1,5 дан кичик. Зона II зона чегараларida қуйидаги пунктларни бирлаштирувчи чизиккача ёйилган: Кишинёв-Кировоград-Белгород-Самара-Магнитогорск-Омск-Бийск-Турон; ўрмон чўл географик зонани ўз ичига олади, айрим йилларда грунт ўта намланиб кетади.

IV – зона – кам намланадиган районлар. Шимолий қисми ўрмон-чўл зonasига, жанубий қисми чўлларга туташади. Грунтнинг юқори қатламлари кам намланган; юзалардан буғланадиган сув миқдори атмосфера ёғинларидан 2 марта кўп. Еrosti сувлари чуқур. Сув баланси коэффициенти 0,5..0,6. III зона чегараларидан бошланиб қуйидаги пунктларни бирлаштирувчи чизиккача ёйилган Жульфа-Степанакуй-Буйнакск-Кизляр-Волгоград; кейин 200 км жанубга тушиб, Уральск-Актюбинск-Караганда ни туташтириш, Балхаш кўлининг шимолий қирғоғига туташади. Грунти етарли намланмайдиган чўл географик зонани ўз ичига олади.

V – зона – грунти жуда оз намланадиган, юзасидан сув жадал буғланиб кетадиган қурғоқ районлар; ярим чўл ва чўл зonasи; тупроғи қўнғир ва каштан ва шурхок; сув баланси коэффициенти 0,5-0,6 дан кам чўл ва чўл-дашт географик зоналарни қамраб олади.

Аэрородром қопламаларининг жойлашишига оид маҳаллий гидрогеологик шароитлар таснифланган (13.1 жадвал) ва унга асосан, ҳар бир йўл-иқлим зonasida табиий грунтнинг эҳтимолий ишлаши хисоблаб чиқилган.

Баъзи районларда аэрородромларнинг табиий грунти ўзига хос шароитда бўлади.

Мамлакат худудини йўл-иқлим зоналарига ажратиш у ёки бу географик районнинг умумлашган таснифини беради, холос. Бир зона ичидаги маҳаллий шароитлар ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин ва бу аэрородромни эксплуатация қилишда аҳамиятли бўлади. Маҳаллий шароитларга абадий музликлар, кўпчийдиган, чўқадиган ва шўрхок грунтлар киради. Бундай жойларда аэрородром лойиҳалашда кўшимча тадбирлар кўриш лозим.

13.1 – жадвал

Гидрогеологик шароитлар тури	Жой таснифи	Музлаш вақтда сувларининг чуқурлиги	Грунт чуқурликкача музлай бошлагандаги ундағи намлик тоифаси
I	Куруқ жойлар, намлиги ортиқча эмас, юзадан сув оқиб кетиши яхши, ер ости сувлар чуқур; сув капиллялар бўйлаб грунтнинг фаол зonasига чиқмайди	Музлаш чуқурлиги ва капилляр кўтарилиш баландлиги катта	Намгарчилик сигими гигроскопик молекулалар даражасигача

II	Грунт сувни ёмон шимиши ва юзадаги сувни қочириши яхши эмаслиги (ер ост сувлари пастда) туфайли юзадаги сувлардан ўта намланиши (вақтингча)	Музлаш чукурлиги катта	Энг катта молекулярдан энг катта капилляр нам сигимигача
III	Доимий ортиқча намланиш. Сабаблари: еости сувлари якин, йиллик ёғинлар күп, грунт сувни ёмон шимади, юзадаги сувларни қочириш ёмон, сув капиллярлар бўйлаб грунтнинг юза зонасига кўтарилади	Музлаш чукурлиги кичик.	Энг катта молекуляр нам сигимидан гравитацион намлик билан тўйингунча

13.3 Аэродром грунтларининг турли даражада ўта намланиши ва сувни қочириш бўйича муҳандислик чоралари

Аэродром худудидаги грунтларни қуритиш бўйича зарурий муҳандислик тадбирларини бир тизимга келтириш учун грунт ортиқча намланиши сабабларини ва сув манбаларини ҳисобга олиш керак.

Грунтни ўта намланган шароитлардан келиб чиқиб учиш майдонининг ўта намланган юзаларини 4 асосий турга ажратилади:

1) оқиб келган сувлар билан намланган; учиш майдони ташқарисидан оқиб келган сув билан ёки тошган сув билан ўта намланиш;

2) атмосфера сувлари билан намланган; атмосфера ёғинлари ва эришдан ҳосил бўллаган сув таъсирида ботқоқланади. Бундай ўта намланиш нишаблиги кам, мураккаб микрорельефли, қопловчи жинслар (тупроқ, оғир ва ўртacha қумоқ тупроқ, оғир ва ўрта чангсимон қумлоқ тупроқ) сувни яхши ўтказмайдиган ерларга хос;

3) грунтдан намланган; грунтдаги намлникнинг капиллярлар бўйлаб кўтарилиши, атмосфера ёғинларидан ҳосил бўлган юзадаги сувлар таъсирида ўта намланиш. Бундай ўта намланиш сув ўтказувчан қатламли (кум, тупроқ сёки оғир қумоқ) ташланган участкаларга хос;

4) грунт остидан босим билан чиқкан сувдан намланган; грунт ости сувлари босим билан бир жойдан ёки капиллярлар бўйлаб учиш майдони юзига чиқиб қолиши мумкин. Бундай ўта намланиш дарё водийсининг терраса олди қисмларида ёки устига тупроқ, қумоқ тупроқ ташланган ғовак жинсларда учрайди.

Юқорида кўрилган ўта намланиш турлари алоҳида-алоҳида ёки бир нечтаси бирваракайига бўлиши мумкин. Намланиш турига мувофиқ ҳолда аэродром учун сув қочиришнинг тегишли чегаралари ишлаб чиқилади. Ер юзасидаги сувларни қочиришга қаратилган муҳандислик чоралари – “сув қочириш” дейилса, грунтдаги ва асоснинг ғовак қисмларидан сув қочиришни – дренаж дейилади.

Сув қочириш ва дренаж аэрордом худудини СУҚМ, РЙ, ТЖ ларнинг сунъий қопламаларини ҳар томондан оқиб келиши мумкин бўлган сувлардан ҳимоя қиласи; учиш майдонининг ёпиқ пастлик жойларидаги ерусти сувлари, қопламалар ва грунтли ховузлар сувини йифади; йифилган сувларни аэрордом ташқарисига чиқариб ташлайди: ер усти сувлари сатхини пасайтиради; сунъий қопламаларнинг дренажли асосларидан ортиқча сувни кетказади.

Аэрордомнинг сув қочириш ва дренаж лойиҳаси куйидаги дастлабки маълумотлар асосида ишлаб чиқилади: аэрордом ҳақида умумий маълумотлар, қидириш маълумотлари, аэрордом участкаси ва ён-атроф ҳудудларни ўрганиш маълумотлари.

Аэрордом ҳақида умумий маълумотларга куйидагилар киради: аэрордом эгаллайдиган участка ҳақида маълумот; 1:2000 миқёсда аэрордом режаси, унда учиш майдони ҳолати, лойиҳаланадиган қопламалар ва иншоотларнинг жойлашуви, шурфлар, бургулаш қудуклари жойлари, юзанинг 0,25 м.ли горизонтал кесимлари, 0,5 м.ли горизонтал кесимлари; ён-атрофда сув йифиладиган жойларни кўрсатадиган картографик материал, миқёси 1:5000, рельеф кесими камида ҳар 1м.да; узоқ муддат ёғингарчиликлари ҳақида маълумот, ёғинларнинг жадаллиги ва давомийлигини кўрсатган ҳолда; ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари ва грунтнинг музлаш чукурликлари ҳақида маълумот.


Қидириш маълумотларида тупроқ грунт ва еости сувларининг кимёвий таҳлили, учиш майдонининг ҳамма участкаси бўйлаб гидрогеологик қидирив натижалари келтирилади.

Участканни ўрганиш маълумотларида тупроқ қопламаси, ўсимликлар, сув қабул қилгичларнинг бўйлама профили (сув куйилиш жойидан 100 м тепани ва пастни камраб олиши керак; миқёслари: горизонталда 1:2000, вертикальда 1:50, сув қабул қилгичнинг кўндаланг профили, сув сатхининг ўзгаришлари, яъни баҳорги тошқинда энг баланд, ёзги тошқинда, энг баланд даража. Гидрометрик постларнинг маълумотлари ёки ахолидан суриштириш асосида сув қабул қилгичда сув даражаси белгиланади. Қуритиш системаларини лойиҳалаш бўйича баённома, қидиривни ташкил этилиши ва сув оқиши тармоғини лойиҳалашга оид аниқлаштирувчи маълумотлар илова қилинади.

14 – БОБ. АЭРОДРОМЛАРДА СУВ ҚОЧИРИШ ВА ДРЕНАЖ ТИЗИМЛАРИ

14.1. Еости ва еости сувларини жиловлаш бўйича муҳандислик тадбирлари.

Баъзан учиш майдонига еости ва еости сувлари ёпирилиб келиши мумкин. Еости сувлари келса ҳам, еости сувлари чиқса ҳам жойни сув босади. Аэродромга яқин сув ҳавзаларида сув сатҳи кўтарилиса ва агар учиш майдони сатҳи пастроқ бўлса, корлар эриганда, кучли ёмғир ёқсанда сув босиши мумкин. Учиш майдонига суви оқиб келадиган юзаларни сув йигувчи майдонлар дейилади. Улардан химояланиш учун баланд зовурлар қурилади. Зовурлар четдан оқиб келадиган сувларни ўзига олиб, аэродромдан бошқа ёққа оқизиб юборади. Бундай зовурлар рельефнинг учиш майдонига нисбатан юқори томонига, хавфсизликнинг чекка ва ён полосаларидан сунъий қопламалар четидан, камида 30 м наридан ўтказилади (14.1 а – расм).



14.1 – расм. Еости ва еости сувларни тутиб оловчи иншоотлар схемаси:
а – баланд зовур; б – тўғон; в – тутиб оловчи зовур ёки дренаж; 1 – тўғон; 2 – дарё.

Зовур туби шундай нишаб қилинади, сув керакли тезлик билан оқиб кетсин ва тагида лой қолмасин. Нишаблик 0,002га тенг олинади, гоҳи энг кам қиймат – 0,0005...0,0010 олинади. Энг катта нишаблик грунт турни ва зовурнинг туби ва ёнбағирларининг мустаҳкамлигига қараб танланади. Зовур туби сув олгич жойларда тошқин сув сатҳидан 0,3...0,5 м баланд бўлиши керак (тошқин 5 йилда 1 марта бўлса).

Аэродромга яқин сув манбаида сув сатҳи кўтарилиганда ҳам учиш майдонини сув босиши мумкин. Бундай ҳолда тўғон қурилади. Уни учиш майдонидан ташқарига, сув босмайдиган томонга қурилади. (14.1 б – расм).


Яқин атрофдаги сув ҳавзаларнинг сатҳи кўтарилиганда еости сувлар сатҳи ҳам кўтарилиб, учиш майдонини сув босиши мумкин. Еости сувлари учиш майдонига тепалиқдан келиши мумкин. Сув қатламлар бўйлаб оқиб келиб, учиш майдонига отганда ер устига чиқиб қолади. Шундай қилиб, грунт ўта намланишига сабаб бўлади. Бундай сувларни тутиб оладиган очик зовурлар ва ёпик сув қочириш тармоғи – тутиб оловчи дренажлар қурилади. (14.1 в – расм).

Агар аэропорт яқин – атрофдаги сув ҳавзаларининг кирғоклари сувни яхши шимиса, сув сатҳи кўтарилиганда ҳавза атрофида еости сувлари оқими ҳосил бўлиши ва у учиш майдони томонга йўл олиши мумкин. Бу сувларни тутиб олиш учун сув ҳавзаси атрофида кирғоқ дреналар қурилади.

Учиш майдонини босадиган сувларни тутиб олиш учун автомобил ва темир кўтармаларидан, йўл чети иншоотлар – баланд зовурлар, тутиб оловчи зовурлар, дреналар, қирғоқ дреналари ҳисобланади.

Баланд зовурларнинг кесим юзаси трапеция шаклда бўлади (14.2 – расм); ўлчамлари энг кўп ёмғир суви ва эришдан ҳосил бўлган сув ҳажми асосида гидравлик ҳисоблар билан топилади. Зовур тибининг эни $v=0,4\ldots1,5$ м бўлади. Зовурдан қазиб олинган тупроқ аэродром томонга ташланади.

Зовур чуқурлиги – Н сувнинг хисобий чуқурлиги – h дан келиб чиқади: унга 0,25 м заҳира қўшилади. Чуқурлик бир неча метрга етиши мумкин.




14.2 – расм. баланд зовурнинг кўндаланг кесими

1 – кавальер; 2 – берма; 3 – зовур чети; РУВ – сувнинг хисобий сатхи. а/н нисбати ёнбағирларнинг жойлашиш коэффициенти (m) деб аталади (14.2 – расм).

Зовурдаги сувнинг тезлиги деворларни ювиб кетадиган даражада катта ҳам, тагида чўкинди ҳосил бўладиган даражада кичик ҳам бўлмаслиги керак.

Агар сув тезлиги маҳаллий грунтга рухсат этилганидан катта бўлса, зовур туви ва ёнбағирларини чим, ўтлар билан қоплаш, тош ёки бетон плиталар билан мустаҳкамлаш керак. Мустаҳкамлаш варианatlари 14.3 – расмда берилган.

Зовур ёнбағирларининг жойлашиш коэффициенти грунт турига қараб қабул қилинади (14.1 – жадвал).



14.3 – расм. Зовур ва тўғон ёнбағирларини мустаҳкамлаш


А – ёнбағирда ўт ўчириш, погонама-погона ва гумус қатлам билан; б, в – чим босиш ($\text{ёнбағир } m=1,5$); г, д – чим босиш ($\text{ёнбағир } m>1,5$); е, ж – бир қатор тош териш; 3 – икки қатор тош бериш; 1 – гумус қатлам; 2 – ёғоч № 3 – моҳ; 4 – чақиқ тош.

14.1 – жадвал

Грунт тури	Зовур ёнбағирларининг жойлашиш коэффициенти	Ювиб кетмайдиган тезлик м/с
Кум балчиқли сувга тўйинган	2,5-3,0	0,4
Майда қум ўрта ва йирик ғовак	2,0-2,5	0,5-0,8
Ўша, зич	1,5-2,0	0,8
Қумлоқ тупроқ, енгил қумоқ тупроқ	1,5	0,5
Ўртача оғир қумоқ тупроқ, соғ тупроқ, ўртача зичликдаги тупроқ	1,25-1,50	0,6-1,0
Жуда зич тупроқ	0,75-1,00	1,2
Майда тош ва майдадошли грунт	1,25-1,50	1,4

Изоҳ: Берилган тезликлар 0,4...1,0 м чукурликка эга бўлган сувоқимига тегишли. Чукурлик 0,4 м дан кам бўлса келтирилган рақамлар 0,85 коэффициент билан, 1,0 м дан ортиқ бўлса – 1.25 коэффициент билан тузатилади.

Баланд зовур коллектор билан туташган жойда маҳсус иншоот – кириш оғзи курилади. Унинг конструкцияси 14.4 – расмда берилган. Кириш оғзи таянч деворлар бўлиб, коллекторлар сув қочириш зовурига чиқадиган жойни мустаҳкамлаб туради. Кувур тарнови билан зовур туби ораси камида 30 см бўлиши керак. Шунинг учун таянч деворнинг баландлиги коллектор қувури қўйилган чукурлиқдан ҳам ортиқ. Кириш оғзи бетондан ясалади. Зовурга чиқиб келган коллектор 3-5 м узунликда бўлади ва тош ёки бетон плиталар билан қоплаб маҳкамланади.




14.4 – расм. Кириш оғзининг конструкцияси.
1 – грунт; 2 – мох устига икки қатор тош териш; 3 – зовурга бир қатор тош териш.

Аэрором яқинидаги сув ҳавзасида сув сатҳи кўтарилиб кетадиган бўлса, учиш майдонини ҳимоя қилиш учун тўғон курилади (14.5 – расм). Сув 10 – 15 йилда 1 марта тушади деб қабул қилинади. Тўғоннинг баландлиги ҳисобий сув сатҳидан 0,5м ортиқ. Тўғон маҳаллий грунтдан кўтарилади. Тўғон ёнбағирларининг жойлашиш коэффициенти қўйидагича олинади: қуруқ ёнбағир учун 1,0...2,0; сув ҳавзаси томондаги ёнбағир учун 2,0...,3.0


Тўғон сифатида автомобил йўлларидағи кўтармалардан фойдаланиш мумкин. Тўғоннинг ёнбағирлари ювилиб кетадиган бўлса, уларни баланд зовур ёнбағиридан мустаҳкамлаш мумкин. Ҳавзадаги сув тўғон грунтига шимиб ўтиб кетмаслиги учун, ўша томондан тупроқли тўсиқ қўйилади.

Тутиб оловчи зовурлар ҳам баланд зовурлар каби қурилади. Тутиб оловчи зовурнинг чукурлиги ва кўндаланг кесим ўлчамлари грунт тури, сувли қатламларнинг қуввати, еrosti сувлари сатҳини пасайтириш даражасига қараб хисоблаб топилади. Зарурат бўлса, ёнбағирлари мустаҳкамланади.

Тутиб оловчи дреналар шундай зовурларга ўхшайди; фарқи шуки дреналар ёпиқ бўлади. Уларнинг ишлаш схемаси 14.6 а – расмда берилган.



14.5 – расм. Тўғоннинг кўндаланг кесими.
1 – грунт; 2 – тош ётқизиб ёнбағирни мустаҳкамлаш



14.6 – расм. Тутувчилар ва қирғоқ дренажлар схемаси

а – тутувчи дренанинг ишлаш схемаси; б – драна конструкцияси; в – қирғоқ дренасининг ишлаш схемаси; 1 – грунт; 2 – чим қоплама; 3 – мох қатлами; минерал пахта; 4 – шимадиган қатлам; 5 – кувур; 6 – қирқимлар; 7 – еости сувлари оқими.

Дреналар учиш майдонидан ташқарига, еости сувлари оқимининг йўналишини ва уларни тутиб олиб, сатҳини пасайтириш заруратини ҳисобга олиб ётқизилади. Чуқурлиги жой шароитидан, грунтнинг геологик тузилишидан аниқланади. Дренага бетон, асбоцемент ва пластмасса кувурлар, (тубида тешиклари билан) ишлатилади. (14.6 б – расм). Қувур диаметри ҳисоблаб топилади, нишаблиги камида 0,005. Асбоцемент кувурлардаги тешиклар (қирқимлар) ҳар 0,30,5 м оралиқда очилади. Қувурлар учма-уч туташган туташган жойлари беркитиб ташланмайди. Бундай жойлар ва тешикларга минерал пахта, мох қатлами кўйилади, натижада балчиқ босмайди. Қувурдаги тешиклар ва қирқимлар орқали унинг ичига еости сувлари киради. Қувур атрофига сув шимадиган материал ташланади у балчиқдан асрайди. Бундай материал сифатида майда тош, кум ва майда тош аралашмаси ёки минерал пахта ишлатилади. Шимадиган қатлам устидан чим ётқизиб, траншеяни ўқининг тупроқи билан беркитилади.

Қирғоқ дреналар ҳам тутиб оловчи дреналарга ўхшаш. Уларнинг ишлаш схемаси 14.6 в – расмда берилган. Чуқурлиги тошқин пайтида ҳавзадаги сув сатҳи, гидрогеологик шароитлар ва еости сув сатҳини пасайтириш даражасини ҳисобга олиб ҳисоблаб топилади.

14.2. Сунъий қопламаларнинг сув қочириш ва дренаж тизимлари.

СУҚМ, РЙ, ТЖ ва перрон қопламаларининг мустахкамлиги уларнинг тагидаги грунтнинг юк кўтариш қобилиятига боғлиқ, чунки у ўта намланиб қолса, бу қобилиятини йўқотади. Грунтнинг ўта намланиши икки йўл билан бўлади: қоплама устидаги сувлар тушганидан ёки еости сувлар капиллярлар бўйлаб кўтарилганидан. Бундан ташқари юзадаги сувларни йўқотиш иншоотлари бўлмаса, қопламага туташган УТ нинг грунт элементлари участкалари ва четлари юваб кетиб, кейин ювилиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун СУҚМ, РЙ, ТЖ, перронларни лойихалашда кўйидаги тадбирлар кўрилади: бундай иншоотлар учун сувларни қочириш шароити яхши бўлган жой танлаш; қопламалар ва грунтли чеккаларга зарурий кўндаланг ва бўйлама нишабликлар бериш; қопламалар четини атроф жойдан баланд қилиш; қопламалардан сув ўтмаслигини таъминлаш; сув қочириш ва дренаж тизимини қуриш.

СУҚМ, РЙ, ТЖ ва перронлар учун сув табиий тарзда оқиб кетадиган жой танлангани маъқул; сув айирғичларда нормал грунтли ва гидрогеологик шароитларда сув яхши оқиб кетиши учун бу иншоотларда керакли нишабликлар қилинади. Сунъий қопламаларни ён атрофдаги сув йигиладиган жойларнинг сувидан ҳимоя қилиш учун, қопламаларнинг четлари атрофдаги учиш майдонининг грунт юзаларидан 0,3-0,5м баланд қурилади, қоплама бўйлаб эса тупроқ уюм қилиб, унинг нишаби қопламадан ташқарига йўналтирилади. Зарур ҳолатларда юқоридан оқиб келиши мумкин бўлган юза сувларни тутиб олиш учун грунтли тарновлар қазилади.


Қопламалар пастга сув ўтказиб юбормаслиги учун, бикр қопламаларда плиталар орасидаги чок беркитиб ташланади, нобикр қопламаларда – қопламанинг юқори қатлами сув ўтказмайдиган материалдан тайёрланади.

СУҚМ, РЙ, ТЖ, перронлар ва бошқа майдончаларнинг сув қочириш ва дренаж тизимини қуриш сув қочириш бўйича тадбирлар мажмуаси ичидаги асосий ҳисобланади. Сув қочириш ва дренаж тизимининг вазифалари қўйидагилар;

СУҚМ, РЙ, ТЖ, перронларга атрофдан оқиб келадиган қопламаларнинг ўзидан ва грунт чеккалардан оқиб тушадиган сувларни йиғиш ва узоқлаштириш; еости сувларини дренажланувчи асослардан йиғиш ва узоқлаштириш; қопламалар яқинидаги пастлик жойларда йиғиладиган сувларни узоқлаштириш.

Сунъий қопламаларнинг сув қочириш ва дренаж тизимини учта схема бўйича ташкил қилиш мумкин.

I схемани қўллаш мумкин: II ва III иқлимий зонадаги аэродромларда, шунингдек, агар абадий музликлар бўлмаса I зонада ҳам; табиий асосда тупроқсимон ёки чангсимон грунтлар бўлса (булар кўпчишга мойил); СУҚМ ёки майдончалар қопламасининг эни 40 м дан ортиқ бўлса қопламалардан оқиб тушадиган сув қоплама четига қурилган очик ёки ёпиқ тарновларига тушади. Агар сунъий қопламалар кўндаланг икки нишабли қилинса, тарнов иккала томонда керак; бир нишабли қилинса, очик тарнов қопламанинг қуви томонига қурилади. Очик тарнов бўйлаб маълум оралиқларда ёмғир суви тушадиган кудуклар қурилиб, устига панжара кўйилади. Сув очик тарновлардан оқиб, кудукларга тушади, кейин қувурлар орқали қоплама четидан 10...15 м нарида ўтказилган коллекторларга йўналади. Коллектор бўйлаб, маълум масофаларда кузатиш кудуклари қурилади. Улар қувурларни кўздан кечириш ва таъмирлаш учун керак. Коллекторлар сувни аэродром ташқарисига чиқариб ташлайди.



14.7-расм. Аэродром қопламаларининг сув қочириш ва дренаж тизими схемаси.

1- тальвегли (камар) кудук; 2 – грунт тарнов; 3 – обмотка; 4 – қоплама; 5 – қоплама четидаги тарнов; 6 – кузатиш худуди; 7 – дренаж қатлами асос; 8 – ёмғир сувини қабул қилувчи кудук; 9 – ўтказиб юборгич (қувур); 10 – коллектор; 11 – қоплама четидаги дренаж; 12 – дренажловчи қатлами йўқ асос.

Қопламалардан юкори томонларнинг юза сувлари қопламага тушмаслиги учун у томонда грунтли тарновлар очилади. Учиш тасмаси чегараларида бундай тарновларни қуриш айrim ҳоллардагина, техник-иқтисодий далиллардан кейингина лойихага киритилади. Бундай тарнов бўйлаб, маълум масофаларда тальвегли кудуклар қурилиб, устига панжара ташланади. Грунт тарновдаги сув шу кудукка тушади, кейин кузатиш кудуғидан ўтиб, коллекторга тушади.


Сунъий қопламанинг дренажланувчи асосидан сувни қочириш учун қопламанинг пастки чети бўйлаб дренажлар ўтказилади. Асосдаги еости суви шу дренага тушиб, кузатиш кудуғига ва кейин, коллекторга тушади. Бу дреналарнинг коллекторга туташув жойига кудук қурилади. Еости сувлари яқин бўлса, қўшимча чуқур дрена ётқизилади. Бу ҳолда ундан дренажланувчи асосдан сувни қочириш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

III схема (14.7 – расм) ортиқча ва ўзгарувчан намланадиган зоналардаги аэроромларда күлланади; тупроқли ва қумоқ тупроқли грунт бўлса – етарли намланмайдиган зоналарда ҳам күлланади; қопламалар йиғма бўлса, ҳар қандай зонада ҳам ишлатилаверади. Қопламадан оқиб тушадиган сув грунт ёқалардан ўтиб, грунтли тарновга тушади. Тупроқли ва қумоқ тупроқли грунтларда дренажланувчи асос ва чет дреналар куриш мумкин. Грунтнинг ўзи яхши дренажланса бунақа асосни маҳсус курмаса ҳам бўлади. Грунт тарновлар ва дреналардаги сув коллекторларга ташланади.

III схема қурғоқчилик зонада, кам намланадиган зонада, грунт оз чуқурликкача музлайдиган зонада, шунингдек, агар қумли грунт ва уни ювиб кетмайдиган шароит бўлса, бошқа зоналарда кўллаш мумкин. Бу схемага биноан қоплама юзасидаги сувлар унинг четидаги грунт ёқага ва ундан атроф ҳудудга туширилади. Сув қочириш тизимлар курилмайди. Баъзи ҳолларда қопламалар камар (тальвег)ларни ва рельефнинг берк пастликларини кесиб ўтса, ўша жойда грунтли тарновлар ва қисқа коллекторлар курилади.

Сунъий қопламаларнинг сув қочириш ва дренаж тизимини лойихалаганда, одатда, элементларнинг намунавий конструкциялари ишлатилади. Ҳар бир муайян шароит учун ўзининг конструкциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқроқ. Сув қочириш ва дренаж тизими элементларининг асосий конструкцияларини кўриб чиқамиз.

Очиқ ва ёпиқ тарновлар (14.8-расм) қопламаларнинг четига, сунъий қопламанинг пастки четига курилади.



14.8-расм. СУҚМ даги тарновлар конструкцияси.

а - очиқ тарнов; б - ёпиқ тарнов; 1 – қоплама; 2- асос; 3 – отмостка; 4 – қиррачети дренаси; 5 – шаклдор тошлар; 6 – монолит тўшак (сувтўсгич).

Очиқ тарновларнинг кўндаланг кесими - учбурчак шаклда. Ўлчамлари: СУҚМ ва ТЖ даги эни 4...5 м, РЙ даги эни – 2,5...3,0 м; СУҚМ ва РЙ даги чуқурлиги 0,08 м, ТЖ да эса 0,08...0,10 м (суви йиғиб олинадиган юза энига қараб). Ёпиқ тарновлар асос сув шимимайдиган бўлсагина тавсия этилади.

Тарновнинг энини аниқлашда цемент бетон қопламаларнинг плиталаридағи тарнов энини хисобга олиш керак. Тарновнинг энг кичик бўйлами нишаблиги 0,003. Нишаблик 0,0035 дан кам бўлган участкаларда тарновнинг бўйлами профилига арасимон шакл берилади, нишаблиги рухсат этилган энг кичик бўлади.

Очиқ грунтли тарновлар сув қочириш ва дренажнинг II намунавий схемасида, қопламалар четида тарнов бўлмаганда курилади (14.7-расм). Қоплама юзаси ва унинг ёқасидаги сув СУҚМ бўйлаб, унга яқин жойлашган грунтли тарновга тушади. Грунтли тарнов юзалари жуда ғадир-будир бўлганидан тубининг нишаблигини камида 0,005 олинади. Грунтли тарновнинг ҳам кўндаланг кесими учбурчак, эни 5...10 м, ён томонлари нишаблиги 0,015...0,050. қопламаларнинг ҳамма юзалари ёқаларида (СУҚМдан ташқари) тарнов ён томонларининг нишаблигини 0,10 гача олиш мумкин. Агар

тарновдаги сув тезлиги рухсат этилган чегарадан ортиқ бўлса тарнов юзасидаги грунтни мустахкамлаш керак. Тарнов ичига қўшимча тарнов ўрнатиш тавсия этилмайди, чунки ХК лари ундан юриб ўтганда шассига ортиқча куч таъсир қилади.

Ёмғир суви учун қудуклар (14.9-расм) заводларда тайёрланган темирбетон элементлардан қурилади. Қудук қопқоғи $0,96 \times 0,47$ м ўлчамли панжара секциялардан иборат. Қопқоқ ўрнида биттадан учтагача секция ишлатиш мумкин. Қудукнинг узун томони тарнов ўқига перпендикуляр қилиб қўйилади.

Қудукдаги сув ўтказувчи қувур орқали коллекторга тушади. Ўтказувчи қувур қудукни коллекторининг кузатув қудуғи билан туташтиради. Қоплама билан ёмғир суви тушадиган қудук туташган жойга сув ўтказмайдиган ёқа қилинади.


Тарновнинг бўйлами нишаблигига қараб ёмғир сувини оладиган қудукда бир нечта панжара бўлиши мумкин:

0,005 бир секция панжара (нормал кўриниш)

0,006...0,007 икки секция панжара (кучайтирилган)

$\geq 0,008$ уч секция панжара (кучайтирилган).

Қиши қаттиқ келадиган районлардаги кўпчийдиган грунтларда ёмғир суви тушадиган ва камар (тальвег) қудуклар кўпчиб чиқиши мумкин, яъни панжаранинг юқори белгиси аста кўтарилиши мумкин. Грунт музлаб қудук деворларига ёпишиб қолади ва кенгайиш жараёнида қудукни яхлитлигигача тепага кўтараверади. Бундай ҳодисага йўл кўймаслик учун қудукни жойига ўрнатгандан кейин қудук атрофи билан котлован орасига, ўзининг тупроғига сув шиммайдиган материаллар аралаштириб қўриш керак. Шунда қудук атрофи кўп сув шиммайди, яхлитлайди, демак, кўтарилиб кетмайди. Бундан ташкари бундай шароитлар учун қудук ва қоплама кўпчиганда бир текис кўтарилишни таъминлайдиган ёмғир воронкалар тавсия этилади (14.10-расм).




14.10-расм. Ёмғир воронкаси конструкцияси.

а-полосага кўндаланг қирқим; б – тасма бўйлаб қирқим; 1 – қоплама; 2 – тарновли темирбетон плита; 3 – тирқишлиарни цемент аралашма билан тўлдириш (1:3)% 4 – панжара; 5 – чеалрга ёткизилган чақиктош; 6...8 см чукурликкача битум қўйилган; 6 – кум асос; 7 – диаметри 50...75 мм сопол қувурлардан қурилган чекка дрена; 8 – ўтказувчи асбоцемент қувур; 9 – туташ жой муфтаси; 10 – пўлат қувурдан ясалган, коррозияга қарши суркама берилган пайвандланган тирсак; 11 – қатрон шимдирилган канопдан қистирма; 12-битум қатлам; 14 – ўша, ёмғир воронка билан бирга.

Ёмғир қабул қилувчи сунъий қоплама билан туташган тарновли плита ва сув қочириувчи қурилмалар - метал панжаралар ва тубдаги вертикал калта қувурлардан иборат. Калта қувур эластик туташув (қатрон шимдирилган каноп) ёрдамида пайвандланган тирсак билан уланади, тирсакка ўтказувчи асбоцемент қувур келтириб туташтирилади. Тирсак қувур билан муфта ёрдамида уланади. Тарновли темирбетон плита учиш майдони юзаси билан туташдиган жой ёқасида эни камида 2 м бўлган, сув ўтказмайдиган отмостка қурилади.

Тальвегли қудуклар (14.11-расм) га икки ё уч секцияли панжара қўйилади. Панжаралар атрофдаги грунт юзасидан 0,08...0,10 м паст қилиб жойлаштирилади ва панжаралар билан чақик тошдан қилинган эни 1,0...1,5м воронкасизом отмостканинг юзасини туташтиради; ўша отмостка 0,06...0,008 м чукурликкача битум билан ишлов берилган бўлади. Грунт баҳорда чўкиб кетмаслиги учун тальвег қудук қалинлиги 0,15 м бўлган чақик тош, майда тош ёки шлак ёстиқ устига қўйилади.



14.11-расм. Тальвегли қудук.

1 - панжара; 2 - чақик тошли отмостка, 6-8 см чукурликкача битум қўйилган; 3 - қудук девори; 4 - ўтказувчи қувур; 5 - шлак ёстиқ; 6 - 1:6 нисбатда қорилган цемент катлам; 7 - сувга чидамли грунт; 8 - катрон шимдирилган канопдан ясалган кистирма, қалинлиги 1...1,5 см.

Тажрибага кўра тальвег қудук билан ёмғир суви тушадиган қудуклар ўртасида 100...200 м масофа бўлади (ҚМК 2.05.08 - 85).


Тальвег қудукни учиш майдонининг грунтли қисмига, рельефнинг ҳамма ёпиқ пастликларига, тарновлар охирига ўрнатилиди.

Ўтказувчи қувурлар ёмғир суви тушадиган қудуклар билан тальвег қудукларни коллекторга туташтиради; у асбоцемент қувур бўлиб, ички диаметри 0,141...0,322 (ёмғир суви тушадиган қудукка тушадиган сув ҳажмига боғлик; СУҚМ четидаги қудуклар учун 0,2м). Бу қувурларнинг нишаблиги ёмғир қудуклардан чиқсанда 0,02...0,03; тальвег қудукдан чиқсанда 0,005...0,030.

Чукур дренаж дренаси диаметри 0,100...0,150 м бўлган керамик ёки асбоцемент қувурдан ясалади; қувур траншея тубига ётқизилиб устига, қувур тепасидан бошлаб 0,25...0,30 м қалинликда ва эни тахминан 0,4 м қилиб, сув шимадиган материал ташланади. Унинг устига, траншея энини қоплаб оладиган даражада чим ётқизилади; чимнинг илдизини осмонга қилиб ташланади, шунда сув шимадиган материалга тупроқ аралашмайди.

Сувни қабул қилиши учун керамик қувурлар туташган жой беркитилмайди; қувур асбоцемент бўлса, унда тагидан ва ёнидан, ҳар 0,3...0,35 м оралатиб қирқим қилинади; қирқим эни 2...3 м, диаметрнинг 2/3 қисмигача чукурликкача боради (14.6-расм). Дрена узунлиги 50...125м, қувур нишаблиги камида 0,005. Бу қувурларни ётқизиш чукурлиги еrosti сувларининг сатҳини қанча пасайтириш зарурлигидан келиб чиқиб ҳисобланади.


Кирра чети дреналар сунъий қопламаларнинг дренажли қатламидан ортиқча сувни йигиб, узоқлаштириш учун мўлжалланган; сув шимадиган материаллар тўлдирилган траншея кўринишида бажарилади (14.12-расм).



14.12-расм. Қирра чети дреналар конструкциялари.

1 - бетон қоплама; 2 - күм асос; 3 - мох қатлами, 2...3 см; минерал пахта; 4 - йирик күм; 5 - ўртача донали күм; 6 - қувур (Д-75...100 мм); 7 - күм; 8 - майда тош.

Траншея тубига диаметри 0,1 м бўлган керамик ёки асбоцемент қувур ётқизилади, нишаблиги камида 0,005. Бу қувур коллекторнинг кузатиш қудуғигача олиб борилади (14.13-расм). Бунда қувур йўналишини ўзгартириш учун шаклдор тишлардан фойдаланилади. Қувурлар туташган жойлар беркитилмайди; асбоцемент қувурлар ишлатилса, бундан ташқари, қувур тагида диаметрнинг 2/3 қисмигача, ҳар 0,3 м оралатиб кирқимлар қилинади. Балчиқ ўтириб қолмаслиги учун қувурлар туташган жойга ва кирқимлар устига 0,02м қалинилди мох ташланади. Қирра чети дренанинг сув шимадиган материалы қоплама асосидаги ғовак материаллар билан бирлашиб кетади. Сув шимадиган материал сифатида йирик күм, күм ва майда тош аралашмаси, майда тош ишлатилади.




14.13-расм. Тарновлар, ёмғир ва тальвег қудуклар, ўтказиш қувурлари, қиррачети дренлар ва коллекторлар схемаси.

1 - ёмғир суви учун қудук; 2 - қиррачети дrena; 3 - ўтказиш қувури; 4 - коллектор; 5 - тальвегли қудук; 6 - кузатиш қудуғи; 7 - қоплама; 8 - дренажланувчи асос; 9 - чақиқ тошли ўтиш полосаси, h=20cm.

Чуқур дреналар бир вактнинг ўзида еости сувларини ва қоплама тагидаги дренажланувчи ғовак асосдан сув олади, қиррачети дреналарга ўхшашиб курилади, лекин чукурлиги ва сув шимадиган материалининг баландлиги анча катта бўлади. Кўммаси асос материалы билан қўшилиб кетади.

Коллектор, бу еости қувур бўлиб, қудуклардаги сувни учиш майдонидан ташқарига чиқариб ташлайди. Унга ишлатиладиган қувурлар: ички диаметри 0,235 м ва ундан ортиқ бўлган асбоцемент, диаметри 0,3...0,5 м бетон, диаметри 0,5м ва ундан ортиқ бўлган темирбетон қувурлар. Қувурлар бир-бири билан туташган жойлар тол, рувероид тасмалар ёки цемент қоришмаси билан беркитиб ташланади. Тасмалар эни 0,15...0,20 м бўлиб эриган қатронли бўлади. Цемент қоришмаси 1: 3 нисбатда тайёрланади (14.14-расм)



14.14-расм. Кувурлар туташ жойни қуриш вариантылари.


борулин камар (битум масса устидан икки қатлам борулин); б - гидроизолли камар (битум масса устидан икки қатлам борулин); в - цемент камар; г - рурбериод камар (битум масса устидан уч қатлам рурбериод); д - армобитум камар (уч қатор сувоости сим тури ва борулин қатлами); е - асбоцемент кувурлар туташуви; 1 - битум, 3 - резина ҳалқалар; 4 - цемент қоришма.

Коллектор коплама четидан 10...15 м нарида ер остидан ўтказилади. Бунда иложи борича копламани кесиб ўтмаслик керак. Иложи бўлмаса, энг қиска йўналиш бўйича ўтказилади, яъни копламаларнинг бўйлама ўқига (ёки эгри чизиқли РЙ нинг контурига) перпендикуляр бўлади.

Коллектор трассасини ўткир бурчак билан буришга рухсат берилмайди, чукурлиги қуидаги 3 шартдан келиб чиқади:

1) самолётдан тушадиган нормал юклама таъсирида мустаҳкамлигини таъминлаш (ҳисобий самолёт ғилдираклари орқали); 2) грунтнинг мавсумий музлаши (кувурлар музлаш чукурлигидан юзада бўлмагани маъкул; 3) коллекторга келиб туташдиган қувурлар (ўтказувчи, йиғувчи ёки ёлғиз дрен) белгилари ва сув ортга уриб кетиши эҳтимоли учун бу қувурларнинг захираси.

Қувурларнинг мустаҳкамлиги ғилдиракдан тушадиган ҳисобий юклама асосида текширилади (биринчи навбатда юзароқдаги кичик диаметрли қувурларда). Қувур тепасининг энг кам чукурлик мустаҳкамлик шарти бўйича 0,75 м қабул қилинган (хатто ҳисоблаш бундан кам кўрсатганда ҳам).



14.15-расм. Кувурни траншеяга ётқизиш вариантылари.

текислаб шиббаланган грунтга; йиғма темирбетон блокларга; в - майда ёки чақиқ тошли асосга; г - монолит бетон ёки темирбетон асосга; 1 - зич қуруқ грунт; 2 - цемент қоришма (1:3; 1:4), 3 - темирбетон блок; 4 - цемент қоришма (1:6; 1:8); 5 - майда ёки чақиқ тошли асос; 6 - бетон ёки темирбетон асос; 7 - цемент қоришма.

Юклама оситидаги қувур деворларидағи кучланишни пасайтириш учун қуидагича ётқизиш тавсия этилади (14.15-расм)


Асбоцемент қувурлар - траншеяниң шиббаланган грунт асосига, тагини 90 дан кам бўлмаган даражада қамраб олиб ёки йиғма темирбетон элементлар устига; бетон ва темирбетон қувурлар, диаметри 0,3...0,6 м - траншеяларга йиғма темирбетон элементлар устига; темирбетон қувурлар, диаметри 0,6 м дан ортиқ монолит бетон ёки темирбетон асослар устига (кувурнинг ташки диаметрининг тахминан $\frac{1}{4}$ қисмини қамраб оладиган таглик устига).

Коллектордаги сув музлаб қолишини олдини олиш учун қувурнинг тепаси грунтнинг музлаш чуқуригидан 0,2 м пастда бўлиши керак.

Грунтнинг музлаш чуқуригига 1,5 м дан ошадиган районларда коллектор қувурларини шу грунта ётқизиш мумкин, фақат бунда қувурлар мустахкамлиги таъминланган бўлиши лозим. Бундай ҳолда коллекторнинг нишаблиги критик қиймат 0,06...0,08 дан кам бўлмаслиги ва сув чиқариб ташлаш жойи кўп бўлиши; баъзи ҳолларда коллектор қувурларини музлашдан ҳимоя чоралари ҳам кўрилади (шлак ғилоф, иссик сақловчи қатламлар ва х.к.).

Коллекторга оқиб келадиган сувлар ҳисобий микдорда бўлганда оқим тезлигининг рухсат этилган ораликлари қувур кўндаланг кесимини ва нишаблигини танлаш орқали таъминланади. Энг кичик нишаблик 0,003. Ўтказиш қувурларини коллекторга тўғри улаш ва иш ҳажмини камайтириш учун коллектор қувурларининг тўғри жойларида нишабликни учиш майдони нишаблигига яқин белгиланади.

Кузатиш қудуқлари ўтказиш қувурларини улаш учун коллектор трассаси бўйлаб, трасса буриладиган, нишаблик ўзгарадиган, коллектор бошланадиган, трассанинг тўғри чизиқли жойларида курилади ва қувурларни тозалаш учун мўлжалланади (расм 14.16).



14.16-расм. Кузатиш қудуғи, доира шаклда (темирбетон элементлардан йигилган).

1 - юмшоқ тупроқ қатлами, 10 см; 2 - ўтказиш қувури; 3 - битум; 4 - қатрон шимдирилган каноп; 5 - бетон тарнов; 6 - темирбетон туб; 7 - чақиқ тош асос; 8 - цемент қориши; 9 - пастки бўғин девори.

Тозалаш қўйидаги ораликларда бажарилади (ками билан метрларда): диаметри 0,25 м гача бўлса, ҳар 50 м да; 0,25...0,40 м бўлса, ҳар 75 м; 0,40...0,60 м бўлса ҳар 100 м да; 0,60 м дан катта бўлса, ҳар 125 м да.

Кузатиш қудуқлари, одатда йиғма темирбетон элементлардан курилади (копқоқ, бўғиз, ўрта қисм, туб). Ўтказиш қувури ва коллектор қувури учун тешикларни жойига қараб, уриб очилади. Бундан ташқари, қудуқ тубига, қувур диаметрининг 0,6 хисса баландлигига бетон тарнов қўйилади.

Қудукнинг кўндаланг кесими, агар диаметри 0,60 м ва ундан кичик бўлса доира шаклда, 060 м дан катта бўлса - тўртбурчак шаклда бўлади. Қудукнинг ички габарити (диаметри, тўртбурчак томони) 07м дан кам қилинмайди. Тубини майда ёки чақилган тош қалинлиги 0,15...0,20 м бўлган ёстиқ устига қўйилади; чўкишнинг олдини олиш учун шундай қилинади; қўпчиб чиқиши эҳтимолига қарши тубига шлак ёстиқ қилинади.

ҲК лари юриш эҳтимоли бўлган жойларда кузатиш қудуғининг қопқоғини грунт юзасидан 0,40...0,50 м пастда қилинади (хавфсизликнинг чекка полосаси, грунтли УП нинг ишчи юзаси). Қолган ҳамма ҳолатларда қудуқ қопқоғи учиш майдони юзаси билан бир сатҳда бўлади. Қопқоқ атрофида чақиқ тошли отмостка қилинади, эни 0,8...1,2 м, қалинлиги 0,20 м; чақиқ тошга 0,06...0,08 м чуқурликкача битум қўйилади. Бундай қудукни қопқоғи ва устидаги панжарасини ботиқ қилмасдан тальвегли қудуқ ўхшатиб ҳам куриш мумкин. Бундай ҳолда кузатиш қудуғи тиндиргичда бўлади. Тиндиргич чуқурлиги (қувур тарновидан паст) 0,3...0,5 м.

14.3. Учиш майдонининг грунт қисмида сув қочириш ва дренаж тизимлари

Аэроромнинг учиш майдонида грунта сув туширадиган манбалар бир нечта. Энг кўп ҳолларда атмосферадан тушади. Ёмғир сувлари ёки қор, ёмғир эришидан ҳосил бўлган сув грунтнинг юза қатламини ивитади. Ер ости сувлари яқин бўлса, капиллярлар орқали кўтарилиб грунтнинг юза қатламларини сувга тўйинтиради. Грунтни ҳўллайдиган ва ивitätадиган бу икки манбага қарши қаратилган, қуритиш бўйича муҳандислик тадбирларининг мажмууси сув қочириш ва дренаж тизими дейилади. Сув қочириш тизимининг вазифаси кўлмак бўладиган жойларга сув йигиш ва ундан узоқлаштириш бўлса, дренаж тизимининг ер ости сувларни пасайтириш ва узоқлаштиришдан иборат.

Учиш майдони рельефига қўйиладиган асосий талаблардан бири ёмғир сувлари туриб қолмасдан тез оқиб кетадиган даражада нишаблик қилишдир. Вертикал планлаш лойиҳасида атмосфера ёғинлари оқиб кетадиган тарафлар кўрсатилишидан ташқари, сув йигиладиган жойларни ҳам аниқлаш керак. У жойларга сув қочириш элементлари қурилади.

Сув қочириш ва дренаж тизими қурилмаларининг лойиҳаси маҳаллий иқлимий, тропик ва грунт шароитларидан келиб чиқади. Одатда, бундай тизим учиш майдонининг айрим қисмларидагина қурилади. Майдоннинг ҳамма юзаси учун шундай тизим зарур бўлса, у майдонга аэрором қурилмайди. Доимий ишлайдиган сув қочириш ва дренаж тизими айрим ҳолларда, зарурий техниккитисодий далиллардан сўнг қурилади. Аэроромни қайта қурганда, СУҚМ ни узайтирганда шундай тизимга зарурат туғилиши мумкин.

Учиш майдони грунтли қисмининг сув қочириш ва дренаж тизимини 4 хил схема бўйича қуриш мумкин:


I схема - сув қочириш тизими; қуритгичлар, йигувчилар, тальвегли қудуклар ва коллекторлардан изборат.

II схема - грунтли полоса икки нишабли шаклда қурилади

III схема - сувни қудукларга йўналтириш.

IV схема - чукур дренаж воситасида ер ости сувларини пасайтириш ва узоқлаштириш.

Биринчи схема намгарчилик ўзгариб турадиган ва кўпайиб кетадиган зоналарда қўлланади. Рельеф аэрором учун нокулай бўлса, оғир грунтлари бўлса, ва кундузлари еости сувлари кўтарилса, бу схемадан етарли намланмайдиган ва куруқ зоналарда ҳам фойдаланиш мумкин. Ер юзи сувларини грунтли учиш тасмаларидан қочириш учун куйидаги тизимлар керак: а) қуритувчилар, йигувчилар, коллекторлар; б) тальвегли қудуклар ва коллекторлар. Булардан биринчиси кўлмак сув йигиладиган катта юзаларда, иккинчиси кичик юзаларда қўлланади (14.17-расм).



14.17-расм. Сув қочириш тизимлари схемаси

1 - тальвегли қудуклар; 2 - коллектор; 3 - йигувчи; 4 - кузатиш қудуги; 5 - қуритувчи; 6 - қуритувчи ва йигувчиларнинг шаклдор тошлар ёрдамида қудуксиз туташуви.


Қуритгичлар ер юзаси сувларни қабул қилиб, йигувчига узатади ва кўлмак бўладиган жойларга қурилади. Қуритиш линиялари горизонталларга тахминан параллел қилиб ётқизилади, шунда ер юзи сувларини яхши тутиб олади, умумий узунлиги 125 м дан оширилмайди. Қуритгичлар орасидаги масофа, учиш майдонининг нишаблиги ва грунти турига қараб қанча бўлиши 14.2-жадвалда келтирилган.

14.2-жадвал

Грунт тури	Қуритгичлар орасидаги масофалар (м), юза нишаблигига қараб					
	0.001	0.002	0.003	0.004	0.005	0.006-0.01
Тупроқ (гил)	20	30	40	45	50	55-75
Оғир қумоқ	25	35	45	50	55	60-80
Ўртача қумоқ	30	40	50	55	60	65-85
Оғир, чангсимон қумлоқ	40	50	60	65	70	75-90

Куриши кувурларининг кўмилиш чуқурлиги бошланиш жойида 0,6...0,8 м бўлади. Куригичлар йигувчилар билан кузатиш кудуғи ва шаклдор тош воситасида, 90° ёки шунга яқин бурчак остида туташтирилади. Йигувчилар сувни қуригичлардан олиб, коллекторга йўналтиради. Улар горизонталларга перпендикуляр ёки шунга яқин ўрнатилади ва узунлиги 150...300 м бўлиши мумкин.

Коллекторларнинг вазифаси - сувни аэродром худудларидан четга, сув қочириш каналлари ва сув ҳавзаларига ташлашдан иборат. Бунинг учун СУҚМ, РЙ, ТЖ ва перронларнинг коллекторларидан фойдаланилади. Тальвегли кудуклар ва коллекторлардан иборат I схемага мос тизим бўйича сув қочириш кенг тарқалган (14.17-расм). Бундай ҳолларда ер юзи сувлари ГУҚМ нинг грунт қисмидаги пастликларда СУҚМ, РЙ ва ТЖ лар оралиқларида тўпланиши мумкин. У ерлардаги сув тальвег кудукка, ундан коллекторга тушади.



14.18-расм. Грунтли тасмага икки нишабли профил бериб сув қочириш.


1,2 - 1 - ва 2 - коллекторлар; 3 - тальвегли кудук; 4 - кузатиш кудуғи; 5 - ГУҚМ ишчи қисмининг чегараси.

II схема бўйича сув қочиришда ГУҚМ ни СУҚМ каби профиллаб сув қочириш ташкил қилинади. Бундай грунтли УТ нинг кўндаланг нишабини 0,015 дан кам қабул қилинмайди. УТ нинг ён чегараларига тушириладиган сувлар грунтли тарновга тушиб, кейин тальвегли кудукка, ундан коллекторга ўтади. Тальвегли кудуклар кузатиш кудуклари билан бирлаштирилади (14.18-расм). Бу схемадан нишаблиги кам, сувни оз ўтказадиган грунтли УҚТ да фойдаланиш маъкул.

ГУҚМ нинг юзасида сувни оз ўтказадиган, сал чукурроқ жойларида эса яхши ўтказадиган грунтлар бўлган ҳолларда III схема кўлланади ва сувни шимувчи кудукларга қочирилади. Бундай кудуклар ГУҚМ нинг энг пастки жойларига қурилади.

IV схема бўйича сув қочириш тизимлари грунтли ва грунтдан капилляр бўйлаб сув кўтариладиган аэродромларда қурилади. Ер ости сувларнинг сатхини пасайтириш ва қочириш учун айрим участкаларда дренаж тизими қурилади; унинг ёрдамида қуриш меъёри белгилангунича ер ости сувлари сатҳи пасайтириб турилади. Участкаларнинг қуриш меъёри, яъни ер юзидан ер ости сувлари сатҳигача бўлган масофа H (14.19-расм) кумли ва қумлоқ грунтларда камида 0,8 м, тупроқ ва қумоқ грунтларда - камида 1 м қабул қилинади.

Ер ости сувларининг пасайтан юзаси депрессия чизиги билан тавсифланади.




14.19-расм. Ер ости сувлари сатхининг дренаж тармоғи таъсирида пасайиши

1 - сувнинг ҳақиқий сатҳи; 2 - депрессия чизиги; 3 - драна.

Икки хил дренаж бўлади: мукаммал ва номукаммал. Биринчисида дреналар бевосита сувтўсиқга, иккинчисида унинг ётқизилади.

Еости сувлари оқимини тутиб олиш учун ёлғиз дреналар қурилади; ер ости сувларининг сатхини пасайтириш учун эса ивиб кетадиган майдонда дреналар гурухи қурилади. Чукур дренаж қийин ва киммат бўлгани сабабли учун майдонининг нисбатан кичик юзаларига қурилади. Ёлғиз дреналар кўп кўлланади. Дренажлар гурухидаги сув йигувчи қувурлар орқали умумий коллекторга йўналтирилади ёки учиш майдонидан ташқаридаги зовурга ташланади.

Қоида бўйича, дреналар гидроизогипсларга параллел, ер ости сувлар йўналишига эса перпендикуляр жойлаштирилади (14.20-расм). Дреналар орасидаги масофа (м) эса грунт турига караб белгиланади:



14.20-расм. Учиш майдонида танлаб дренаж ўтказиш схемаси.


1 - коллектор № 1; 2 - коллектор № 2; 3 - драна; 4 - йиггич; 5 - коллектор № 3; 6 - асосий коллектор.

Тощая тупроқ	8-10
Оғир кумоқ	10-12
Ўртача кумоқ	12-14
Енгил кумоқ	14-16
Чангсимон қумлоп	16-18
Ўртача донадор кум	17-20

Одатда, учиш майдонидаги тармоғи 1,0...1,5 м чукурликда ётқизилади; бунда дрен меъёргидан кўра чуқурроқдан ўтказилади. Дрен узунлиги 60...100 м, тубининг нишаблиги камида 0,03 бўлади. Йиггич ва коллекторлар узунлиги ва нишаблиги ҳам ер юзаси сувларини қочириш тизимини лойихалашдаги каби танланади. Турли йиггичга тегишли дреналарнинг уч юзлари орасидаги масофани дреналар орасидаги масофанинг ярмига тенг қабул қилинади.

Баъзан, ГУҚМ нинг айрим участкаларида ер юзаси ва ер ости сувларини қочиришнинг қуригич-дреналар ёрдамида қурама усули кўлланади. Грунтли учиш майдонидаги сув қочириш ва дренаж тизимининг тузилиши аэродромнинг бошқа элементларидаги каби йигиши кулагиллиги ва саноатлашганлиги талабларига жавоб бериши керак. Улар куйидагича тузилишга эга бўлади: қувур қуригичлар, қувур дреналар, йиггичлар ва коллекторлар, кузатиш ва тальвегли қудуклар.

Диаметри 0,1м керамик ёки асбоцемент қувурлардан ясаладиган қуригич эни 0,2...0,3м тўғри бурчакли траншеяларга ётқизилади; бўш тупрокларда.



14. 21-расм. Қуригичларнинг тузилиши.


а – қабул қиласидиган қисми, майда тишли; б – ўша тор тирқишли, кум ва майда тош қоришимаси билан тўлдирилган; в – ўша, синдирилган тош билан тўлдирилган; 2 – ўша, майда тош тўлдиригичининг эни чекланган; 1 – майда тошли тўлдиригич (юқори қатлам 5...6 см, қуий қатлам 2...3 см); 2 – кум ва майда тош қоришимаси; 3 – керамик ва асбоцемент қувурлар; 4 – қалинлиги 5 ...10 см дерн; 5 – 1...3 см катталиктаги чақиқ тош (майда тош) қатлами, битумга қорилган; 6 – иирик донали кум; 7 – 5...10 см

қалинликдаги дерн; 8 – 5...6 см катталиктаги майда тош ёки чақық тош; 9 – 5...7 см катталиктаги, шиббаланган чақық тош қатлами; 10 – 2 см катталиктаги майда тош ёки чақық тош; 11 – грунт.

Кувурларни ётқизишдан олдин шиббаланган чақық тош ёки майда тошдан асос ясалади. Асбоцемент кувурларнинг бутун узунлиги бўйича хар 0,3...0,5 м оралиқда эни 1,0...1,5 мм кирким қилинади; унинг чуқурлиги кувур диаметрининг 2/3 қисмича бўлади. Керамик кувурлар бир-бири билан туташган жойлар беркитилмайди. Траншеяни кўмишда аввал йирик фракциялар ташланаб кейин майдароқлари ташланади. Фильтровчи материал сифатида қум ва майда тош, йирик чақық тош ёки 0,03...0,05 м катталиктаги майда тош ишлатилади. Бирок бунда энг устидан 0,05 м қалинликда майда тош қатлами ётқизилади.

Траншеяниң юқори қисмida сув қабул қиласиган тирқиши қолдирилади, куритгич юзасининг қолган қисмининг ҳар 1 m^2 юзасига 6-7 кг эриган битум қўйилади ва уни бостирилади.

Диаметри 0,10...0,15 м асбоцемент ва керамик кувурлардан ясалган дреналар трапециясимон траншеяларга ётқизилади, унинг чуқурлиги 1,0...1,5 м, тубидаги эни 0,3...0,4 м; траншея майда тош ёки чақық тош ташланади. (14.22-расм), ёки шиша пахта ётқизиб, энг тепасига илгари кавлаб чиқарилган тупроқ ташлаб, траншея кўмилади. Энг тепасига 0,10...0,15 см чим қопланади.



14.22-расм. Дренинг тузилиши.

а – еости сувларини қабул қилиш учун; б, в – еости ва ер юзаси сувларини қабул қиласиган куритгич дреналар; 1 – грунт; 2 – чим; 3-100м кувурлар (атрофига турли катталиктаги майда тош ташланган; 4 - қалинлиги 2см мох ёки минерал пахта; 5 – шиббаланган тупроқ.

Агар дрена ҳам ер ости, ҳам ер юзаси сувларига мўлжалланган бўлса, фильтровчи материал устун шаклида ер юзасигача тўлдириб чиқилади. Бундай дренаж куритгич дренаж деб аталади. Кувурларнинг узунлиги бўйлаб диаметрининг 2/3 хиссаси қадар чуқурликкача ҳар 0,25...0,30 м оралиқда кирким қилинади. Керамик кувурлар туташган жой беркитилмайди. Туташ жойлар, қирқимлар устига толали материал, мох, минерал пахта ёпилади. Чукур дренаж учун сув ўтказадиган, говак материалдан ясалган кувурлар ишлатиш мумкин (бетон, керамзит бетон, керамзит шиша). Уларнинг бўғинлари бир-бири билан эластик элемент ёрдамида уланади. Йигнич ва коллекторлар СУҚМ, РЙ, ТЖ ва перронлардаги каби асбоцемент, мустаҳкамлиги юқори бетон ва темирбетон кувурлардан ишланади.

Грунтли учиш майдонларига қуриладиган кузатиш ва тальвег қудукларнинг тузилиши СУҚМ, РЙ ва ТЖлардагига ўхшаш. Куритгичлар ва дреналар йигничга кузатиш қудуклари ва бетондан қилинган шаклдор тошлар воситасида туташтирилади.

Ютиш (шимадиган) қудуклари доира ёки тўртбурчак шаклдаги, қопқоқли темирбетон элементдан қурилади. Қудук атрофида воронкасимон, эни 1 м бўлган, чақық тошли отмостка қилинади ва битум билан ишлов берилади.

Ер юзаси сувлар билан ифлосланишдан сақланиш. А,Б,В классдаги аэродромларнинг лойихасида ҳудуддан ифлосланган оқава сувларни қочириш кўзда тутилиши керак. Оқава сувларни тозалаш ва сув ҳавзаларнинг талабларига мос бўлиши керак ва сув ҳавзаларининг жойлашуви уларнинг тавсифи, маҳаллий шароитлар ва ифлослантирувчи манбаларга боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

Аэродромнинг сув оқиши ва дренаж тизимида тозалаш иншоотларини лойихалашда ер юзаси сувларини тозалаб, заарсизлантириш учун коллекторлардан сув чиқариш қурилмалари кўзда тутилади.

Тозалаш иншоотлари орасида ер юзаси оқава сувларини йигадиган катта хажмлар курилади ва бу сувлар нефт махсулотларидан тозаланади; шунингдек, биологик ҳовузлар ҳам қурилади.

Ҳаво қуруқ пайтида дренаж сувларининг қаттиқ ёмғир ёққанда ёмғир сувларининг, баҳорда қор, ёмғир эришидан ҳосил бўлган сувларнинг тозалаш иншоотларига кирмай тўғри сув ҳавзасига ташланиши рухсат этилади.

Тозалаш иншоотларининг элементларини лойиҳалаш ҚМК 2.04.0385 нинг талаблари асосида бажарилади.

15-БОБ. СУНЬИЙ ҚОПЛАМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

15.1. Сунъий қопламаларга асосий талаблар

Грунтли учиш-кўниш тасмалар (ГУҚМ) сув тошқини ва қаттиқ ёмғир пайтларида, грунти ўта намланиб кетиши туфайли ҲК ларининг йил бўйи узлуксиз ишлашини таъминлай олмайди. ГУҚМ сочилувчан, чангсимон грунтда қурилган бўлса, ҳаво иссик кунларида чангиш кучли бўлгани сабабли ҳам ҲК ларининг ҳавфсиз ҳаракатини таъминлай олмайди.

Юқорида айтилган камчиликларни бартараф қилиш учун сунъий учиш-кўниш тасмалари қурилади (СУҚМ). Бундай қопламалар анча кўп юкламага чидайди ва об-ҳаво ноқулайликлари ва бузгунчи кучларидан қатъий назар ишлайверади.

Сунъий қопламалар магистрал туташтирувчи ва руллаш йўлларида, ҲК нинг туриш жойларида, перронларда қурилади. Замонавий сунъий қопламалар катта юқ кўтаришидан ташқари ҲК нинг ҳавфсиз ишлашини таъминлаш керак. Бунинг учун қоплама юзасига меъёрий нишаблик берилади, юзаси эса узок вақт текис ва равон бўлишига ҳаракат қилинади.

Тупроқ – грунт, гидрогеологик ва иқлимий шароитлар қулай бўлиб, учиш полосаси, сунъий қоплама ўта намланмаса ва чангимаса, қуи класс аэродромларда сунъий қоплама курмаса ҳам бўлади.

Аэропортнинг сунъий қопламаси мураккаб ва қимматбаҳо иншоот ҳисобланади. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида уни арzonлаштириш, сифати ва хизмат муддатини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратилади; оқилона конструкциялар танланади. Сифатли материаллар ишлатилади, грунт асоси турғун ҳолатга келтирилади. Сунъий қопламаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади: мустаҳкамлиқ, ишончлилик, узоқ муддат хизмат қилиш, юзаси чангимаслик; ҲК сининг ғилдираклари қоплама билан яхши илашишини таъминлайдиган даражада равонлик ва етарли даражада ғадир-будирлик; иқлимий ва гидрологик омилларга қаршилик; ер юзаси сувларининг грунт асосга ўтишига йўл кўймайдиган сув ўтказмаслик хусусияти; реактив двигателларнинг чиқинди газлари оқимига чидамлилик; ёнилғи ва мойлаш материалларининг зарарли таъсирига бардошлилик; қурилишининг соддалиги, механизация қўлланиши ва тежамлилиги; таъмирлаш ва эксплуатацияда қопламага қараб туриш ишларининг оддийлиги; маҳаллий қурилиш материалларини ишлатиш имконияти; катта тезликли ва оғир ҲК пайдо бўлганда қайта қуриш имкониятлари.

15.2. Сунъий қопламаларнинг конструктив қатламлари

Сунъий қопламаларнинг конструкцияси ҲК ларининг ҳисобий юкламаси, таянчлари схемаси, аэродромни эксплуатация қилиш жадаллиги, табиий грунт сифати каби омилларга боғлиқ. Сунъий қопламалар бир нечта қатламдан иборат бўлади (15.1-расм); қопламанинг ўзи – 1; табиий асос – 2; табиий грунтли асос – 3. Биринчи иккитаси ҳам, ўз навбатида, бир нечта қатлам бўлиши мумкин. Сунъий ва табиий асос иккови биргаликда қоплама асосини ташкил этади


Қопламанинг ўзи – юқори қатлам бўлиб, ҲК лари ғилдиракларидан юклама олади ва табиий омиллар таъсирига бевосита учрайди. Бу қатлам мустаҳкам бўлиши, ер юзаси сувларни асосга ўтказмаслиги, музлашга чидамли бўлиши, ейилишга қаршилик қилиши, ҲК лари шиналарини сирпантирмаслиги ва кўп едирмаслиги, поршенли двигателларнинг ҳаво оқимлари, реактив двигателларнинг газ оқимлари таъсирига чидамли бўлиши керак. Бу қатлам қалинлиги ҳисоблаб топилади.

Сунъий асос грунтларнинг юқ кўтариш қобилиятини айниқса, улар ўта намланиб қолганда оширади, тўшамаларнинг намлик режимини ростлайди, пастандаги ивиб кетган грунт ҲК оғирлиги таъсирида ташқарига ситилиб чиқишига йўл кўймайди, қоплама кўпчиб бузилишини олдини олади. Сунъий қопламага ишлатиладиган материаллар мустаҳкамлиги қопламанинг ўзига ишлатиладиганга қараганда яхширок бўлиши мумкин.

Табиий грунт асос, яъни грунтнинг юқори қатлами қопламадан тушаётган босимни ўзига олади ва бунда ҳавфли деформацияларга учрамаслиги керак. Табиий грунт асоснинг механик

хусусиятлари табиий омилларнинг йиллар давомидаги таъсири остида анча ўзгаради: намланади, қурийди, музлайди, эрийди. Намлиги ошса, юк кўтариш қобилияти пасаяди айниқса, унинг таркибида чангсимон ва тупроқ зарралари кўп бўлса.

Грунт музласа унинг ғовакларида муз пайдо бўлади, ҳажми ортади, эриганда яна зичлиги камаяди. Қишида грунт юзаси кўпчиб қолади. Баҳорда грунт ичидаги муз эрийди, ғоваклар сув билан тўлади, асос кўп сиқилиши туфайли кўтариш қобилияти кескин камаяди. Қопламанинг турғунлиги кўп жиҳатдан табиий грунт асосни тайёрлашга боғлиқ. Шунинг учун қоплама қуришдан олдин уни текислаб, шиббалаш лозим.



15.1-расм. Қопламанинг инструктив қатламлари.

1-қоплама, 2-асос, 3-грунтли асос


15.3. Қопламалар таснифи ва уларни конструкциялаш бўйича умумий қоидалар.

Аэрором қопламаларини қуидаги таснифлаш мумкин:

- ҲК лари гилдиракларидан юк тушганда қопламанинг ишлаш характеристи бўйича; б) хизмат муддати ва мукаммаллик даражаси бўйича.

Биринчисини яна икки гурухга ажратиш мумкин: бикир, нобикир. Бикир қоплама ҲК лари оғирлиги ва табиий омиллар таъсирида чўзилтирувчи кучланишларни қабул қила олади. Устига юк тушган қоплама эластик асосга эга бўлган плита каби ишлайди; қопламанинг деформацияси, одатда, эластик, плитанинг грунтга босими кам. Қоплама ўзига тушган юкни катта жойга тарқатади, яъни эзилиб ботадиган жой диаметри катта, эзилиш баландлиги жуда кичкина бўлади. (15.2а-расм). Бикир қопламаларга қуидагилар киради: олдиндан кучлантирилган монолит бетон ва темир бетон, олдиндан кучлантирилган темир бетон плиталар йиғмаси, монолит темир бетон, бетон ва армобетон қопламалар.

Нобикир қопламалар чўзувчи кучларни яхши қабул қилмайди. Юкларга қаршилик қилиши тагидаги грунтнинг сиқилиши ва ён томондан ситилиб чиқиш даражаларига боғлиқ. Юк остида эзилиш баландлиги катта, ботадиган жой диаметри кичикроқ бўлади (15.2б-расм).



15.2-расм. Қопламаларнинг юк остида ишлаш схемаси.

а – бикир; б – нобикир.

Баҳорги ва кузги тошқинлар даврида грунтга тушадиган босим кўпаяди, қопламанинг деформацияси эластик-пластик характерга эга бўлади. Нобикир қопламаларга қуидагилар киради: асфальтбетон, чақиқ тошли ва ёпишқоқ модда билан ишлов берилган бошқа мустаҳкам материал; ёпишқоқ модда аралаштирилган грунт ваа чақиқ тошли, грунт ва майда тошли ва грунтли.

Сунъий қопламалар ўзининг хизмат муддати ва мукаммаллик даражасига қараб капитал ва енгиллаштирилган турларга бўлинади. Капитал қопламалар узоққа учадиган ҲК лари учун мўлжалланади. Уларда кўтарилиш – кўниш амаллари кўп бўлади ва узок муддат хизмат қиласи. Ҳамма бикир ва асфальтбетон қопламалар капитал турга киради. Ўртача ҲК лари эксплуатация қилинадиган аэроромларда енгиллаштирилган қоплама қурилади. Бунга сараланган ва органик боғловчи материаллар қўшилган мустаҳкам чақиқ тошлардан қурилган қопламалар, худди шундай ишлов берилган чақиқ тош ва майда тишли қопламалар, органик ва ноорганик материаллар қўшилган, грунтли ва маҳаллий минерал материаллардан қурилган қопламалар киради.

Капитал қопламалар ҳамма йўл-иқлим зоналарда, гидрогеологик шароитлари I ва II тур бўлган участкаларда қурилади; III тур шароитда қурилмайди; зарурат туғилиб қолса, II турга яқинлаштириш учун қатор ишлар қилинади: куритиш, ер ости сувлар сатҳини пасайтириш. Кўтармалар қилиш каби.

Қоплама юзасини ер ости сувлари сатҳидан кўтариш ками билан 15.1-жадвалда кўрсатилгандек бўлиши керак. Шунда ер ости сувлари капиллярлардан чиқиб, қоплама асосини намлаши анча камаяди.

15.1-жадвал

Грунт асоси (кўтармаси)	Аэрором қопламаси юзасининг ер ости сувларидан баландлиги, м (ками билан), йўл-иқлим зоналари бўйича			
	I	II	III	IV
Ўртача заррали қум	1.1	0.9	0.8	0.7
Майда қум, қумлөк	1.6	1.2	1.1	1.0
Тупроқ, қумоқ, қум ва чангсимон қумлөк	2.3	1.8	1.5	1.3

Сунъий қопламалар қоидага мувофиқ, органик ёки ноорганик боғловчиларга қурилган материаллардан тўшалган сунъий асос устига қурилади. II тур гидрогеологик шароитларда грунтли асос тупроқ, қумоқ, чангсимон ва оғир қумоқ ёки чангсимон қумлөқдан иборат бўлса, асос конструкциясида яхши фильтровчи материаллардан дренажловчи қатlam қилинади. Унинг қалинлиги, агар ўрта ва йирик заррали қум ишлатилса, 15.2-жадвалдагидек бўлади.

15.2-жадвал

Табиий асос грунти	Аэрором қопламаси юзасининг ерости сувларидан баландлиги, м (ками билан), йўл-иқлим зоналари бўйича			
	I	II	III	IV
Тупроқ, қумоқ	35	30/35	20/25	15
Кумоқ ва чангсимон қумлөк	50	40/50	30/35	15/20

Изоҳ. Каср суратидаги қалинлик йўл-иқлим зонасининг жанубидаги районларда, маҳражидаги ракам – шимолий қисмida олинади.

Кейинги йилларда йўл ва аэрором қурилишида рулонли материаллардан синтетик қатламлар қилиб қоплама қилиш одат тусига кирди. Синтетик текстил қатламлар куритиш асоснинг механик мустаҳкамлигини оширади (сув – иссиқлик режими яхшиланиши ҳисобига); қатлам чўзувчи ва сурувчи кучларга яхши қаршилик қиласи. Синтетик материаллар ишлатилиши табиий материалларни кам талашиб қиласи, тежамли, технологиябоп, шундан, ноқулай иқлим шароитларида кўллаган маъкул.

Асос йирик заррали материаллардан бўлиб, бевосита тупроқ, қумоқ ёки чангсимон грунт устига ётқизилса ўртада балчиқ ўтказмайдиган қатлам ҳам бўлиши керак, акс ҳолда грунт ивиб кетганда, лойи (балчиғи) асос ичига кириб, йирик заррали материаллар билан аралашиб кетади. Ўртадаги қатлам боғловчи ёки бошқа материал билан қурилган қум, шлак, табиий тупроқдан бўлиши мумкин; у намланганда пластик ҳолатга ўтмайди; қалинлиги йирик заррали материал ичидағи энг катта заррачалиқ, лекин 5 см дан кам бўлмаслиги керак.

Грунти кўпчийдиган участкаларда сунъий асослар қуришнинг ўзига хос жиҳатлари бор.

II ва III йўл-иқлим зоналарида аэродром қопламаларини конструкциялашда музлаб кўпчишга қарши куйидаги тадбирлар қўрилади: қоплама чуқурлиги тубининг ер ости сувларидан кераклича баландлигини таъминлаш. (15.1-жадвал); қишида кўпчимайдиган баҳорда юкларга қаршилиги камаймайдиган грунтлардан фойдаланиш (кум, майда тош, шлак, чақиқ тош); музлаш чуқурлигини камайтирадиган иссиқлик сақловчи қатламлар ётқизиш.

Участка грунти кўпчийдиган хусусиятга эга бўлса, сунъий асос қилинади. Кўпчимайдиган грунтдан тўшалган сунъий асос ва қоплама, иккови кўпчимайдиган (турғун) қатлам хосил килади. Музлаш чуқурлиги 1 м гача бўлса, турғун қатлам қалинлигини ҳам шунча қилинади. Музлаш чуқурлиги катта бўлса, кўпчийдиган грунт қазиб олиниб, ўрнига кўпчимайдиган грунт ташланади. Унинг қалинлиги шундай бўлиши керакки, сунъий асос ва қоплама курилиб бўлгандан кейин грунтлар рухсат этилгандан ортиқ кўпчиб кетмасин.

Термоизоляция қатлам учун турли материаллар ишлатилади. Энг яхшиси пенопласт, иссиқликни кам ўтказади; сув ўтказмайди, чиримайди. У бўлмаса, керамзит бетон, шлакобетон ва бошқа ғовак материаллар ишлатиш мумкин, факат, шарти – совукқа чидамли бўлиши ва иссиқлик ўтказиш коэффициенти грунтнига қараганда 1,5...2 марта кам бўлиши керак. Ғовак ва сув ўтказмайдиган материаллар нам бўлмаслиги лозим. Шунинг учун бунақа термоизоляция қатлами рулон гидроизоляция материаллари ёки кум-битум аралашмали қатламлар ёки кумли асфальт орасига ётқизилади.

Термоизоляция қатлами музлаш чуқурлигини шунчалик камайтириши керакки, қопламанинг кўпчиши рухсат этилганидан ортиб кетмасин.

Сунъий қопламаларнинг тури ва конструкцияси ҳисобий юклама тоифасига, иқлимий ва гидрологик омилларнга караб танланади ва зарурий техник-иқтисодий далиллар ва маҳаллий материаллардан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади (15.3-жадвал).

СУҚМ, РЙ, ТЖ ва перронларнинг қопламаларига туташ ва двигателлардан чиқадиган иссиқ ҳаво ва газ оқимларига дучор бўладиган, аэродромдаги бошқа транспорт ва механизация воситалари таъсирида бўладиган участкалар мустаҳкамланади. Бу ҳақидаги тавсиялар 15.4-жадвалда келтирилган.

15.3- жадвал

Қоплама конструкцияси	ҚМК бўйича В/К	Юкламалар тоифаси бўйича қўлланиши					
		I	II	III	IV	V	VI
1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.
Олдиндаги кучлантирилган монолит темирбетон	+	+	+	-	-	-	-
Темирбетон	+	+	+	-	-	-	-
Армобетон	+	+	+	+	+	-	-
Заводда тайёрлаб олдиндан кучлантирилган темирбетон плиталардан йиғилган	-	-	+	+	+	-	-
Бетон	+	+	+	+	+	+	-
Асфальтбетон	-	+	+	+	+	-	-
Ёпишқоқ битум ёки қатронга қорилган, сараланган мустаҳкам чақиқ тошли материаллар	-	-	-	+	+	+	+
Органик ва ноорганик боғловчиларга қорилган грунт ва чақиқ тошли ёки грунт ва тупроқли материаллар	-	-	-	-	+	+	+

Изоҳлар: 1. Меъёрий юклама тоифаси ХК нинг асосий таянчига тушадиган меъёрий юклама орқали аниқланади.

2 “+” ишораси шу конструкциясини қўллаш мақсадга мувофиқлигини, “-“ ишораси – мувофиқ эмаслигини билдиради.

Мустаҳкамланадиган грунт асос конструкцияси	В/К	УҚТ учларига туташ участка четлари					РЙ, ТЖ ва перронлар четининг мустаҳкамланадиган участкалри				
		Меъёрий юклама тоифаси									
		I	II	III	IV	V	I	II	III	IV	V
Монолит бетон ва темирбетон плиталардан йиғма	+	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-
Ўрта ва иирик заррали аралашмалардан тайёрланган асфальтбетон	-	-	-	+	+	+	+	+	+	-	-
Органик боғловчиларга қорилган тошлар ва грунтлар	-	-	-	-	+	+	-	-	+	+	+

16 – БОБ. БИКР ҚОПЛАМАЛАР

16.1. Бикр қопламаларни конструкциялаш тамоийиллари.

Бикир қопламалар дунё аэродромларида кўп кўлланади. Уларнинг афзаликлиари: йил даврига ва учиш майдони грунти ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда катта юк кўтариш қобилияти; фидираклар тебранишига қаршилиги кам ($0,012\dots0,015$), куруқ ва хўл юзаларида сирпаниб ишқаланиш катта (ўртача 0,71); ҲК фидираклари таъсирида юзаси кам ейилади реактив двигателларнинг газ оқими ёнувчи-мойлаш материаллари таъсирига бардошли; курилишида механизация воситаларини, оқимли усусларни кўллаш имкони бор; эксплуатация харажатлари нисбатан кам. Бироқ, асосий материал – бетон чўзувчи кучларга етарлича қаршилик килолмайди, шу сабабли бикир бетон қопламалар ҳаракат ва чўкиш омилларига ожизрок; бу омиллар қоплама ичida зўриқишилар ҳосил қиласди, айникса, қотиш даврида. Бикир қопламаларнинг бу хусусиятлари ишончли конструкция яратишни ва салбий оқибатларни бартараф этадиган тадбирлар кўришни тақозо этади.

Ҳароратлар таъсирида қоплама ўлчамлари ўзгаради. Бундай ўзгаришларга қоплама ва асос орасидаги ишқаланиш тўсқинлик қиласди, натижада шунга яраша кучланиш ҳосил бўлади. бу ишқаланшни камайтириш учун битум шимдирилган коғоз, пергамент. Пластмасса плёнка ёки қумбитум аралашмасидан оралиқ қатлам ётқизилади.

Ҳарорат ва намлик ўзгарганда бикир монолит қопламаларда чўзувчи, сиқувчи ва буқловчи кучлар ҳосил бўлади, натижада плитада дарзлар пайдо бўлади. Бу кучларни камайтириш ва дарзларга йўл қўймаслик учун бетон, армобетон ва темирбетон қопламаларни алоҳида-алоҳида плиталарга ажратиб бўйлама ва кўндаланг чекли қилиб туташтирилади. Шундай қилинмаса қопламанинг ўзи майда плиталарга ажралиб кетади, дарзларга ёғин-сочин тушиб, табиий асосни ўта намлайди ва юк кўтариш қобилиятини пасайтиради. Дарз кетиши эхтимол жойларда бўйлама ва кўндаланг чоклар очиб, сув ўтказмайдиган материал тўлдирилади. Бу чоклар, одатда тўғри бурчак остида кесишиб ўтиши керак. Чокларни дуч келган жойдан очилса ёки режада сурисла, бурчаклар синиб туташган кўндаланг чокнинг давомида дарз ҳосил бўлади. Бундай емирилиш ҳарорат таъсиридаги деформациялар ва чоклардаги катта ишқаланиш кучлар таъсирида рўй беради.

Қоплама чоклари сиқилишга ёки кенгайишга ишлайдиган қилинади. Сиқилиш чоклари плиталарга ўз ўлчамини қисқартириш, яъни бетон қотаётганда ёки ҳарорат пасайганда сиқилиш имконини беради. Кенгайиш чоклари туташ плиталар орасидаги тирқиши бўлиб, унинг кенглиги ҳарорат ёки намлик ошганда плитанинг кенгайишига имкон беради.

Сиқилиш чоклари бўйлама ва кўндаланг чоклардан иборат. Кенгайиш чоклари аэродром элементлари орасида қўйилади (РЙ нинг РЙ га, РЙ нинг СУҚМ ёки ТЖ га ва туташ жойларига), шунингдек жуда мураккаб иқлимий ва гидрогеологик шароитларда қўлланади. Илгари кенгайиш чоклари ҳар $40\dots90$ марта қўйиларди. Бироқ кейинги йилларда қатор мамлакатларда чокдан воз кечилди, чунки улар қопламани кучсизлантиради. Қопламага юк тушганда бир-бири билан уланмаган плиталарнинг чеккалари ва бурчак қисмлари марказий қисмларига қараганда анча бўш бўлади. Плиталардан плиталарга куч ўтиши учун улар бир-бирига бириктирилади. Бириктиришга қуйидаги

талаблар қўйилади: харорат остида деформацияларда плиталар горизонтал силжишига йўл қўйиши керак (қишида сикиласди, ёзда кенгаяди); ғилдираклар таъсирида ёнма-ён плиталар вертикал кўндаланг суримаслиги керак. Ҳамма чокларда, қоидага биноан, штирли ва шпунтли бирикмалар қилинади.

Қопламалар қалинлиги ҳисоблаб топилади. Бикир қопламалар қуришда ишлатиладиган материаллар қатор талабларга жавоб бериши керак (16.1, 16.2 – жадвал).

Икки қаватли қопламаларнинг қуйисига, термоизоляция катламларга қумли бетон, керамзитбетон, домна печлардан чиқсан шлак асосидаги шлакбетон ишлатилади. Уларнинг маркаси ва ҳисобий тавсифлари 16.3 – жадвалда берилган. Бетоннинг совукка чидамлилиги 16.4 – жадвалда кўрсатилганидан паст бўлмаслиги керак. Аэродромнинг арматураланган бикир қопламасига стержен ёки сим арматура ишлатилади.

16.1 – жадвал

Аэродром қопламаси	Бетоннинг мустахкамлик бўйича энг кичик лойихавий класси	
	Букилишда чўзишиш, В	Сиқилиш В
Бир қатлами, олдиндан кучлантирилган темирбетон плиталардан йифилган, арматурали: сим ёки пўлат арқонли арматуралар стерженли арматура	4.0 3.6	3.0 25
Бир қатлами, монолит бетон, армобетон ва темирбетон, кучлантирилмаган арматурали	4.0	30
Икки қатлами монолит бетон, армобетон ёки темирбетон қопламанинг юқори қатлами, кучлантирилмаган арматурали	4.0	30
Икки қатлами қопламанинг қуи қатлами ва чокости плиталар	2.8	20

16.2 – жадвал

Бетон класси, букишдаги чўзишишга мустахкамлик бўйича, В	Букишдаги чўзишишга ҳисобий каршилик, МПа, ҳисоб турига қараб			Бетоннинг дастлабки эластиклик модули, МПа	
	мустахкамлик бўйича	дарз бўйича	кетиш	оғир	майда (қумли)
2.8/35	2.26	-		$2.60 \bullet 10^4$	$2.16 \bullet 10^4$
3.2/40	2.75	-		$2.84 \bullet 10^4$	$2.31 \bullet 10^4$
3.6/45	3.04	3.60		$3.04 \bullet 10^4$	$2.45 \bullet 10^4$
4.0/50	3.43	4.00		$3.24 \bullet 10^4$	$2.60 \bullet 10^4$
4.4/55	3.73	4.40		$3.53 \bullet 10^4$	-
4.8/60	4.10	4.80		$3.53 \bullet 10^4$	-
5.2/65	4.40	5.20		$3.73 \bullet 10^4$	-
5.6/70	4.80	5.60		$3.73 \bullet 10^4$	-
6.0/75	5.10	6.00		$3.82 \bullet 10^4$	-
6.4/80	5.50	6.40		$3.82 \bullet 10^4$	-

Изоҳлар: 1. Каср сифатида букишдаги чўзишишга мустахкамлик бўйича бетон класси, маҳражида – шунга мос, букишдаги чўзишишга мустахкамлик бўйича бетон маркаси (мустахкамликнинг ўзгариш коэффициенти 0,135 бўлганда).

2. Бетон класслари букишдаги чўзишишга кафолатланган мустахкамлигига 0,95 даражада жавоб беради. 3. Майдадаррали бетоннинг дастлабки эластиклик модули: юриклиги 2,0 дан юқори бўлган кумдан тайёрланган табиий қурийдиган бетон учун; ўша 2,0 дан кам; жадвал рақамларини 0,9 га кўпайтириш керак.

16.3 – жадвал

Бикир қопламаларнинг сунъий асослари учун бетон	Букишда чўзилишга мустаҳкамлик бўйича бетон класси В	Чўзилишга хисобий қаршилик R, МПа	Эластиклик модули E _b *10 ³ МПа
Керамзитбетон	1.6/20 2.0/25	1.2 1.5	12 13
Майдазаррали (қумли)	2.4/35 2.8/35	1.8 2.1	14 15
Шлакбетон	1.6/20 2.0/25 2.4/30 1.6/20	1.2 1.5 1.8 1.2	14 17 20 0.5

16.4 – жадвал

Иқлимий шароитлар	Бетоннинг совуқбардошлиги, энг камида		
	бир қатламли ва икки қатламли қопламанинг юқори қатлами учун	икки қатламли қопламанинг кўйи қатлами учун	
Юмшоқ	100	50	
Ўртacha	150	75	
Кескин	200	100	

Тўлдирувчи материал сифатида қўлланади: полимер зичлагичлар, эластик кистирмалар, резина-битумли (РББ)лар, изол, М-1 мастикалри (16.5-жадвал).

РББ қуюқ масса бўлиб, эски резина ушоқлари, битум, кумарон қатрон ва қўшимчалар – полизобутилен ва АК-15 нефт мойидан тайёрланади. Таркиби қуйидагича: резина ушоқ – 20, БНК – 4 битум – 63, кумарон қатрон – 5, полизобутилен П – 200- 5, ДК – 15 мойи -7.

16.5 – жадвал

Мастика маркаси	Мастика таркибидағи материаллар, массадан %						
	Резина ушоқ	Битум	Кийин эрийдиган котишма	Кумарон қатрон	Канифол	1-нав асбест	Майда қум
Изол-1	19.0	60.0	-	4.0	2.0	15.0	-
Изол-2	20.0	75.0	-	5.0	-	-	-
M-1	-	24.0	56	-	-	6.0	14

16.2 Бетон қопламалар

Бетон қопламалар бир ва икки қатламли бўлади. Бир қатламли қопламаларнинг энг катта қалинлиги бетон ётқизиш машиналарининг техник имконияти ва қабул қилинган қурилиш технологиясидан келиб чикади. Шундан ҳам қалин қоплама ётқизиш зарур бўлса, икки қатламли қилинади (22.1-расм).


Икки қатламли қопламанинг тагидагисига ориқ бетон, қумбетон, шлакбетон ёки керамзитбетон ишлатилади. Шлакбетон ва керамзитбетоннинг термоизоляция хусусияти яхши, шунинг учун уларни грунти кўпчийдиган жойларда, ернинг музлаш чукурлигини камайтириш учун қўлланади. Икки қатламли қопламанинг юқорисини бир қатламли қопламадаги сингари қилинади. Пастки ва юқори қатлам плиталари орасига полимер ёки рулон материалдан ажратиб турувчи қатлам ётқизилади, у ҳам икки қатлам бўлади ёки бунинг ўрнига 0,5...1,0 см қалинликда кум битум қатлам ётқизилади. Пастки қатлам остида сунъий асос барпо қилинади. Икки қатламли бетон қоплама қуриш қамроқ мустаҳкамликка эга бўлган маҳаллий материаллари (ориқ бетон, кум цемент ва б.) бор районларда самарали.

Бетон қоплама ички зўриқишилар туфайли ёрилиб кетмаслиги учун бир қатламли бўлганда ёки икки қатламнинг юқорисини томонлари 1:1дан 1:1,5 гача нисбатли тўгри тўртбурчак шаклида лойиҳаланади. Плитанинг томони кўпи билан 5 м (қалинлиги 0,3 м гача бўлса)дан ортмаслиги керак;

қалинлиги 0,3 м дан ортиқ бўлса – 7...7,5 м. пастки қатлам плитасининг томони 10м гача бўлиши мумкин.


Бетон қопламалар СУҚМ, РЙ, ТЖ, перрон ва бошқа участкалар билан туташган жойларда ностандарт плиталар қилинади. Уларнинг энг кичик томони 2,5...3,0 м бўлиши керак, акс холда плитага тез-тез юк тушганда турғунлиги йўқолади.

Тўғри бурчакли стандарт плиталар бетон қопламани қўндаланг ва бўйлама чоклар сиқилиш чоки)га ажратиб ҳосил қилинади (16.1-расм). Амалда кўп чок ҳосил бўлади, бу - унинг камчилиги, чунки чоклар емирилиш бошланадиган жой бўлади.



16.1-расм. Бетон қопламаларнинг намунавий кесими

а – бир қатламли; б – икки қатламли; 1 – цементбетон; 2 – ажратувчи қатлам; 3 – ориқ бетон (грунтоцемент); 4 – сунъий асос; 5 – табиий асос



16.2-расм. СУҚМ бетон қопламасида плиталарнинг жойлашиш схемаси.

1 – бўйлама чоклар; 2 – тарнов ўқи; 3 – қўндаланг сохта чоклар; 4 – бўйлама сохта чоклар; 5 – тарнов бўйи плиталар; 6 – отмостка (жияк).

Бетон қопламалардаги сиқилиш чоклари тирқишиз қилинади. Тирқиш кейин, плиталар сиқилганда ҳосил бўлади. Сиқилиш чоки перрон, рулон материалдан юпқа қистирмали бўлиши мумкин. Кўпинча, сохта чок кўринишда бўлади, бунинг учун плитани тепасидан $\frac{1}{4}$ қалинликкача қирқилади. Плитада ички зўриқиши ҳосил бўлганда шу жойидан дарз кетади ва сохта чок ростакам сиқилиш чокига айланиб қолади. Чоклар орасидаги масофа плита ўлчамларига боғлиқ, 5,0...7,5 м дан ортиқ бўлмайди.

Кенгайиш чоклари тирқишли қилинади. Чоклар орасидаги масофа қанча катта бўлса, чок ҳам шунча кенг бўлади. Кенгайиш чоки сиқилиш чоки вазифасини бажариши мумкин, лекин аксинча бўлмайди. Иккала хил чок сув ўтказмаслиги керак. Қопламани эксплуатация қилиш жараёнида чокларнинг эни доим ўзгариб туради; уни сув ўтказмайдиган материал билан ёпиб турилади. Бундай

материал сифатида полимер зичлагич, эластик қистирма, изол мастикаси ва резинобитумли боғловчи материал ишлатилади.

Бетон қопламаларда плиталарнинг туташ жойлари штири ёки шпунт кўринишида қилинади.


Штири бирикмада бир плитадаги куч бошқа плитага металл штири орқали ўтади. Бундай бирикма кўндаланг ва бўйлама чокларда ишлатилади. Штирлар А.1 класс думалоқ, силлик пўлатдан ишлатилади, диаметри 20...40 мм, узунлиги 40...50 см бўлади (16.6-жадвал). Штирлар қопламанинг юзасига, унга параллел ва чокка перпендикуляр қилиб, ҳар 30...50 см масофага кўйилади. Кенгайиш чокларидаги штирнинг бир учи плитага маҳкам бирлаштириб юборилади, иккинчи учи, қўшни плитада эркин туради, яъни бетон билан яхлит котиб кетмайди. Бунинг учун ўша учига картон, тол ёки тунукадан қалпокча кийгизилади, плитанинг ўлчами кенгайса ё торайса, штири қўзгалмай тураверади (16.3а-расм). Қалпокча ичидаги бўш жойга ёғоч ёки намат тиқин қўйилади, плита кенгайганда у сикилади. Плиталар орасига юмшоқ ёғочдан тайёрлаб, чиримайдиган ишлов берилган тахта қўйилади, қалинлиги плита қалинлигидан 4 см кичик бўлиши керак. Чокнинг юқори қисмига битум қўйилади. Сохта чок шаклидаги кўндаланг, сикилиш чокида штирнинг бор бўйи битум билан қопланади ва бетонга муфтасиз ва тахтасиз қўйиб юборилади (16.3 б-расм).

Плитанинг юқори қисмидаги ариқчага плита қалинлигининг $\frac{1}{4}$ қисмича битум қўйилади. Штирларнинг лойиҳа холатини таъминлаш учун уларни ягона конструкция сифатида йигиб, тайёрлаб ўрнатиш жойига келтирилади.

Шпунтли бирикмалар кўпинча бўйлама чоклар учун ишлатилади.

16.6-жадвал


Қоплама қалинлиги, см	Штир диаметри мм		Штир узунлиги мм		Штирлар ораси, см			
	тўғри	қайрилган	тўғри	қайрилган	тўғри	қайрилган	тўғри	қайрилган
					Ички чокда	Сохта чокда		
20 ва ундан кам 22-30 32-40	20 25 30-40	12 14 A 16	40 50 60	40 46 50	30 30 30	50 50 50	40 40 40	50 50 50



16.3-расм. Штири бирикма конструкцияси.

а – кенгайиш чоки; б – сикилиш чоки; в – штирларнинг планда жойлашуви; 1 – штирга битум суркаш; 2 – юмшоқ ёғоч ёки намат тиқин; 3 – қалпокча; 4 – монтаж арматураси; d=6 мм; 5 – битум; 6 – тахта; 7 – металл штир; 8 – 4x4 см кесимли, I=20 см, оралиғи 1 м; 10 – маҳкамловчи сим; 11 – пайванд; 12 – шпунт.

Қопламалардаги кичик механизация воситалари билан қурганда ёки плита устидан бетон ётқизилганда күндаланг чокларда шпунтли бирикмалар күлланади. Улар рельс формага маҳкамланадиган опалубка ёрдамида сиқилиш ва кенгайиш чоки күринишида курилади (16.4-расм). Шпунтли бирикмалар үлчамлари 16.7-жадвалда көлтирилген.




16.4-расм. Шпунтли бирикманинг конструкцияси.

а – сиқилиш чоки; б – кенгайыш чоки; 1 – битум мастика; 2 – битум суртиладиган жойлар; б=1...1,5 мм; 3 – тахта кистирма ($b=15$ мм).

16.7-жадвал

Плиталар қалинлиги см	Шпунтли бирикма элементининг ўлчами см		
	a	b	c
18	6.0	6.0	6.0
20	7.0	6.0	7.0
22	7.5	7.0	7.5
24	8.0	8.0	8.0
26	9.0	9.0	9.0
28	9.5	9.5	9.5
30	10.0	10.0	10.0

Қалинлиги 0,24 м дан кам плиталарда шпунтли чок қилиш тавсия этилмайды, чунки шпунт чети синиб кетиши мүмкін, унинг ўрнига перрон чок қўйилади. Плита четларини кучайтириш учун гир атрофи пайвандланган металл синч билан арматураланади. Синч 3-5 стержендан иборат; стержен диаметри 12...14 мм, А-11 класс пўлатдан. Ҳар бир синч юқори ва пастки арматурадан иборат, бир-бири билан диаметри 6 мм ли арматура билан боғланган. Плиталарни бетонлашдан олдин арматура каркас қалинлиги 2...3 см бетон таглик устига қўйилади. Плитанинг чеккаларини арматуралаш кенгайиш, сикилиш ва сохта чоклар бўйича бўлади (16.5-расм, 16.8-жадвал). Икки қатламли қопламаларда, катламларнинг чоклари бир-бири устига тушадијам, тушмайдијам (бир-бирига нисбатан $2h_0-h_b$ - юқори қатлам қалинлиги – микдорда силжиган бўлса, устма-уст тушмаган дейилади). Устма-уст тушган турида, ўзаро силжиш 1,5-2 h_b микдорда бўлади.



16.5-расм. Ички чокларда плиталарнинг четларини арматурадаш схемаси.

а – тахта қистирмали көнгайыш чоки; б – сиқилиш чоки; в – сохта чок; 1 – диаметри 12...14 мм ишчи арматура; 2 - 6 мм монтаж арматура; 3 – михлар 26мм; 4 – тахта ёруслар 4 x 4см, I=4 см хар 100 см

оралиқда; 5 – тахта қистирма, қалинлиги 1,5см; 6 – 7мм монтаж арматура; 7 – бетон қистирма 10x10x3см; 8 – битум сурков, қалинлиги 1...1,5мм; 9 – битум мастика.

16.8-жадвал

Плиталар қалинлиги см	А-II класс арматура стерженлари сони				
	Ички чокда		Сохта чокда		
	Юқори зона	Пастки зона	Юқори зона	Пастки зона	
16-22	4φ 12	4φ 12	3φ 12	3φ 12	
24-26	5φ 12	5φ 12	4φ 12	4φ 12	
38-30	5φ 14	5φ 14	4φ 14	4φ 14	
32-40	5φ 16	5φ 16	4φ 16	4φ 16	

Икки қатламли қопламанинг чоклари устма-уст туширилади, бўйлама ва кўндаланг чоклар бўйича учма-уч бириктирилади.

Чоклари мос келмаган икки қатламли қопламаларда учма-уч бириктириш фақат кўндаланг технологик чоклар бўйича килинади. Юқори қатлам плиталарининг пастки қисмида четлар арматураланади.

Бетон қопламаларнинг сунъий асосларига турли қумлар ишлатилади (16.9-жадвал), қалинлиги камида 15 см қилинади.

16.9-жадвал

Кум тури	Элақда тутилиб қоладиган зарралар сони (тешиклар ўлчами қўйидагича, мм, %)					Чанг-тупроқ зарралари (0,05 мм дан майда), % массадан; зиналарда	
	2	1	0.5	0.25	0.15	Ўртча намлик	Ортиқча намлик
Йирик	35 гача	50	-	90	-	7	5
Ўрта	20 гача	-	50	75	90	5	4
Майда	10 гача	-	-	50	90	4	3
Жуда майда	-	-	-	60	90	4	3


Аэрором қуриладиган жойларда асос грунти тупроқ қумоқ тупроқ, чангсимон ва оғир қумоқ тупроқ ёки чангсимон қумлоқ бўлса (булар сувни яхши шиммаса), ер юзи сувлари яхши қочирилмаса ва ер ости сувлари узоқ бўлса, бетон қопламалар органик ёки ноорганик боғловчиларга қорилган материаллардан қурилади ва асос конструкциясида дренажловчи қатлам қилинади. Гидрогеологик шароитлар ва табиий қумли грунтлар мавжуд бўлса, дренажловчи қатлам қилимаса ҳам бўлади.

Чақиқ тош ва майда тошли аралашмалар, тошчалар грунтнинг таг қатлами билан аралашиб кетмасагина, ишатилади. Асосларни бундай ҳолларда таг қатлам 10...15 см чуқурликкача мустаҳкамланади. Аралашманинг таркиби табиий грунт асосга мослаб танланган бўлса, мустаҳкамламаса ҳам бўлади. мустаҳкамлаш, одатда, III-IV йўл-иклим зонасида қилинади. II - зонада енгил қумоқ тупрокли, қумлоқ ва бошқа йирик заррали грунтларда мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг учун органик ва ноорганик боғловчилар: суюқ битум, тошкўмирли ёки торфли катрон, юқори смолали нефт, портландцемент, сўндирилган ва сўндирилмаган оҳак ишлатилади. Оҳакни IV-V йўл-иклим шароитларида ишлатиш чекланган, чунки у совуққа яхши чидамайди.

Чақиқ тош, майда тош, шлак материаллардан қилинган сунъий асос устига бетон қоплама қуришда, асос юзасига 3...5 см қум ёйиб текисланади. Ҳозирги вактда асос учун органик боғловчиларга қорилган материаллар ишлатилади.

Турли сунъий асослар устига бетон қопламалар қуриш варианtlари 16.6-расмда берилган.

Суриувчи қолипли ДС – 100 машинаси билан цементбетон (жумладан, армобетон) қопламалар қуришнинг қатор афзалликлари бор. Бўйлама ва кўндаланг чоклар қотган бетон юзасида қиркиб очилади; эни 0,6...0,8 см, чуқурлиги плита қалинлигининг $\frac{1}{4}$ қисмича, кейин бу чокка мастика ёки зичлама тўлдирилади. Икки қатламли қопламадаги кўндаланг чоклар қатламлар бўйича устма-уст тушмайди. Бунда юқори қатламга штирли бириктирувчи кўйилмайди, чунки бу ҳолда пастки қатлам чок ости плита вазифасини ўтайди.



16.6-расм. Турли асослар устига қурилган бетон қопламаларнинг конструкциялари.

а – күмда; б – күм ва турғун қилингандык грунтда; б-в – күм ва майда тош аралашмасыда; 2 – майда ва чақиқ тош, күмда; д – икки қатламли асос (пастки қатлам грунтоцементда, асоси күм); 1 – бетон; 2 – ажратувчи қатлам; 3 – күм; 4 – таг грунт; 5 – турғун қилингандык грунт; 6 – күм ва майда тош аралашмасы; 8 – майда тош; 9 – чақиқ тош; 10 – шлак; 11 – ажратувчи қатлам (күм-битум түшшеме); 12 – грунтоцемент; 13 – ориқ бетон.

Бир қатламли қопламаларда штирли бирикмалар қилиш рухсат этилади. Қоплама юзасига яхши пардоз берилгани учун қатламлар орасига ажратувчи қатлам қилмаса ҳам бўлади. Ишқаланишни камайтириш мақсадида битум қуийлади; у бетон юзасини ҳимоя ҳам қиласи.

Бетон қоришма ҳавони ўзида яхши ушлаб туриши ва бетон ётқизиш машинаси ўтганда плита қирралари бузилмаслиги керак. Янги ётқизилган бетон четлари энг кам даражада деформацияланиши учун бетон қоришмани шундай лойиҳалаш керакки, конус чўкиши ўртача 2 см дан ошмасин. Бунда бетон ётқизиш машинасининг тезлиги 2 м/мин дан ортиқ бўлмаслиги керак.

16.3. Темирбетон ва армобетон қопламалар

Бикир қопламаларнинг иши асосан букилишга хизмат қиласи, яъни чўзувчи кучларга қаршилик қилиш хусусиятига эга. Бетоннинг чўзилишига қарши мустаҳкамлик чегараси сиқишидагига қараганда анча кам, шунинг учун қопламанинг бетон плиталари анча қалин ва режада кичик ўлчамли бўлади. Бу камчиликни тузатиш учун бетон ичига пўлат арматуралар қўйиладики, улар чўзувчи кучланишни қабул қиласи. У бетон қопламанинг чўзилган зонасига қўйилади.

Темирбетон қопламага ХК дан юк тушганда ва табиий омиллар таъсир этганда, чўзилган зонасида дарзлар пайдо бўлади. У ерда чўзувчи кучларни арматура, сиқувчи кучларни – бетон қабул қиласи. Дарздан кўндаланг ўтган арматура, у кенгайиб ва чукурлашиб кетишига йўл қўймайди. Бетон қопламанинг чўзувчи кучлар энг катта жойларига арматура қўйилади. Бетоннинг арматура билан тўлиш даражаси фоиз билан ўчанади; $\mu = F_a/F_n \cdot 100$. Бу ерда F_a – арматуранинг кўндаланг кесими юзаси; F_n – плита кўндаланг кесими юзаси; фойдали кесим баландлиги h_o , эни – b , μ нинг оптималь қиймати 0,25-0,40%. Шунда плитанинг сиқиладиган жойлари ҳам, чўзиладиган жойлари ҳам энг самарали ишлайди.


Темирбетон қопламаларда ҳам бетон қоплама сингари режада бўйлама ва кўндаланг чоклар қилиб, тўртбурчак плиталар ҳосил қилинади. Плиталар узунлиги, яъни кўндаланг чоклар ораси 20 м олинади. Сиқилишга ишлайдиган бўйлама чоклар технологик чоклар билан устма-уст тушади; бу чоклар орасидаги масофа бетон қазиши машинасининг эни 7...7,5 м га teng бўлади. Бир хил юкламалар учун темирбетон плитанинг қалинлиги бетон плитанинига қараганда 15...25% кам, лекин пўлат сарфи 12...22 кг/м² гача етади.

Темирбетон қопламаларга диаметри 12...18 мм, А-II класс профилли арматурадан нуқтали пайвандлаш усули билан ясалган тўр ёки синг ишлатилади.

Арматура, плитага тушадиган букувчи моментларга мувофиқ ҳолда, плита кесимининг юқориси ва пастки қисмларига, кўндаланг ва бўйлама қилиб жойлаштирилади.


Арматуралар плиталарнинг чети бўйлаб юқорида ва пастки қисмида ва плита марказий қисмининг пастки зонасида энг кўп жойлаштирилади. Плита марказий қисмининг маркази ва четларининг кўндалангига арматуралар кам қуийлади (16.7-расм)

Арматуранинг зарурий юзаси ва стерженлар диаметрига қараб, стерженлар орасидаги масофа 10...30 см олинади, бу бетон ётқизишда кулайлик яратади. Конструкцияни ишлаб чиқишида турли диаметрли стерженлардан энг кам миқдорда ишлатиш керак. Пўлатни коррозиядан саклаш мақсадида ҳимояловчи бетон қатлам қуилади, қалинлиги юқори арматура учун 4 см дан, пастки учун – 3 см дан кам бўлмаслиги керак. Шунда арматура коррозиядан яхши сакланади.



16.7-расм. Темирбетон плита конструкцияи.

а – пастки ва юкориги арматура режаси; б – монтаж арматураси; в – бетон таглик; г – синчларни жойлаш схемаси; 1 – юкори түр 1-В (бир плитага иккита); 2 – юкори түр 2-В (бир плитага учта); 3 – пастки түр 2-Р (бир плитага учта); 4 – пастки түр 1-Н (бир плитага иккита); 5 ва 6 – монтаж арматура; 7 – бетон қистиirma; 8 – синч; 9 – синч 2.



16.8-расм. Темирбетон коплама чокларининг тузилиши


а - кенгайиц чоки; б - сикилиш чоки; I - паррон чок; II - шпунтлиш чок; III - сохта чок.

Плиталар учун бир нечта алоҳида синчлардан тузилган арматура ишланади. Синч ўлчамлари 7×7 м ёки $7,45 \times 7,45$ м (бетон ётқизиш машинасининг эни). Ҳар бир синч пайвандланган иккита (пастки ва юқориги) тўр ва монтаж арматурасидан иборат; монтаж арматура тўрларни лойиха ҳолатда ушлаб туради. Синч бетон таглик устига қўйилади; таглик ҳимоя қатлам ҳосил қиласи (тагликлар монтаж арматураси жойига қўйилади).

Синчнинг арматура тўри контакли электр пайванд усули билан тайёрланади; тўрнинг чеккадаги иккита қаторида ҳар бир тугун пайванд қилинади; қолган тугунлар тугун оралаб, шахмат тахтаси тартибида пайвандланади. Арматура бутун плита бўйича ишончли ишлаши учун алоҳида алоҳида синчлар бир-бирига боғланади. Синчларнинг учи устма-уст кўйиб бириктирилади. Устма-уст жой узунлиги арматура диаметридан 30 ҳисса кўп қилинади. Синчлар ётқизилгач, туташ жойлардан сим билан ўралади. Устма-уст туташтиришдан ташқари бўйламасига стержен кўйиб пайвандланса ҳам бўлади. бунда устма-уст тушган жой узунлиги арматура диаметридан 10 ҳисса кўп. Бўйлама стерженни пайвандлаётганда устига-остига пластина кўйиб пайвандланади. Унинг калинлиги 4 мм дан кам бўлмаслиги, умумий ҳолда стержен диаметрининг 0,2 қисми баробарида. Бўйлама сиқилиш чоклар шпунтли ёки паррон қилинади, кўндаланги эса штирли, паррак ва сохта қилинади (16.8-расм). паррон ва сохта чокларнинг четлари арматура стерженларини яқин жойлаб кучайтирилади.

Армобетон қопламалар ҳам темирбетоннинг ўзи, лекин бунда арматуралаш фоизи камроқ. Бундай кесимларда чўзувчи кучланишни ҳам арматура, ҳам бетоннинг ўзи қабул қиласи. Армобетон қопламанинг юкориги юзаси пўлат арматура билан мустахамланиши ва чоклар кам бўлиши хисобига

узок муддат ва турғун ишлайди. Арматура борлиги сабабли кўзгалувчи юкламалар ва ҳарорат ўзгаришлари дарз пайдо килмайди, яхши эксплуатация хусусиятларни таъминлади. Бундай қопламаларда арматура сифатида диаметри 10...18 мм АII класс стерженлардан ишланган тўрлар ишлатилади. Улар қоплама кесимининг юкори қисмида, сиртидан плита қалинлигининг 1/3...1/2 қисмича паст жойлаштирилади (16.9-расм).




16.9-расм. Армобетон плитани арматуралаш.

а – тўр режаси; б – плита режаси ва I, II, III тўрларни ётқизиш кетма-кетлиги; в – тўр конструкцияси; г – ўрнатиш синчи. 1 – бўйлама стерженлар; d=100 мм, I=730 мм; 2 – синч хомути, d=10 мм(ҳар 80 см оралиқда жойлаштирилади); 3 – шпилка d=10 мм, I=40 см оралиқ билан ўрнатилади; 4 – ўрнатиш синчлари.

Плиталарни бўйлама арматуралаш фоизи 0,10...0,15 стерженлар оралиғи 15...40 см, пўлат сарфи 6...8 кг/м². пайвандланган тўрлар ёрдамида арматураланади. Тўр маҳсус синчга ўрнатиб пайвандланади (бир плитага 14 та тўр). Алоҳида-алоҳида тўрлар учи бир-бирига устма-уст қўйиб қисман пайвандланади ва бир-бирига боғланади. Стерженли тўр плитанинг энидан стержен диаметрининг 15 ҳиссаси баробарида бўйидан – 30 ҳисса баробарида чиқиб турадиган қилиб ётқизилади. Плитанинг бўйича тўрларни жойлашда 1 м оралиқ қолдирилади.


Армобетон қопламалар бўйлама ва кўндаланг чоклар (сиқилиш чоки) ёрдамида тўғри тўртбурчак плиталарга ажратилади. Кўндаланг чоклар орасидаги масофа қуйидагича (кўпи билан): суткалик ўртача ҳароратнинг йиллик амплитудаси 45°C ва ундан ортиқ бўлса – 10 м; 45°C ва ундан кам бўлса – 15 м (суткалик ўртача ҳароратнинг йиллик амплитудасини энг иссиқ ойнинг энг катта ўртача ҳароратидан энг совук ойнинг энг кичик ўртача ҳароратини айириб топилади). Мухандислик-геологик шароитлар мураккаб районларда армобетон ва темирбетон плиталар узунлиги 10 м дан оширилмайди. Армобетон қопламаларнинг бўйлама чоки технологик чоки билан устма-уст туширилади.

Бўйлама сиқилиш чоклари, одатда, шпунтли ёки паррон қилинади; кўндаланг чоклар – штирли, паррон, сохта қилинади; кўндаланг чоклар – штирли, паррон сохта қилинади (16.10-расм). Армобетон плиталар режаси 16.11-расмда берилган.



16.10 – расм. Армобетон қопламалар чокининг тузилиши

а – кенгайиш чоки, бикир асосда штирили уланма билан; б – сиқилиш чоки, сохта, штирили уланма билан; 1 – армобетон; 2 – сунъий асос ёки мавжуд бетон қоплама; 3 – ўрнатувчи синчнинг бўйлами стерженлари; 4 – ўрнатувчи синчнинг хомутлари; 5 – металл шпилкалар; 6 – металл штир; 7 – битум сурков, штир узунлигининг 2/3 кисмида; 8 – картон қалпокча; 9 – юмшоқ ёғоч ёки материалдан (намат, қипик) тиқим; 10 – тахта, калинлиги 2 см; 11 – чокни тўлдирувчи; 12 – плитанинг ишчи арматураси; 13 – ўрнатиш стержени; 14 – бурчак профил; № 7,5/5, в=5 см.



16.11-расм Аэродромнинг армобетон плитаси ёйилма режаси.

а – СУҚМ нинг магистрал РЙ билан туташ жойи; б – СУҚМ нинг туташтирувчи РЙ билан бириккан жойи; 1 – шпунтли сиқилиш чоки; 2 – сиқилиш чоки, сохта, штирли бирикма билан; 3 – паррон чок, плита четлари арматураланган; 4 – отмостка (жияк); 5 – ўтиш полосаси.

16.4. Олдиндан күчлантирилган монолит темирбетон қопламалар

Бетоннинг чўзилишига мустаҳкамлиги жуда кичик, узилгунча чўзилиш ҳам анча кам. Булар бетоннинг жиддий камчиликлари. Бетоннинг узилишдан емирилиш онидаги чўзилиши тахминан $0,15 \text{ мм/м}$ га teng. Бундай чўзилишда арматуранинг кучайганлиги 30 МПа га етади. Шу сабабдан


арматура ўз мустаҳкамлигини йўқотмай турибок бетоннинг чўзиладиган зонасида дарзлар пайдо бўлади. Шундай бўлмаслиги учун, қоплама узоқ вақт хизмат қилиши учун олдиндан кучлантирилади (зўриқтирилади).

Олдиндан кучлантирилган монолит темирбетон қопламалар чўзувчи ва букувчи кучларга яхши қаршилик қилиши туфайли дарзлар пайдо бўлишига ҳам қаршилик қиласди. Бу, бетон қопламаларга қараганда қалинликни 1,5...2,0 марта камайтириш, ва оддий темирбетон қопламаларга қараганда металл сарфини 2...3 марта камайтириш имконини беради. Қопламаларни катта ўлчамли плиталардан қуриш мумкин бўлгани учун чоклар сонини камайтириб, эксплуатация хусусиятларини яхшилаш мумкин.

Аввалдан кучайтирилган қопламалар юқорида айтилган афзалликлардан ташқари қатор камчиликларга ҳам эга: технологик ускуналар ва иш жараёни мураккаб, хавфсизлик техникаси бўйича кучайтирилган чоралар кўриш лозим. Бундай қопламани монолит кўринишда факат тўғри чизикили участкаларда қуриш мумкин. Қопламаларнинг эгри чизикили участкалари, РЙ ва СУҚМ ёки ТЖ ларнинг туташ жойлари, тарнов қаторлари бетон ёки темир бетондан қилинади.

Арматурани ҳамма томонидан сиқиш тури, ётқизиш усули ва таранглаш даврийлигига қараб, қопламалар қўйидаги турларга ажратилади: бетон қотгач арматурани таранглаб; бетон ташлангунча арматурани таранглаб; арматурасиз ҳар томондан сиқиш усули билан.

Мамлакатимиз аэродром қурилишида иккинчи усул кўп қўлланади. Бунда арматура ингичкарок бўлади, тор симини эслатади. Шундай усул билан қурилган қоплама “симбетон” (струнобетон) дейилади. Унинг асосий элементлари (16.12-расм): симбетон плиталар (1), кўндаланг чоклар (2), технологик узилиш участкалари (3), бўйлама чоклар (4), анкерли тираклар (5), чок ости плиталари (6), сунъий асос (7).




16.12-расм. Симбетон қоплама схемаси

Анкерли тираклар қопламага бетон ташлашдан олдин кучайтирилган бўйлама арматуралардан кучни вақтинча қабул қилиш учун қурилади; у ҳар бир “захватка”нинг (500-700 м оралаб) учларида бетон анкер кўринишида бажарилади; бетон анкер плита ва грунтга 1,5...2,5 чуқур қоқилган шпорлардан иборат. Симбетон плиталар бир ўқ ёки икки ўқ (бўйлама) бўйича ҳар томонлама сиқиб, қурилади. Бетондаги бўйламасига олдиндан берилган кучланиш йўқотишларни ҳисобга олганда 2 МПа дан, кўндалангиси (икки ўқ бўйлаб сиқилганда) – 1 МПа дан кам бўлмаслиги керак. Кучлантириладиган бўйлама арматура сифатида диаметри 4...5 мм бўлган сим арматура ишлатилади. Симнинг сирти профилланган бўлса, махсус анкер қурилмаси керак бўлмайди, чунки бетон қотганда усти ғадир-бутир симнинг ўзи таранглашиб қолади. Шунинг учун симбетон қопламаларда арматурани бўшатиш, уни анкер плиталардан ажратиш ёки кўндаланг чокларни қирқиши билан бажарилади.

Кучлантирилган арматура плиталарга бир ё икки қатор, 2-3 см ини даста-дасти қилиб жойланади. Дасталар ораси 8 см дан кам бўлмайди, шунда бетонни яхши зичлаш мумкин. Плитани кўндалангига кучланмаган ёки кучлантирилган арматура билан арматураланади. Кўзгатувчи кучлар жадал хосил бўладиган участкаларга кучлантирилган арматура – дастали ёки стерженли – қотган бетонда таранглаб, қўйилади. Кучлантирилган кўндаланг арматура бир қатор жойлаштирилади. Бунда плитанинг пастки текислигидан канал ўқигача масофа 8 см қилинади, шунда дарзлар олди

олинади. Кучлантирилмаган арматура плитага 2 қатор: тепа ва қуйи қисмiga ўрнатилади. Бундай арматура учун А-II класс пўлатдан, диаметри камида 10 мм бўлган даврий профилланган пўлат ишлатилади. Стерженлар ораси 10...30 см бўлади. Плитанинг бурчаклари ва четлари, кўндаланг чок олдида, чок ости бетон плита ҳисобига кўпайтирилади (16.12-расм)




16.13-расм. Кўндаланг чокнинг тузилиши

1 – жипсловчи материал; 2 – қоплама плитаси; 3 – симлар; 4 – чок ости плитаси; 5 – ёғоч тиқин; 6 – тахта.

Кўндаланг чоклар икки хил бўлади. Биринчиси (16.13а-расм) қалинлиги 2 см иккита тахтадан иборат, орасида 2,5 см тирқиши бор, у жипсловчи материал билан тўлдириллади. Чокнинг умумий эни 6...6,5 см. Иккинчиси (16.13б-расм) 2,5...3,0 тирқиши ва жипсловчи материал тўлдирилган. Бир ўқ бўйича қисиладиган ва қалинлиги 24 см дан ортиқ қопламаларда бўйлама чоклар шпунтли қилинади; 24 см гача бўлса паррон қилинади ва плитанинг юкори ва пастки қисми кучлантирилмаган пўлат стержен билан қўшимча арматураланади. Бетонга аввалдан ҳосил қилинган кучланишларни ўтказиш ва плита таглигининг асосга ишқаланишини камайтириш учун бетон қотгандан ҳар 50...100 м да кўндаланг чоклар қилинади (16.12-расм)

Технологик узилишлардаги қопламанинг қалинлиги ва арматуралаш даражаси ҳисоблаб топилади ва темирбетон ёки армобетон қилинади (16.14-расм). Узилиш жойларининг узунлиги арматурани кучлантириш схемаси, арматурани тарангловчи ускуна ўлчамлари ва анкер тирак ўлчамларига боғлик.



16.14-расм. Технологик узилиш жойида қоплама кўриниши.

1 – технологик узилишнинг армобетон плитаси; 2 – тахта тиқин; 3 – симбетон қоплама плитаси; 4 – грунт цементли сунъий асос; 5 – чок ости плитаси; 6 – анкер тирак.

16.5. Аввалдан кучлантирилган темирбетон плиталардан йиғилган қопламалар.

Бундай қопламаларнинг қўлланиши плиталарни завод шароитида саноат йўли билан ишлаб чиқариб, курилиш майдонида факат йиғиш ишларини бажариш имконини яратади. Бунда курилиш материалларини сақлаш, бетонга қориш ва ётқизиш жойига ташиш ишларига зарурат бўлмайди. Шунингдек ишчи кучлари бир текис ишлатилади, курилиш, таъмирлаш ва қайта куришда мавсумийлик йўқолади.

Йиғма қопламалар вакт тифиз бўлганда айникса, мақсадга мувофиқ; қишида кўтариш қобилиятини ошириш мақсадида қайта қуришда, мавжуд қопламаларни кенгайтириш ва узайтиришда, таъмирлашда, йиғма қопламанинг сифати юкори бўлиши завод технологиясига боғлик янги ташланган бетон котишига туриш зарурати ҳам бўлмайди.


Йиғма қопламаларга монолит қопламаларга қуйиладиган талаблардан ташқари яна бир қатор күшімчы талаблар қўйилади: плиталарни завод ёки полигон шароитида осон тайёрлаш технологияси; плиталарни темир йўл ва автотранспорт билан ташиш кулайлиги; қопламани йиғишида оддийлик, кулайлик ва бир хиллик; қопламанинг бир текислиги; плиталар асосга жипс қўйилиш; плиталарни бир-бирига биректириш ишончлилиги.

Бир ва икки ўқ бўйича аввалдан кучлантирилган плиталар конструкцияси ишлаб чиқилган. Икки ўқ бўйича аввалдан кучлантирилган плиталар ПАГ – IX арматура пўлати нисбатан кам бўлади, юзаси керакли даражада мустаҳкам ва дарз кетишга бардошли бўлади (16.15-расм)


Плита ўлчамлари планда $3,2 \times 6,0$ м, икки ўқ бўйича кучлантирилган, мустаҳкамлиги юкори, диаметри 3 мм пўлат симдан ясалган икки қатлами арматура жойланган.

Дастлабки кучланишнинг ўртача қиймати бўйлама йўналишда 2,8 МПа, кўндалангига – 2,1 МПа.


Бир ўқ бўйича ҳар томонлама қисиб аввалдан кучлантириб тайёрланадиган плиталар (ПАГ – XIV) нинг кўлланади (16.16расм). Унинг ўлчамлари 2×6 м, қалинлиги 0,14 м, массаси 4,2 т.



16.15-расм. ПАГ – IX плитасининг конструкцияси.
а – арматуралаш режаси; б,в – қирқимлари



16.16-расм. ПАГ – XIV плитасининг конструкцияси
а – пастки арматуранинг жойлашиш режаси; б – ўша, юкориги; 1 – даврий профилли (пўлат арматура); 2 – совук ҳолда тортилган пўлат симдан кучлантирилмаган арматура; 3 – стерженли арматура; 4,5 – скобалар; в – совук ҳолда тортилган пўлат симдан спирал.



16.17-расм. ПАГ-XIV плитасини туташтириш деталлари

а - туташтирувчи скоба (плитанинг учларидаги қирралари бўйича); б – бирлаштирилган (туташтириш ва монтаж) скоба (плитанинг ён қирралари бўйича); 1 – туташтирувчи скоба $d=20$ мм, $I=400$ мм; 2 – анкер стерженлар $d=10$ мм, $I=250$ мм; 3 – бирлаштирилган туташиш ва монтаж скобалари $d=20$ мм, $I=300$ мм.

Плита тайёрлаш учун сиқилиш бўйича 300 маркали бетон ишлатилади. Плита бўйламасига диаметри 14 мм, даврий профилли кучлантирилган стержен билан, кўндалангига – диаметри 5 мм, совуқ ҳолда тортилган, кучлантирилмаган оддий сим билан арматураланган; четлари эса диаметри 10 мм стерженлар билан арматураланган. Ҳаммаси бўлиб плитага 127,2 кг, 1 кв.м. га 11 кг арматура ишлатилади. Ҳимоя қатлам қалинлиги 27мм. Плитанинг бурчаклари қўшимча бурчак шаклии стерженлар билан арматураланади. Плитада бўйлама дарзлар пайдо бўлмаслиги учун арматура стерженларининг учларига, диаметри 3мм, совуқ ҳолда тортилган пўлат симдан тайёрланган, узунлиги 15 см бўлган спираллар қўйилади.

Қоплама плиталарининг ҳолати барқарор бўлиши учун, бир-бирига учма-уч маҳкамланади; бунда горизонтал скобалар ишлатилади; скобалар плита тайёрланаётган пайтда ичига қўйиб юборилади, кейин йигилган жойда бир-бирига пайвандланади. Скобалар диаметри 28 мм А-I класс, силлик пўлатдан тайёрланади (16.17-расм). Плитанинг бўйлама қирраларидаги скобалар, уни қўтариш-туширишда илмоқлар учун ҳам фойдаланилади.

Плиталарни тайёрлашнинг техник шартларига қўра, улар дарз, чети учган бўлмаслиги, нотекислиги 5 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак. Плитани тайёрлашда унга аввалдан кучланиш бериладиганда (стерженларни электротермик усул билан кучлантириб қирқсанда) бетоннинг сиқилиш мустаҳкамлиги 2 МПа дан кам бўлмаслиги керак.

ПАГ – XIV плиталар бир ғилдиракка келтирилган 120 кН юкламага ҳисобланадиган қопламаларга мўлжалланган. Айрим ҳолларда сунъий асос мустаҳкам бўлса, 170 кН юкламада ҳам қўллаш мумкин. Оғирроқ юкламалар учун ПАГ – XVIII, ПАП-26а плиталари ишлатилади.

ПАГ – XVIII плитанинг қалинлиги 18 см пландаги ўлчамлари 6х2 м ПАГ – XIV га қараганда кучли арматураланган (16.10-жадвал) 170-200 кН юкламага мўлжалланган. Темирбетон буюмлар заводидаги технологик ускуналарнинг юк қўтариш қобилияти булардан ҳам катта юкламада ишлай оладиган плиталарни ишлаб чиқаришга камлик қиласи, чунки қалинлик ортади, арматура кўпаяди. Шунинг учун юк қўтариш қобилияти ошириш ичи бўш плиталардан фойдаланишини тақозо этади. ПАП-26а (плита аэродромная пустотная) шундай пайдо бўлган. Плитанинг бўшликлари бўйлама жойлашган, диаметри 14 мм, А-IV класс пўлат стерженлардан қўшалоқ қилиб арматураланган. Кўндалангига плитанинг пасти ва чет қисмлари арматураланган (диаметри 10 мм, А-II класс стреженлар); плитанинг ўрта қисми ва юқориси диаметри 5 мм, В-I класс пўлат сим билан арматураланган.

Аввалдан кучайтирилган темирбетон плиталарининг ҳамма турлари қопламага ётқизилаётганды, катта томони ҲК лари харакати йўналишида ётиши керак. Шунда ҲК кўтарилиши ва қўниши учун қулай бўлади.

16.10-жадвал

Плита тури	Режада ўлчамлари, м	Баландлиги, см	Массаси, т	Плитага бетон сарфи, м ³	1 м ² плитага арматура сарфи, кг	
					кучлантирилган	жами
ПАГ-XVIII	2 x 6	18	5.4	2.16	7.0	13.7
ПАП-26 а	2 x 6	27	5.4	2.16	7.0	16.2

Қопламада деформация (ҳарорат) чоклари қилинади. Кўндаланг ва бўйлама чоклар орасидаги масофалар перронларда ва ТЖ ларда қуидагида бўлиши керак: ўртача ойлик ҳароратларининг йиллик амплитудаси 45⁰С дан ортиқ бўлса – 12 м; 30...45⁰С бўлса - 18 м; 30⁰С дан кам бўлса – 24 м. СУҚМ даги йигма қопламада бўйлама чоклар қилинмайди. Плиталар чокларидан бир-бирига (ҳарорат чокидан бошқа) пайвандланади. Ҳарорат чокда пайванд қилинмайди. Йигма қоплама плиталари орасидаги чоклар паронзол ёки стандарт мастика билан тўлдирилади. Ҳарорат чокларидан бошқа ҳамма чокларнинг пастки қисмини, қалинликнинг 2/3 қисмича қум ва цемент аралашмаси билан тўлдириш мумкин; бу паронзол ёки мастикаси бир мунча тежайди.

Йигма қоплама, одатда, мустаҳкам сунъий асос устига қурилади. Бундай асос учун қум ва цемент, грунт ва цемент аралашмалар, чақиқ тош, шлак, қум ва майда тош, грунт ва чақиқ тош, грунт ва майда тош аралашмалари, боғловчи материалга қараб ёки қормасдан ишлатилади; гидрогеологик шароитлар қулай бўлса – сифатли қум ишлатиш мумкин. Плиталар сунъий асос билан яхши жипсланиши учун қум ва қум-майда тош аралашмаси ишлатилган ҳолдан барча турларда қалинлиги 2...4 см бўлган қум ва цемент аралашмасидан текисловчи қатлам ётқизилади. Бунда 300 маркали цемент сарфи, 1м³ қум учун (намлиги оптимал бўлса) камида 250 кг бўлиши керак. Қум ва қум-майда тош аралашмаси асослар устига қумдан қалинлиги 4...6 см текисловчи қатлам ётқизилади.

16.6. Аэродромларни қайта қуришда мавжуд бикр қопламаларни кучайтириш.

Мавжуд қопламаларни кучайтириш қуйидаги сабаблар билан тақозо этилади: қопламаларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш зарурати; қопламада ҲК ларини хавфсиз ишлатиш учун йўл қўйиб бўлмайдиган ва жорий таъмир билан тузатиб бўлмайдиган нуқсонлар (ўйиклар, юқори қатламнинг кўп емирилиши) борлиги. Қопламани кучайтириш усули меъёрий юклама ва мавжуд қопламанинг ҳолатига қараб аниқланади. Мавжуд қопламаларнинг емирилиш тоифаси 16.11 – жадвалга қараб аниқланади.

Қопламани кучайтиришдан олдин асосни тузатиб, емирилган қопламани, қумцемент аралашмали, майда заррали ёки қум бетонли текисловчи қатламни тиклаш керак; булар 2 см дан ортиқ нотекисликларда бажарилади. Агар асос сув оқиши ва дренаж тизимининг қоникарсиз иши туфайли емирилган бўлса, уларни тиклаш лозим.

16.11-жадвал

Мавжуд қоплама плиталарининг емирилиш тоифаси	Плиталар сони, %			
	уваланиш (чукурлиги 1 см дан кўп)	чоклар четининг синиши	Ички чок дарзли (бўйлама ёки кўндаланг)	бурчаклар синган, диагонал паррон дарзлар (паррон бўйлама ва кўндаланглари билан)
I	10 дан кам	-	-	-
II	10-30	30 дан кам	20 дан кам	-
III	30 дан кўп	30 дан кўп	20-30	20 дан кам
IV	меъёрга асосланмаган	меъёрга асосланмаган	30 дан кўп	20 дан кўп


Кучайтирувчи қатлам учун бетон, армобетон, темирбетон, олдиндан кучлантирилган йигма плиталар, асфальтбетон. Монолит бетон ва армобетон қопламаларни худди шундай бетонлар билан ва темирбетон, олдиндан кучлантирилган йигма темирбетон ёки асфальтбетон билан кучайтирилади.

Монолит темирбетон қопламалар одатда, монолит темирбетон ёки асфальтбетон билан кучайтирилади. Аввалдан кучлантирилган плиталарни йиғиб қурилган қопламалар худди шундай плиталар ёки асфальтбетон билан кучайтирилади, монолит бетон ёки армобетон күллаш мумкин эмас. Йиғма қопламалар йиғма плиталар билан кучайтирилганда юқоридаги чоклар пастдагига нисбатан сурилади: бўйлами чоклар учун камида 0,5 м, кўндаланг чоклар учун камида 1 м.

Монолит бикир қопламаларни монолит бетон, армобетон ёки темирбетон билан кучайтирганда қатламлар чоклари икки қатламли қопламалардаги ажратувчи қатламлардаги каби бир-бирига мос туширилади. Кучайтирувчи қатлам тузилиши оддий бетон, армобетон ва темирбетон плиталаридағи каби.

Бикир қатламларни олдиндан кучлантирилган йиғма темирбетон плиталар билан кучайтирганда мавжуд қоплама ва йиғма плиталар орасига қум бетон ёки қум-цемент аралашмасидан, 3 см қалинликда (камида) текисловчи қатлам ётқизилади; бундай ҳолда ажратувчи қатлам қилинмайди.

Мавжуд қатламни асфальтбетон билан кучайтирганда нотекислик 3 см дан ортиқ бўлсагина текисловчи қатлам қилинади. Кучайтирувчи асфальтбетон бир ёки икки қатламли қилинади (16.18-расм)



16.18-расм. Цементбетон қатламларни кучайтириш конструкцияси.

а – бир қатламли; б – икки қатламли; 1 – бир ёки икки қатламли қопламанинг тепа қатлами; 2 – текисловчи қатлам; 3 – битумли ёпиширувчи парда; 4 – мавжуд бетон қоплама; 5 – қумли асос; 6 – икки қатламли қопламанинг пастки қатлами; 7 – грунтли табиий асос.

Аэроромнинг бикир қатламларини кучайтиришда асфальтбетон қатламнинг энг кам қалинлиги 16.12-жадвалдан олинади. Бикир қопламаларни кучайтиришда ҳамма қатламлар учун фақат зич асфальтбетон аралашмалар ишлатилади.

Кучайтирувчи асфальтбетон қатлам полимер ёки стеклопластик тўрлар билан (махсус ишлаб чиқарилади) арматураланади. Тўрлар асфальтбетоннинг юқори катлами остига қўйилади. Бу иш А, Б, В класс аэроромларда ва кўп миқдорда паррон дарзлари бор участкаларда қилинади.

17- БОБ. БИКИР БЎЛМАГАН ҚОПЛАМАЛАР

17.1 Аэроромнинг бикир бўлмаган қопламаларини конструкциялаш тамойиллари.

Қоплама аэроромнинг энг қимматли қисми. Мамлакатимизнинг кўп районларида мустаҳкам тош материаллар йўқ, улар узоклардан темир йўллар ва сув йўллари орқали ташиб келтирилади. Шунинг учун нобикир қопламалар қуришда маҳаллий тошлардан, маҳаллий саноатнинг ёрдамчии махсулотларидан фойдаланиш керак. Уларни конструкцияга шундай жойлаштириш керакки, мустаҳкамлиги етарли, меҳнат ва бошқа ресурслар сарфи кам бўлсин.

Қопламанинг қатламларини, ХК лари турганда кўтарилаётган ва қўнаётганда асос грунтнинг ҳарорати ва намлиги ўзгаришларидан ҳосил бўладиган йўналишларнинг чуқурлик бўйича вертикал ва горизонтал йўналишларда сўнишига қараб жойлаштириш керак. Шунинг учун қоплама материалларининг мустаҳкамлиги ва совук бардошлиги чуқурликка қараб камайиб бориши мумкин. Чуқурлашган сари қатламларнинг сув ўтказиш хусусияти ортиб бориши керак; тасодифан ўтиб қолган сув туриб қолмасин ва яхламасин. Зарур бўлганда қоплама конструкциясига, сувни қочириш

учун қўшимча қатлам киритилади. Конструктив қатламлар сони қурилиш ишларини қийинлаштирмаслик учун жуда кўп бўлмаслиги керак.

Қопламанинг юқори қатлами мустаҳкам материаллардан қурилади; у ҲК ғилдиракларидан тушадиган юкларга реактив двигателлардан чиқадиган иссик газ оқимларига яхши қаршилик кўрсатиши керак. Қопламанинг конструкцион қатлами материали қанча қиммат бўлса, қатлам қалинлиги шунча юпқа қилинади, бироқ материалдаги йирик тош ўлчамидан камида 1.5 хисса ортиқ бўлиши керак. Бундай қатламлар қалинлиги зичланган ҳолда тажрибалардан аниқланган (17.1-жадвал)

Қопламанинг зарурий мустаҳкамлиги асос қатламларининг тегишли қалинлиги ҳисобига таъминланади. Уларда маҳаллий материалларни саралаб, зарур бўлса, ёпиштирувчи материаллардан озгина қўшиб, шунингдек мустаҳкамланган грунтлар ишлатилади. Шунда грунт асоснинг тепа қатлами аэрором қопламасининг муҳим элементи ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги ва бир хиллигига юқори талаблар кўйилади. Грунт асоснинг етарлича мустаҳкам бўлмаслигини, қопламанинг бошқа қатламларини қалинлаштириш билан қоплаб юбориш мумкин эмас. Грунт асоснинг чукурлиги сиқиладиган қалинлик чегарасида меъёрий юклама ва ҳисобий ҲК нинг ғилдирагига тушадиган юклама тоифасига боғлиқ (17.2-жадвал)

17.1-жадвал

Бикир бўлмаган қоплама ёки сунъий асоснинг конструктив қатламининг материали	Қатламнинг энг кам қалинлиги, см
Асфальтбетон, ҲК пневматик шиналаридаги ички ҳаво босими қуйидагicha бўлганда (МПа):	
0,6 дан кам	5
0,6 - 0,7	7
0,7 – 1,0	9
1.0 дан ортиқ	12
Чақиқ тош, майда тош, грунтлар (ёпиштирувчи моддалар билан ишлов берилган)	8
Ёпиштирувчи моддалар билан ишлов берилган	
шимдириш	8
ярим шимдириш	4
Минерал ёпиштирувчи моддалар билан ишлов берилган грунтлар ва бўшрок тишлар	
Чақиқ тош ва майда тош, ёпиштирувчи модда билан ишлов берилмаган, қум асосга ётқизилган	15
Ёпиштирувчи модда билан ишлов берилмаган, мустаҳкам асосга ётқизилган (тош, ёки ёпиштирувчи билан мустаҳкамланган грунт) Чақиқ тош	8

Меъёрий юклама тоифаси

I II III IV V VI

Сиқиладиган қатлам чукурлиги,
Қоплама юзасидан бошлаб, м

6 5 4,5 4 3 2

17.2-жадвал

ҲК нинг асосий таянчидаги ғилдираклар сони	Грунт асосининг сиқиладиган қалинлиги чукурлиги, қоплама тепасидан бошлаб, асосий таянчнинг битта ғилдирагига тушадиган юкламаларга қараб, кН				
	250	200	150	100	50
1	5	4.5	4	3	2
2	6	6	5	4.5	4
4 дан кўп	6	6	6	5	5

Аэрором қопламасининг асосидаги табиий грунт ёки тўкма грунтнинг зичланганлиги зичлаш коэффицентларига жавоб бериши керак (17.3-жадвал).

Грунт	Асос грунтнинг зичланиш коэффициенти		учиш майдони ёки хавфсизлик тасмасининг грунт қисмидаги	
	аэродром қопламаси тагида			
	капитал тур	енгил тур		
Кум, күмлөк	0.98/0.95	0.95/0.95	0.90	
Күмоқ	1.00/0.95	0.98/0.95	0.90	
Тупрок	1.0/0.98	0.98/0.95	0.95	

Агар грунтнинг табиий мустаҳкамлиги жадвалдагидан кам бўлса, I-III йўл-иқлим зоналарда 1,2 м чуқурликкача, IV-V зоналарда -0,8 м чуқурликкача (грунт асос юзасидан бошлаб) шиббалаш керак.

Қопламаларни лойиҳалашда грунт хусусиятларини турғунлигини таъминлайдиган ва уларга табиий ва эксплуатация омиллари таъсирини камайтирадиган қуйидаги тадбирлар кўрилади; тўшамада маҳсус гидроизоляцияловчи, капиллярларни узиб қўйувчи ёки иссиқлик изоляцияловчи қатлам қуриш; юзадаги сувларни қочириш ва сув оқиши дренаж тармоғи қуриш йўли билан грунт асоснинг барқарор сув режимини таъминлаш; бўш грунтларни барқарор грунт билан қисман ёки тўла алмаштириш; грунтларни мустаҳкамлаш. Қопламаларни лойиҳалашда бир нечта варианти ишлаб чиқиб, қурилиш ва эксплуатация харакатларини таққослаб, энг яхшиси танланади. Бунда харажатларни қоплаш муддатига эътибор берилади; мукаммалроқ қоплама қуришнинг қимматлашган нархи неча йилда қопланиши орқали баҳоланади. Муддати энг кам ва меъёрдан ошмаган вариант энг яхшиси хисобланади.

17.2. Асфальтбетон қопламалар.

Асфальтбетон қоплама – бикир бўлмаган қоплама турларидан бири. Унинг юзи текис бўлади, турли участкалардан турли қалинликда қурилиши мумкин. Асосан, реактив двигателларнинг иссиқ газ оқимлари кам тегадиган, ёнилғи ва мойлаш материаллари тўкилмайдиган элементларда - РЙ да, СУКМ нинг ўрта қисмларида қўлланади. Реактив двигателларнинг газлари узоқ вақт (3-4 минутдан ортиқ) таъсир қиласидиган, қоплама ҳарорати 100°C дан ошадиган газ оқим тезлиги 50 км/сек ва ундан ошадиган участкаларда қўллаш мумкин эмас.

Бундай қопламаларнинг асосий қатлами – асфальтбетон қатламдир. Уни чақиқ тош, қум, минерал кукун ва битумдан оқилона аралаштириб, ётқизиб, сўнг муайян даражада зичлаб ҳосил қилинади. Таркибидаги чақиқ тош, катта мустаҳкамликка эга бўлган, монолитнинг энг катта ҳажмини оладиган компонентdir. Чақиқ тош қаттиқ тошлардан битум аралаштириб, вулқонли ёки чўкма жинслар, домна шлаклардан тайёрланади. Жинсларнинг мустаҳкамлиги, сикилишида $8\ldots12 \times 10^7 \text{Н/м}^2$. Чақиқ тош бир хил бўлиши, таркибида қумоқ тупроқ бўлаклар бўлмаслиги, чангсимон ва тупроқ зарралари

2 % дан ошмаслиги керак, совукқа чидамли бўлиши керак (қаттиқ ва ўртача совук шароитларда Mp_3 350, юмшоқ иқлиmlарда Mp_3 325 маркали).

Асфальтбетонлар таркибидаги қум чақиқ тошлар орасини тўлдиради, аралашмани ёйилувчан, ётқизишга қулай қиласиди; табиий ва майдаланган қум бўлади; иирик ёки ўртача заррали бўлиши, чангсимон ва тупроқ зарралари 3 % дан ошмаслиги керак.

Минерал кукун аралашмани иссиқка бардошли, мустаҳкам ва зич қиласиди; оҳактошлар, доломитлар, металлургия шлакларидан (мустаҳкамлиги камида 210 МПа) тайёрланади; курук, тоза, говакли бўлиши керак.

Битум боғловчилик вазифасини бажаради. Тўғри тайёрланган асфальтбетон пластик бўлади, айни вақтда, ҳароратлар кескин тушганда ҳам, асос чўкканда ҳам дарз кетмасдан деформацияланади. Уни юқорида айтилган материалларни қизиган ҳолда, аралаштиргичда қориб тайёрланади.

Ётқизиш ҳарорати ва аралашма тайёрланадиган битум ҳароратига қараб, асфальтбетон қоришмалар уч хил бўлади: иссиқ, илиқ ва совук.

Иссиқ асфальтбетон аралашма БИД 90/130, БИД 60/190 ва БИД 40/60 маркали ёпишқоқ битум билан тайёрланади. Ётқизиладиган аралашма ҳарорати $120\ldots160^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Илиқ асфальтбетон аралашма БИД 200/300, БИД 130/200 маркали ёпишқоқ битум ёки БГ 70/130, СГ 130/200 маркали суюқ аралашма ҳарорати $80\ldots130^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак.

Совуқ аралашма СГ 70/130 ёки МГ 70/130 маркали суюқ битум билан тайёрланади, ётқизилаётганды ҳарорати 5...40°C бўлиши керак.

Асфальтбетон аралашмаларни, қоидага кўра, иссиқ пайтида ётқизилади, чунки шунда қоплама энг мустахкам бўлади. Совуқ асфальтбетон аралашмалар аэродромларда ишлатилмайди, чунки қоплама юзасидаги майда токчалар реактивдвигателнинг ҳаво сўргичига кириб кетиши мумкин. Бу аралашмалардан таъсир ишларида фойдаланиш қулай; уларнинг таркибида тош миқдори кўп, ўлчамлари ҳам каттароқ.

Иссиқ ва илиқ асфальтбетон аралашмалар таркибидаги чақиқ тош ва қум миқдорига қараб уч хил бўлади (17.4-жадвал); совуқ аралашма турлари 17.5-жадвалда берилган.

17.4-жадвал

Аралашма тури	Асфальтбетон тури	Чақиқ тош миқдори, %	Қум миқдори (1,25...5,0 мм фракция) камидা %
A	Чақиқ тоши кўп	50-65	-
Б	Чақиқ тоши ўртача	35-50	-
В	Чақиқ тоши кам	20-35	-
Г	Қумли (майдаланган қум)	-	33
Д	Ўша (табиий қум)	-	14

17.5-жадвал

Аралашма тури	Асфальтбетон тури	Чақиқ тош миқдори, %	Қум миқдори (1,25...5,0 мм фракция) камидা %
Бх	Чақиқ тоши ўртача	35-50	-
Вх	Чақиқ тоши кам	20-35	-
Дх	Қумли	-	33 (майдаланган) 15 (табиий)

Асфальтбетон қоплама бир-, икки-, уч қатлами бўлиши мумкин (17.1-расм). ҲК ларидан қопламага катта миқдордаги тормоз кучлари тушса, икки-, уч қатлами куриш керак. Бундай участкаларга СУҚМ нинг уч қисмлари ва РЙ киради. Асосларига V ва VI тоифали меъёрий юклама турса, юқори қатлами битум минерал аралашмадан курилса, 5-7 см қалинликда бир қатлами қоплама тўшаш мумкин.

Қопламаларнинг юқори қатламилари зич асфальтбетондан курилади. Бунда СУҚМ учун чақиқ тоши кўп ёки ўртача аралашма ишлатилади. Меъёрий юкламаси IV-VI тоифа учун майдаланган қумли аралашма ишлатиш мумкин. Қопламаларнинг пастки қатламини зич ёки ғовак асфальтбетондан курилади. Юқори қатламга ишлатиладиган аралашмалар маркаси, тури 17.8-жадвалда келтирилган.

ҲК ларининг двигатели ишга тушириладиган жойларда қоплама юзасида силжишлар муттасил бўлиб, деформацияланиш рўй бериши туфайли ўша жойларда (чунончи, РЙ нинг УҚТ га туташ жойлар) асфальтбетон қоплама ичига сим тўр қўйиб, арматураланади. Тўрлар асфальтбетон қопламанинг юқори қатлами остига, учма-уч (100-200 мм устма-уст чиқади) жойланади.

Магистрал РЙнинг двигателлар дастлаб ишга тушириладиган участкаси бутун энига арматураланади; узунлиги 20 м, қабул қилинади. УҚТ нинг учидаги 150м ҳам бор энига арматураланади.

Гурухли ТЖ ларнинг бутун узунлиги, ҲК ларнинг асосий таянчлари ва двигателлари турадиган қисми бўйлаб, шунингдек, газ оқими таъсир қиладиган жойларни қамраб арматураланади.

Асфальтбетон қопламалар чақиқ тош, сараланган майда тош, грунт ва қум ва цемент аралашмасидан курилган мустаҳкам асослар устига ётқизилади. Бунда чақиқ тош ва майда тошлар боғловчилар билан аралаштирилган ҳам, аралаштирилмаган бўлиши мумкин. Асоснинг қуий қатламларига бўшрок маҳаллий материаллар ва грунтларни, боғловчига қориб ишлатиш мумкин. Юқори қатламига ишлатиладиган материаллар боғловчи билан аралаштирилади.


Асфальтбетон қопламаларнинг асосий ижобий жиҳатлари: механизациядан тўла фойдаланиш имконияти; чокларнинг йўқлиги (иш тез битади); цементобетон қопламаларга қараганда пластиклик ва текислик ҲК шассисига ва ғилдиракларга динамик кучлар кам тушади); қурилиш тугагач тезда эксплуатацияга тушиши: чангимайди; эксплуатация қаровлари ва таъмир ишларининг оддийлиги;

сувни кам ўтказиш; босқичма-босқич куриш имконияти; мавжуд қопламаларни кучайтириш учун фойдаланиш имконияти.

Бу қопламаларнинг камчиликлари: ҳароратбардошлиги кам (ҳаво иссиқ бўлганда ёки реактив двигателларнинг газ оқими тегса юмшаб, сурилиб, юзаси тўлқинсимон бўлиб қолади; каттиқ совуқда мўрт бўлиб қолади); авиаация ёнилғиси ва мойлар тегса – тез емирилади; асосан бақувват бўлиши керак.

17.8-жадвал

Меъёрий юклама тоифаси	Йўл-иқлим зонаси тоифаси	Аралашма тури	Қоплама юқори қатлами учун асфальтбетон аралашманинг маркаси ва тури	
			СУҚМ, магистрал РЙ	қолган участкалар
I-II	I II-V	иссиқ илиқ иссиқ	1-А,Б	1 А,Б,Г
III	I II-V	иссиқ илиқ иссиқ	1 А,Б,Г	I,II-А,Б,В, Г I-А,Б,В,Г I,II-А, Б,В,Г
IV	I II-III IV-V	иссиқ илиқ иссиқ илиқ иссиқ илиқ	I,II-А, Б,В,Г I,II-А,Б,В,Г кўлланилмайди I-А,Б,В,Г II-А,Б,Г кўлланилмайди II-А, Б,В,Г	II-А, Б,В,Г; III,Б,В II-А, Б,В,Г; III,Б,В II-А, Б,В,Г II-А, Б,В,Г III,Б,В II-А, Б,В,Г
V	I II-III IV-V	иссиқ илиқ иссиқ илиқ совуқ иссиқ илиқ совуқ	III,Б,В II-А, Б,В,Г II-А, Б,В,Г III,Б,В II-А, Б,В,Г кўлланилмайди II-А, Б,В,Г III,Б,В II-А, Б,В,Г кўлланилмайди	III,Б,В,Д III,Б,В III,Б,В,Д II,Б,В I-Б _x ,В _x ,Д _x II-,Б,В II-Б, III-Б,В I-Б _x ,В _x ,Д _x
VI	I II –III IV-V	иссиқ илиқ иссиқ илиқ совуқ иссиқ илиқ совуқ	III,Б,В кўлланилмайди III-Б,В II,III-Б,В кўлланилмайди	IV-Б,В,Д I, II-Б _x ,В _x ,Д _x IV-Б,В,Д I, II-Б _x ,В _x ,Д _x



17.1-расм. Асфальтбетон қопламалар конструкцияси.


1 – икки қатламли асфальтбетон; 2 – чақиқ тош; 3 – кум; 4 – бир қатламли асфальтбетон; 5 – цементбетон; 6 – грунт; 7 – кора чақиқ тош; 8 – грунт ва майда тош аралашмаси; 9 – қора майда тош ёки грунт ва майда тош аралашмаси (битумга қорилган).

17.3. Шимдириш усули билан қуриладиган чақиқ тошли қопламалар.

Бундай қопламаларнинг мустаҳкамлиги, сувга чидамлилиги юқори, чангимайди. Чакиқ тошли қопламалар қатлам-қатлам қилиб, тоза, қуруқ ва мустаҳкамлиги бир хил, сараланган чакиқ тошлардан қурилади (17.3-расм). Чакиқ тошнинг эластиклик модули 450 МПа гача бўлиши мумкин. Ҳар гал чакиқ тош ёйилгандан сўнг улар зичланиб, устидан битум қуйилади. Битум ораларга кириб, турғун ва узоқ вақт хизмат қиладиган қатлам ҳосил қилади. Қопламанинг вазифасига қараб, шимдириш чуқур (6,5...8,0 см) ёки енгил (4...6 см) бўлиши мумкин. Биринчисида энг катта ўлчами 65...70 кам бўлган, 3-4 фракцияли чакиқ тош ишлатилади; иккинчисида энг катта ўлчами 30...40 мм бўлган, 2-3 фракцияли чакиқ тош ишлатилади. Шимдириш учун нефти ёпишқоқ битумлар БИД 130/200, БИД 90/130, ёпишқоқ сланецли битумлар БС-1, тошкўмир қатрон Д-6 қўлланади. Фракцияларнинг тавсия этилган ўлчамлари, тош материаллар сарфи, боғловчини қуийиш меъёри 17.9-жадвалда берилган.

Чакиқ тошли қопламалар сунъий асослар устига қурилади; сунъий асос эса чакиқ тош, грунт ва чакиқ тош ёки грунт ва майда тош аралашмаси, барқарорлаштирилган грунтдан қурилади. Грунт ва чакиқ тош, грунт ва майда тошли асослар қора боғловчи материал билан ётқизиладиган жойида аралаштирилади. Қора қоплама учун аввал чакиқ тош сепилиб, устидан енгилгина зичлаб ўтилади. Кейин устидан битум қуйилади. Ундай зичлаш учун вазни 5-6т ли енгил ғалтаклар ишлатилади, кетидан 8...10 т ли ғалтак юргизилади. Ғалтаклар 1,5...2,5 км/соат тезликда юргизилади. Енгил ғалтаклар бир из бўйлаб 2...5 марта юради. Оғир ғалтаклар, чакиқ тошлар мустаҳкам ўрнашиб олмагунча юргизилаверади, кўпинча, 4...5 мартаға етади.

Иш якунида қоплама юзасига битум ёки қатрон қуйилади, тош ушоқлари сепилади ва бир неча марта ғалтак юргизиб зичланади.



17.3-расм. Чакиқ тошларнинг жойлашиши.

P-чакиқ тошга тушадиган босим; R – распор кучи; T – ишқаланиш кучи; 1 – майдароқ чакиқ тош; 2 – йирик чакиқ тош; 3 – битум.

Натижада 0,5...1,5 см қалинликда “тилам” ҳосил бўлади, у қопламанинг сув ўтказмаслик хусусиятни яхшилайди, транспорт воситалари ҳаракатига қаршиликни камайтиради, қопламани ейилишдан сақлайди. Юзага ишлов беришда ишлатиладиган боғловчилар маркаси 23.10-жадвалда берилган.

17.9-жадвал

Қоплама тури	Чақиқ тошни сепиши сони	Сочиш ва қуиши тартиби				Юзага ишлов	Материаллар сарфи
		I	II	III	IV		
Чукур, 6,5...8,0 см (қопламалар учун) Фракциялар ўлчами, мм сарфи: чақиқ тош, м ³ /100м ² боғловчи, л/м ²	4	40-70	25-40	15-25	3-15	3-5	-
		4.5-6.0	3.0-4.0	1.0-1.1	0.9-1.1	0.8-1.2	10.2-13.4
		3.0-4.0	2.5-3.0	2.0-2.5	1.5-2.0	-	9.0-11.5
		25-65	15-25	3(5)-15	-	3-5	-
		7.5-10.0	1.0-1.1	0.9-1.1	-	0.8-1.2	10.2-13.4
		5.0-7.0	2.0-2.5	1.5-2.0	-	-	8.5-11.5
		25-40	15-25	3-15	-	-	-
		3.0-4.5	2.0-3.0	0.9-1.1	-	-	5.9-8.6
		3.0-4.5	2.0-2.5	-	-	-	5.0-6.5
		25-40	3-15	-	-	-	-
Енгил, 4...6 см (асослар) Фракциялар ўлчами, мм сарфи: чақиқ тош, м ³ /100м ² боғловчи, л/м ²	3	5.0-7.5	0.9-1.1	-	-	-	5.9-8.6
		4.0-6.0	-	-	-	-	4.0-6.0
Енгил, 4...6 см Фракциялар ўлчами, мм сарфи: чақиқ тош, м ³ /100м ² боғловчи, л/м ²	2	5.0-7.5	0.9-1.1	-	-	-	5.9-8.6
		4.0-6.0	-	-	-	-	4.0-6.0

Изоҳ: Материаллар сарфи меъёрлари: кичиги 6 ва 4 см га шимдириш учун, каттаси – 8 ва 6,5 см см учун.

17.10-жадвал.

Тош, материаллар	Битум			Тошкўмир битум
	нефтли, қовушқоқ	нефтли, суюқ	сланецли, суюқ ва қовушқоқ	
Тош майдалари (0...5 мм)	-	Ст 40/70, МГ 10/70	C-4, БС-0	Д-4
Тош майдалаш ва кирралаш тошлар (5...15 ва 12...25 мм)	БНД 200/300	СГ 70/130	C-5	Д-5
	БНД 130/200	СГ 130/200, МГ 130/200	C-6	Д-6


17.4. Майда ва чақиқ тошларни аралаштириш усули билан қурилган қопламалар.

Бундай қопламалар сувга бардошли. Зич, эластик ва II-V йўл-иқлим зоналарида ҲК лари йил бўйи ишлаши мумкин. Минерал материал сифатида маҳаллий конларнинг майда ва чақиқ тошлари ишлатилади. Бўшроқ чақиқ тош ишлатилади; мустаҳкамлари шимдириш усули билан қуриладиган қопламаларда ишлатилади. Майда ва чақиқ тошлар аралашмасини энг кўп зичланиш тамойили билан танланади. Аралашмада майдаланган тошлардан қолган чангсимон ва тупроқ зарралари маълум миқдорда бўлади. Майда ва чақиқ тош аралашмаси механик мустаҳкамлик ва сувга бардошлини таъминлайдиган нисбатда танланади.

Қора майда ва чақиқ тошли қопламалар бир ва икки қатламли бўлади (17.4-расм). Бир қатламлиси факат V йўл-иқлим зонасидаги аэродромда қўлланади. Икки қатламлининг пасткисига қора майда ва чақиқ тошли аралашмаси, боғловчига қормасдан ишлатилади. Қопламалар қалинлиги ҲК нинг массасига, тагига ёйиладиган грунтнинг механик тавсифларига боғлиқ бўлиб, ўрта хисобда 10...40 см бўлади.

Қопламанинг хисобий қалинлиги 15 см дан ортиқ бўлса, икки қатлам қилиб қурилади. Бунда юқори қатлам камида 5 см бўлиши керак. У сув ўтказмаслиги ва турғун бўлиши учун юзасига маҳсус ишлов берилади.

Қопламалар табиий گрунт асос устига қурилади. Асос аввал керакли зичликкача шиббаланади. Зичлиги лабораторияда стандарт зичлаш усули билан аниқланган миқдорнинг камиди 95% га тенг бўлиши керак.



17.4-расм. Майда ва чақиқ тошлардан, аралаштириш усули билан қурилган қоплама тузилиши
1 – юзага берилган ишлов; 2 – боғловчи билан ишланган қатлам, 3 – боғловчиси йўқ қатлам.

ҲК ларидан жадал юкламалар тушадиган участкаларнинг мустаҳкамлиги ва хизмат муддатини ошириш учун (старт участкаси, УҚТ га РЙ лар туташган жойлар, ҲК ердан узиладиган жойлар) қоплама шимдириш усули билан ёки аралашмага цемент ёки сўндирилмаган оҳак қўшиб қурилади. Цемент ёки оҳак миқдори минерал қисмнинг 2...3%ни ташкил қиласи.

Кора қоплама қуриш учун майда ва чақиқ тошнинг оптималь аралашмасининг тахминий таркиби 17.11-жадвалда берилган.

17.11-жадвал

Аралашма	Элакдан ўтган зарралар миқдори, массадан %, элак тешиклари қўйидагиcha (мм) бўлганда											
	50	40	25	15	5	2	1	0.5	0.25	0.15	0.07	0.005
Йирик заррали	-	100	85	70	43	28	22	15	10	8	7	7
	-	-	95	85	65	52	43	35	28	25	20	18
	-	-	100	80	50	33	25	18	13	10	8	8
Ўртача заррали	-	-	-	95	85	70	55	40	35	28	23	21
	-	-	-	100	63	40	30	22	15	12	10	10
	-	-	-	-	90	75	60	45	36	30	25	22
Майда заррали	-	-	-	-	-	100	70	48	32	24	16	13
	-	-	-	-	-	-	85	70	60	50	40	36
	Грунтли	100	-	75	60	35	25	-	-	10	-	5
Йирик заррали	100	-	55	30	-	-	-	-	-	-	-	-
	-	100	80	57	30	15	10	5	3	1	-	-
	-	-	85	80	60	50	-	-	30	-	18	17
Ўртача заррали	-	-	85	70	43	28	22	15	10	8	7	7
	-	-	75	60	35	25	-	-	10	-	5	4
	-	-	100	70	35	18	12	6	4	2	-	-
Майда заррали	-	-	-	80	50	33	25	18	13	10	8	8
	-	-	-	100	50	25	15	10	5	2	-	-
	-	-	-	-	63	40	30	22	15	12	10	10

Изоҳ: Грунт ва майда тош аралашмаларида 0,005 мм дан майда зарралар (тупрок) миқдори: юкори қатламда кўпи билан 3%, пастки қатламда – 5%.

Жойида аралаштириш усули билан қуриладиган қопламаларга суюқ битум ишлатилиши мумкин (17.12-жадвал).

17.12-жадвал

Аралашма тайёrlаш усули	Битумлар			Тошкүмир қатрон
	нефтли, қовушқок	нефтли, суюқ	сланецли, суюқ ва қовушқок	
Жойида аралаштириш	-	СГ 15/25 СГ25/40 МГ25/40 СГ40/70	C-3 C-4 C-5 -	Д-3 Д-4 -
Минерал материалларни қиздирмасдан ускуна ичида аралаштириш	-	СГ 15/25 СГ25/40 МГ25/40 СГ40/70	C-4 C-5 -	Д-4 Д-5 -
Минерал материалларни қиздириб: илик	БНД 200/300 БНД 130/200 БНД 90/130 БНД 60/90 БНД 40/60	СГ130 200 МГ 130/200 -	C-5 БС-0 БС-I БС-II БС-III	Д-5 - Д-7 Д-8 -
сувук	-	СГ 40/70 СГ 70/130 МГ 40/70 МГ 70/130	C-6 - - -	- Д-5 - -

Битум маркасини аэрором курилаётган районга қараб танланади. Иссик иклимде қовушқолиги юқори битумлар, ёғин-сочин күп бўладиган жойларда – қопламани тез шакллантирадиган ва монолит қиладиган суюқ битумлар, сленецили битумлар ишлатилади. Битумлар сарфи минерал материаллар массасининг 4...7 % ни ташкил этади. Минерал материалларнинг намлиги оптимал бўлса, қопламанинг сифати юқори бўлади. Намлиги етарли бўлмаса, қопламанинг қовушқолиги паст бўлиб, тез емирилади; намлик ортиқча бўлса, зичлаш жараёнида тўлқинлар ва дарзлар ҳосил бўлади; минерал материалларнинг тавсия этиладиган намлиги 3...5 %.

Суюқ битумга қорилган майда ва чакиқ тош аралашмалари мустаҳкамлиги ва сувда бардошлиги жиҳатидан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак

Сиқилганда мустаҳкамлик чегараси, МПа, камидা 50 ⁰ С да.....	0.5
Сиқилганда мустаҳкамлик чегараси, МПа, камидা 20 ⁰ С да , камидা 0,5.....	0.8
Сиқилганда мустаҳкамлик чегараси, МПа, ўша, сувга тўйинган ҳолда, камидা ..	0.5
Масса бўйича сувга тўйинганлик, % кўпи билан	-3
Кўпчилик хажм бўйича % кўпи билан.....	-3

Майда ва чакиқ тошларни қурилиш жойида аралаштириш учун стационар ва кўчма ускуналар ишлатилади. Бунинг учун дискли борона, культиватор, автогрейдер ва йўл фрезаларидан фойдаланиш мумкин.

Қора қопламаларни кун иссиқ пайтларда куриб, шундай тугатиш керакки, ҳаво ҳарорати +10⁰С дан кам бўлмай туриб 20-30 суткада шакллансан ва ёғингарчиликка қолмасин. Шунда битум бир хил тарқалиб, қоплама бир хил ва мустаҳкам бўлади.

17.5. Оддий қопламалар

Оддий қопламалар – маҳаллий грунтни мустаҳкамлаш йўли билан курилади. Грунт зичланади, сувга бардошли бўлади, чангимайди ва IV-V йўл-иклим зоналаридаги аэроромларда ҲҚ ни ишлатишга ярокли ҳолга келади.

Аэрором қурилиши амалиётида маҳаллий грунтга бегона грунтлар, майда ёки чакиқ тош кўшиб маҳаллий грунтнинг донадорлигини оптимал ҳолга келтириб, битум, катрон, цемент, оҳак каби материаллар кўшиб қоплама тайёrlаш тажрибаси ҳам бор. Маҳаллий грунтнинг донадорлик таркиби етарли бўлмаса ёки кум, чанг, тупроқ фракциялар кўп бўлса бошқа грунт қўшиб мустаҳкамланади. Чанг ва тупроқ унсурлар жуда кам бўлса, грунт куруқ ҳолатида ёпишмайди, жуда кўп бўлса, сал нам тортса, пластик деформацияланиши кучайиб кетади. Иккала ҳолатда ҳам грунт ташки юкламаларга қаршилик қилолмайди, учиш майдонидан фойдаланиш шароитлари ёмонлашади.

Намланиш шароитлари ўзгарувчан бўлса донадорлиги оптимал бўлган грунтли аралашмалар юкламаларга қаршилик қилиш хусусиятини йўқотмайди. Оптимал аралашма ҳосил қилиш учун оғир қумоқ, чангсимон ва тупроқли маҳаллий грунтга қумли ёки майда тошли, материаллар, чангсимон ва қумли маҳаллий грунтга қумоқ материаллар қўшилади. Намгарчилиги кўп районлардаги маҳаллий грунтга қум ва майда тош зарралари аралаштирилиб, грунт барқарор қилинади.

Грунтли аралашмаларнинг оптимал таркиби 17.13-жадвалда берилган.

17.13-жадвал

Аралашма рақами	Элақдан ўтган зарралар сони, массадан %, элак тешиклари қўйидагича бўлганда, мм						
	40	20	10	5	2.5	0.63	0.05
1	100	60-80	45-65	30-55	15-35	15-35	7-20
2	-	80-95	65-90	50-75	20-45	20-45	8-25
3	-	-	90-100	70-85	25-55	25-55	8-25

Аэродром қопламаларига ишлатиладиган оптимал грунтли аралашмаларга суюқ битум, қатрон ва цемент билан ишлов берилади. Бундай қилинмаса, қоплама юзасидан ўт ўсиб кетади. Битум ва қатрон грунтни мустаҳкам ва сувга чидамли қиласди. Қоплама қуришда икки усул қўлланади: совуқ ва иссиқ. Совуқ усулда фақат боғловчилар иситилади. -80...90°C гача; иссиқ усулда – 120...150°C гача. Боғловчи ва грунт асфальт қориштиргичда аралаштирилади.

Аэродромларда битум ёки қатрон билан мустаҳкамланган маҳаллий грунтдан оддий қоплама қурилади (17.14-жадвал).

Пластиклик сони 3...17 бўлган грунтлар ишлатилиши мумкин; 12 дан юқори бўлса, кўпроқ битум қўшилади. Пластиклиги 3 дан кам қум ва қумлөк грунтлардан қопламанинг остки қатлами учун фойдаланиш мумкин. Шўрхок грунтлар ишлатиш тавсия этилмайди.

Грунтларни мустаҳкамлаш учун суюқ битум меъёллари 17.15-жадвалда берилган.

Қопламанинг энг кўп ишлатиладиган участкаларининг мустаҳкамлиги ва тупроқлигини ошириш учун минерал қисм массасининг 3-4% микдорида цемент ёки сўндирилмаган оҳак қўшилади (пластиклик сони 7-12 бўлган қумоқ тупроқ учун).

Грунтга цемент билан ишлов берилганда, мустаҳкам ва сувга бардошли каркас ҳосил бўлади. Бундай ишлов битумли ишловгага қараганда анча мустаҳкам бўлади. Цемент грунтнинг эластиклик модули 160МПа гача етади, битум билан ишлов берилган грунтники – 80 МПа дан ошмайди. Цемент грунтли қопламаларни об-ҳаво нокулай шароитларда қўллаш мумкин. Бу қоплама қора грунтли қопламага қараганда кам ҳаражат талаб қиласди, фақат едирилишга қаршилиги сустроқ. Шунинг учун юзасига маҳсус ишлов берилади ёки органик боғловчили материалдан қатлам берилади. Бу қопламалардан III...V йўл-иклим зоналарида қуриладиган аэродромларда фойдаланиш маъкул; асфальтбетон ва қора чақиқ тошли қопламалар асосига ҳам ишлатиш мумкин.


Цемент билан ишлов бериш учун оптимал, таркибли грунтлар, уларга яқин енгил қумоқ ва қумлөк тупроқлар мос келади. Тупроқли ва қумоқ тупроқли грунтларнинг майдаланиши ва цемент билан араласиши қийин, кўп цемент талаб қиласди. Қумли грунтлар цемент билан ишловдан кейин нам ғовак бўлиб колади, мустаҳкамлиги камаяди.

Грунт ичида чириндулар бўлса, цемент билан мустаҳкамлаш тавсия этилмайди, улар қопламанинг мустаҳкамлиги ва сувга бардошлигини таъминламайди. Шунингдек торфли, ботқоқли грунтлар, таркибида 10% гумус, 4 % туз (сувда эрийдиган) ва кислотали бир грунтларни ҳам цемент билан мустаҳкамлашга ярамайди.

Цементгрунтли қопламалар бир ва икки қатламли бўлади (23.5-расм). Бир қатламлиси ҳисобланади, қалинлиги 15 см дан кам бўлмайди; икки қатламлиси 30...35 см бўлади; маркаси 400 дан кам бўлмаган портландцементдан қурилади; асослар учун маркасини 33 гача тушириш мумкин; 1m³ цементгрунтга цемент сарфи тахминан 175...250 кг.

17.14-жадвал

Ишлов бериш усули	Қоплама тури
Зичланган грунт юзасига суюқ битум ёки қатрон қўйиш	Грунтли, чангимайдиган
Грунтли УТ да юмшатилган грунтга суюқ битум, қатронни фреза, грайдер ва бошқа машиналар ёрдамида аралаштириш, ёйиш ва зичлаш	Грунтли, вактинча, жойида ишлов берилган
Грунтни, киздирмасдан ускуна ичида суюқ битум ёки қатрон билан аралаштириш, ёйиш, текислаш, зичлаш	Вактинчалик ёки капитал қоплама грунтли асосида ускуна ичида аралаштириб



17. 5-расм. Цементгрунтили қопламанинг тузилиши.

1 – юзага берилган ишлов; 2 – цементгрунт; 3 – зичланган грунт; 4 – кўп цементогрунт;
5 – асфальтбетон.

17.15-жадвал

Грунт	Намлик, грунт массасидан %	Суюқ битум сарфи (сувсиzlантирилган)	
		Массадан %	Зич жисмдаги аралашма, кг/см ³
Пластиклик сони 3-7 бўлган аралашма	4-7	5-8	100-155
Пластиклик сони қўйидагида бўлган қумок тупрок:			
7-12	6-10	8-1	155-200
12-17	8-10	12-14	200-250

Цементгрунтили қопламалар мустаҳкамлиги ва сувга бардошлиги билан қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

28 суткалик, сувга тўйинган цилиндр намуна ($D=5\text{cm}$, $H=5,1 \text{ см}$) ларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, қопламалар учун камида 3 МПа, асослар учун – камида 2 МПа. Бу намуналар ва худди шундай, лекин қуруқ намуналар мустаҳкамликларига (сиқилишдаги) нисбати 0,4...0,6 дан, биринчисининг деформация модули 15-10 дан кам бўлмаслиги керак.

Қоплама қуришда цемент билан бир қаторда оҳак (известо-кипелька, известо-пушанка) хам ишлатиш мумкин. Бунда грунтнинг мустаҳкамлиги камроқ бўлади, бироқ грунтга қўйиладиган талаблар ўша-ўша қолади. Оҳак одамнинг нафас йўлларига салбий таъсир этади, шунинг учун хавфсизлик техникасига риоя қилиш лозим.

Аэродромларнинг оддий қопламаларини юкори сифат билан қуриш лозим. Шунинг учун грунт, оптималь аралашмалар, уларнинг нисбати, аралаштириш тартиби, намлиги доим назорат қилиниши лозим. Материалларнинг сифати лабораторияда текширилади.


17.6. Мустаҳкамлиги кам тошлар ва саноатнинг ёрдамчи маҳсулотларидан қоплама қуриш.

Мустаҳкам тош материаллар заҳираси йўқ районларда аэродром қопламаларини арzon қуриш йўлларидан бири – мустаҳкамлиги кам бўлса ҳам маҳаллий материаллар ва саноатнинг иккиласи махсулотларидан фойдаланишdir. Шунда узоқ-узоқлардан мустаҳкам материаллар ташиб келтиришга зарурат қолмайди.

Мустаҳкамлиги кам тош материалларга қўйидагилар киради: юмшоқ оҳактошлар ва кумтошлар, ғишт синиқлари, уваланган тоғ жинслари (дресво, жерства), чиғаноқлар ва б. Бундай материалларнинг сиқишидаги мустаҳкамлиги 10-15 МПа бўлади; сувга, совукқа чидамлиги жуда паст. Улардан фойдаланишда асосан намланишдан сақлашга эътибор қаратиш керак. Бунинг учун бу материалларга органик боғловчилар билан ишлов берилади, шунда уларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишга чидамлилиги ҳам бир оз ошади.

Қоплама қуришда, агар енгил табиий грунт бўлса, унинг устига тош материаллар ётқизилади. Агар грунт асос оғир грунтлар (кумок, гил) дан ташкил топган бўлса, кум ва чақиқ тошдан дренажловчи қатлам қурилади, чунки бундай асос қопламадан ўтган сувни ўзида тутиб қолади ва юк кўтариш қобилияти пасаяди. Тош материаллар қопламага қават-қават қўйилади; пастки қатламларга бўшроқ тошлар, юкорига – мустаҳкамроғидан. Тош материалларга органик материал билан ишлов берилади; улар тошнинг ғовакларига сингиб, сувга бардошлик хусусиятини беради.

Қопламанинг юзасига ейилишга чидамли қатlam ётқизилади, қалинлиги 3...4 см, материалига пишиқ жинсли тошга грунт аралаштириб, битум ёки қатронга қориб ишлатилади. Бүш тошлардан курилган қопламалар тузишлари 17.6-расмда берилган.



17.6-расм. Мустаҳкамлиги камрок тош материаллардан қопламалар.

1 – химоя қатлами; 2 – мустаҳкам жинслардан чақиқ тош; 3 – мустаҳкамлиги кам чақиқ тош; 4 – “күрпача” грунт; 5 – мустаҳкамлиги кам чақиқ тош, органик боғловчилар шимдирилган, 4-қоплама остидаги грунт

Саноатнинг ёрдамчи маҳсулотларига қуйидагилар киради: металлургия ва ёқилғи шлаклари; тошқўмир ишланмаларидан чиқсан тош жинслар; тоғ-кон саноатининг чиқиндилари.


Металлургия шлаклари метал эритишда ҳосил бўлади; энг кўп тарқалгани домна печлардан чиқадиган шлаклар. Улар тошга ўхшаш, гоҳ зич, гоҳ ғовак, катталиги 5...40 мм бўлаклар; шлак куми ва 5 мм дан кичик кукунлари ҳам бўлади. Шлак бўлагининг мустаҳкамлиги 15...60 МПа, ғоваклисиники – 5...15 МПа. Ёқилғи шлаклари тошқўмир, кўнғир кўмири қозонхоналарда, паровоз ўтхоналарида ёкишдан ҳосил бўлади.

Тошқўмир шахталарининг қуйган жинслари отвалга чиқарилган жинслар ичидаги кўмири қолдиқлари ўз-ўзидан ёниши натижасида ҳосил бўлади. Аэрором қопламалари учун энг яхшиси таркибида тупроқли сланецлар, яхши қуйган йирик ва ўртача кумтошлари бор отвал ҳисобланади. Озгина қуйган тупроқли сланецлар нам тегиши билан ивиб қолади ва мустаҳкамлиги йўқолади, аэрором қопламасига ярамайди.

Қоплама қуришда 60-100 мм ўлчамли шлак бўлаклари табиий грунт устига ташланади, устидан 30-60 мм шлак чақиқлари ташланди. Шлак чақиқларига боғловчи материал шимдириб ишлатган маъқул. Узок чидамли бўлиши учун қоплама юзасига маҳсус ишлов берилади ёки асфальтбетон қатлам қилинади.

Ёқилғи шлакларини 18...25 см қалинликда, чақиқ тошли қатлам остига ётқизилади.

Тошқўмир шахталарининг ёнган жинслари асфальтбетон қопламаларнинг тош қатламига, доим намланиб қолмайдиган, куруқ жойларига тўшалади. Саноатнинг ёрдамчи маҳсулотларидан курилган қоплама намуналари 17.7-расмда берилган. Кейинги йилларда қоплама қуришда ТЭС ларда тошқўмир ва кўнғир кўмири ёкишдан қолган кулларни ишлатиш одат бўлди. Унинг кўриниши тўқ кулранг, ўзи юмшоқ куқун. Бу куллардан, оҳак ёки цемент билан бирга грунтни мустаҳкамлашда ҳам фойдаланилади. Кулнинг таркиби ва хусусиятлари 17.16-жадвалдаги маълумотларга мос келиши керак.



17.7-расм. Саноатнинг ёрдамчи маҳсулотларидан қоплама қуриш.

1 – юзага берилган ишлов; 2 – шлак чақиқлар; 30...60 мм; 3 – шлак бўлаклари (100...150мм); 4 – қоплама остидаги грунт; 5 – шлак чақиқлар, 60...100 мм; 6 – асфальтбетон; 7 – шимдириш йўли билан ишланган шлак чақиқлар.

Кўрсаткичлар	Кул		
	Мустақил, секин қотадиган боғловчи	Аралашган боғловчининг фаол компоненти	
	боғловчи	цемент билин	оҳак билан
Эркин калций оксид миқдори, %	≥ 8	≥ 4	-
Солиширма юза, см ² /г	≥ 3000	≥ 3000	≥ 3000
Олтингугуртли ва олтингугурт нордон бирикмалар миқдори, %	≤ 6	≤ 3	-
Қиздирганда масса йўқолиши, %	≤ 5	≤ 10	≤ 10

Кул ишлатиб грунтларни мустаҳкамлашда аралашма таркиби мавжуд талабларга мос қилиб танланади. Кул оҳак ёки цементга фаол қўшимча сифатида ишлатилади вва улардан қумли, майдада ва чақиқ тошли, тупроқ (чанг) зарралари йўқ аралашмаларни мустаҳкамлашда фойдаланилади. Оптимал таркибдаги аралашма лаборатория шароитида яратилади.

Кул сарфи грунт турига қараб, грунт массасидан 15-25%, цемент сарфи – 4-12%.

17.7. Аэродромларни қайта қуришда мавжуд нобикир қопламаларни қучайтириш.

Бикир бўлмаган қопламалар бикир ёки бикир бўлмаган қопламалар билан қучайтирилади. Бикир бўлмаган қучайтирувчи қатлам сифатида асфальтбетон, чақиқ тошли, грунт ва чақиқ тошли, грунт ва майдада тошли (ҳаммаси боғловчи материал билан ишланган) қопламалар қўлланади. Уларни қуришда оддий қопламалардаги каби тартиб - тамойиларга риоя қилинади. Мавжуд қоплама юзасидаги нотекисликлар 2 см дан ортиқ бўлса, қучайтирувчи материалдан текисловчи қатлам қурилади. Унинг юзасига суюқ битум ёки қатрон берилади ($0,2\ldots0,3 \text{ кг}/\text{м}^2$) натижада мавжуд қоплама қучайтирувчи қатлам билан бирикб кетади. Бикир қоплама билан қучайтиришда ҳар қандай турдаги қоплама қилинади. Бундай қучайтириш ажратувчи қатлам бўйлаб бажарилади; зарур бўлса (мавжуд қатлам юзасида чукурчалар, поғоналар 2 см дан катта нотекисликлар бўлса) текисловчи қатлам қурилади. Уни қум-цемент (цемент билан ишлов берилган нобикир қопламаларда) ёки қумли асфальтбетондан (нобикир қопламаларда) қурилади.

Ажратувчи қатлам икки қават пергаминдан ёки қалинлиги 1 см қум-битум “гиламча”дан иборат бўлади. Бундай қатлам йигма қопламаларни қучайтиришда қўлланмайди, чунки завод шароитида тайёрланган плиталарнинг юзасига юқори сифатли ишлов берилган бўлади.

18-БОБ. ГРУНТЛИ УЧИШ ТАСМАЛАРИ

18.1.Грунтли учиш тасмалари талаблар.

Грунтли учиш тасмаси аэродромнинг учиш майдони участкаси бўлиб, ҲК нинг кўтарилиш ва қўниши учун мўлжалланади. Бунда УТ нинг жойлашуви қаттиқ қопламаси СУҚМ нинг жойи каби қатъий эмас ва учиш майдони бўйлаб, аэродромнинг шакли ва ўлчамларига қараб, шунингдек деформациялар пайдо бўлишига қараб суримиши мумкин. УТ ни вақти-вақти билан бошқа ёкка суриш ғилдирак изларини йўқотиш ва реактив двигателлар таъсирида куйган чим қопламани тиклаш учун ҳам керак.

Грунтли УТ чим қопламали бўлиши керак. Бироқ зич чим қатлами ҳосил қилиш учун бир неча йил керак, шу сабабдан муваққат аэродромларда янгигина қурилган, ялангоч грунт юзадан учишга тўғри келади.

ҲК лари мунтазам учиб-қўниб турадиган грунтли УТ га қуидаги талаблар қўйилади:

текис юза, дўнгалаксиз, чукурчалар, ғилдирак излари йўқ бўлиши;

ғилдирак излари тушмасдан, тушса ҳам жуда оз, рухсат этиладиган ва тезкор таъмир қилса бўладиган даражада бўлишини таъминлайдиган мустаҳкамлик;

учиш майдон худудидаги грунтнинг деформацияланишга бир хил қаршилик қилиши (бунинг учун грунт оғир ғалтаклар билан зичланади, текисликда паст-баланд жойлар қолдирилмайди);

чанг ва лойсиз бўлиш (акс ҳолда двигателга сўрилиб тез ейилишга сабаб бўлади).

Грунтли тасмаларнинг фойдаланиш хусусиятлари ҳаво шароитларига қараб, йил давомида ўзгариб туради. Кўрғоччилик пайтида грунтли УТ анча мустаҳкам бўлади. Кумок тупрокли грунт юзаси текис бўлганда хар қандай ҲК ни ишлатиш мумкин. Чанг ҳосил бўлиши кучайса, фойдаланиш қийинлашади.

Баҳор ва куз ойларида учиш майдонининг грунти ивиб кетиб, ғилдиракларга етарлича қаршилик қилолмайди. ҲК лари чуқур излар қолдиради, бу эса ҳаракатга катта қаршилик кўрсатади. Бу даврни “йўлсизлик вақти” дейилади, шасси конструкцияси шунга мосланган ҲК ларигина ҳаракатлана олади.


Россиянинг ўрта минтакаларида баҳор ва куз даври йўлсизлиги кескин билинади, гоҳо ёзда ҳам, ёғингарчилик бўлса, билинади. Украина Жануби, Ўрта Осиёда қиши вактида ҳам кунлар илиб, грунтнинг музлаш чуқурилиги юза бўлгани учун кузги йўлсизлик баҳоргисига уланиб кетиши мумкин.

УТ грунтнинг қуриши грунтнинг донадорлигига, рельефга, зичлигига ҳам боғлиқ. Нишаблиги каттароқ участкаларда сув грунтга кам шимилади. Бундан ташқари, грунт қанчада кучли шиббаланган бўлса ҳам сув камроқ сингийди, капиллярлар орқали пастдан тепага кўтарилиш ҳам кучсиз бўлади.

Юмшоқ ва оғир фалтаклар билан зичланмаган грунт тез ивиб кетади, унда ҲК юролмайди, юрса ҳам чуқур из қолдиради.

Грунтли аэродромлардан кузги ва баҳорги йўлсизлик даврида фойдаланиш тўхтатилгани маъқул. Музлаган грунт эрий бошлаганидан баҳорги йўлсизлик бошланади, тугаши эса, аэродром атрофларида баҳорги шудгор ишлари бошланишига тўғри келади. Аэродромларни эксплуатация қилиш шароитлари баҳорда куздагига қараганда анча ёмон. Баҳорда грунт аввал бошданоқ сувга тўйинган бўлади; бутун қиши мавсуми қор остида ётади, баҳорда эрийди, сувлари эса капиллярлар бўйлаб тепага кўтарилаверади. Ер юзаси сувлар грунтнинг тубига ўтиб кетишига музлаган қатлам ҳалақит беради.

18.1-расмда Россиянинг Европа қисмининг марказий минтақасидаги бир аэродромда, бир неча йил давомида ўтказилган кузатишлар асосида грунтнинг ҲК ғилдираги тебранишига қаршиликлари график тарзида келтирилган.



18.1-расм. Учиш майдонининг бир участкасида грунт холати ва ғилдирак ҳаракатига қаршиликнинг ўзгаришлари (бир неча йил кузатувлари).

1 – музлаган холат; 2 – окувчан; 3 – юмшоқ; 4 – қаттиқрок


Грунтли аэродромларда ҲК ни эксплуатация қилиш шароитларини яхшилаш учун енгил турдаги қопламалар қуриш ёки чим қатлам ҳосил қилиш керак.

18.2. Учиш майдонининг грунтли юзасида чим қоплама.

Чим – ер юзасида табиий тарзда ёки уруглар сепиш натижасида ҳосил қилинган, паст ўсадиган, қуюқ ўт қопламасидир; ўтларнинг илдизлари ер юзасига яқин қатламда зич тўрлар ҳосил қилиб, грунтга арматура вазифасини бажаради (18.2-расм).

Чим учиш майдонининг эксплуатация хусусиятларини яхшилайди: чанг камаяди, лой бўлмайди, сув ювиб кетмайди, ҲК ёки автомобил юрганда жуда чуқур излар қолмайди. Чимли учиш

майдонларидан, ҳаво қуруқ пайтларда, ёмғир кўп ёғмагандан кейин, маҳаллий ҳаво йўлларида қатнайдиган, махсус самолётлар (қишлоқ хўжалиги, тез ёрдам) учиши мумкин.



18.2-расм. Чим қоплама схемаси
1 – ўтлар; 2 – чим патак; 3 – чим қатлам; 4 – чим асоси.

Чимзор қуйидагилардан иборат: майса (ер юзидағи ўт), чимпатақ (чирмашиб кетган илдизлар, 10 см қалинликда), чим қатлам (илдизларнинг асосий қисми), чим асоси (илдизлар сийраклашган чукурлик).

Чим босган грунтнинг юкламаларга қаршилиги грунтнинг хусусиятлари ва илдизларга боғлиқ. Грунтнинг қаршилиги учун донадорлик ҳолатига намлигига боғлиқ бўлгани учун чимли ернинг қаршилиги ҳам доимо бир хил эмас.


Гил тупроқли чимнинг узишга қаршилиги, намлиги кўп бўлса, паст бўлади. Намликнинг маълум миқдоригача шундай бўлади, кейин қаршилик ўзгармай қолади, чунки тупроқ лойга айланиб кетган, узилишга факат илдизлар қаршилик қиласди. (18.3-расм). Чим ўсган грунт қумдан иборат бўлса ҳам шундай бўлади. Синов штампини чимга ботиргандағи қаршилик, қумнинг намлиги катта бўлса ўсади, чунки қум доналари бир-бирига капиллярлар орқали боғланган бўлади. Намлик яна оширилса, бу боғланиш йўқолиб, оқиш ҳолатига ўтади ва ботиришга қаршилик кескин тушади.

ҲК си филдираклари таъсирида чим қопламанинг деформацияланиши шиналардаги ҳаво босими ва уларга тушган юқ миқдорига ҳам боғлиқ. Босими қанча катта, шинанинг эни кичкина бўлса, чим юзасида чукур излар ҳосил бўлади, уларни таъмирлаш ҳам қийин. Ҳаво босими ва шинага тушган юқ кам бўлса, чим қоплама яхши сакланади. Босим 0,5...0,7 МПа бўлса, чимдаги излар чукурлиги 3-5 см дан ошмайди. Самолёт винтларидан ҳосил бўладиган ҳаво оқими ва реактив двигателларнинг иссик газ оқими грунт зарраларини учирашиб юбориши мумкин, чим эса бундан сақлаб қолади. Бироқ, винтларга, реактив двигателга энг яқин жойларда чим ҳам кучсизлик қилиб қолади, чунки ҳаво оқими, ҳарорат чимни ҳам ё куритиб, ё силжитиб ташлаб грунтга етиб бориши мумкин.


Чим юзасидан филдирак бир марта ўтиб, бошқа филдирак бу издан юрмаса, чимнинг ҳимоялаш хусусияти учун энг самарали ҳолат ҳисобланади. Битта издан бир неча марта юрилганда, излар чукурлиги яланғоч грунтдагига караганда анча кичик бўлади. Ўтишлар кўп марта такрорланаверса, излар худди чим йўқ пайтидаги каби теп-текис бўлиб кетади.

Йилнинг курғокчилик пайтида ҲК чимнинг майса қисмини едириб юборади. Майса чим устидан ҳар куни тез-тез юрилса (ҲКлари), ўшанча ўтишни орада тинч қўйган ҳолларда ўтишдагига караганда тезроқ ейилади ва камроқ тикланади. Бундай ҳодиса, қурғокчилик пайтида, ёмғирли кунларга караганда жадалроқ бўлади.


Чим қопламанинг сифати томонлари 20 см дан бўлган квадрат юзасидаги майса туплари сони билан тавсифланади (18.1-жадвал).



18.3-расм. Турли намлиқдаги чимнинг узилишга қаршилиги.
1 - гил тупроқлы чим; 2 – կум грунт



18.4-расм. Филдираклар бир издан кетма-кет ўтганда изнинг чукурлашуви графиги (таксиний).
1 – чим қоплама бир бўлганда; 2 – яланғоч грунтда.



18.5-расм. Учиш майдонига сепиладиган ўтлар.
А – сийрак ўсадиган ўт; б – зич ўсадиган ўт; в – илдиздан кўпайувчи ўт; 1 – уруг; 2 – дастлабки илдиз; 3 – ниш; 4 – ildizlalar; 5 – даста; 6 – танаачалар; 7 – илдизлар тизими.

Аэроромларда чим қоплама ҳосил қилиш учун илдизлари куюқ, пишиқ ва кўп йиллик, зич ўтадиган бошоқли ва дуккакли ўтларнинг уруғи сепилади. Туп ҳосил бўлишига қараб сийрак тупли ва илдиздан кўпайувчи ўтлар бўлади (18.5-расм).

Сийрак тупли ўтлар (ажриқбош, бетага, баланд райграс ва б.)нинг хусусияти шуки, уларда туп ҳосил бўладиган тугуни ер юзасига яхши чуқурлиқда жойлашади, шунинг учун ғилдираклардан тушадиган оғирликлар, реактивдвигателнинг қисқа муддатли иссиқ газ оқимларига бардошли. Илдизлари куюқ, патак, поялари сийрак ва тарвақайлаган бўлади.

Зич тупли ўтлар (кизил бетага, дала райграси, тинчак) тик йўналган туплар дастасидан иборат. Туплар тугуни ер юзасида жойлашиб, ўзига хос дўнггалаклар ҳосил қиласди. Уларнинг илдизлари нисбатан сустроқ ва вертикал жойлашади.

Илдиздан кўпаядиган ўтлар (ўрмаловчи буғдойик, яйлов кўноқ ўти, қилтиқсиз ялтирош – сувбуғдойик) нинг ер остида тути – катта илдизи бор, у аввалига горизонтал йўналишда ўсади, сўнг тикка ўсиб, ер юзасига ўсиб чиқади. Шу бурилиш нуктасида туплар тугуни ҳосил бўлиб, янги новдалар беради.

18.1-жадвал

Чим сифати	Зонада туплар сони		
	чимли-кулранг ва ўрмон-чўлли	қора тупроқли	қуруқ чўл ва яirim сахро
Аъло	300 дан ортиқ	200 дан ортиқ	100 дан ортиқ
Яхши	200-300	100-200	50-100
Кониқарли	100-200	50-100	35-50
Кониқрасиз	100 дан кам	50 дан кам	35 дан кам

Кўп йиллик ўтлар (беда, йўнгичка, шоҳдорлядвенең ва б) нинг ўқилдизлари бўлиб, тарвақайлайди, илдиз бўйни ер юзаси билан бир сатҳда.

Учиш майдонларининг чим қопламаси бир неча хил ўтлардан ҳосил қилинади; ўтлар шундай танланадики, илдизлар куюқ тўр ҳосил қилиб, узок ва барқарор хизмат қилсин, қурғоқчилик ва совуқ кунларга бардош берсин. Уругларни сепиш меъёрлари қишлоқ хўжалигига ўтлоқ ҳосил қилиш меъёрларидан юқори. Аэроромлар учун турли ўтлар уруғини аралаштириб сепиш тахминий миқдори (фоизлар) 18.2-жадвалда берилган.

18.2-жадвал

Ўтлар тури	Нормал ва ортиқча намланиш		Намланиш етарли эмас
	Гил ва қумоқ тупроқлар	Кумлоқ тупроқ	
Илдиздан кўпаядиганлар, %	25-35 50-65	50-60 35-40	20-30 55-70
Сийрак ва зич тупли, % Ўқилдизли, %	10-15	5-10	10-15

Турли ўтларнинг механик таъсирларга чидамлилиги ва чим қоплам ҳосил қилиш хусусиятларига қараб, проф. С.П.Смелов, уларни қуидаги тавсифлайди. Жуда чидамли ва пишиқ чим ҳосил қиладиган ўтлар-яйлов кўноқ ўти, оддий полевица, чим чўрттан, кизил бетага, узун райграс, оқ полевица, оқ беда, бўйимадоран хисобланади. Ўзи чидамли бўлса ҳам, суст чим ҳосил қиладиган ўтлар – кузга кульбаба, момокаймоқ, баргизуб, язвенник ва манжетка хисобланади. Механик таъсирларга чидамлилиги ўртача бўлса ҳам чим ҳосил қилишга яхши ўтлар яйлов ажриқбоши, яйлов тулкиқириқ, қилтиқсиз ялтирош, оқсўхта, яйлов бетага, америка буйдойики. Таъсирларга чидамлилиги ўртача чим ҳосил қилиши ҳам суст ўтлар – қизил беда, швед бедаси, сепиладиган ва сариқ йўнгичка. Механик таъсирларга кам чидаса ҳам яхши чим ҳосил қиладигани – ўрмаловчи буғдойик; чимни ҳам яхши қилолмайдигани – қумриёт, шовул.

Ўтларнинг уруғини тежаш мақсадида учиш майдонининг ҲҚ лари ғилдираги тегиши эҳтимоли кам участкаларга меъёрдан камроқ уруғ сепилади. Агар учиш полосасининг ишлайдиган асосий қисмидаги меъёрни 1,0 деб қабул қиласак. Хавфсизлигининг ён полосаларига уруғлар сарфи 0,35...0,40, чекка полосаларда – 0,20. уруғ сепишдан олдин тупроқнинг кимёвий таркиби текширилиб, тегишли минерал ўғитлар солинади.

Аэроромни эксплуатация қилиш пайтидаёқ барқарор чим қоплам ҳосил қилишга киришилади. Уругларни танлаш, аралаштириш, сепиш меъёрлари, ўғит сепиш, агротехник тадбирлар маҳаллий грунт ва иқлим шароитларидан келиб чиқади ва маҳсус агрономик тайёргарликни талаб қиласди.

19– БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ АЭРОДРОМ ҚОПЛАМАЛАРИГА ТАЪСИРИ

19.1. Ҳаво кемалари филдиракларининг қопламага таъсири

Замонавий ҲК ларида юқори босимли пневматик шиналар ўрнатилади. Бу – қуйидаги заруратлардан келиб чиқади: замонавий ҲКнинг юпқа қанотида ёки фюзеляжига сигадиган юпқа филдиракли бўлиш; ҲК нинг шигов олиш охирида ва қўнган пайтда катта тезлик билан айланганда қисқа муддатли катта чўзувчи кучлар таъсир этиши туфайли мустаҳкам бўлиш (бундай катта тезликларда шина ичидаги босим паст бўлса, мажбурий тебранишлар кучли бўлиб, шина қизиб кетган ва протекор палахса-палахса бўлаб кетган бўларди).

ҲК ларига қўйилган бундай талаблар СУҚМ ни лойихалашни мураккаблаштиради, чунки унга катта кучлар туширишга тўғри келади. Грунтли учиш майдонлари ва дала шароитларида грунтли аэродромларга ҳам кўп қийинчиликлар туғилади, чунки уларда чукур излар қолади.

ҲК нинг асосий оғирлиги тушадиган асосий филдиракларда уч хил шина қўлланади: юқори босимли ва яримбаллонли арка туридаги, дум томонидаги филдиракларда – арка туридаги ва яримбаллонли. Тумшукдаги филдиракларда асосий ва дум филдираклардан омухта қилинган шиналар қўйилади.

Яримбаллонли шиналар қаттиқ қопламали ёки грунтли аэродромларга бириклирилган, қўниш тезлиги 160 км/соат гача бўлган ҲК ларига ўрнатилади. Учиш-қўниш тезлиги бундан катта ҲК лари учун бундай шиналар ярамайди, чунки унинг ёnlама турғунлиги, мувозанати етарли даражада эмас, катта тезликда кўп ишлолмайди. Бундай холатларда аркасимон шиналар қўлланади.

Шинанинг қоплама билан туташган юзаси ва унга тушадиган юк миқдори ўртасида тўғри чизиқли боғланиш мавжуд. Шинанинг эзилши унга тушган юкка тўғри пропорционал бўлгани учун ҳар қандай юкламада қопламага тушадиган солишишторма босим бир хил бўлади (19.1-расм). Филдиракнинг қопламага ўртача босими q_{cr} , шинанинг ўз бикирлиги таъсирида шина ичидаги ҳаво босимидан бир мунча юқори. Одатда, қуйидагича қабул қилинади:


$$q_{cr} = k_{sh} \rho_0$$

бу ерда K_{sh} – коэффициент шинанинг конструкцияси ва ён деворларининг бикирлиги билан боғлиқ коэффициент, 1,05...1,10 га тенг олинади.

Протектор нақши қопламага тегиб турган жойдаги босим ҳам, шинадаги ҳаво босимидан ортиқ:

$$q_{cr,max} = k_{pr} \rho_0$$

Коэффициент K_{pr} , протектор нақшининг мураккаблигига қараб $1,5 \div 1,7$ оралиғида қабул қилинади. Шиналарнинг қопламага ҳақиқий босимлари ҲКлари қўнаётганда шинага ва қопламага таъсир этадиган горизонтал кучларни топиш учун керак.



19.1-расм. Шина ичидаги босим ҳар хил бўлгандага, шина эзилишининг унга тушган юкламага боғлиқлиги.

Шиналар ва қопламаларнинг ейилиши, қоплама юзасида ҳар хил деформациялар ҳосил бўлиши шу кучларга боғлиқ. Қоплама қалинлигини ҳисоблаб топишда ҳам туташ юзага тушадиган ўртача босимга асосланади. Шинанинг қоплама билан туташ юзаси шакл жиҳатдан 1,25...2,0 нисбатдаги диаметрли эллипс бўлишига қарамай, қоплама қалинлигини ҳисоблашда R радиусли доира деб қабул қилинади:

$$R = \sqrt{\frac{D}{\pi k_\phi \rho_0}}$$

ҲК си юрганда қопламага тушадиган босим бир хил қолмайди. Тезлашганда қанотларда пайдо бўладиган кўтарувчи кучлар ғилдиракка тушадиган юкламани пасайтиради. Бевосита учиш олдида бу юклама нолга яқинлашиб қолади.

Қоплама нотекис бўлгани сабабли (бетон қопламаларда плиталар орасида очилиб колган чоклар, плиталар бир-бирига нисбатан вертикал силжигани, асфальтбетон қопламаларда ҳосил бўлган чукурчалар, тўлқинлар) ғилдираклардан қопламага тушадиган босимлар статик вазиятдагидан анча ортиқ бўлади

ҲК сининг тезлиги ошганда ғилдиракларнинг қопламага динамик таъсири $K_{дин}$ икки сабаб билан изохлаш мумкин; ғилдирак нотекисликка дуч келганда зарбанинг ошиши ва ғилдирак тез айланиши натижасида унда ҳосил бўладиган марказдан кочирма кучлар уни чўзишга ҳаракат қилиб, натижада қопламага кўп куч тушади. Бундан ташқари шина катта тезлик билан тебранганда, статик ҳолатдаги миқдорча деформацияланмай, тез ўтиб кетади. Шу билан бикирлиги ошгандек таъсир қиласи, босими ҳам ортади. Қоплама қанчалик нотекис бўлса, динамик коэффициент шунчалик катта бўлади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб ҲК лари ғилдиракларининг қопламага босимини қуидагича ифодалаш мумкин.

$$P_{дин} = (P_{стат} - Y_k) k_{дин} = P_{стат} x \left(1 - \frac{Y_e}{D_{норм}}\right) k_{дин} = P_{стат} k_{дин} k_{разг},$$

бу ерда $P_{стат}$ – ғилдиракнинг статик босим кучи; Y_k – ғилдиракни енгиллатадиган кўтарувчи куч; $k_{разг}$ – кўтариш кучи ҳосил бўлганидан босимнинг камайишини ҳисобга оладиган енгиллатиш коэффициенти; $k_{дин}$ – динамиклик коэффициенти.


Кўтарувчи куч таъсири, ҳаракат тезликлари ва ғилдиракларнинг бир издан ўтиш частотаси ўзгаришлари муносабати билан ҲК нинг ва қопламага таъсир этувчи кучларнинг таъсир этиш шароитлари аэроромнинг турли участкаларида турлича. Шунга қараб қоплама қалинликлари ҳам ҳар хил бўлади.

ҲК лари туриш жойларида узок туриб қолишлари мумкин, демак қоплама ўша жойларда узок вақт юклама остида бўлади. Бироқ, ҲК си ТЖ га жуда кичик тезлик билан киради, динамик таъсир деярли бўлмайди. Лекин, двигателни ишлатиб кўриш пайтида титратма кучлар ҲК нинг шассиси орқали қопламага тушади. Юқори частотали бу титрашлар қоплама мустаҳкамлигига зарар етказа олмайди. Факат, об-ҳаво нокулай келган ва аэрором ишлай бошлаган дастлабки йилларда, етарли шиббаланмаган қум асос ўта намиқиб қолсагина, титрашлар таъсирида қопламанинг у ер бу ери озгина чўкиб қолиши мумкин.

ҲК руллаш йўлида (РЙ) кўпи билан 20...30 км/соат тезлик билан юради. Бундай тезликда қанотларда кўтарувчи куч ҳосил бўлмайди, ғилдирак нотекисликларга урилганда қопламага зарбали кучлар тушади. РЙ нинг эни кичкина бўлгани сабабли ҳамма ҲК ларнинг ғилдираклари деярли бир издан юради, натижада ўша жойларда қолдиқ деформациялар тўпланди. ҲК ни ноаник руллашда ғилдираклар РЙ қопламасининг четига чикиб кетиши мумкин. РЙ қопламасини ҳисоблаётганда динамиклик коэффициентининг юқори қийматлари қабул қилинади.

СУҚМ нинг учларидаги участкалар шамол йўналишига қараб ё старт, ё финиш участкаси вазифасини бажаради. Старт участкасидаги қопламаларнинг ишлаш шароити турар жойдаги қопламаникига ўхшайди, фарқи шуки, кўтарилишда юкламалар бир жойга тўпланиб тушмайди, ҲК эса қопламанинг муайян нуктасида киска муддат бўлади.

ҲК си қўнаётганда СУҚМ нинг учидаги участка қопламаси зарбали таъсирга учрайди. Агар пилот ҲК ни яхши қўндирамаса (масалан, , анча баланддан “парашютласа”), шассида ҳосил бўладиган юклама статик қийматдан анча ортиб кетиши мумкин. 25.2-расмда ҲК сини нормал ва зарбали қўндирган ҳолларда ғилдираклардан қопламага тушадиган кучларнинг ўзгариши кўрсатилган.




19.2-расм. Ҳаво кемаси қўнганда ғилдиракдан қопламага тушадиган юклама.
а – нормал қўниш; б – зарба билан қўниш.

Графикдан қўринадики, ҲК ни нормал қўндирганда юклама статик ҳолатдагидан ошмайди. Кўпол қўндирганда қисқа муддатли зарба статик ҳолатдаги юкламадан 3 марта ортиб кетди ва бу шасси мустахкамлик заҳираси (3,5...4,5) билан тенглашиб қолди.

ҲК си ғилдирак билан зарба бериб, шу захоти югуриб кетганда тезлик камайиши билан кўтариш кучи пасая бориб, қопламага босим кўпаяверади ва статик ҳолатдагига етади. Қоплама нотекис бўлса, ҲК си тезлашгандаги каби, 20-40 км/соат тезликларда қопламага тушадиган юклама статик ҳолатдагидан ортиқ бўлиши мумкин. СУҚМ ўрта қисмларида энг қулай шароит бўлади. ҲК си бу участкани катта тезликлар билан ўтиб, кўтариш кучлари ҳали билиниб туради. Ғилдиракдан юк тушиш давомийлиги ҳали кам, қоплама ва унинг остидаги грунт тўлиқ деформацияланишга улгурмайди. Грунтнинг қаршилиги статик ҳолатдагига қараганда ошгандек туюлади. Айни пайтда, ҲК СУҚМ нинг ўрта қисмлари туриши ҳам тўхтаб қолиши ҳам мумкин эмас. Бунда руллаш, зарур бўлганда бажарилади ва РЙ дагига қараганда катта тезликда амалга оширилади. Шу сабабларга кўра СУҚМ нинг ўрта қисмлари қопламасини учларидагига қараганда камроқ юклама билан хисоблаш мумкин.


Аэродромлардан биридаги УҚТ қопламаси плиталарининг бўйлама йўналишда шикастланишлари (19.3-расм) тасманинг учлари ва ўрталарида иш шароитлари фарқини аниқ кўрсатади. Шикастларнинг асосий қисми (80%) СУҚМ нинг уч қисмларига тўғри келади.



19.3-расм. Бетон қоплама плиталари шикастларининг УКТ бўйлаб тақсимланиши.

ХК кўнгандада ва СУКМ нинг ўрта қисмида филдираклар тебранганда шасси элементларида ҳосил бўладиган кучларни қоплама асоси ва тагидаги грунтга узатиладиган кучлар билан тенглаштириш керак эмас; қоплама қалинлигини кейинги кучлар асосида хисоблаш керак. Филдиракларнинг босими пастдаги грунтга бир мунча юмшатилган ҳолда узатилади. Кўп маротаба юклама бериб ўтказилган синовлар кўрсатишича, букилишнинг тўла миқдори ўнлаб минутлардан кейин содир бўлади. Тез айланәтган филдирак таъсирида қоплама ва грунт секин деформацияланади; бу ва инерция кучларининг қаршилиги туфайли қоплама, юк узоқ вақт тушиб тургандагига қараганда кам букилади. Бу, грунт асосга кичкина юк билан статик таъсири қилишдек гап. Буларнинг бари синовларда тасдиқланган, яъни турли қопламаларнинг грунтли асосларидаги кучланишлар (текис қоплама юзасида турли тезликлар билан юрганда) статик юкламадагига қараганда кичик бўлган. Қоплама юзасида нотекисликлар мавжуд бўлганда грунт асосдаги динамик коэффициент 1,0 дан ошади, лекин амалда филдирак урилишининг таъсиридан кам бўлган.

Айланәтган филдирак остидаги қопламанинг деформацияланинишини оддий кўринишда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Ҳаракатланаётган юклама таъсирида қоплама қатламида букилиш тўлқини ҳосил бўлади; у юзанинг маълум қисмини қамраб олиб, филдирак билан бирга суриласди (19.4-расм).



19.4-расм. Айланәтган филдирак таъсирида қопламанинг букилиш схемасини аниқлаш схемаси

Эластик асос устидаги плита назариясига асосан, плитанинг грунтга босими юк тушган марказдан “ч” узоқлиқда деярли нолга teng:

$$r = 4 \ell = 4 H_3 \sqrt{\frac{E_a}{6 \bar{A}_{ad}}} , \text{ бу ерда } \ell = H_3 \sqrt{\frac{\bar{A}_a}{6 \bar{A}_{ad}}}$$

қоплама бикрлигини тавсифловчи коэффициент; H – қоплама қалинлиги; $E_{\text{гр}}$ – грунтнинг элактиклик модули; E_b қопламанинг эластичекликийнинг модули.

Масофа – г ни букилиш тўлқинининг радиуси деб қабул қилиш мумкин, демак деформацияга кирган либос массаси қуйидагича ифодаланади:

$$M = \frac{Q}{g} = \frac{\pi r^2 H \gamma}{g} = \frac{16 \pi \gamma I^3}{g} \sqrt[3]{\left(\frac{E_a}{6 A_{ad}} \right)^2},$$

бу ерда γ – қоплама зичлиги

Шу муносабат билан тўшамани ҳақиқатда деформациялайдиган куч- $G_{\text{факт}}$ ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$G_{\text{факт}} = G_{\text{дин}} \cdot \frac{Q d^2 \delta}{q dt^2},$$

бу ерда Q – либоснинг деформациялананаётган тўшама оғирлиги; δ – тўшаманинг t вақт ичидаги букилиши.

Тўшама участкасига куч таъсир этиши қанчалик қиска бўлса, деформацияланиши ҳам шунча кам. Тўшама букилишини кўплаб синовлардан аниқланишича, букилишнинг вақтга боғлиқлигини қуйидаги эмпирик ифода билан кўрсатиш мумкин:

$$\delta_t = \delta_{\bar{n}\bar{o}} \frac{t}{t + t_0}$$

бу ерда $\delta_{\text{ст}}$ – юклама узқ таъсир қилганда ($t = \infty$) чўкишнинг чегаравий қиймати; t_0 – эмпирик кўрсаткич, сек. билан ўлчанади; 0,5-3,0 оралиқда қийматга эга; унинг қийматини муайян шароитлар учун тажриба йўли билан аниқлаш мумкин.

Агар қопламани 1,0 га teng коэффициенти билан тавсифласак, бу коэффициентнинг t вақтдаги ўртача қиймати:

$$k_{\text{ж}} = \frac{G_t(t + t_0)}{\delta_{\bar{n}\bar{o}} t}$$

Плитага босим эпюраси эгри чизиқли бўлиши муносабати билан, ғилдирак тўшаманинг деформацияланган қисми чегарасида тебранганда плита самарали деформацияланишини эътиборга олиб, қуйидагича ёзамиш:

$$t = \frac{1,5r}{v}; \quad k_{\text{ж}} = \frac{G_1}{\delta_{\bar{n}\bar{o}}} \left(1 + \frac{t_0 v}{1,5r} \right)$$

Қопламадан грунтга маълум бир нуктада тушадиган босим (ғилдирак тебраниши натижасида) Гаусс қонунига яқин тарзда ўзгаради. Уни соддалаштириш учун синусоида чизиги билан алмаштириш мумкин; бунда қоплама қатламига тушадиган юклама қуйидаги тенглама асосида ўзгаради:

$$G_t = G_{\text{стат}} \sin \frac{\pi v}{2r} t,$$

Бунга биноан $t = 2v/r$ ва $t=0$ бўлганда $G_t=0$; $t = v/r$ бўлганда (ғилдирак кўрилаётган нуктадан ўтиши) $G_t = G_{\text{стат}}$

(18.6) тенгламанинг ечимини вақт бўйича синусоида билан ўзгарадиган юклама учун қуидаги ифодаларни ёзамиз:

$$\delta_t = \frac{G_{\ddot{\theta}\dot{\theta}} \sin \theta}{M(\Psi^2 - \theta^2)}$$

$$\Psi = \sqrt{\frac{k_e}{I}} \dot{\theta} = \frac{\pi_t v}{2r}$$

Букилишнинг энг катта қиймати $\sin \theta t=1$ да кузатилади. ҲК нинг харакати тезлашгани сайн қанотларда ҳосил бўладиган кўтарувчи куч таъсирида қопламага тушадиган юклама камайиб боради.

Оддий ҳолатда, қанотлардаги кўтарувчи кучларни хисобга олмагандан, (17.3) тенгламага $G_{\text{стат}}$, M ва k_e ларнинг қийматини қўйиб, қуидаги ифодани ҳосил қиласиз:

$$\delta_{\ddot{\theta}\dot{\theta}} = \frac{\delta_{\ddot{\theta}} k_{\ddot{\theta}\dot{\theta}}}{1 + \left(\frac{tv}{GH} - \frac{0.3v^2 \gamma}{E_{\ddot{\theta}}} \right)^3 \sqrt{\frac{6 \ddot{A}_{\ddot{\theta}}}{\ddot{A}_\theta}}}$$

бу ерда $k_{\text{дин}}$ – динамик таъсиrlар коэффициенти.

Қопламани хисоблаш учун айланәтган ғилдирак таъсирининг динамик коэффициенти:

$$k_{\text{дин}} = \delta_{\text{дин}} / \delta_{\text{стат}}$$

ҲКнинг тезлиги кичик бўлганда қопламанинг инерцияли қаршилиги деярли бўлмагани ва динамиклик коэффициентининг таъсири сабабли, 30...40 км/соат тезликларда, тезланишнинг боши ва охирида $\delta_{\text{дин}}$ нинг қиймати $\delta_{\text{стат}}$ дан ортиқ бўлиши мумкин; хисоблашда шундан фойдаланиш зарур.

Сунъий қопламанинг қалинлигини хисоблаётганда юкламанинг турли участкалардаги таъсирини маҳсус коэффициент (турли участкалар учун турлича статик юкламалар коэффициенти) билан эътиборга олинади.

19.2. Аэрором қопламаларига таъсир этадиган горизонтал кучлар

Аэрором қопламаларига таъсир этадиган горизонтал кучлар ғилдираклар нотекисликка чиқаётганда, пневматик шиналар тормозланаётгандаги ишқаланишда ёки қўниш онида ғилдиракни дастлабки айлантиришда ҳосил бўлади. Бу кучларни баҳолаш қопламанинг юқори қатлами сурувчи кучларга қанчалик бардош бериш талабарини меъёрлаш учун керак. Ғилдираклар нотекисликка урилганда энг катта эхтимолий куч $F_1=Pf$, ишқалангандан $F_2=P\varphi$; бу ерда P – ғилдиракнинг қоплама босим кучи; f – тебранишга қаршилик коэффициенти; φ – шинанинг қоплама билан илашиш коэффициенти.

Тезлик ошганда тебранишга қаршилик ошади, чунки двигателнинг қуввати нотекисликка урилишига сарфланади ва маълум критик тезлиқдан ўтганда ички босимга боғлиқ бўлади – шиналар тебраниб деформацияланишига сарфланади.

Пневматик шинали ғилдиракнинг тебранишига қаршилик коэффициентининг тезликка боғлиқлигини тахминан қуидаги изохлаш мумкин.

Ғилдирак нотекислик устига чиққанида (19.5-расм) тезлик пасаяди

$$v_{ch}=v \sin \beta = \frac{va}{R} v \sqrt{\frac{2RH - h^2}{R}},$$

Зарб билан урилганда шина ва қопламани деформациялашга сарфланадиган қувват $2Rh$ га нисбатан анча кичик бўлган h^2 ни хисобга олмагандан:

$$\Delta E = v \frac{G_k}{g} \frac{v^2 (2Rh - h^2)}{R} \approx \frac{v^2 G}{g} \frac{v^2}{D_e} h,$$

бу ерда D_e – ғилдирак диаметри; v – сиқилган шина қайтариб берадиган қувватни хисобга олувчи коэффициент (юқори босимли авиация шиналари учун 0,7-0,9); G_k – ғилдирак вазни

Агар L узунликдаги йўлнинг XK ғилдираклари учрайдиган нотекисликлар “ n ” та бўлса, тезликни ўзгартирмасдан тутиб туриш учун 1 м йўлга сарфланадиган кўшимча куч қуидагича ифодаланади:

$$F = \frac{2vG_k v^2}{g D_e} \frac{\sum_1^n h}{L},$$


бу ерда h нотекисликлар баландлиги.

XK оғирлигининг бирлигига тушадиган солиштирма қаршилик:

$$f = \frac{F}{G_k + G_c} = \frac{2v^2 G_k}{g D_k (G_k + G_c)} \frac{\sum_1^n h}{L}$$

бу ерда G_c – XK вазнининг битта ғилдиракка тушадиган қисми кўтарувчи кучни хисобга олганда).

Нотекисликлар йигиндиси $\sum_1^n h$ ни профилограф ёрдамида аниқлаш мумкин. Айланувчи барабанларда шиналарнинг тебранишига қаршиликни аниқлаш синовлари, қаршилик тезликка пропорционал ўсишини кўрсатди. Ички босим 0,4 МПа бўлганда тезлик 150 км/соат дан 250 км/соат га ошганда тебраниш учун керак бўладига қувват тахминан 12 марта ошар экан. Шинадаги босим кўпайган сари тезликнинг тебранишга қаршиликка таъсири пасаяди. Юқори босимли шиналарга ўтишнинг бир сабаби шунда.



19.5-расм. Айланаётган ғилдиракнинг қоплама нотекисликларига босимини аниқлаш схемаси.

Гарчи катта тезликларда тебранишга қаршилик коэффициенти ошса ҳам, күттарувчи күч катталашыб, ҲК нинг ҳаракатига тўсқинлик қиласидан умумий қаршилик – ҳаво қаршилиги бўлиб қолади. Шунинг учун ҲК нинг кўтарилишига тегишли ҳисобларда кичик тезликларга тегишли f коэффициентдан келиб чиқилади:

Текис цементобетон ва асфальтбетон қопламалар	0,01-0,02
Ўша, боғловчи материалга қорилган майда ёки чақиқ тош	0,02-0,03
Бетон қопламалари (плиталари вертикал силжиган, чоклари очилган, дарз кетган) ва чукурчалари бор асфальтбетон қоплама	0,04-0,05
Зич кумоқ тупроқли грунт	0,05-0,15
Йўлсизлик пайтидаги грунт қоплама	0,15-0,30

Горизонтал кучлар юзага келишида тормозлаш кучлари сабаб бўлади. Пневматик шинанинг қоплама билан илашуви – мураккаб жараён. Тормозланган ғилдиракнинг қоплама билан туташган текислигига юзага келадиган энг катта кучни илашиш коэффициенти φ – тормоз кучининг ғилдиракдан қопламага тушадиган босим (f -бунда шиналарнинг сирпаниши бошланади) Р нисбати орқали ифодалаш мумкин. ҲК ларини нормал тормозлаш шундай бўладики, ғилдираклар қопламада сирпанмасдан айлансин, ишқаланиш эса тормоз барабанларида бўлсин. Бунинг учун тормозловчи момент қуидагича бўлиши керак:

$$M_T = P \varphi R_k,$$

бу ерда: P – ғилдиракнинг қоплама босими; φ – илашиш коэффициенти; R_k - ғилдиракнинг тебраниш радиуси (ғилдирак радиусининг шинанинг сиқилиши миқдори – δ_{sh} қадар камайгани)

Авиация шинасининг қоплама билан энг кучли илашуви, ҲК ерга кўнаётганда катта тезлик билан сирпанаётганида ҳосил бўлади, бу ғилдирак айланенинг чизиқли тезлиги ҲК нинг илгариланма ҳаракати тезлиги билан тенглашунча давом этади.

Ғилдираклар бетон қопламага теккандан бошлаб тўлақонли айланиб кетгунича 0,607-0,120 сек, грунт қопламада эса 0,14-0,18 сек ўтади. Бу вақтда кечган энг кўп ишқаланиш шиналарни қиздириб юборади, улар кўп едирлади ва қопламада қора из қолдиради.

19.3 Қопламага ҳаво оқимлари ва реактив двигателлар чиқинди газларининг таъсири.

Аэрором қопламаларига оғирлик кучидан ташқари винтли ҲК ларнинг кучли ҳаво оқимлари ва реактив двигателларнинг юкори ҳароратли ва кучли чиқинди газлари ҳам қаттиқ таъсир қиласиди. Бу, қопламаларнинг пишиқлиги ва ҳароратбардошлигига юкори талаблар қўяди, қопламага ишлатиладиган материалларни чеклайди.


Реактив двигателли ҲК лари пайдо бўлгач, қопламаларга кучли ҳаво оқимлари қандай таъсир қилишини ўрганиш ва ҳисобга олиш зарурати туғилди. Аксар турбореактив двигателларда, чиқинди газлар ҳарорати, соплодан чиқиш жойида, айланышлар сони энг катта бўлганида $600-800^{\circ}\text{C}$, тезлиги эса 600 м/сек бўлади. Бундай газ оқими $6-6,5^0$ бурчак билан кенгая бориб $12-5$ м кенгликни қамраб олади ва узоқ масофага этади.

Турбовинтли двигателларда газ оқими сустроқ чиқади, лекин бунга винтлар ҳосил қиласидан кучли оқим қўшилади. Турбовинт двигателларнинг оқими винт текислигидан $30-40$ м нарида ўзи ҳосил қилган ҳаво оқими билан аралашиб кетади.

Турбореактив двигателдан катта тезлик билан чиқаётган газ оқими кенгайганида, ҳароратини бир мунча йўқотади, лекин қопламага этиб борганида ҳам $250...300^{\circ}\text{C}$, тезлиги эса секундига ўнлаб метр бўлади (19.6-расм).

Газ оқимининг қопламага таъсири қуидаги омилларга боғлиқ: реактив двигател тури ва иш режими; газ оқимларининг ҳарорати, тезлиги ва таъсир этиш давомийлиги; қоплама материалининг пишиқлиги ва ҳароратбардошлиги; ҲК нинг конструкцияси - двигател соплосининг қопламадан баландлиги, двигател ўқининг горизонталга қиялик бурчаги.

Двигателдан чиқсан оқим қопламага урилган жой юзаси эллипс шаклида бўлиб, уни “оқимлар майдони” дейилади. Бундай майдонларнинг ўлчамлари замонавий транспорт самолётларда қандай бўлиши 19.1 – жадвалда берилган. Оқимлар майдонидаги газлар ҳарорати ва тезлиги бир хил эмас, соплодан узоқлашган сари пасаяди.



19.6-расм. Реактив самолёт двигателидан чиқаётган газ алангасининг қопламага таъсири.

Эксплуатация шароитларида газ оқимининг қопламага таъсир этиш давомийлиги қуидагича (мин):

Туриш жойида номинал режим билан синаш	3-5
Перронда туриш (кичик айланишлар)	2-3
Кўтарилишга рухсат кутиб стартда кутиш (номинал режим)	1-2,5

Бундай пайтларда двигател узок вақт таъсир этмагани сабабли қоплама қизишга улгурмайди. Юқори ҳароратлар СУҚМ нинг старт участкаси ва ТЖ ларда хавфли, ҲК си тезликни ошираётганда газ оқими қопламанинг ҳар бир бўлагига шунчалик кам вақт таъсир этадики, қоплама ҳатто қизишга улгурмайди. Шунинг учун реактив двигателнинг қопламага таъсири СУҚМ нинг дастлабки 100-150 м масофасида эътиборга лойик дейиш мумкин. Бу участкалар 200° С ҳароратга чидамли, 100 м/сек тезлик билан урилаётган газ оқимлари таъсирига барқарор, тўкилиши мумкин бўлган ёнилғи ва мойлаш материалларига бардошли бўлиши керак. Бу талабларга энг кўп мос келадигани - цементбетон қопламадир. У қисқа муддатлар (30-45 сек) давомида $300-350^{\circ}$ С ҳароратни кўтара олади. Бундан ортиқ вақт таъсир этганда ҳарорат плита қалинлиги бўйлаб кескин фарқ қилгани туфайли ҳароратдан кенгайишлар ҳам турлича бўлиб, қоплама юзаси емирила бошлайди.

Асфальтбетон қоплама 100° С ҳарорат ва 50 м/сек гача тезлиқдаги оқимга 3-4 мин давомида чидайди. Органик боғловчилар билан ишлов берилган тош қопламалар ҳарорат 80° С дан ошганда ва ҳаво оқими тезлиги 30-40 м/сек бўлганда жуда тез, двигател ишги тушиши биланоқ емирилади.


19.4. Аэродром қопламасининг турли участкаларига ҳаво кемалари таъсири хусусиятларини хисобга олиш.

ҲК лари ҳаракатланганда қопламанинг турли участкаларига тушадиган вертикал юкламалар турлича бўлиши, қопламани шуларга мослаб лойиҳалаш гоясини илгари сурди. Сунъий қопламанинг қалинлиги УҚТ нинг эни ва бўйига, турли жойларда, тезлик олиш, югуриш ва туриш жойларида ҳар хил бўлиши шундан.

Қоплама мустаҳкамлигини турлича қилиб қуришнинг ўзи анча қийин иш. ҲК нинг ҳаракати одатий схемадан четга чиқиб кетса, масалан, югуриш йўли қисқа бўлганда, шамолга қарши йўналишда қўнишда, кўтарилиш бекор қилинганда, СУҚМ да руллагандан қопламанинг мустаҳкамлиги талабга жавоб бермай қолиши мумкин. Мустаҳкамлиги ҳар хил қопламанинг захираси етарли бўлмагани сабабли оғирроқ ҲК сини қўндириш зарурати чиқиб қолса, муаммо юзага келади.

Оғир ҲК лари СУҚМ нинг ўқига нисбатан аниқ мўлжал билан қўнади. Бу қўниш тавсифи (19.9-расм) га қараганда, УҚТ нинг бўйлами йўналишида ўзгармас бўлади, об-ҳаво ва сутка вақтига боғлиқ эмас.

Қоплама қалинлиги СУҚМ нинг эни бўйлаб ҳар хил бўлиши қурилиш ишларини анча тежамли қилади. Мустаҳкамлиги ҳар хил қопламани лойиҳалашда қопламанинг турли участкалари учун ўзига мос коэффициентлар танланади.




19.8-расм. Аэродромни А,Б,В,Г участкалар гурухига ажратиш.

а - ХК ни руллаш магистрал РЙ да бажарилади; б – руллаш СУҚМ да бажарилади; А – ХК лари мунтазам рулланадиган магистрал РЙ, СУҚМ нинг уч қисмлари, СЦҚП энининг ўрта қисмлари; Б – СУҚМ нинг “а” схема бўйича лойиҳаланган, уч қисмларига туташсан участкаси, “б” схемаси билан лойиҳаланган ўрта қисмнинг четлари (СУҚМ энининг $\frac{1}{4}$ қисмича), туташтирувчи РЙ, ТЖ, перронлар ва бошка туриш майдончалари; В – СУҚМ нинг “а” схема бўйича лойиҳаланган ўрта қисми (СУҚМ энининг $\frac{1}{2}$ қисмича); Г – СУҚМ ўрта қисмининг “а” схема бўйича лойиҳаланган четлари (РЙ га туташ жойлардан ташқари).

2.05.08-85 ҚМҚ “Аэродромлар” да $K_{дин}$ ва $K_{разгр}$ коэффициентларнинг турли қийматлари кўзда тутилган. Улар ХК нинг СУҚМ нинг ўрталарида ва уч қисмларида катта тезлик билан, бошка қосмларда ҳам ўзига мос тарзда юришини ҳисобга олади; СУҚМ қопламаси, уч қисмларидан ташқари эни бўйича турли мустаҳкамликка эга; ўрта полосанинг эни СУҚМ энининг 0,5 қисмича, лекин 40 м дан кам бўлмайди.

19.8-расмда аэродром қопламаларининг ҳисобий параметрлар бўйича фарқланадиган участкалар гурухларига ажратиш схемаси берилган. Уларга тегишли коэффициентлар 19.2-жадвалда.



19.9-расм. Оғир самолётларнинг УҚТ эни бўйлаб қўниш жойларининг тақсимланиши:
а – тасма энига юкламалар тушиш схемаси; б – тасма энининг турли участкаларига қўнишлар сони;
в – тасмасининг тавсия этилган кўндаланг профили.


Қоплама участкалары гурхи	Гурухдаги участкалар	$k_{разгр}$	Шина босими күйидагича бўлганда $k_{дин}$, МПа		
			1 гача	1-1,5	>1,5
А	Магистрал РЙ; СУКМ нинг уч қисмлари, энининг ўрта қисмлари (ХК мунтазам рулланадиган жойлар)	1	1.2	1.25	1.3
Б	СУКМ нинг уч қисмларига яқин участкалри (“а” схема билан лойиҳаланган); эни бўйлаб ўрта қисмнинг четлари (“б” схема билан лойиҳаланган); ёрдамчи ва туташтирувчи РЙ, ТЖ, перронлар ва бошқа туриш жойлари.	1	1.1	1.15	1.2
В	СУКМ нинг “а” схема билан лойиҳаланган ўрта қисми	0.85	1.1	1.1	1.1
Г	СУКМ ўрта қисмининг “а” схема билан лойиҳаланган четлари (РЙга туташ жойлардан ташқари)	0.85	1.1	1.1	1.1

Ҳамма участкалар учун нобикир қопламаларни ва пневматик шиналардани ҳаво босимини ҳисоблашда бир хил динамиклик коэффициенти қабул қилинади ва енгиллатиш коэффициенти киритилади.

19.5. Аэроромнинг учиш-қўниш тасмалари қопламаларига тушадиган ҳисобий юкламалар.

Авиация саноатининг ривожланиши ХК нинг учиш массалари ортишига олиб келди. Замонавий ХК нинг оғирлиги уч таянчли шасси орқали қопламага тушади (иккита асосий ва битта ёрдамчи тумшук ёки дум томонда, таянч). Ёрдамчи таянчга 10-15 % оғирлик тушади.

Филдираклар ва шассининг жойлашиш схемалари 19.10-расмда берилган.



19.10-расм. ХК нинг таянчлари: а- ёлғиз филдираклар; б – бир ўқдаги жуфт филдираклар; в – икки жуфт филдираклар аравачаси.

Шасси велосипедсизон бўлганда оғирлик қопламага иккита асосий таянч орқали тушади. Орка таянчга 55...85% юк тушади. Юк узатилиш турига қараб шассининг асосий филдираклари биттадан, иккитадан ва тўрттадан бўлиши мумкин. Тўрт филдиракли таянчда ёнма-ён филдираклар ораси 70 см, бир қатордаги филдираклар ораси 130 см бўлади. “Шартли таянч” деганда битта таянчдаги филдираклар сони тушунилади. Филдиракларнинг таянчда жойлашувига қараб, қопламага юк узатиш шароитлари кескин ўзгариши мумкин. Ҳисоблар кўрсатишича, агар битта филдиракдан изборат таянч остидаги қоплама қалинлигини 1,0 деб олсак, ўша вазнданги, лекин таянчи иккита

ғилдиракли ХК учун қоплама қалинлиги 0,7...0,8, ғилдиракли шасси учун 0,5 қалинлик керак бўлади. Шунинг учун оғир массали ХК ни лойиҳалашда таянчини хўнғилдиракли деб қабул қилинади, шунда улар кичик массали ХК ларига мўлжалланган қопламада ҳам ишлай оладилар.

Қопламаларни ҳисоблашда юкламаларни аэрором классига қараб танланади. Самолётлардан тушадиган ҳисобий юкламалар, 2.75.08-85 “Аэроромлар” ҚМК га биноан 19.3-жадвалда, вертолётлар учун – 19.4-жадвалда берилган.

19.3-жадвал

Меърий юклама тоифаси	Асосий (шартли) таянчга тушадиган меърий юклама ХК, кН		Пневматик шиналардаги ҳаво босими МПа
	тўрт ғилдиракли	бир ғилдиракли	
Тоифалардан ташқари	850	-	1
	I 700	-	1
	II 550	-	1
	III 400	-	1
	IV 300	-	1
	V -	80	0.6
VI	-	50	0.4

19.4-жадвал

Вертолёт тоифаси, учиш массаси бўйича, т	Асосий (шартли) бир ғилдиракли таянчга тушадиган меърий юклама, кН	Пневматик шиналардаги ҳаво босими МПа
Оғир (150 дан юқори)	170	0.7
Ўрта (60...150)	60	0.6
Енгил (50 дан кичик)	20	0.4

20.БОБ. АЭРОДРОМ АСОСЛАРИДАГИ ГРУНТЛАРНИНГ ИШИ

20.1. Грунтлар ҳолатини йил давомида ўзгариши.

Аэрором қопламалари асосидаги грунтларнинг мустаҳкамлиги ва юкламаларга бир текис қаршилик кўрсата олиши аэрором хизматлари нормал кечишида муҳим рол ўйнайди. Грунт асослар ХК ғилдирагидан тушадиган босимни қоплама орқали олади. Сунъий қопламаларнинг мустаҳкамлиги ва текислиги, юкламаларга қаршилик қилиш хусусияти ва асосдаги грунтнинг зичланиш даражасига боғлиқ. Ҳар қандай капитал ва мустаҳкам қоплама, агар у етарлича зичланмаган ва бир хил бўлмаган грунт устига қурилган бўлса, эксплуатация жараёнида текислигини йўқотади ва емирилади. Грунт асоснинг қаршилиги унинг намлигига боғлиқ. Агар намлик юқори бўлса, қопламага ҳисобидан анча кам куч таъсир этса ҳам емирилиб кетади.

Грунт асоснинг намлиги йил давомидаги ёғин-сочинлар ва ҳароратлар ўзгаришига қараб ўзгаради. Ер ости сувларидан тепадаги грунт қатлами ҳароратларининг ва намлигининг ўзгариш қонуниятлари аэрором қопламалари грунтли асосларининг “сув ҳарорат режими” дейилади. У йил давомида ўзгаради. Проф.А.Я.Тулаев бу ўзгаришларнинг 4 босқичини ажратиб кўрсатади:

- атмосфера ёғинларини шимиш ва кам буғлатиш натижасида грунтнинг юқори қатламларида намлик орта бошлашнинг кузги босқичи;
- грунтнинг музлаши ва ҳарорат градиенти таъсирида чукур қатламлардан манфий ҳароратли зонага намлик кўтарилиб, қайта тақсимланиш босқичи;
- баҳорги эриш босқичи; бунда грунт намлика тўйиниб мустаҳкамлиги камайган бўлади, юзаларда мусбат ҳарорат бошланади;
- грунт асоснинг қуриш даври; бунда музлаган қатлам эриб, сув чукур қатламларга сингиб кетади ва буғланади.

Грунтдаги сув миқдорига қараб унинг юкламаларга қаршилиги ҳам ўзгаради. Сув грунт асосга бир неча йўл билан тушади: ер ости сувлари капиллярлар орқали тепага кўтарилишидан, грунт зарраларини қоплаб олган сув пардаларидан ажralадиган буғлардан, қоплама чоклари ва ёргларидан ўтадиган сув ва намлиқдан.

Гарчи замонавий қопламалар сув ўтказмасада, дарзлар ва чоклардан ўтиши мумкин. Қоплама таъмирланиб туришига қарамай, эксплуатация даврида чокларни тўлдирган материаллар куриб,


мўртлашади, винтли двигателларнинг шамоллари ва реактив двигателларнинг юқори ҳароратли газ оқимлари таъсирида мўртлашиб қолади ва ушоқлари кўчади. Кузатувлардан маълумки, бетон қопламаларни синчковлик билан кузатганда ҳам сув, бари бир грунт асосга ўтиб кетади. Ёмғирлар даврида ер ости сувлари грунт асосгача кўтарилади. Ер ости сувлари юқорисида капиллярлар орқали сувга тўйинадиган зона бор. Бундай сувнинг кўтарилиш баландлиги грунтнинг донадорлигига ва зичланиш даражасига боғлиқ. Кумда 30...50 см кўтарилади, чангсизон ва тупроқли грунтларда бир неча метрга кўтарилади.

Ёмғир пайтларда еrosti сувлар сатҳи кўтарилиб, капиллярлар орқали сувга тўйиниш ҳам ер юзасига якинлашади. Бундай сатҳдан юқоридаги грунт қатламидаги сув грунт зарраларини ўраб олган юпқа парда кўринишида бўлади, қалинлиги микрометрнинг улушлари билан ўлчанади; шунингдек, зарралар оралигини тўлдирган буғ кўринишида ҳам бўлади. Бевосита қоплама остидаги грунт қатламининг намлиги чукурроқдаги намликдан кўп бўлади; бунга сабаб, ундаги сув буғлари тунда конденсацияланиб қолишидир. Қоплама остидаги грунтлар ивиганда ҳажми кенгаядиган хилидан бўлса, қоплама дўнгалак бўлиб қолиши мумкин.

Сув грунт асосда, йил давомида статик мувозанатда турмайди. Ташқаридан сув кириб келиши, ҳарорат ва атмосфера босими таъсирида сув сатҳи ва капилляр кўтарилиш горизонти ўзгариб туради, сув пардалари ва буғлари ҳарорати юқори жойлардан пастроқ жойларга сурilади. Сув ўтказмайдиган қоплама остидаги грунт асос, чуқур жойларда сув кўтарилиши ҳисобига намланади.

Сув режимининг ўзгариши маҳаллий иклимий шароитларга боғлиқ, чунки унга таъсир этувчи омилларнинг нисбий таъсири турли иқлиmlарда турлича бўлади. 26.1-расмда Россия Европа қисмининг шимолий-гарбидан жануби-шарқ томонга сурilган сари намланиш манбаларининг аҳамияти кўrsatилган. Жанубга якинлашганда ер ости сувлари чуқур жойлашган, ёғинлар камайиб, буғланиш кўпроқ бўлгани сабабли сув режими кулай бўлади; айниқса, намланиш жадаллиги камайиб, қишида ҳарорат градиенти туфайли намлик қайта таҳсиланиши ҳам камайиши бу қулайликка қўшимча бўлади. Шунинг учун жанубий қурғоқчилик зоналарда грунтнинг намланишида ер ости сувларнинг таъсири камайиб, буғланиш ва буғларнинг силжиши кўпроқ аҳамиятли бўлади. Чўл зоналарда грунтнинг намланиш манбаи, асосан, атмосфера ёғинлари ва грунт говакларида сув буғларининг конденсацияланишидир.

Шимолий зоналарда грунтнинг намланишида ер ости сувларнинг капиллярлар бўйлаб кўтарилиш кўпроқ таъсир қилиб, буғларнинг сувга айланиши ҳам аҳамиятли бўлиб қолади.



20.1-расм. Россиянинг Европа қисмида шимолий-гарбдан жанубий-шарқка сурilган сари грунтни намлайдиган манбаларнинг ўзгариши.

1 – буғланиш; 2 – ёғинлар; 3 – ер ости сувлар сатҳи; I – қишки кўпчиш; II – эҳтимолий кўпчиш; III – сув буғларининг конденсацияланиши.

20.2. Қоплама асосида намликтин қишида қайта тақсимланиши ва қўпчиш жараёни.

Грунтларда қиш мавсумида намлик йигилиб, қоплама нотекис бўлиб қолиши ва баҳорги эришлар натижасида мустаҳкамлиги кескин пасайиш жараёнлари муҳандислик амалиётида “кўпчиш” деб аталади.

Грунт музлаганда ҳароратлар фарки (градиенти) юзага келади: ер ости сувлар юзасида плюс 4...6° С бўлса, музланган грунтда манфий ҳарорат бўлади. Натижада намлик илиқ грунтдаги музланган грунт томон сурилади. Турли сувлар турли ҳароратларда музлагани сабабли парда шаклидаги сув ва капиллярлардаги сув музланган грунтга қараб ҳаракат килади. Бунинг бир нечта манбалари бор.

1. Намлик грунт зарраларини ўраб олган сув пардалари бўйлаб, илиқ зарралардан совук зарраларга қараб сурилади.

2. Грунт зарралари ораларидаги сув буғлари пастки илиқ қатламлардан тепага кўтарилиб, у ердаги грунт зарраларини қопланган сув пардасига тегиб, конденсацияланади. Сув буғларининг бундай кўтарилиши, грунтнинг намлиги капилляр намлик ҳажмига тенглашганда тўхтайди; бунда капиллярлар “мениск” ҳалқалари билан ёпилиб қолади.

3. Сув пардаларидаги намлик нол изотерма даражасида сарфланишини қоплайдиган ингичка капиллярлар бўйлаб кўтарилади.

Грунт ичидаги йирик ғовакларда ҳарорат 0° С дан пастда муз кристаллари ҳосил бўлади. Унинг атрофидаги сув пардалари муз кристалли томон интилиб, кристалл панжарасига киришади. Кристаллнинг ҳажми катталашиб, атрофидаги намликин ўзига тортади. “Сўрувчи куч” ҳосил бўлиб, сув пардалардаги намликин тортаверади, грунтда муз қатлам шаклланади. Унинг табиати ҳозирча яхши ўрганилмаган. Тажрибалардан аниқланишича, “сўрувчи куч”, кумлоқ тупроқларда 0,01...0,02 МПа, қумоқ тупроқларда 0,03...0,05 МПа, гил тупроқда 0,7...0,9 МПа.

Намликтин сўрилиши ва музланган грунтда тўпланиши чангсимон ва зарралари 0,05...0,002 мм бўлган грунтларда жадал

кечади. Бундай грунтларда зарраларнинг юзалари сув пардаларидаги намлики кристалланиш марказига яхшироқ тортади. Грунт ғоваклари етарлича йирик бўлиб, музлашнинг бошланишида буғларнинг сурилиши рўй беради.

Таркибида тупроқ зарралари кўп бўлган грунтларда кўп миқдорда сўрилган сув минерал зарралар юзасида тутиб


турилади ва сув секин силжийди. Шунинг учун қишида намликтин қайта тақсимланиши суст кечади.

Проф. Н.А.Пузаков маълумотларига қараганда ҳарорат 0° С дан минус 3° С гача бўлганда намлик жадал қайта тақсимланади. Ундан паст ҳароратларда сув пардалари музлаб, грунтда намлик силжиши пасаяди.

21- БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИНГ БИКИР БЎЛМАГАН ҚОПЛАМАЛАРИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

21.1. Бикир бўлмаган қопламалар мустаҳкамлигининг мезони

Аэродромнинг бикир бўлмаган қопламасининг деформацияси бир вақтнинг ўзида ёки олдинмакейин келадиган жараёнларнинг намоён бўлиш натижасидир (21.1.-расм). Грунт асос юклама остида, актив зона чегарасида сиқилади, натижада қоплама δ қийматга чўкади ва “букилиш чашмаси” деб аталадиган эгри чизиқли юза ҳосил бўлади. Қопламанинг қалинлиги ва бикирлиги қанчалик юқори бўлса, ташки юкламанинг босими шунчалик катта юзага тақсимланади ва демак, грунтга тушадиган кучланиш шунча кам бўлади. Юклама остида қоплама материалларининг мустаҳкамлик чегарасидан ортганда қопламада ёки унинг асоси қатламларида дарзлар ҳосил бўлади.



21.1-расм. Бикир бўлмаган қопламанинг ёмирилишидаги деформациялар.

Юкламанинг қоплама билан туташган юзаси периметрида қирқувчи кучланишлар ҳосил бўлади. Юклама катта бўлганда қирқувчи кучлар қопламани ўпириб юборади, юклама остидаги қисми пастга қараб кенгайиб борадиган конус шаклида ўйилиб чиши мумкин. Асосдаги боғланмаган ёки кучсиз боғланган материалларда (майда тош, чақиқ тош, қум) ва тагига тўшалган грунтда юзага келган кучланишлар илашиш кучлардан ошиб кетганда, пластик силжиш ходисаси бўлиб, у янада кучайиб кетса, мустахкамлик йўқолади.

Бикир бўлмаган қопламага бир хил юза орқали турли юкламалар қўп марта тушганда, масалан, ҲҚ нинг ғиддираклари битта юзадан қайта-қайта юрганда, қопламанинг эгилиш чизифи, юкламага қараб, 21.2. – расмда кўрсатилган чизиклардан бирига мос келиб қолади.

Агар юклама қопламанинг ҳисобий мустахкамлигига мос келса ёки ундан кичик, асос грунтининг қатлами яхши қиббилиянган бўлса, қоплама фақат қайтувчи бузилишларга дучор бўлади. СУҚМ ни эксплуатацияга топширган, узил-кесил шаклланиш рўй бераётган дастлабки пастда қоплама қолдик деформациясига учраши мумкин; у кўшимча зичланиш Билан боғлиқ бўлиб, тез орада тўхтайди ва кейин, қопламага фақат қайтувчи деформациялар тушади (1-чизик).


Юклама катта бўлганда ёки грунт асоснинг мустахкамлиги вақтинча пасайганда баҳор ёки куз мавсумида секин-аста йигилиб борадиган пластик деформациялар юзага келади (2-чизик).

Агар уларнинг қоплама сусайган даврдаги умумий қиймати қандайдир жоиз қийматдан ошса, қоплама бузилади (3-чизик).

Шундай қилиб, қопламаларнинг мустахкамлиги чегеравий жоиз эгилиш ва қоплама мавсумий сустлашган даврда тушган юкламалар сонига боғлиқ. Юкламалар жуда катта бўлса ёки грунт мустахкамлигига жуда пасайиб кетса, аввалига секин йигилиб бораётган чўкишлар тезлашиб кетади ва қоплама тўлса емирилади.

Аэрором нобикир қопламаси эгилишининг амалдаги юкламага боғлиқ чизифи 21.3- расмда кўрсатилган. Қоплама деформациясининг тавсифи, қопламанинг иши эгри чизиқнинг қайси участкасига тўғри келишига ва амалдаги юклама билан қопламани емирадиган юклама нисбатига боғлиқ. Юкламалар кичкина бўлганда букилишлар юкламаларга тўғри пропорционал ва қайтувчи бўлади.


Юклама олиб ташланганда деформациялар тўлиқ йўқолади ёки озгина қолдик қолади, у ҳам бўлса, қоплама ва унинг тагидаги грунт кўшимча зичлангани билан боғлиқ.



21.2.-расм. Юкламанинг ўшиши сониги юкламанинг деформациясининг ўсиши.

Юклама ошганда қолдик деформациялар юзага келади, улар юкламага тўғри пропорционал. Қоплама ишидаги бу давр юкламаларга мустахкам қаршилик кўрсатиш босқичи дейилади. Аэрором қопламалари ва олий тоифали автомобил йўллари либосини шу босқичдаги шум ҳисобланади.

Юклама янада ошса, грунт асос ва қопламада суримиш деформацияси ҳосил бўлади, у кўзга дарров ташланмаса-да, юклама ва деформацияларнинг пропорционаллигини бузади.



21.3.-расм. Нобикир қоплама бузилишининг амалдаги юклама катталигига боғлиқлик чизиги:
1- мустахкам қаршилик босқичи; 2- шартли-мустахкам қаршилик босқичи; 3- емирилиш босқичи.

Илгари аэродром қопламаларини шу босқичдаги иши ҳисобланади бунда грунт асосларда баҳор ва куз мавсумидаги ўта намлиқдан озгина қолдик деформациялар бўлишига йўл қўйилган. Бу, шартли-мустахкам қаршилик босқичининг охирида қопламада дарзлар пайтда бўлади, лекин улар ҳали бери қандайдир даражада қаршилик кўрсатади.

Қопламанинг ейилиш босқичи, у ўрилиб, бир қисми илгари қайд қилинган дарз чегаралари бўйича ўйилиб чиққандан кейин содир бўлади, бу дарзлар “штамп” четидан ($0.8 \div 1.2$) D масофада чиқиб юклама узатадиган (D -“штамп” диаметри).

Аэродром қопламалари ва нобикир йўл либосларига кўплаб маротаба синов юкламалари (катта диаметрли «штамплар» миқёсида) берилганда маълум бўлдики, ўрилишдан олдинги нисбий танг букилишлар куйидаги эмпирик формулага мос келар экан.

$$\lambda_{\text{отн}} = \delta / D = a \arctg \frac{h}{D} \sqrt[2.5]{\frac{E_{\text{нед}}}{\Delta_{\text{нн}}}}$$

Бу ерда λ қоплама қалинлиги; D - юклама узатадиган штамп диаметри; a - қоплама турига боғлиқ коэффицент. Мустахкам қаршилик босқичининг охирида асфальтбетон қопламалар учун $a = 0,03$ (органик материал блан ишлов берилган чакиқ тошли қоплама учун $a = 0,035$; органик боғловчи билан ишланган грунтли асослар учун $a=0,04$). Шартли мустахкам қаршилик босқичи учун $a=0,055 \div 0,07$ бўлиши мумкин.

Деформациялар қайтувчи ва қайтмас деформациялар босқичида содир бўлгани сабабли, (27.1) формуладаги қоплама ва тўшама грунт материалларининг деформацияланиш хусусиятлари деформация модуллари $E_{\text{покр}}$ ва $E_{\text{осн}}$ билан тавсифланади.

Яқин – яқинларгача аэродром қопламаларини йўлсизлик шароитларида гурнт асоснинг сустлашуви даврида пластик деформациялар йиғилиб қолиш эҳтимолигидан келиб чиқиб, кучсизланишни жоиз миқдор билан чеклаб ҳисобланарди. Бунда, фидираклар битта издан ўтиши кўп элипс деб ва хавфли деформациялар ҳосил бўлиш эҳтимоллиги жуда кам, деб қабул қилинарди.

Кўп ўринли ҳаво кемалари- аэробуслардан фойдаланш учиш хавфсизлигини кафолатлашга талабларни кучайтиради. Шунинг учун аэродром қопламаларини лойиҳалашда пластик деформацияларга ўрин қолдирмай, қатийувчи босқичда ишлаш шартидан келиб чиқилади. Бу усул принцип жиҳатидан автомобил йўлларини лойиҳалашга яқин, лекин анча оддий.

Қопламанинг умумий қалинлигини, юклама кўплаб марта қўйилганда қайтар эгилиш чегаравий жоиз қийматдан ишламаслиги кераклиги шартидан келиб чиқиб белгиланади; бунда боғловчилар билан мутаҳкамланган бош материалли конструктив қатламлардаги кучланиш жоиз қийматлардан ошмаслиги керак. Қопламаларни қайтувчи эгилишга ҳисоблаш асосий масала ҳисобланади. У кўпқатламли конструкциянинг юкламаларга қаршилигини коплекс тавсифлайди.

Курилиш механикаси нуктаи назаридан аэродром қопламалари қўпқатламли система бўлиб, қатламларнинг бикирлиги ҳар хил, грунт асос устида ётади, грунт асос эса қатийувчи – изотрон (бир хил хусусиятли) яримфазо деб қаралади.

Босимни узатиши, алохиди қатламларнинг чўкиши ва сиқилиши қатлам қалинлиги, эластик модули ва деформация жараёнида бир қатлам бошқа қатлам устида сижиши эҳтимолига боғлик. Бир жинсли бўлмаган, мураккаб деформацияланувчи материаллар (аэродром қопламаларнинг кўп конструкциялари, асфальтбетон, зичланган чақиқ тош, грунт ва бошқалар) учун грунт асосга узатиладиган кучланишни юқори аниқлик билан ҳисоблаб берадиган назарий ечим хали топилмаган. Шунинг учун қопламаларни ҳисоблашда бир мунча шартлилик билан кўпқатламли муҳитларда кучланишнинг тақсимланиши қонуниятидан келиб чиқилади (эластиклик назариясидан ишлаб чиқилган). Бу схемаларнинг қопламаларга кўллашни шу билан асослаш мумкинки, эгилишлар озгина бўлганда қоплама чизики деформацияланувчи материал сифатида кўрилади.

Масала ўта мураккаб бўлгани учун ҳозирча баъзи хусусий ҳолатлар ўз ечимини топган. Қаралаётган қатламлар сони қанча кўп бўлса, масала шунчалик мураккаблашади. Шунинг учун эълон қилинган ечимларнинг акслари икки қатламли системага тегишли бўлиб, юқори қатламнинг эластиклик модули пастдаги қайтувчи- изотроп эримфазоникадан катта.

Аэродром қопламалари коснструкцияси анча хилма-хил. Тенг мустаҳкамликни таъминлаш ва мустаҳкамлик бўйича вариантларни таққослаш учун, улар эквивалент эластиклик модули Билан баҳоланади; шундай бир жинсли ярим фазони, унга ҳисобий юклама кўйилганда деформацияси кўпқаватли қопламадаги каби бўлади.

Аэродром қопламасининг лойиҳаланаётган конструкцияси эластиклик модули проф. Б.И. Коган тузган номограммадан аниқланади. Бу номограмма ички қаватли системадаги кучланишлар ва деформациялар ечими асосида тузилган (21.4- расм). Номограмма юқори ва қуий қатламларнинг эластиклик модули- E_1 ва E_2 ни, юқори қатламнинг нисбий қалинлиги h/D ни икки қатламли яхлит системанинг эквивалент модули $E_{\text{экв}}$ ни бир-бiri билан боғлайди. Бу катталиклардан тўртасини билган ҳолда, номограммадан бешинчисини қийматини топиш мумкин. Масалан, қоплама қалинлиги h , унинг эластиклик модули E_1 , остига тўшалган грунтнинг эластиклик модули E_2 ва қоплама орқали остига тўшалган грунтга юклама туширадиган доира юзачанинг диаметри- D ни билган ҳолда, икки қатламли «қоплама-грунт» стстемасининг эквивалент эластиклик модулини аниқлаш учун қуидаги амаллар бажарилади.

Аввал доиранинг диаметри топилади. Ҳисоблаш пневматик шиша изи орқали олиб борилади; бунда ғилдиракка тушадиган юклама миқдори таянчининг бошқа ғилдираклари таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент қадар кўпайтирилади. Эквивалент модулини аниқлашда кўп қатламли конструкция битта қатлам билан шартли равишда алмаштирилади; унинг қлинлиги ҳамма қатламлар йиғиндиси- H га тенг. Эластиклик модули эса, қатламларнинг ўртачалаштирилган эластик модулига тенг (21.5- расм); бунда юқори ва қуий қатлам ва остига тўшалган грунт ҳисобига олинади:

$$E_{\text{cp}} = \frac{\hat{A}_1 h_1 + E_2 h_2 + E_3 h_3 + \dots}{h_1 + h_2 + h_3 + \dots} \quad (21.1)$$


Ордината ўқида (21.4 – расм) E_2/E_{cp} га мос, абциссада эса- H/D га мос нуқта топилади. Бу нуқталардан тик чизиқлар чиқариб, улар кесишган нуқтадан ўтган номограммадан интерполяция билан чизиқнинг қиймати аниқланади. У $\psi = E_{\text{cp}}/E_1$ нисбатни беради; бундан лойиҳаланаётган қопламанинг эквивалент эластиклик модули топилади:

$$E_{\text{экв}} = \psi E_1$$

Ҳисобий юклама таъсир қилганда бир жинсли, эквивалент яримфазонинг деформацияси Буссинеска формуласидан топилади. Бу формула эластик изатрон яримфазо юзасининг доира бўйлаб текис тақсимланган юклама остида эглишига ҳисобланган.

$$\delta = \frac{qD(1-\mu^2)}{\hat{A}_{y\hat{e}\hat{a}}} \quad (21.2)$$

Филдиракларнинг пневматик шинасидаги босим q XK нинг ҳисобий босимига мос, доира диаметри- D эса – ҳисобий юкламага мос.




21.4. – расм. Икки қатламли системанинг эквивалент эластиклик модулини аниқлаш учун номограмма (чизиқлар устидаги ракамлар икки қатламли системанинг эквивалент эластиклик модули $E_{экв}$ юқори катламнинг шундай модулига нисбатини билдиради – $E_{экв}/E_1$).


Аэрордом қопламалари материаллари учун Пуассон коэффиценти $\mu = 0,25 \div 0,35$, шунинг учун катта хатоликка йўл қўймай ва илгари йўл қўйилган чекинишларни ҳисобга олиб, $\delta = 0,9q D/E_{\text{экв}}$ деб қабул қилиш мумкин.

Аэродром қопламаси лойиҳаланаётган конструкциясининг мустаҳкамлиги қуидаги ҳолда таъминланади: агар қопламанинг нисбий ҳисобий эгилиши 1) $\pi_N = \delta / D = 0,99q/E_{\text{экв}}$ қопламанинг мөйёрий энг катта жоиз эгилишидан кичик бўлса бу жоиз эгилиш тажрибасидан ёки аэродромнинг турли участкаларининг иш шароитларини ҳисобга олувчи коэффициент- $k_{\text{усл}}$ ни киритиб ўтказиладиган тажрибадан топилади (19.3.- жадвал).

$$\lambda_{\tilde{\partial}} \leq \lambda_{\tilde{u}\tilde{\partial}\tilde{i}} \quad k_{\tilde{o}\tilde{n}\tilde{e}} \quad (21.2.)$$



21.5.-pacM



21.6.-расм

Турли грунтлар устига қурилған қопламаларнинг чегаравий нисбий әгилиш қийматлари 21.6-расмда берилған; бунда ҲИ шиналаридаги босим турли қийматларға ега, шунингдек ҲК ларидан бир суткада қопламага юкламалар тушиш сони ҳам ҳар-хил ва қопламанинг хизмати лойиҳаланган охирги йилга түғри келади. Бу муддат асфальтбетон қоплама учун 10 йил, енгиллаштирилған тур учун 5 йил қабул қилинади.

Сараланған, органик ёки минерал боғловчи билан ишланған мустаҳкам тошлардан қурилған енгиллаштирилған қопламалар учун хисобий нисбий әгилиши, 21.6-расмдаги қийматларға қараганда 20% қўпайтирилади.

Агар, аэродромнинг аввал кўзда тутилған қопламаси(21.2) шартли қаноатлантирумаса, қатламлар қалинлиги илгари назарда тутилганидан каттароқ олинади. Мустаҳкамлик захираси ортиқча бўлганда қопламанинг қимматбаҳо конструктив қатламларидан бирининг қалинлигини камайтириш керак; бунда турли материалларидан қурилған катламнинг минимал қалинлигига қўйиладган талаб бажарилиши керак. Мустаҳкамлик захираси етарлича бўлмаса, асос қатламларини клинлаштириш керак. Энг яхши ечимни бир нечта вариантини таққослаб топилади.

Аэродромларга туташадиган йўллар либосини лойиҳалаётганда бикир бўлмаган йўл либосларини ВСН 46-83 да баён этилган усуллар билан ҳисоблаб топилади (“Бикир бўлмаган йўлларнинг бикир бўлмаган йўл либосларини лойиҳалаш бўйича йўрикнома”). Аэродромдаги бикир бўлмаган қопламаларни ҳисоблаш усули йўллардаги каби, лекин қатор тафсилотлари фарқ қиласди.

Йўл либосларида бир-бирига бўш ёпишган кум ёки майда тошли қатламлар бўлгани учун шу қатламларнинг силжишларига қаршилик қилиш хусусиятлари текширилади. Агар силжитувчи кучлар материаллар бир бирига илашиш кучидан катта бўлса, юкори қатлам қалинлиги тегишлича каттароқ қилинади.

Йўл либоси қатламларидан бирини бошқа материалдан қилинадиган эквивалент қатлам билан алмаштириш зарурати туғилганда йўл либосининг «ўртачалаштирилған эластиклик модули” тамойилидан келиб чиқиши керак. У проф. Г.И. Покровский томонидан таклиф этилган бўлиб, қуйидагилардан иборат: агар грунт утида ётган, эластиклик модули E_1 ва қалинлиги h бўлган материал қатламини модули E_2 бўлган материал билан алмаштириш зарур бўлса, грунтли асоснинг ишлаш шароити ўзгартирмаслиги учун тенг юкламалардан бузилишлар тенглигини сақлаб қолиши керак. Агар бу қатламларни чексиз плиталар деб қаралса, бунинг учун уларнинг цилиндрик бикирлиги тенг бўлиши зарур.

$$\Omega = \frac{E_h^3}{12(1-\mu^2)}$$

Турли материаллардан қилинган қопламалар учун бикирланган ифодаларни тенглаштириб ва уларнинг Пуассон коэффицентларини төнг деб кабул қилиб ҳосил қиласиз. Бирок, йўл материаллари Гук қонунига тўла жавоб бермагани сабабли, проф. Н.Н.Ивановнинг таклифи билан эквивалент қатлам қалинлиги қуйидаги формула билан топилади:

$$h_1 = h_2 \sqrt[2.5]{\frac{\bar{A}_1}{\bar{A}_2}}.$$

Кўп қатламли йўл либосининг эквивалент эластиклик модулини 21.4-расмдаги номограммадан топилади; бунда пастки қатламдан бошлаб юкорига қараб эквивалент модуллар топиб берилади; юкори қатлам билан тугайди. Қопламага юклама узатувчи юза ҳамма қатлам учун бир хил олинади.

21.4. Қопламанинг бириктирилган қатламларидаги чўзувчи кучланишларни текшириш.

Аэрором қопламалари букилганда унинг айрим қатламларида (асфальтбетон, органик ёки ноорганик боғловчилар билан ишланган материаллар қоришмаси) чўзувчи кучланишлар пайдо бўлиб, чўзишга қаршиликдан ортиб кетиши мумкин.

Букилишга қаршилик қиласидиган монолит материаллардан курилган конструктив қатламларнинг мустаҳкамлик шарти

$$\sigma_r \leq R_{ad} k_{oñe}$$

бу ерда σ_r - кўрилаётган қатламни букишдаги энг катта чўзувчи кучланиш, МПа. R_{ad} – асфальтбетоннинг чўзилишига ҳисобий қаршилиги, юклама кўп марталаб туриши ҳисобига олинганда; $k_{oñe}$ – асфальтбетон қопламанинг иш шароитлари коэффиценти; аэроромда ётқизиладиган жойига қарайди. А участка учун 1 Б ва В га – 1,1 ва Г- 1.2. Бириктирилган қатламдаги ҳисобий кучланиш т.ф.д. М.Б. Корсунский таклиф қиласидиган формуладан аниқланади.

$$\sigma_r = \frac{4k_{ad} k_N P}{\pi} \frac{h}{D} \frac{\bar{A}_1}{\bar{A}_{m1}} \left(1 - \frac{2}{\pi} \operatorname{arctg} 1,1h \sqrt{\frac{E_1}{E_{m1}}} \right) \operatorname{arctg}^2 x \frac{D}{1,1h \sqrt{\frac{E_1}{E_{m1}}}}$$


Бу ерда р-ҳисобий ҲКнинг пневматик шиналаридаги босим; h_{din} – юкламанинг динамиклигини ҳисобга олувлечи захира коэффиценти; k_N – қопламанинг иш шароитлари бир хил эаслигини ҳисобга олувлечи коэффицент; h – қопламанинг чўзилаётган қатламишининг тагигача бўлган қалинлиги; E_1 – қопламанинг эластиклик модули; E_{m1} – қоплама остидаги конструктив қатламларнинг эквивалент эластиклик модули (21.5- расм). D - доира диаметри; самолёт ғилдирагининг қоплама билан туташ юза диаметрига тенг.

σ_r нинг қийматини аниқлаш учун номограмма ишлаб чиқилган (21.11-расм). E_{AB}/E нисбатни h/D нисбат билан боғлади. E_{AB} – бирлаштирилган қатлам E_{AB} нинг эластиклик модули; E -қуйи қатламларнинг эквивалент модули.

Кўп қатламли асфальтбетоннинг мустаҳкамлигини ҳисоблашда кучланишлар фақат қуйи қатламларда текширилади; бунда ҳамма асфальтбетон ўртача лаштирилган эластиклик модули.

$$E_{AB} = \frac{\dot{A}_{AB} h_1 + E_{2AB} h_2 + \dots}{h_1 + h_2 + \dots}$$

га эга деб ҳисобланади. Асфальтбетон тагидаги асос қатламларнинг эквивалент эластиклик модули 21.4.-расмдаги номограммадан топилади. Бу ҳолда E_2 асфальтбетон тагидаги асос қатламларининг (грунт асосдан ташқари) ўртача эластиклик модули бўлади. Аниқланган энг катта чўзувчи кучланиш жоиз қиймати билан таққосланади. Агар ҳақиқий кучланиш рухсат этилгандан 5% дан кўпроқка оғиб кетса, қоплама калинлигини оширилади ёки асоснинг бикирлиги кўпайтирилади. Қопламанинг оралиқ қатламларидаги чўзувчи кучланишни текширганда номограммадан юқори қатламларнинг ўртача модули топилади, қуйи қатламлар эса эквивалент яримфазога келтирилади ва уларнинг ўртача эластиклик модули (21.1.) тенгламадан топилади.




21.11.-расм. Асфальтбетондаги $q=1$ юкламадан ҳосил бўладиган чўзувчи солиштирма кучланишни аниқлаш учун номограмма.

22-БОБ. АЭРОДРОМЛАРНИНГ БИКИР ҚАТЛАМЛАРИ МУСТАХКАМЛГИНИ ҲИСОБЛАШ

22.1. Табиий омиллар ва юкламалар таъсир этганда қопламалар иши.

Бикир қопламаларнинг букилишига нафакат ҲК лар ғилдиракларидан тушадиган юкламалар, балки қоплама қалинлиги бўйича хароратларнинг хар хиллиги, ҳаво хароратининг ўзгаришлари, грунт кишида яхлаб қолиши, баҳорги эришда нотекис чўзилиши ҳам сабаб бўлди. Бетон сиртининг емирилиши юкламалар кўплаб марта таъсир этишидан ҳам келиб чиқади; унда-мунда тушган юкламалар келтириб чиқарган кучланишлар эса рухсат этилган чегарадан ошмайди. бундай емирилишларнинг сабаби бир плитадан бошқасига юклама узатиладиган жойларда кучланишлар тўпланиб қолишидир; бунда қоплама остидаги грунтда қолдик чўкиш ҳосил бўлади. Юкламалар кўплаб марта тушавергач плитанинг баъзи жойлари грунтга тегмай қолиб, консол ҳолатда ёки контур бўйича ишлайди. Бундан ташқари плитанинг ўзида ҳам қолдик деформациялар ҳосил бўлади.

Плитанинг хизмат муддати асосининг ишончлилигига боғлик. У қанчалик мустахкам бўлса ва қолдик деформациялар тўпланишига мойил бўлмаса, бетонда деформациялар шунчалик секин ривожланади.



22.1.-расм. Бетон қоплама плиталарининг деформацияси:
а- тепа юзанинг харорати пасткисидан баланд; б-аксинча; в-плитанинг ҳамма ёғида бир хил харорат.

Плитанинг юқори қисми кундузи қизиб, бундай совийди; остининг харорати, грунтнинг иссиқлиги сифими ҳисобига секин ўзгаради. Усти ва ости харакатларниң фарқи ҳисобига плита қийшади (22.1.-расм), бунга қўшни плиталар ва ўз оғирлиги қаршилик қиласди.


Ҳавонинг суткалик ўртача харорати, мавсумга қараб ўзгарганда, плитанинг умумий харорати ҳам шунга мос ўзгаради. Куз ва қиши келиши билан плиталарниң ўлчамлари қисқаради, баҳор ва ёзда-кенгаяди. Бу холатни қурилишда эътиборга олиб, бетонни ётқизиш даврига қараб, чоклар кераклигича ўзгартирилади.

Плиталар ҳаракат таъсирида эркин кегайиб, торайишига, плитанинг ости юзаси билан асос ўртасидаги ишқаланиш ва илашиш кучлари қаршилик кўрсатади. Бу кучлари плита кўндаланг кесимининг оғирлик марказига нисбатан эксцентрик тушади ва қўшимча эгувчи кучланишлар ҳосил қиласди. Плитанинг ўлчамлари ва ҳаракатлар фарқи қанча катта бўлса, бу кучланишлар шунча юқори бўлади. Уларни камайтириш учун деформация чокларни қилинади.

Бетон қопламалар асосидаги яхлаганда, намлик бошқа жойларга кўчиб, муз линзалари ҳосил қиласди, натижада қоплама вертикал йўналишда кўтарилади – кўпчиди. Қоплама яхлит бир хил масофага кўтарилса, яхши, лекин грунт қатламлари ҳар хил бўлагни ёки яхлайдиган қатламга намлик бир текис ёйилмагани сабабли, кўпчиш жараёни нотекис кечади ва ҳар ерда дўнгликлар пайдо бўлади, оқибатда плиталарда букувчи кучланишлар юзага келади (22.2.расм).

Баҳорги эриш даврида қишида кўталиб қолган қоплама чўқади. Эриш ҳам нотекис кечишимумкин, шунда, қоплама музлаганда бир текис кўтарилган бўлишига қарамай, нотекис чўқади.

Нотекис кўпчиганда ёки нотекис эриганда плита грунтга бир текис тегиб турмай, баъзи жойлари кўтарилганча осилиб қолади. Шундай пайтда плитанинг оғирлиги таъсирида ҳосил бўлган кучланиш бетоннинг эгилишга мустахкамлик чегарасидан ошиб кетиб, аэрором қопламаси эксплуатацияга топширилмаёт емирила бошлаши мумкин. Шунинг учун бундай емирилишларга қарши чоралар кўпчишларни умуман йўқотиши ёки минимумга келтириши керак.



22.2.-расм.- Асосдаги грунт ҳажми ўзгарганда бетон қопламанинг деформацияси:
а-грунтларниң нотекис кўпчиши; б-грунт эриганда асоснинг нотекис чўкиши.

22.2. Бикир қопламлар мустахкамлигини ҳисоблашниң асосий қоидалари.

Аэроромларниң бикир қопламаларичегаравий холатлар усули билан ҳисобланади; бу усул қопламаларниң ҲК ларидан тушадиган юкламалар ва табиий омиллар таъсири остидаги ишини тўлиқ ҳисобга олиш имконини беради. Чегаравий холат содир бўлганда конструкция ташки таъсиrlарга қаршилик қилолмайди ёки эксплуатация шароитлари бўйича йўл қўйиб бўлмайдиган деформацияларга дучор бўлади ва шикастланади. Бетон ва армобетон қопламаларда дарслар ҳосил бўлса, уларниң юқ кўтариш қобиляти йўқолади. Шунинг учун бундай қопламалар учун дарс ҳосил бўлишига яқин ҳолатлар мустахкамлик бўйича чегаравийхолат ҳисобланаб, ҳисобий ҳолат саналади.

Олдиндан зўриқтирилган қопламаларниң ҳар томондан сиқилган кесимлари учун дарслар ҳосил бўлиш бўйича чегаравий ҳолат ҳисобий саналади. Зўриқтирилмаган арматура қуйидаги темирбетон қопламаларда, эксплуатация даврида дарсларгай ўйт қўйилади, лекин кенглиги чекланади. Бундай қопламалар учун ҳисобий чегаравий ҳолат - мустахкамлигинг чегаравий ҳолати бўлиб, у чўзилган арматурадаги кучланишлар ҳисобий қаршиликка етганда содир бўлади; ҳисобий чегаравий ҳолат яна, дарсларниң очилиши бўйича чегаравий ҳолати билан ҳам баҳоланади; унинг эни 0,3 мм дан ошмаслиги керак. Қопламани ҳисоблаш мақсади ана шундай чегаравий ҳолатлар рўй бермаслигини кафолатлашдан иборат.

Шу билан бирга бу кафолатлар иқтисодий жиҳатдан бекорчи бўлмаслиги керак, яъни қоплама плиталарида кучлар миқдори чегаравий жоиз қийматларга яқин бўлиши керак.

Юқорида айтилган чегаравий ҳолатлар букувчи кучлар ҳосил қилгани учун бикир қопламаларни шу кучларга ҳисобланади. Шуни ҳисобига олибҳисоблаш шартини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$M_p < M_{pp}, \quad (22.1.)$$

бу ерда M_p – ғилдираклар энг қулай жойлашганда плита кесимидағи ҳисобий мамент; M_{pp} – күрилаётган кесим улар, жоиз чегаравий берувчи момент.

Бу формуланинг маъноси шуки, конструкциядаги энг катта эхтимолий куч (динамика ортиқча юкламани ҳисобга олган ҳолда) унинг энг кичик юк күтариш қобилятидан (материал мустахкамлигининг эхтимолий ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда) катта бўлмаслиги керак.

Қопламаларни ҳисоблаш M_p ва M_{pp} моментларини аниқланашдан иборат; уларнинг фарқи 5% дан каттта бўлмаслиги керак.

Аэродромларнинг бикир қопламалари ХК лари ғилдиракларидан тушадиган юкламалар остида ишлаши мураккаб жараён бўлишидан, шунингдек грунт ва бетоннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳисоблашда қўйидаги чекинишлар қабул қилинади:

1. Қоплама плиталаридан ички кучлар (букувчи моментлар) ва деформациялар (эгилишлар) эластик асосга ўрнашган плитанинг ҳисобий схемаси бўйича аниқланади; бунда ХК ғилдиракларидан тушадиган юклама марказда (симеттрик) жойлашган деб қаралади. Юкламанинг носеметрик жойлашуви ва плиталар бир бири билан турли усулда бириктирилгани букувчи моментларга киритиладиган тузатиш кондензиати орқали аниқланади.
2. Ҳисоблашда ХК ғилдиракларидан юкламалар статик ҳолатда тушади деб ҳисобланади. Уларнинг зарбали ва қиска муддатли қўринишлари қопламанинг турли участкалари учун динамик коэффициент орқали ҳисобга олинади. Плитадаги чегаравий ҳолатлар юкламанинг кўп марталаб тушишини ҳисобга олиб аниқланади.
3. Грунтларнинг қаршилиги йил давомида ўзгаришини ҳисобга олиб, грунт аоссининг ҳисобий тавсифи сифатида қопламанинг энг кичик мустахкамлиги (баҳорги эриш) олинади. Грунт аоссининг юкламаси ва деформацияси орасида чизиқли боғланишнинг йўқлиги грунтнинг ҳисобий тавсифини танлаш йўли билан ҳисобга олинади; ҳисобий тавсиф деганда кўрилаётган турдаги қопламага ҳисобий юкламалар тушганда ҳосил бўладиган зўриқиши ҳолатидаги тўшама коэффициенти тушунилади.
4. Плиталарда йилнинг турли мавсумларида, сутканинг турли соатларида ҳосил бўладиган харорат ва камчиликдан келиб чиқадиган кучланишлар, вақт ўтиши билан бетон мустахкамлигининг ортиши, юкламаларнинг такрор-такрор тушишлари бикир қопламанинг иўлаш шароити коэффициенти билан ҳисобга олинади.

22.4. Бикир қопламанинг плиталарида харакатдан кучланишлар.

Бундай кучланишлар икки хил сабаб билан юзага келиши мумкин; плиталарнинг ўртача харорати зўгарганда уларнинг горизонтал сурилишига грунтларнинг қаршилигидан; плиталар эркин буралиб кетишига қўшни плиталар (сиқиб қўйиши) қаршилиги, ўз оғирлиги ва плита тагининг асос билан илашувидан.

Бу омиллар баъзан плиталардаги кучланишларга шунчалик таъсир этадики, бетон қоплама, ҳали унга ҳисобий юклама тушмай туриб емирила бошлиши мумкин.

Бикир қопламаларнинг харорат режими унга қуёш радиациясининг таъсири билан аниқланади; бу эса қурилиш жойининг географик ўрни, йил мавсуми ва сутка вақтига боғлиқ..

Қопламаларнинг харорат кучланишига ҳисоблаш нуқтаи назаридан харакат режимининг қўйидаги параметрлари ахамиятли: бетон плитанинг ўртача хароратининг суткалик сакраши – плитанинг энг катта ва энг кичик ўртача харакатлар (сутка давомида); бетон плитанинг мавсумий ўрта хароратининг сакраши; плитанинг қалинлиги бўйича энг катта харорат градиентлигини плита усти ва ости хароратлари фарқининг қалинлигига нисбати. Ҳисблар учун градиент олинади; унинг вақт они хароратлар фарқи энг катта қийматга етганда (манфий ёки мусбат) вақтга тўғри келади.

Метиостанцияларнинг маълумотига асосланиб, бетон қопламаларнинг харорат параметрларини аниқлаш усулини профессорлар Б.С. Раев – Богословский ва Л.И. Горецкий ишлаб чиқишган. Унга кўра қоплама юзаси хароратининг тебраниш амплитудаси:

$$A_{расч} = A_{возд} + A_{ЭКВ},$$

Бу ерда $A_{возд}$ – ҳаво харорати тебранишининг амплитудаси.

$$A_{возд} = \frac{t_B - t_{min}}{2};$$

t_B – ҳованинг кўрилаётган ой учун, соат 13^{00} даги ўртacha ойлик харорати; t_{min} – ўша, ўртacha минимал харорат; $A_{экв}$ – шартли харакат; бетон қоплама юзасига ҳисобий вақт мобайнида бевосита тушадиган қуёш радиациясининг жадаллигини тавсифлайди (22.3-жадвал).

$$\Delta t_{cp}^{cym} = A_{pacn} f_h$$

Бетон плита ўртacha хароратининг суткалик ҳисобий сакраши:
бу ерда f_h – бетоннинг харорат ўтказувчанлигига боғлиқ коэффициент (28.4-жадвал).
Бетон плита ўртacha хароратининг мавсумий ҳисобий сакраши:

$$\Delta t_{cp}^{ces} = t_{menz} - t_{xol},$$

бу ерда $t_{тепл}$ – ҳавонинг энг иссиқ ойдаги ўртacha харорати; $t_{хол}$ – ўша, энг совук ойда.

22.3.-жадвал

Бетон тури	$A_{экв}$ °C курилиш жойининг географик ўрни учун				
	35^0	40^0	45^0	50^0	55^0
Оддий, оқ	5,5	5,4	5,2	4,5	4,0
Корамтири	8,2	8,0	7,7	7,0	6,0
Цементли					

22.4.- жадвал

Бетон қопламанинг қалинлиги, см	Коэффициент f_h ; бетон қопламанинг қўйидаги харорат ўтказувчанлигига, $m^2/\text{соат}$			
	$2,5 \bullet 10^{-3}$	$3,0 \bullet 10^{-3}$	$4,0 \bullet 10^{-3}$	$6,0 \bullet 10^{-3}$
10	1,36	1,40	1,54	1,56
20	0,98	1,04	1,12	1,24
30	0,72	0,80	0,88	1,00
40	0,56	0,62	0,68	0,82
50	0,46	0,50	0,56	0,68

Бетон плитадаги ҳисобий харорат градиенти:

$$t_{град} = k_n h + A_{пасч} d_n$$

Бу ерда k_n – хароратнинг плита орқали транзит оқимини ҳисобга олувчи коэффициент, °C/m;

$$k, \text{°C/m}$$

Апрел.....	0
Май.....	15-17
Июн	17-20
Июл.....	18-21
Август.....	11-15
Сентябр.....	0

d_n - бетоннинг харорат ўтказувчанлигига ва плита қалинлигини ҳисобга олувчи коэффициент (22.5-жадвал).

22.5-жадвал

Бетон қопламанинг қалинлиги, см	Коэффициент d_n -; бетон қопламанинг қуйидагича харорат ўтказувчанлиги қуйидагича бўлганда, ($m^2/\text{коат}$)			
	$2,5 \cdot 10^{-3}$	$3,0 \cdot 10^{-3}$	$4,0 \cdot 10^{-3}$	$6,0 \cdot 10^{-3}$
10	0,71	0,66	0,54	0,51
20	0,97	0,94	0,89	0,82
30	1,06	1,05	1,03	0,96
40	1,06	1,06	1,07	1,05
50	1,06	1,06	1,07	1,07

Бетон қопламалар плиталари хароратининг ҳисобий тебранишини билган ҳолда уларда юзага келадиган кучланишларни аниқлаш мумкин. Плита хароратининг нотекис ўзгаришини ҳисобга олиш. Бетон плитанинг ўртача харорати пасайганда унинг узунлиги қискаради, плита учлари ўрта чизигига яқинлашади; харорат ошганда эса – ўртасидан бошлаб кенгаяди. Иккала ҳолатда ўрта қисмida сурилишлар деярли бўлмайди.

Ярим плитанинг сурилиши қаршилик тахминан ярим плита оғирлигини плитанинг асос бўйлаб сурилиши ўртача коэффициентига кўпайтирилганига teng ва ости юзасига тушади (22.9-жадвал).

$$T = \frac{LBhv}{2} f,$$

бу ерда L , B , h - плитанинг узунлиги, эни, қалинлиги:

v - бетон оғирдиги; f - сурилиш коэффициенти, 0,9-1,8.

Плитадаги эксцентрик $e=h/2$ да марказдан четдаги сиқилишдан ҳосил бўлган чўзувчи кучланиш:

$$\sigma = \frac{\dot{O}}{\hat{A}h} (1 \pm \frac{6e}{h}) = \frac{T}{Bh} (1 \pm 3)$$

Плитанинг қисқариши ва бетонда чўзувчи кучланишлар ҳосил бўлиши энг хавфли T нинг қийматларини қуи толасига қўйиб, ҳосил қиласиз:

$$\sigma = \frac{4\hat{A}Lhv f}{2Bh} = 2fvf \quad \text{ёки } L = \frac{\sigma_d}{2vf},$$

бу ерда σ_d – бетон мустахкамлигининг мустахкамлик чегараси; ҳисоблашда харакат кучланишларини қабкл қилиш учун ажратиш мумкин.

Л.И.Горецкий маълумотларига кўра:

$$\sigma_{\bar{A}} < (0,10 \div 0,15) R_e^i$$

Янада аникроқ ҳисоблар учун бетон плитанинг асос бўйлаб сурилишини кўриб чиқиш зарур. Плитадаги харакат тебранишларининг унинг горизонтал деформациялари билан боғлиқлигини ифода қиласиган диференциал тенглама қўйидаги кўнринишга эга:

$$\frac{d\delta}{dx} = \alpha \Delta Q_{\tilde{n}\delta} - \frac{N(1-\mu^2)}{Eh},$$

бу ерда N - плитанинг ихтиёрий кесимидағи нормал куч.

$$\frac{d^2\delta}{dx^2} - \frac{C_c(1-\mu^2)}{Eh} \delta = 0$$

22.9.расм. Бикир қопламаларнинг плиталардаги кучланишларини (уларнинг харорати бир текис ўзгаргандаги) аниқлаш учун ҳисобий схема (f_{\max} , f_{\min} -сурилишга қаршилик коэфициентлари).

Бу тенгламанинг ечимини И.А.Медников қўйидагича беради:

$$\delta_{\max} = \alpha \Delta Q_{cp} \frac{th \frac{nL}{2}}{n};$$

$$\sigma = \alpha \Delta Q_{cp} \frac{E}{1-\mu^2} \left(1 - \frac{1}{ch \frac{nL}{2}}\right); \quad n = \sqrt{\frac{c_c(1-\mu^2)}{Eh}},$$

бу ерда σ_{\max} – плита четининг силжиши, σ – плитанинг ўрта қисмидағи кучланиш; E – бетоннинг хароратдан кенгайиш коэфициенти; ΔQ_{cp} – ўрта хароратиниг сакраши (кўрилаётган даврдаги бетоннинг ўрта харорати билан қопламани бетонлаш пайтидаги хароратлар фарқи); L – кўндаланг чоклар орасидагимасофа; c_c – плитанинг асос бўйлаб сурилишига қаршилик коэфициенти; n – гиперболик косинус аргументига кирувчи параметр.

Плита узунлигини, унинг харорати бир текис ўзгариш шартидан келиб чиқиб ҳисоблашда шуни ҳисобга олиш керакки, бикир қопламадаги харакат кучланишлари бетон қотаётган дастлабки кунларда хавфли. Бу пайтда бетоннинг мустахкамлиги кичкина, ҳосил бўладиган кучланишлар эса қотган бетондаги каби бўлади. Бу, ўша дастлабки кунларда қилсизмон дарзларни пайдо қиласи, улар кейинчалик кенгайиб паррон ёриққа айланади ва қопламани емиради. Плитанинг қалинлиги бўйича харакатнинг нотекис тақсимланишини ҳисобга олиш. Бетон қопламалрни эксплуатация қилиш шартларида плитанинг юкори ва ост юзаларидаги харакат хар доим фарқ қиласи. Бу харакатлар фарқи жойдаги суткалик харакатларга боғлиқ; улар қанча кескин ўзгарса, фарқ шунчалик катта бўлади. Юкори ва птски юзалар харакатнинг фарқи эрталабдан бошлаб кўпаяди. Кун охирида хароратлар тенглашиб, кун ботгач фарқ яна ортиб боради. Эрталаб плита юзаси қизиб кенгая бошлайди ва қабаришга интилади. Тунда, совиганидан плитанинг четлари кўтарилиб, ботиқлашга киришади. Қийшайиш анча бўлгандан плитанинг бაъзи участкалари асосга тегмайқолиши мумкин.

Агар плитанинг қийшайиши унинг ён юзаларига кўйилган штирли ёки шпунтли бирикмалар ёки тиргаклар билан чекланса, кўшни плиталарда кучланишлар ҳосил бўлади. Бундай қийшайишлар буткул мумкин бўлмай қолганда (плитабешта қиррасидан махкамланган, грунт асос билан мустахкам илашган), хароратлар фарқи $\Delta t = t_b - t_n$ натижасида юзага келган букувчи кучланиш қўйидагича ҳисобланади:

$$\sigma_t = \frac{\alpha \Delta t E_a}{2(1 - \mu_a^2)}$$

бу ерда α - бетоннинг хароратдан кенгайиш коэффициенти;

Δt - плита тепаси ва ости хароратларининг фарқи;

E_δ , μ_δ – бетоннинг эластиклик модули ва Пуассон коэффициенти. Бу формула цилиндрик юза бўйлаб қийшайишни назарда тутади, бу плита томонларнинг 1:1,5 нисбатига мос. Агар қийшайишга интилиш тўлиқ йўқотилмаган бўлса, харорат градиантидан ҳосил бўлган кучланишлар, юқоридаги формулалардан аниқланганига қараганда кичкина бўлади. Плита ўртаси асосидан кўтарилиган онда, қийшайишнинг букувчи моменти плитада қарама – қарши букувчи момент M_b ҳосил бўлади:

$$M_{\text{кор}} = \frac{\alpha \Delta t h^2 E_\delta}{12(1 - \mu^2)}$$

$$M_b = \frac{hvL^2}{8},$$

M_b плитанинг ўз оғирлигидан келиб чиқади ва плитани дастлабки холатга қайтаришга харакат қиласди.

M_b $M_{\text{кор}}$ бўлган онда ёки M_b ундан кўпая бошлаганда қийшайишга интилиш буткул тўхтайди. Бунгача плита қисман қийшаяди, бунда харакат кучланишлари плитанинг ўз оғирлиги таъсирида ҳосил бўлган букувчи момент билан аниқланади.

$$\sigma_{\text{кор}} = M_b/W$$

Бу формулалардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин узун плиталарда қийшайиш тўла чекланиш имкони бор.

Ўлчамлари кичикроқ плиталардан қийшайиш қисми чекланади, лекин уларга эксплуатация юкламаси тушганда қийшайишини чеклаш даражаси ошади. шунинг учун хароратлар фарқидан келиб чиқадиган кучланишлар янги қурилган узун плиталарда, кичик плиталардагига қараганда хавфлироқ. Эксплуатация қилинаётган қопламада бу кучланишларни плита ўлчамларидан қатъий назар энг юқори деб қабул қилиш мумкин.

Бетон қопламалар қийшайгандаги кучланишларни Л.И.Горецкий таҳлил қилиб исбот қилди, плиталарнинг қийшайиши чекланганидан ҳосил бўлганкучланишлар, ўртача харорат ошганда ёки пасайганда плита асосга ишқаланишидан ҳосил бўладиган кучланишдан 2,5 марта ва ундан кўпроқ ортиқ бўлади.

Харорат кучланишларни хисоблаётганда шуни назарда тутиш керакки, улар нисбатан секин ривожланади. Бу, айниқса, хароратнинг мавсумий тебранишлари тегишли. Шунинг учун бу кучланишларга окувчанлик ҳодисасининг таъсирини хисобга олиш керак. Бунинг хисобига харакат кучланишлари 2- 3 марта камаяди.

22.5. Бетон ва армобетон қисимларини хисоблаш.

Бетон ва армобетон қисимлари қисимлари учун мустахкамлик бўйича чегаравий холат ҳисобий саналанади. Кесимларни мустахкамликка ҳисоблаш (22.1) шарт асосида бажарилади. Бир қатламли бетон қопламаларнинг плиталардаги букувчи моментларнинг ҳисобий қийматларини юклама энг фойдали (плита бурчагига) жойга тушган холат учун қуидаги формуладан топиш мумкин:

$$M_p = M_{\max}^e k k_N \quad (22.6)$$

бу ерда M_{\max}^u – плита марказига юклама тушганда энг катта букувчи момент; k – юклама плитанинг бурчагига тушганда момент ортишини ҳисобга олувчи коэффициент; плиталар бир бирига бирлаштирилганда ёки четлари арматуралар билан кучайтирилганда 1,2 га тенг; булар бўлмаганда - 1,5. k_N – асос материаллари боғловчи билан ишланмаганда улардаги қолдик деформациялар тўпланиб қолиши ҳисобга олувчи коэффициент; А гурӯҳ участкалари ва перранлар учун 1,1 га тенг; асос материаллари югловчи билан ишланган бўлса, шунингдек Б гурӯҳ (перронлардан ташқари), В, Г гурӯхларда, асос туридан қатъи назар $k_N = 1$ қабул қилинади.

Кесим учун чегаравий букувчи момент:

$$M_{\text{пр}} = m R_{\text{пр}} \frac{bh^2}{6} k_N \quad (22.7)$$

бу ерда m – қопламани иш шароитлари коэффициенти;

$R_{\text{пр}}$ – букишда бетоннинг чўзилишига ҳисобий қаршилик;

b ва h – плитанинг кўндаланг кесими эни (одатда 100 см) ва баладнлиги;


k_N – қопламанинг лойиҳавий хизмат муддатида X_K лари фидирларидан юклама тушиш сонини ҳисобга олувчи коэффициент; тажриба йўли билан топилади (22.10.расм). бикир қопламаларнинг лойиҳавий хизмат муддати 20 йил.

Юкламал тушиш бўйича ҳисобий микдори I_d куйидаги формуладан топилади:


$$u_d = \sum_{i=1}^{n_1} \dot{E}_{di}$$

бу ерда I_d – i ҳаво кесими (X_K)нинг таянчидан юкламалар тушиш эквивалент сони; ҳисобий X_K таянчидан тушадиган юкламаларга келтирилган; 22.11-расмда графикдан ҳисоблаб топилади:

$$u_{ei} = f \left(\frac{\dot{e}_i; M_i^o}{I_d^o} \right)$$



22.10-расм. К_d коэффициентни аниқлаш учун график.



22.11-расм. Юкламалар тушиши эквивалент сонини аниқлаш учун монограмма.

бу ерда I_i ХК лари турлари сони;

ва ҳисобий ХК ларнинг юкламаларидан ҳосил бўладиган марказий моментлар; M_i^u, M_d^u ХК си таянчлари юкламасининг тушиш сони; $I_i = n_a N_i$ N_i - қопламанинг хизмат муддатида ХК ларнинг учишлар сони.

Юкламалар тушиши ҳисобий микдорини қуидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$u = \sum_{i=1}^{n_i} k_n n_a N_i$$

бу ерда k_n - келтириш коэффициенти, 22.12-расмдаги графикдан,

i - ХК сининг фидирагига тушадиган ҳисобий юклама P_i нинг шу аэрором учун қабул қилинган, фидиракка тушадиган ҳисобий юклама P га нисбатига қараб топилади. P_i ва P нинг қийматлари тегишли ҳисобий тавсифлар орқали топилади.

Икки қаватли қопламаларни ҳисоблашда плитанинг юқори ва қуий қатламлари учун (22.1) шарт қондирилиши керак.

Чегаравий букувчи момент (22.7) формуладан топилади; бунда қуий қатлам учун ҳисобланган M_{pb} ни 22.13 расмдаги графикдан аниқланадиган тузатиш коэффициентига кўпайтириш керак.

Икки қаватли қопламанинг юқори ва қуий қават плиталаридаги букувчи моментлар M_{pb}, M_{pd} кН.м/м нинг плита қисми эниниг бирлигига тўғри келадиган қиймати қуидаги формулалардан топилади:

Чоклари устма уст тушган юқори қатлам плиталарида:

$$M_{pb} = \frac{k^1 M_{max}^u}{1 + B_h / B_e}$$

Чоклари устма уст тушмаган қуий қатлам плиталарида:

$$M^i = k^1 M_{max}^o - M_{\delta a}$$

Чоклари устма уст тушган юқори қатлам плиталарида:

$$M_{pb} = \frac{k_1 M_{max}^u}{1 + B_h / B_e}$$

Чоклари устма уст тушмаган қуий қатлам плиталарида:

$$M_{pu} = \frac{M_{max}^u}{1 + B_B / B_H}$$

бу ерда M_{max}^u - бикирлиги $B_B + B_H$ бўлган кир қаватли плита марказларидан юкландаги энг катта букувчи момент, кН.м/м; B_B, B_H – юқори ва қуий қатлам плиталариниг бикирлиги, кесим эниниг бирлигига тўғри келган қиймати; 1,5 – юқори ва қуий қатламларда учма уч бириктири бўлмаганда; 1,4 – фақат қуий қатламда учма-уч бириктиришбўлганда; 1,2- учма-уч бириктириш иккала қатламда бўлганда ёки фақат юқори қатламда бўлиб, параметрлари қатламларнинг умумий бикирлиги бўйича ҳисобланган қопламанинг қалинлиги бўйича қабул қилинган; K_1 – икки қаватли қопламанинг юқори қатламида, қуий қатлам бурчаклари ва чоклари тепасида тўпланадиган букувчи моментларни ҳисобга олади.

22.6. Темирбетон қопламаларини ҳисоблаш.

22.6.-жадвал

B_H/B_B	K_1	B_H/B_B	K_1
0	1,20	4	2,00
0,15	1,04	5	2,25
1	1,25	6	2,50
2	1,50	7	2,75
3	1,75	8	3,00

Темирбетон қопламаларининг ҳисобий чегарвий холати учун мустахкамлик ва дарзларнинг очилиш бўйича чегаравий холати қабул қилинган.

Ҳисоблаш натижасида қоламанинг шундай қалинлиги ва арматуралар сони тўпланадики, улар таъсирида чегаравий холат юзага келмасин. Чўзувчи ва букувчи кучланишлар букувчи момент таъсирида юзага келгани учун чегаравий холатлар усулининг асосий шартларини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$M_p < M_{np}; \quad a_t < [a_t]$$

бу ерда M_p - ҳисобий букувчи момент; M_{np} - плитанинг ҳисобий кесимидағи чегаравий букувчи момент; a_t - плитанинг ҳисобий кесимидағидарзларнинг кенгайиш эни; $[a_t]$ - дарз кенгайишининг чегаравий эни, 0,3 мм.


Ҳисобий букувчи моментни, плитани ХК си ғилдирагидан учта нуқтага тушадиган юклама таъсирига ҳисоблаб аниқланади; плита марказига, четига ва бурчагига. Биринчи холатда мусбат букувчи моментларнинг аҳамияти катта, уларга қараб плита ўртасида қўйи арматуранинг кесими ҳисобланади. Юклама плита четига тушганда плита четига параллел ётқизилган қўйи арматура кесими ва унга перпендикуляр жойланган юқори арматура кесими ҳисоблаб топилади. Манфий букувчи момент орқали (юклама плита бурчагига тушишидан ҳосил бўлади) юқори арматуранинг умумий кесими аниқланади; арматура кучкўйилган жойда кесишиади. Бир қатламли темирбетон қатламларининг турли зоналаридаги букувчи моментнинг ҳисобий қўйматлари қўйидагича топилади:

$$M_p = M_{\max}^{\ddot{o}} \rho k_N$$

бу ерда $M_{\max}^{\ddot{o}}$, R - (22.6), (22.7) формулаларга қаранг;

ρ - ўтиш коэффициенти, 28.6-расмдан олинади.

Ҳисобий букувчи моментни ҳисоблаб топиш учун зарур плитанинг бикирлигини аниқлашда темирбетон кесимларини бир жинсли деб қараб бўлмайди. Эскплутация жараёнида темирбетон қопламалар чўзилиш зўнасида дарзлар билан ишлайди, улар плитанинг бир жинсли кесимининг бикирлигини пасайтиради. Темирбетон кесим бикирлигини аниқлашда дарзлар плитанинг тагида ҳам (мусбат букувчи моментлар таъсирида), юқорисида ҳам (манфий букувчи моментлар таъсирида) пайдо бўлишини эътиборга олиш керак.



22.14-расм . Темирбетон плиталарини ҳисоблаш схемаси.

Дарзлари кенгайиб ишлайдиган темирбетон кесимларнинг бикирлиги үйидаги формулалардан топилади:

$$B = \frac{E_a F_a}{\Psi_a} \left(h_o - \frac{x}{3} \right) (h_o - x)$$

бу ерда F_a -чўзилган арматуранинг кесим юзаси;

E_a –арматуранинг эластиклик модули;

h_o - кесимнинг ишчи баландлиги;

χ – кесимнинг сиқилган қисми баландлиги;

$$\begin{aligned}\chi &= (-\theta + \sqrt{\theta^2 + 2\theta}) h_o; & \theta &= \frac{E_a}{E_\delta} - \frac{\psi_\delta}{\Psi_a} \mu_a; \\ h_o &= h - 3 - d/2 & M_a &= F_a/b h_o\end{aligned}$$

бу ерда ω_δ - дарзлар орасидаги участка кесимининг сиқилган қиррасидаги энг четки тола деформациясининг нотекис таксимланишини хисобга олувчи коэффициент; l_a/h (l_a – арматуранинг кўрилаётган кесимга параллел қадами) нисбатга қараб аниqlанади:

ℓ_a/h	0,5	0,75	1,0	1,25	1,5	ва ундан ортик
ψ_δ	0,79	0,67	0,59	0,63	0,48	

Ψ_a - чўзилган зонада, дарзлар орасидаги бетон ишини хисобга олувчи коэффициент; қоплама мустахкамлигига хисобланганда 0,2 га teng, дарзларнинг кенгайишига хисобланганда 1,0 га teng қабул қилинади.

Темирбетон кесимлари учун чегаравий букувчи момент (22.14-расм):

$$M_{np} = m F_a R_a Z_1$$

бу ерда m - ишлаш шарти коэффициенти

$$Z_1 = h_0 - \frac{x}{3}$$

Хисобий юкламалрда, темирбетон кесимларидаги дарзларнинг кенгайиши эни:

$$a_T = \frac{\sigma_a}{E_a} l_T$$

бу ерда σ_a - арматурадаги кучланиш.

$$\sigma_a = M_p / (F_a \cdot Z_1)$$

E_a –арматуранинг эластиклик модули; ℓ_T – дарзлар орсидаги масофа.

$$\ell_t = k_1 \frac{F_a}{S_a} \frac{E_a}{E_\sigma} \eta$$

S_a - арматура кесимининг периметри; k_1 –коэффициент; қуйидаги топилади:

$$k_1 = \frac{\hat{a}h^2 E_a}{3,5F_a z_1 E_a} - 2$$

η -коэффициент; даврий профиллиарата арматура учун 0,7; совук холда чўзиб ишлатилган сим тўр (пайвантланган) учун 1,25.

Арматуранинг коррозияси олдини олиш учун дарзларниг чегаравий кенгайиши 0,3 мм дан ортиқ олинмайди.

22.7. Аэроромларни реконструкция қилишда мавжуд қопламаларни кучайтиришни ҳисоблаш

Бикир қопламаларнинг кучайтирувчи қатламни ҳисоблаш назарий жиҳатдан, икки қатламли бикир қопламаларни ҳисоблашга қарагандамураккаброқ масала. Бу холда ҳисобий схема эластик асос устида ётган икки қатламли плита сифатида қаралади; унинг исталган учтаскасига ХК таянчларидан юклама тушиши мумкин. Бунда қатламлар бир-бирига илашадими йўқми, қуи қатлам плиталарида дарзлар борми-йўқми, бўлса-сони нечта эканлиги ҳисобга олинади. Тўла бўлмаган бундай хос хусусиятлар масалани назарий жиҳатдан ечишни яна мураккаблаштиради. Шунинг учун бикир қопламаларнинг кучайтирувчи қатламини ҳисоблаш усуаллари тажриба ва назарий маълумотлардан кенг фойдаланишга асосланган.

Аэроромнинг бикир қопламасини кучайтирувчи қатламни ҳисоблашда қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$M_p \leq M_{np}$$

бу ерда M_p, M_{np} - юқори (ейилувчи) қатламдаги ҳисобий ва чегаравий букувчи моментлар

Монолит бетон ва армабетон қопламаларни худди шундай қатлам билан кучайтирганда, унинг ҳисобий букувчи моментини, чоклари устма-уст тушмаган, икки қатламли қопламанинг юқори қатлами каби ҳисобланади. Бунда мавжуд қопламанинг (пастки қатлам) ҳисобий қалинлиги емирилиш тоифасига боғлиқ бўлади (22.11-жадвал)
(h_c -мавжуд қолпама қалинлиги)

	I	II	III
Емирилиш тоифаси			
Мажуд қопламанинг			
ҳисобий қалинлиги	h_c^*	$0,9h_c^*$	$0,8h_c^*$

Емирилиши IV тоифа бўлган мавжуд қоплама эластиклик модули 600 МПа бўлган сунъий асос сифатида фойдаланилади.

Монолит темирбетон қопламани монолитбетон ёки армабетон қоплама билан кучайтирилганда мавжуд темирбетон қопламани ҳисоблашларда армабетон сифатида қабул қилинади.

Олдиндан зўриқтирилган йигма ва монолит бетон ва армабетон қопламаларни олдиндан зўриқтирилган йигма темирбетон плиталар билан кучайтирилганда, кучайтирувчи қатламдаги момент қуйидаги ҳисобланади:

$$M_{p,v} = \frac{k_x k_1 M_{\max}^u}{1 + B_n / B_B}$$

Мавжуд темирбетон қопламани монолит темирбетон қатлам билан кучайтирганда, кучайтирувчи қатламдаги ҳисобий букувчи момент қуйидаги ҳисобланади:

$$M_{p, b} = \frac{k_x k M_{max}^u}{1 + B_n / B_B}$$

Бу ерда M_{max}^u - умумий бикирлиги $B_h + B_B$ бўлган чексиз плитадаги энг катта букувчи момент; k_x - 22.7-жадвалдан аниқланадиган коэффициент; k - ортотроп плиталардаги ички кучларнинг қайта тақсимланишини хисобга ладиган коэффициент (22.8-расмдаги графикдан олинади); B_h, B_B - қопламанинг пастки (мавжуд) ва устки қатламларнинг бикирлиги; k -22.6-расмдан аниқланадиган коэффициент.

Мавжуд бикир қопламани кучайтириш учун асфальтбетон қатламнинг зарур қалинлиги:

$$h_{ab} = \sqrt{\hat{A}_a / \hat{A}_{ad}} (h_{OD} - h_c) \geq h_{a, min}$$

бу ерда h_{tp} - берилган хисобий юклама учун зарур бўлган бир қатламли бетон қоплама қалинлиги; h_e - юк кўтариш қобилияти мавжуд қопламага эквивалент бетон қопламасининг қалинлиги; қуйидагича қабул қилинади (қопламалар бўйича): бетон $h_e = h_p$; армабетон $h_e = 1,1h_p$; темирбетон, зўриқтирилмаган арматурали, арматуралаш фоизига қараб: $0,25h_e = 1,1h_p$; $0,30h_e = 1,2h_p$; $0,35h_e = 1,32h_p$; $0,40h_e = 1,41h_p$; олдиндан зўриқтирилган йиғма ва монолит $h_e = 1,6h_p$; $h_{a, min}$ - асфальтбетон кучайтириш қатламининг энг кам қалинлиги; E_b, E_{ab} -бетон ва асфальтбетоннинг эластиклик модуллари; h_p - мавжуд қопламанинг хисобий қалинлиги.

Бир қатламли бетон қопламанинг зарурий қалинлигини аниқлашда материаллар тавсифи, чок ва учма-уч туташмалар турларини мавжуд қопламанини сингари қабул килиш керак; динамилик коэффициенти K_d 15 % га камайтирилади (22.2-жадвалдаги қийматларга нисбатан); иш шароитлари коэффициентига тузатиш коэффициенти X_w киритилади (22.13-расмдаги графикдан аниқланади).

Бикир бўлмаган қопламаларни кучайтириш хисоби янгидан лойи-ҳаланаётган қоплама ва асоснинг конструктив қатламлари, уларнинг ҳолати хисобга олинади.

Бикир бўлмаган қопламани бикир қатлам билан кучайтирилганда мавжуд қатлам сунъий мустаҳкамланган асос қабул қилинади, унинг ўртача эластиклик модули:

$$E_{cp} = \frac{\sum h_i E_i k_i}{\sum h_i}$$

бу ерда h_i - бикир бўлмаган конструктив қатламлар қалинлиги; E_i - уларнинг эластиклик модули; k_i - эластиклик модулини камайтирувчи коэффициент (22.7.- жадвалдан олинади).

22.7.- жадвал

Материал тури	Хисобий ҲК нинг бош таянчлари колеяси зонасидаги емирилиш турлари	k_i
Боғловчилар билан ишлов берилган материаллар	Қатлам материали-бир жинсли, мустаҳкам ва ейилмаган Қопламларнинг у ер –бу ерида бир-икки дарзлар (кўндаланг, бўйлама ва қоплама)	1.00 0.90
	Қоплама деформацияси, кўп дарзлар кўринишида, улар гоҳо бир-бири билан уланиб кетган (кўндаланг, бўйлама, киялама) Қоплама кучли деформацияланган; дарзлар тўри кўринишида; дарз узунлиги 0,5-0,6м (йўл энида) Ўша, зич дарзлар кўринишида; йўл энидаги узунлиги 0.15-0.2 см; дарз жойларда чўкишлар	0.80 0.60 0.50
Тош материаллар, боғловчи билан ишлов берилмаган	Чақиқ (майда) тош материали сифати дастлабкисидан фарқ қилмайди ёки хизмат муддати 2 йилдан кам Чақиқ (майда) тош қатламда эзилган жойлар бор (5-10%); ички ейилиш кузатилади ёки тош қатламда 2 мм. гача майдалари (10% гача) кўринади Қатламда эзиб ташланган чақиқ тошлар 15-20% ёки қатламда 2 км.гача майда тошлар бор 15-20% Эзиб ташланган чақиқ тошлар миқдори 25-30%	1.00 0.90 0.70 0.50

Кум қатламлар	Тоза қум; фильтрланиш коэффициенти дастлабкисига тeng	1.0
	Кум бироз ифлосланган, фильтрланиш коэффициенти дастлабкисидан 20-25 % кам	0.80
	Кум балчиқ босган, грунт билан қисман аралашыб кетган	0.50

Изоҳ: Бикир бўлмаган қопламаларда колея зонасига хисобий XК нинг бош таянчи ўқидан икки томонга 2,5км кияликтаги қоплама участкалари киради.

Кириш	1
1 – боб. Ҳаво трассалари ва фуқаро авиацияси аэропортлари	1
1.1. Аэропортнинг қисмлари ва уларнинг вазифаси.....	1
1.2. Ҳаво трассалари, аэропортлар ва аэродромларни таснифлаш.....	2
1.3. Аэропортдаги транспорт амаллари ва технологик жараёнининг умумий тавсифи....	3
2 – боб. Аэропортларнинг режавий ечимларини асослаш.....	5
2.1. Аэропортнинг бош планига ва техник хизмат ҳудудларига талаблар.....	5
2.2. Аэропортнинг вазиятлар режаси.....	6
2.3. Аэродром ҳудуд ва ҳаводан кириб келиш тасмалари	7
3-боб. Аэродромнинг учиш полосаларини лойиҳалаш	8
3.1. Учиш полосаларининг элементлари ва уларнинг вазифалари	8
3.2. Учиш-қўниш тасмаларининг узунлигини аниқлаш	11
3.3.Стандарт ҳисобий шароитларда ҳаво кемасининг кўтарилиш учун зарур бўлган учиш полосаси узунлигини аниқлаш	13
Учиш-қўниш тасмаси энини тайинлаш	15
Грунтли учиш-қўниш тасмаси энини аниқлаш хусусиятлари	15
Учиш-қўниш тасмалари йўналишининг шамоллар режимига боғлиқлиги	16
4-боб. Аэродромнинг учиш-қўниш тасмалари ва аэропортларнинг үтказувчанлик қобилияти	17
4.1. Аэропортнинг үтказувчанлик қобилиятини баҳолашда тизимли ёndoшиш.....	17
4.2. УҚТ ларининг ҳисобий үтказувчанлигини баҳолаш бўйича умумий қоидалар	18
5-боб. Руллаш йўллари ва перронни, ҳаво кемалари тўхташ жойларини loyiҳalash	18
5.1. Руллаш йўллари, перронлар ва ТЖ ларини режалашга бўлган умумий талаблар	18
5.2. Руллаш йўллари тармоғини режалаш	20
5.3. Руллаш йўлларининг эни ва улар орасидаги масофа	20
5.4. Аэродромда ҳаво кемалари туриш жойлари сонини аниқлаш	21
5.5. Ҳаво кемаларини туриш жойларига қўйиш	22
5.6. Пассажир перронларини аниқлаш	23
5.7. Махсус майдончалар.....	23
6-боб. Аэропортларни режалашнинг асосий тамойиллари	24
6.1. Аэропорт режасини лойиҳалаш тамойиллари	24
6.2. Аэропортларни режалашнинг принципиал схемалари	24
7-боб. Аэропорт маъмурий-техник ҳудудининг бош режаси	26
7.1. Аэропортнинг МТҲ ни зоналаш ва бино иншоотларини гурухлаш тамойиллари	26
8-боб. Аэропортларнинг атроф муҳитини муҳофaza қилиш	27
8.1. Атроф муҳитни мутни муҳофазалаш бўйича умумий талаблар	27
8.2. Авиация шовқинлари даражасини баҳолаш ва меъёrlаш	28
8.3. Аэропорт атрофидаги авиация шовқинини баҳолаш усуслари.....	29
8.4. Шовқиндан ҳимоя қилиш бўйича муҳандис-қурилиш ва эксплуатация тадбирлари..	29
8.5. Электромагнит нурланиш билан кураш.....	31
8.6. Атроф ерларни ер юзида оқадиган сувлар билан ифлосланишдан сақлаш.....	31
9-боб. Аэродромларни вертикал режалашга қўйиладиган талаблар.....	31
9.1. Вертикал режалашни лойиҳалаш хақида умумий тушунчалар.....	31
9.2. Аэродром юзаси рельефига талаблар.....	34
9.3. Рельефни тасвирлаш ва аэродромнинг вертикал режасини лойиҳалаш усуслари.....	37
10-боб. Аэродромнинг грунт юзаларини вертикал режалашни лойиҳалаш.....	39
10.1. Аэродромнинг грунтли юзаларининг горизонталлар билан тасвирланган режелашда нуқсонли участкаларни аниқлаш.....	39
10.2. Аэродромларнинг грунт юзаларини горизонталлар усули билан вертикал режалашни loyiҳalash.....	46

10.3. Аэродромларнинг грунт юзалари вертикал режасини рақамли белгилар усули билан лойиҳалаш.....	48
10.4. Аэродромларнинг грунт юзалирининг вертикал режани рақам белгилар билан лойиҳалаш.....	53
11-боб. Аэродромларнинг сунъий қопламаларини вертикал режалашни лойиҳалаш	54
11.1. Сунъий қопламаларини вертикал режалашни лойиҳалаш хусусиятлари.....	54
11.2. Қоплама юзасининг баландлик ҳолати ва кўндаланг профили.....	56
11.3. Қопламаларнинг бўйлама профилини лойиҳалаш	57
11.4. Сунъий қопламалар юзасини лойиҳалаш.....	59
11.5. Сунъий қопламалар қисмлари юзаси рельефини тузиш.....	60
12-боб. Тупроқ ҳажмини аниқлаш. Аэродромни вертикал режалаш лойиҳасини Расмийаштириш.....	61
12.1. Тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаш усуллари	61
12.2. Гумус қатламни, юзага чим қоплаш мұхити сифатида сақлаш	64
12.3. Тупроқ суриш лойиҳаси. Вертикал режалаш лойиҳасини расмийлаштириш.....	66
13-боб. Учиш майдони грунтининг сув режими ва сув қочириш ва дренаж тадбирлари.....	70
13.1. Грунтларнинг сув режими хақида асосий маълумотлар.....	70
13.2. Иқлимий районлаштириш.....	71
13.3. Аэродром грунтларининг турли даражада ўта намланиши ва сувни қочириш бўйича муҳандислик чоралари.....	73
14-боб. Аэродромларда сув қочириш ва дренаж тизимлари	74
14.1. Ер усти ва ерости сувларини жиловлаш бўйича муҳандислик тадбирлари.....	74
14.2. Сунъий қопламаларнинг сув қочириш ва дренаж тизимлари.....	77
14.3. Учиш майдонининг грунт қисмida сув қочириш ва дренаж тизимлари.....	84
15-боб. Сунъий қопламаларнинг турлари.....	89
15.1. Сунъий қопламаларга асосий талаблар.....	89
15.2. Сунъий қопламаларнинг конструктив қатламлари.....	89
15.3. Қопламалар таснифи ва уларни конструкциялаш бўйича умумий қоидалар.....	90
16 – боб. Бикр қопламалар.....	93
16.1. Бикр қопламаларни конструкциялаш тамойиллари.....	93
16.2. Бетон қопламалар.....	95
16.3. Темирбетон ва армобетон қопламалар.....	100
16.4. Олдиндан кучлантирилган монолит темирбетон қопламалар.....	103
16.5. Аввалдан кучлантирилган темирбетон плиталардан йиғилган қопламалар.....	105
16.6. Аэродромларни қайта қуришда мавжуд бикр қопламаларни кучайтириш.....	108
17-боб. Бикир бўлмаган қопламалар.....	109
17.1 Аэродромнинг бикир бўлмаган қопламаларини конструкциялаш тамойиллари.....	109
17.2. Асфальтбетон қопламалар.....	111
17.3. Шимдириш усули билан қуриладиган чақиқ тошли қопламалар.....	114
17.4. Майда ва чақиқ тошларни аралаштириш усули билан қурилган қопламалар.....	115
17.5. Оддий қопламалар.....	117
17.6. Мустахкамлиги кам тошлар ва саноатнинг ёрдамчи маҳсулотларидан қоплама қуриш.....	119
17.7. Аэродромларни қайта қуришда мавжуд нобикир қопламаларни кучайтириш.....	121
18-боб. Грунтли учиш тасмалари.....	121
18.1.Грунтли учиш тасмаларига талаблар.....	121
18.2. Учиш майдонининг грунтли юзасида чим қоплама.....	122
19– боб. Ҳаво кемаларининг аэродром қопламаларига таъсири.....	126
19.1. Ҳаво кемалари ғилдиракларининг қопламага таъсири.....	126
19.2. Аэродром қопламаларига таъсир этадиган горизонтал кучлар.....	131
19.3 Қопламага ҳаво оқимлари ва реактив двигателлар чиқинди газларининг таъсири.....	133

19.4. Аэрором қопламасининг турли участкаларига ҳаво кемалари таъсири хусусиятларини ҳисобга олиш.....	134
19.5. Аэроромнинг учиш-қўниш тасмалари қопламаларига тушадиган ҳисобий юкламалар.....	136
20.боб. Аэрором асосларидағи грунтларнинг иши.....	137
20.1. Грунтлар ҳолатини йил давомида ўзгариши.....	137
20.2. Қоплама асосида намликтининг қишида қайта тақсимланиши ва кўпчиш жараёни.....	139
21- боб. Аэроромларнинг бикир бўлмаган қопламалари мустаҳкамлигини ҳисоблаш.....	139
21.1. Бикир бўлмаган қопламалар мустаҳкамлигининг мезони.....	139
21.4. Қопламанинг бириктирилган қатламларидаги чўзувчи кучланишларни текшириш...	145
22-боб. Аэроромларнинг бикир қатламлари мустаҳкамлигини ҳисоблаш.....	145
22.1. Табиий омиллар ва юкламалар таъсир этганда қопламалар иши.....	146
22.2. Бикир қопламлар мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг асосий қоидалари.....	147
22.4. Бикир қопламанинг плиталарида харакатдан кучланишлар.....	148
22.5. Бетон ва армобетон қисимларини ҳисоблаш.....	152
22.6. Темирбетон қопламаларини ҳисоблаш.....	155
22.7. Аэроромларни реконструкция қилишда мавжуд қопламаларни кучайтиришни ҳисоблаш.....	157